ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИ

# ИҚТИСОДИЁТ
# ВА
# ТАЪЛИМ

4

2017

Тошкент

№4
4/2017

Илмий журнал
Научный журнал
Scientific magazine

# ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАЪЛИМ

**Муассис:**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

**Таҳрир кенгаши раиси:**

Ходиев Баходир Юнусович – и.ф.д., профессор

**Таҳрир кенгаши**

Абдурахмонов Қаландар Ходжаевич – и.ф.д., профессор
Бегалов Баходир Абдусаломович – и.ф.д., профессор
Бекмуродов Адхам Шарипович – и.ф.д., профессор
Болтабаев Махмуджон Рустамович – и.ф.д., профессор
Набиев Дилмурод Хамидуллаевич – и.ф.д., профессор
Содиқов Авазбек Мадаминович – и.ф.д., профессор
Ғайибназаров Баходир Каримович – и.ф.д., профессор
Ражаббаев Шароф Рахимбердиевич - и.ф.н., доцент

**Таҳрир ҳайъати**

Беркинов Бозорбой – и.ф.д., профессор
Йўлдошев Нуриддин Қурбонович – и.ф.д., профессор
Нишанбай Сиражиддинов – и.ф.д., профессор
Рашидов Октам Юнусович – и.ф.д., профессор
Тошматов Шухрат Амонович – и.ф.д., профессор
Умурзаков Баходир Хамидович – и.ф.д., профессор
Усманов Анвар Саидмахмудович– и.ф.д., профессор
Эргашходжаева Шахноза Джасуровна – и.ф.д., профессор
Ғофуров Убайдулла Вахобович – и.ф.д., доцент
Мустафакулов Шерзод Игамбердиевич – и.ф.н., доцент
Насретдинова Шахноза Саидакмаловна – ф.-м. ф. н., доцент
Урманов Низамиддин Тулаганович – и.ф.н., доцент
Хакимов Рашид Хамдамович – и.ф.н., доцент
Ташматов Рустам Хусанович– и.ф.н., доцент

ISSN 2010-6130

№4
04/2017

Илмий журнал
Научный журнал
Scientific magazine

**Бош муҳаррир:**
Абдувалиев А.А. - и.ф.н.

**Бош муҳаррир ўринбосари:**
Рустамов Б.М.

**Масъул котиб:**
Турсунов М.Б.

**Адабий муҳаррир:**
Караев М.Ю.

**Мусаҳҳиҳ:**
Абдуллаева М.С.

**Техник муҳаррир ва саҳифаловчи:**
Турсунов М.Б.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссияси томонидан иқтисодий фанлар йўналиши бўйича олиб борилаётган тадқиқотларнинг натижалари асосида ёзиладиган илмий мақолаларни нашр этишга тавсия этилган оммавий ахборот воситалари жумласига киритилган.

Журнал саҳифаларида чоп этилган материаллардан фойдаланилганда “Иқтисодиёт ва таълим“ илмий журналидан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририят тақдим этилган мақолаларни тақриз қилиш ва қайтариш мажбуриятини олмаган. Мақолада келтирилган далиллар ва маълумотлар учун муаллиф жавобгар.

Веб-сайт манзили: http://economedu.uz/
E-mail: economedu@cedr.uz

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 02-0041-сон билан рўйхатга олинган.

ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАЪЛИМ

# Мундарижа


## ТАРМОҚЛАР ИҚТИСОДИЁТИ
## ОТРАСЛЕВАЯ ЭКОНОМИКА

**Зокиров Ш. Э.** Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш борасидаги хориж тажрибаси.................... 7

**Зубайдуллаев А.** Қорамолчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш.................... 13

**Юсупов А.С.** Основные направления обеспечения устойчивого развития и продовольственной безопасности в Узбекистане.................... 17

## БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ
## БУХГАЛТЕРСКИЙ УЧЕТ, ЭКОНОМИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ И АУДИТ

**Эргашева Ш. Т.** Современные информационные технологии в национальных традициях бюджетного учета.................... 22

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ
## ЭКОНОМИКА СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА

**Hasanov Sh.T., Muratov Sh.A.** G'allachilikda yer-suv resurslaridan foydalanish samaradorligi tahlili.................... 26

## КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК
## МАЛЫЙ БИЗНЕС И ЧАСТНОЕ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВО

**Вохидова М.Х., Разаков Х.К.** Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз стратегик ривожининг асосий йўналишларидан бири.................... 31

**Сирожиддинов И., Ҳожибоева И.В.** Ҳудудларда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш имкониятларидан самарали фойдаланиш .................... 36

**Muratov R.S., Tursunov M.B.** Prospects of development of foreign economic relations in small business and private entrepreneurship.................... 40

## РЕКРЕАЦИЯ ВА ТУРИЗМ
## РЕКРЕАЦИЯ И ТУРИЗМ

**Safarov B.Sh.** Turistik xizmatlar bozori istiqbolini aniqlashning innovatsion usullari.................... 46

## ҲУДУДЛАР ИҚТИСОДИЁТИ ВА МИНТАҚАВИЙ ИҚТИСОДИЁТ
## ЭКОНОМИКА РЕГИОНОВ

**Ташматов Р.Х.** Ўзбекистон ер ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари.................... 56

**Акбарова К.А.** Минтақавий иқтисодий интеграциялашув жараёнларига нисбатан назарий қарашлар.................... 62

## МЕҲНАТ ИҚТИСОДИЁТИ
## ЭКОНОМИКА ТРУДА

**Бобаназарова Ж.Х.** Аёллар бандлигини оширишнинг самарали механизмлари.................... 66

**Анарқулов Ф.А.** Инсон ресурсларини бошқариш самарадорлигини баҳолаш усуллари.................... 71

**Тоғаев С.С., Тўрабеков С.Ш.** Банк кредитларини ажратиш орқали аҳолининг бандлигини таъминлаш масалалари.................... 76

## ИННОВАЦИЯ ВА ИНВЕСТИЦИЯ
## ИННОВАЦИИ И ИНВЕСТИЦИИ

**Зайнутдинов Ш. Н., Нуримбетов Р. И., Маманазаров О. Ш.** Минтақаларнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш йўллари (Қуйи Амударё минтақаси мисолида)........ 82

**Обломуродов Н.Н.** Логистика марказларини ташкил этиш бўйича инвестиция лойиҳалари ва уларнинг аҳамияти ........ 88

**Мустафоқулов О.А.** Минтақанинг инвестициявий муҳити ва иқтисодий жозибадорлигини оширишнинг илғор хорижий тажрибалари........ 93

**Худойбердиев М.Ў.** Макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда инвестициянинг роли ва аҳамияти ........ 98

## МАРКЕТИНГ
## МАРКЕТИНГ

**Абдухалилова Л. Т., Алимходжаева Н. Э.** Корхоналар ўртасидаги рақобат шароитида стратегик маркетингни ривожлантириш масалалари........ 103

**Бобохўжаев Б.Н.** Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида товарлар ассортименти бўйича маркетинг бошқаруви тизимини ташкил этиш тамойиллари........ 109

## ТОВАР ВА ХИЗМАТЛАРНИНГ ЖАҲОН БОЗОРИ
## МИРОВОЙ РЫНОК ТОВАРОВ И УСЛУГ

**Шарипов Ф.Ғ.** Жаҳон савдо ташкилотига бирлашишнинг ижобий ва салбий томонлари........ 113

## САНОАТ ИҚТИСОДИЁТИ
## ЭКОНОМИКА ПРОМЫШЛЕННОСТЬ

**Маҳмудов М.Ф.** Республика саноатини ривожлантиришда Қашқадарё вилоятининг тутган ўрни ва вилоят саноати ривожланиш тенденциясининг ўзигахосхусусиятлари........ 118

## КОРХОНА ИҚТИСОДИЁТИ
## ЭКОНОМИКА ПРЕДПРИЯТИЯ

**Астанакулов О.Т.** Корхонанинг экспорт салоҳиятини ошириш – тараққиёт омили........ 125

## ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
## ОБРАЗОВАНИЕ, НАУКА И ПРОИЗВОДСТВО

**Эшпўлатов К.А.** Таълим тизимининг самарадорлигини ошириш йўллари.... 131

**Дусмуратов Р.Д.** Илм-фан соҳасида мукаммалликка эришишнинг аҳамияти 135

**Рахмонов Н.** Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда таълим хизматлари бозорининг ўрни........ 138

**Исхакова С.А.** Образование как фактор экономического роста........ 142

## БАНК ИШИ
## БАНКОВСКОЕ ДЕЛО

**Бердиназаров З.У.** Валюта курси шаклланишининг моделлари ва улардан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш масалалари........ 147

**Дускобилов У.Ш.** Ўзбекистон монетар сиёсатининг замонавий ривожланиш тенденциялари........ 160

## МОЛИЯ ВА СОЛИҚЛАР
## ФИНАНСЫ И НАЛОГИ

**Холиқов У.Р., Турсунов Ғ.П.** Фонд бозорининг моҳияти ва хусусиятлари......... 166

**Каюмов Р.И., Байтурсунова А.А.** Фундаментальные подходы к активизации инвестиционной деятельности на фондовом рынке Узбекистана.................. 171

## ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ
## ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ

**Қурбонов Ж.Қ.** Миллий иқтисодиёт самарадорлигини оширишнинг хориж тажрибаси ........................................................................................................ 177

**Алладустов. Р. Д.** Халқаро молиявий инқирозда ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётига мавқейи.......................................................... 182

## ЁШ ОЛИМ МИНБАРИ
## ТРИБУНА МОЛОДОГО УЧЕНОГО

**Шаропова Н.Р.** "Маркетинг" фанини ўқитишда талабаларнинг мустақил ишлаш фаолиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари...................... 189

**Мажидова А. Д.** Чиқиндиларни қайта ишлаш боғлиқ муаммолар ва унинг ечимлари.......................................................................................................... 194

**Karimova Kh.** Increasing the competitiveness of agri-food industry through examination of influencing factors and policies (In case of Uzbekistan agro-business)........................................................................................................ 201

# ТАРМОҚЛАР ИҚТИСОДИЁТИ
# ОТРАСЛЕВАЯ ЭКОНОМИКА

## ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ БОРАСИДАГИ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

**Зокиров Шухрат Эркиналиевич**

Кичик илмий ходим, ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий- тадқиқот маркази

***Аннотация.*** Мақолада барқарор ривожланишга эришишда энергиянинг қайта тикланувчи манбаларидан фойдаланишнинг роли ёритилган. Дунё энергия истеъмоли таркибида қайта тикланувчи энергия манбалари улушининг бугунги ҳолати ва келажакда ундан оптимал фойдаланишнинг истиқболлари ўрганилган.

***Таянч тушунчалар:*** барқарор ривожланиш, энергия истеъмоли, қайта тикланувчи энергия манбалари, энергия самарадорлиги, қуёш энергияси, шамол энергияси, биомасса, геотермал энергия, сув энергияси.

***Аннотация.*** В статье освещена роль использования возобновляемых источников энергии в достижении устойчивого развития. Изучены текущее состояние и перспективы оптимального использования возобновляемых источников энергии в структуре энергопотреблении мира.

***Ключевые слова:*** устойчивое развитие, потребление энергии, возобновляемые источники энергии, энергоэффективность, солнечная энергия, ветровая энергия, биомасса, геотермальная энергия, гидроэнергия.

Жаҳонда энергияга бўлган талабнинг ошишига таъсир кўрсатувчи бош омил – бу мамлакатларнинг иқтисодий ўсишини кўрсатувчи ЯИМнинг ортишидир. АҚШ Энергетика ахборот маъмурияти (U.S. Energy Information Administration) ва АҚШ Энергия департаменти (U.S. Department of Energy) томонидан ҳар йили чоп этиладиган “Халқаро энергетика прогнозлари” (International Energy Outlook) ҳисоботининг 2016 йилдаги таҳлил натижаларига кўра, 2012-2040 йиллар мобайнида дунё ЯИМнинг ўртача йиллик 3,3% га ўсиши прогноз қилинмоқда. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD)га аъзо бўлмаган давлатларда ЯИМнинг ўртача йиллик ўсиши 4,2 фоизни ташкил қилса, OECD мамлакатларида бу кўрсаткич 2,0 фоиз ни ташкил қилиши прогноз қилинмоқда. OECD мамлакатлари рўйхатига кирмайдиган давлатларнинг ЯИМ ва энергия истеъмоли жуда тез ўсади. Энергия истеъмоли таркибида қайта тикланувчи энергия манбалари жадал суръатларда ошиб боради. Дунёда қайта тикланувчи энергия манбаларининг истеъмоли 2012-2040 йилларда энг тез ўсиб, йиллик ўртача 2,6 фоиз ни ташкил қилади [1].

Инсониятнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини ва иқлим ўзгаришлари туфайли вужудга келаётган экологик муаммоларнинг жиддийлашувини юмшатиш кўпчилик дунё мамлакатларининг “барқарор ривожланиш” концепциясини қабул қилишига олиб келади. “Барқарор ривожланиш” концепциясининг жаҳон мамлакатлари ўртасида консенсус даражасига кўтарилиши ва охир-оқибатда мамлакатлар энергетик ресурсларининг чекланганлиги қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш кўламини янада оширади.

БМТнинг Атроф-муҳит дастури ва Франкфурт мактабининг Иқлим ва барқарор энергияни молиялаштириш бўйича Ҳамкорлик маркази таҳлиллари шуни кўрсатади-ки, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш кўламини ошириш ва ривожлантиришга киритилган инвестициялар ҳажми нефть, кўмир ва газ нархининг тушишига қарамай 2015 йилда 285,9 млрд. АКШ долларини ташкил қилган ҳолда, рекорд даражагача кўтарилган [2].

Саноатлашиш жараёнида глобал энергияга талабнинг ошиб бориши шароитида қайта тикланувчи энергия манбаларисиз барқарор ривожланишга эришиб бўлмайди. АҚШ Энергия департаменти маълумотларига кўра, дунёда энергия истеъмоли 2012 йилда 13,8 млрд. т.н.э.га тенг бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2012-2040 йилларда ўртача йиллик 1,4 фоизга ўсиб, 2040 йилда 20,5 млрд. т.н.э.га етиши прогноз қилинмоқда (1-жадвал). Бу глобал энергия балансида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишнинг аҳамиятини янада оширади.

**1-жадвал**

**2012-2040 йилларда дунёда энергия истеъмоли, давлатлар гуруҳлари бўйича, $10^{15}$ BTU [3]**

| Ҳудудлар | 2012 й. | 2020 й. | 2025 й. | 2030 й. | 2035 й. | 2040 й. | 2012-2040 йилларда ўртача йиллик ўзгариш, % |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| OECD | 238 | 254 | 261 | 267 | 274 | 282 | 0,6 |
| Америка қитъаси | 118 | 126 | 128 | 131 | 134 | 138 | 0,6 |
| Европа | 81 | 85 | 87 | 90 | 93 | 96 | 0,6 |
| Осиё | 39 | 43 | 45 | 46 | 47 | 48 | 0,8 |
| OECDга аъзо бўлмаган давлатлар | 311 | 375 | 413 | 451 | 491 | 533 | 1,9 |
| Европа | 51 | 52 | 55 | 56 | 58 | 58 | 0,5 |
| Осиё | 176 | 223 | 246 | 270 | 295 | 322 | 2,2 |
| Ўрта Шарқ | 32 | 41 | 45 | 51 | 57 | 62 | 2,4 |
| Африка | 22 | 26 | 30 | 34 | 38 | 44 | 2,6 |
| Америка қитъаси | 30 | 33 | 37 | 40 | 43 | 47 | 1,5 |
| Дунё | 549 | 629 | 674 | 718 | 766 | 815 | 1,4 |

Изоҳ: BTU (British thermal unit) - Британия иссиқлик бирлиги. 1 BTU=2.52 * 10-8 т.н.э. 2012 йил амалдаги, 2020-2040 йиллар прогноз кўрсаткичлари.

Бугунги кунда дунёда энергия истеъмолининг 19,3 фоизи қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш ҳисобига қондирилмоқда. Жаҳон амалиётида қайта тикланувчи энергиянинг асосан қуйидаги манбаларидан фойдаланилмоқда: қуёш, шамол, сув, тўлқин, биомасса, геотермал, сув сатҳининг кўтарилиши ва тушиши замиридаги энергиялар. Глобал сўнгги энергия истеъмолида қайта тикланувчи энергиянинг асосан анъанавий биомасса (9,0%), биомасса, геотермал ва қуёш энергияси (4,2%) ва сув электр энергияси (3,6%) манбаларидан фойдаланилади (1-расм).




***1-расм. Глобал сўнгги энергия истеъмолида қайта тикланувчи энергия манбаларининг улуши (2015 йил) [4]***

Сўнгги йилларда дунё электр энергияси ялпи ишлаб чиқаришида қайта тикланувчи энергия манбаларининг улуши тобора ортиб бормоқда. БМТнинг Атроф-муҳит ташкилоти (United Nations Environment Programme), Америка тараққиёт банки (Inter-American Development Bank – IDB) ва нуфузли ташкилотлар томонидан ҳар йили чоп этиладиган "Қайта тикланувчи энергия манбалари" халқаро ҳисоботининг 2017 йилги сонида келтирилган таҳлилларга кўра, 2016 йил якунига кўра глобал электр энергияси ишлаб чиқаришнинг 75,5 фоизи қайта тикланмайдиган, 24,5 фоизи қайта тикланувчи, шу жумладан, 16,6 фоизи – сув электр станциялари (ГЭС), 4,0 фоизи – шамол, 2,0 фоизи – биоёқилғи, 1,5 фоизи – қуёш ва 0,4 фоизи геотермал ва бошқа энергия манбалари улушига тўғри келди [5]. Бугунги кунда электр энергияси ишлаб чиқаришда қайта тикланувчи энергия манбалари ҳисобига юқори улуш тўғри келаётган ҳудудлар қаторига Лотин Америкаси (50 фоиздан ортиқ), Шимолий Америка (25 фоиздан ортиқ) ва Европа (30 фоиздан ортиқ) киради. Мазкур кўрсаткичнинг энг паст даражаси эса Ўрта Шарқ мамлакатларига тўғри келади, ушбу давлатларда табиий ёқилғи ресурсларининг кўплиги туфайли электр энергияси ишлаб чиқаришда қайта тикланувчи энергия манбаларининг улуши бор-йўғи 2-3 фоизни ташкил қилади (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Электр энергиясини ишлаб чиқаришда қайта тикланувчи энергия манбаларининг улуши (ГЭСларни ҳисобга олган ҳолда) [6]**

| Ҳудуд | 2005 й. | 2010 й. | 2015 й. |
|---|---|---|---|
| Африка | 16,9% | 17,4% | 18,9% |
| Осиё | 13,9% | 16,1% | 20,3% |
| МДҲ | 18,0% | 16,7% | 16,1% |
| Европа | 20,1% | 25,7% | 34,2% |
| Лотин Америкаси | 59,3% | 57,7% | 52,4% |
| Ўрта Шарқ | 4,3% | 2,0% | 2,2% |
| Шимолий Америка | 24,0% | 25,8% | 27,7% |
| Тинч океани мамлакатлари | 17,9% | 18,6% | 25,0% |

Халқаро қайта тикланувчи энергия агентлиги (International Renewable Energy Agency – IRENA) томонидан чоп этиладиган "Қайта тикланувчи энергия қувватлари статистикаси" ("Renewable Capacity Statistics") ҳисоботининг 2017 йилги сонида келтирилишича, дунё бўйича ишлаб чиқарилаётган қайта тикланувчи энергия манбаларининг умумий қуввати 2007-2016 йилларда ўртача йиллик 6-7 фоизга ўсишга эришиб, 2016 йилда 2007 йилга нисбатан қарийб 2 баробарга ошган ҳолда 2 млн МВт ни ташкил қилган. Қайта тикланувчи энергия манбаларининг умумий қувватлари бўйича Хитой, АҚШ, Бразилия, Канада, Япония, Россия, Ҳиндистон, Германия, Испания, Норвегия, Франция каби саноати ривожланган мамлакатлар етакчилик қилмоқда. Ўзбекистон қайта тикланувчи энергия манбаларининг умумий қуввати эса, 2016 йил маълумотларига кўра, Осиё мамлакатлари умумий қувватининг 0,2 фоизини ташкил қилиб, Осиёнинг Бангладеш, Бутан, Бруней, Туркманистон, Афғонистон, Камбожа, Монголия, Молдова, Непал, Сингапур каби давлатларидан юқори кўрсаткичга эга [7]. 2007-2016 йиллар мобайнида қайта тикланувчи энергия манбалари умумий қувватининг ўртача йиллик ўсиш суръати энг юқори бўлган давлатлар қаторидан Хитой (14,9%), Германия (10,9%), Ҳиндистон (7,9%), АҚШ (5,6%) жой олган (3-жадвал).

Европа Иттифоқининг статистик хизма-ти ҳисобланган Евростат (Eurostat)нинг маълумотларига кўра, ИҲТТ (OECD) мамлакатларида умумий энергия истеъмоли-да қайта тикланувчи энергия манбаларининг улуши 2014 йилда 22,6 фоизни ташкил қилган бўлса, 2020 йилга бориб бу кўрсаткич 24,8 фоизни ташкил қилиши прогноз қилинмоқда. Агар дунё бўйича умумий энергия истеъмолида қайта тикланувчи энергия манбаларининг улуши 2014 йилда  ўртача - 19,2 фоизни ташкил қилган бўлса, Европа Иттифоқи давлатларида эса ушбу кўрсаткич 16,0 фоизни ташкил қилди. Европа Иттифоқи таркибига кирмаган Исландия ва Норвегиянинг энергетика балансида қайта тикланувчи энергия манбаларининг улуши жуда юқори бўлиб, 2014 йилда мазкур кўрсаткич ушбу икки давлатда мос равишда 77,1 фоиз ва 69,2

фоизни ташкил қилди. Таҳлиллар Европа Иттифоқининг Швеция, Латвия, Финляндия, Австрия, Дания, Хорватия, Португалия, Эстония, Руминия, Литва, Словения каби давлатларида умумий энергия истеъмолида қайта тикланувчи энергия манбаларининг улуши дунё бўйича ўртача кўрсаткичдан юқори эканлигини кўрсатди (2-расм).

**3-жадвал**

**Айрим давлатларда қайта тикланувчи энергия манбаларининг умумий қуввати, МВт [8]**

| | 2007 й. | 2008 й. | 2009 й. | 2010 й. | 2011 й. | 2012 й. | 2013 й. | 2014 й. | 2015 й. | 2016 й. |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Дунё | 1094352 | 1164288 | 1251978 | 1348000 | 1456665 | 1570533 | 1697567 | 1833501 | 1985074 | 2006202 |
| Хитой | 157272 | 188061 | 227521 | 267189 | 305310 | 339416 | 399613 | 454007 | 519748 | 545206 |
| АҚШ | 131520 | 140211 | 151536 | 158207 | 167162 | 183714 | 191804 | 203499 | 219343 | 214766 |
| Бразилия | 83513 | 84862 | 85319 | 89543 | 92851 | 96885 | 101024 | 107719 | 114220 | 122951 |
| Канада | 76929 | 78462 | 79782 | 81010 | 83014 | 83380 | 85421 | 90584 | 93357 | 96636 |
| Япония | 54726 | 55381 | 56004 | 57869 | 60219 | 62564 | 69734 | 79600 | 90089 | 71809 |
| Россия | 46715 | 46809 | 46940 | 47062 | 47156 | 48678 | 50308 | 51727 | 51960 | 51747 |
| Ҳиндистон | 45953 | 50065 | 52679 | 56345 | 61927 | 66337 | 70039 | 75236 | 82117 | 90748 |
| Германия | 41911 | 46012 | 53490 | 62569 | 72797 | 82882 | 90638 | 97664 | 104978 | 105839 |
| Испания | 34692 | 39168 | 42319 | 44854 | 46566 | 49067 | 50169 | 50419 | 51451 | 47954 |
| Норвегия | 29417 | 29941 | 30100 | 30270 | 30665 | 31399 | 32035 | 32287 | 32408 | 32746 |
| Франция | 28983 | 30144 | 31592 | 33908 | 36568 | 38634 | 39935 | 41788 | 44274 | 44666 |
| Тожикистон | 4069 | 4070 | 4740 | 4740 | 4850 | 4848 | 4853 | 4963 | 4963 | 4638 |
| Қирғизистон | 3011 | 3011 | 3011 | 3131 | 3131 | 3131 | 3131 | 3131 | 3131 | 2955 |
| Қозоғистон | 2343 | 2353 | 2358 | 2364 | 2516 | 2669 | 2682 | 2682 | 2805 | 2855 |
| Ўзбекистон | 1630 | 1630 | 1630 | 1746 | 1746 | 1746 | 1746 | 1761 | 1761 | 1763 |




*Изоҳ: 2014 йил амалдаги кўрсаткичлар. 2020 йил прогноз кўрсаткичлари.*

***2-расм. OECD мамлакатларида умумий энергия истеъмолида қайта тикланувчи энергия манбаларининг улуши [9]***

Энергиянинг қайта тикланувчи манбаларидан фойдаланиш кўламини ошириш зарурияти кўндаланг қўйилаётганлиги яқин 25 йилликда ушбу энергия манбаларининг энергетика балансидаги бугунги улушини қарийб 2,5 баробарга оширади. Агар глобал энергия истеъмолида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишнинг улуши 2001 йилда 13,6 фоизни ташкил қилган бўлса, бугунги кунда у ўртача 19,3 фоизни ташкил қилмоқда, яқин келажакда, хусусан, 2020 йилда ушбу кўрсаткич 23,6 фоизни, 2040 йилга бориб эса 47,7 фоизни ташкил қилиши прогноз қилинмоқда. 2001 йилда қайта тикланувчи энергия манбалари таркибида асосий улушни биомасса (79,1%), геотермал (3,2%) ва сув (2,4%) энергиялари ташкил қилган бўлса, 2020 йилга бориб асосий улушни биомасса (60,4%), сув (12,1%), шамол (9,0%), геотермал (6,3%) ва қуёш (2,2%) энергиялари ташкил қилади (4-жадвал).

**4-жадвал**

**Глобал қайта тикланувчи энергия истеъмолининг 2040 йилгача прогнозлар кўрсаткичлари [10]**

| | 2001 й. | 2010 й. | 2020 й. | 2030 й. | 2040 й. |
|---|---|---|---|---|---|
| Умумий истеъмол, млн. т.н.э. | 10038 | 10549 | 11425 | 12352 | 13310 |
| Биомасса | 1080 | 1313 | 1791 | 2483 | 3271 |
| Сув энергияси | 32,2 | 285,0 | 358,0 | 447,0 | 547,0 |
| Геотермал энергия | 43,2 | 86,0 | 186,0 | 333,0 | 493,0 |
| Қуёш энергияси | 4,1 | 15,0 | 66,0 | 244,0 | 480,0 |
| Шамол энергияси | 4,7 | 44,0 | 266,0 | 542,0 | 688,0 |
| Фотоэлектрик энергия | 0,1 | 2,0 | 24,0 | 221,0 | 784,0 |
| Тўлқин энергияси | 0,05 | 0,1 | 0,4 | 3,0 | 20,0 |
| Умумий қайта тикланувчи энергия манбаълари, млн. т.н.э. | 1365,5 | 1745,5 | 2964,4 | 4289,0 | 6351,0 |
| Умумий энергия истеъмолида қайта тикланувчи энергия манбаларининг улуши, % | 13,6 | 16,6 | 23,6 | 34,7 | 47,7 |

Халқаро қайта тикланувчи энергия агентлиги (International Renewable Energy Agency - IRENA) ўзининг 2015 йилда чоп этилган “Энергияни қайта тиклаш” (“Rethinking Energy”) ҳисоботидаги таҳлилларда 2014 йилда қайта тикланувчи энергия соҳасига йўналтирилаётган инвестицияларнинг йиллик ҳажми 277 млрд. долларни ташкил қилганлиги, 2015-2020 йилларда ушбу кўрсаткич йиллик ўртача 410 млрд. долларга ва 2021-2030 йиллар мобайнида эса камида ўртача йиллик 600 млрд. долларга етиши прогноз қилинган [11].




***3-расм. 2015-2020 йилларда дунёнинг қайта тикланувчи энергия манбаларига ажратиладиган инвестициялар, млрд. АҚШ долл. [12]***

Яқин келажакда дунёнинг қайта тикланувчи энергия манбаларига ажратиладиган инвестицияларнинг асосий қисми қуёш ва шамол энергиясини ишлаб чиқариш соҳасига тўғри келади. Хусусан, 2015-2020 йилларда қайта тикланувчи энергия ишлаб чиқаришга ажратилган йиллик ўртача 413 млрд. доллар миқдоридаги инвестициянинг 35 фоизи қуёш энергияси ва 34 фоизи шамол энергиясини ишлаб чиқаришга ажратилиши прогноз қилинмоқда (3-расм).

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш кўламини оширишга қаратилган сиёсат мамлакатлар "барқарор ривожланиш" концепциясининг асоси сифатида мамлакатлар энергия самарадорлигини ошириш, энергия тақчиллигига барҳам бериш, иқтисодий ўсишни таъминлаш, давлатларнинг халқаро даражадаги энергетик қарамлигини камайтиришга хизмат қилади.

Дунё энергетика балансида қайта тикланувчи энергия манбалари улушининг ошиб бориши инсониятнинг тобора ошиб бораётган энергияга бўлган эҳтиёжини қондириш, табиий энергетика ресурсларининг келажак авлодлар учун сақланиб қолишини таъминлаш, уларнинг бутунлай тугашининг олдини олиш билан бир қаторда, сўнгги йилларда инсон томонидан атроф-муҳитга етказилаётган салбий таъсирлар туфайли жиддий тус олиб бораётган экологик муаммоларни юмшатиш, иқлим ўзгаришларининг олдини олиш каби кўплаб масалаларнинг ечимини топиш имконини беради.

***Манба ва адабиётлар:***


*1. U.S. Energy Information Administration. International Energy Outlook 2016. With Projections to 2040. –P. 1. https://www.eia.gov/outlooks/ieo/pdf/0484(2016).pdf*

*2. Frankfurt School-UNEP Centre/BNEF. 2016. Global Trends in Renewable Energy Investment 2016. –P. 11. http://fs-unep-centre.org/sites/default/files/publications/globaltrendsinrenewableenergyinvestment2016lowres_0.pdf*

*3. International Energy Outlook 2016. With Projections to 2040. U.S. Energy Information Administration Office of Energy Analysis U.S. Department of Energy Washington, DC 20585. May 2016. –P. 7-8.*

*4. Renewables 2017 Global status Report. REN21 Steering Committee. –P. 30.*

*5. Renewables 2017 Global status Report. REN21 Steering Committee. –P. 33.*
*http://www.ren21.net/wp-content/uploads/2017/06/170607_GSR_2017_Full_Report.pdf*

*6. World Energy Council. World Energy Resources 2016. – P. 9.*

*7. International Renewable Energy Agency (IRENA). Renewable Capacity Statistics 2017. – P. 2-4. http://www.irena.org/DocumentDownloads/Publications/IRENA_RE_Capacity_Statistics_2017.pdf*

*8. International Renewable Energy Agency (IRENA). Renewable Capacity Statistics 2016. –P. 1-4. Renewable Capacity Statistics 2017. – P. 2-4. http://www.irena.org/DocumentDownloads/Publications/IRENA_RE_Statistics_2016.pdf http://www.irena.org/DocumentDownloads/Publications/IRENA_RE_Capacity_Statistics_2017.pdf*

*9. Eurostat. Share of renewable energy in gross final energy consumption.*

*10. http://epp.eurostat.ec.europa.eu/tgm/download.do?tab=table&plugin=1&language=en&pcode=t2020_31*

*11. N.L. Panwara, S.C. Kaushik, Surendra Kothari. Role of renewable energy sources in environmental protection: A review. / Renewable and Sustainable Energy Reviews. №15 (2011) - P. 1513–1524. –P. 1514.*

*12. International Renewable Energy Agency (IRENA). REthinking Energy: Renewable Energy and Climate Change. 2015. –P. 18.*

*13. International Renewable Energy Agency (IRENA). REthinking Energy: Renewable Energy and Climate Change. 2015. –P. 19.*

*14. Carbon emissions remained stable in 2014 compared to 2013, while the global economy grew by 3%. IEA, "Global nergy-related Emissions of Carbon Dioxide Stalled in 2014," 13 March 2015. http://www.iea.org/newsroomandevents/news/2015/march/global-emissions-of-carbon-dioxide-stalled-in-2014.html.*

*15. UN. Report for the UN secretary-general "An action agenda for sustainable development". 2014. – P. 1-2.*

*16. United Nations Environment Programme and Intergovernmental Panel on Climate Change. Special Report on Renewable Energy Sources and Climate Change Mitigation. – P. 7.*

*17. UNIDO and Renewable Energy. Greening the Industrial Agenda. United Nations Industrial Development Organization. Vienna, 2009. –P. 4.*

# ҚОРАМОЛЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

**Зубайдуллаев Абдухамид**

Катта ўқитувчи, Самарқанд қишлоқ хўжалик институти

***Аннотация.*** Биз изланишлар объекти сифатида барча турдаги хўжаликларда охирги йилларда қорамолчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш самарадорлигини ўрганишни мақсад қилиб олдик.

***Таянч тушунчалар:*** устивор йўналишлар стратегияси, иқтисодий ўсиш суръатлари, рақобатбардошлик, барқарорлик, ҳаракатлар стратегияси, тармоқ самардорлиги.

***Аннотация.*** Объектом нашего исследования мы избрали эффективность мясной продукции во всех формах хозяйствующих субъектов

***Ключевые слова:*** стратегия приоритетных направлений развития, темпы экономического развития стабильноств, стратегия развития, отраслевая эффиктивность.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017 йилнинг 7 февраль куни “2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонини тасдиқлади. Стратегия лойиҳаси долзарб ҳамда аҳоли ва тадбиркорларни ташвишга солаётган масалаларни комплекс ўрганиш, қонунчилик, ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиёти ва хорижий тажрибани таҳлил қилиш якунлари бўйича ишлаб чиқилди. Ҳаракатлар стратегияси беш босқичда амалга оширилиб, уларнинг ҳар бири бўйича йил номланишидан келиб чиққан ҳолда алоҳида бир йиллик давлат дастурини тасдиқлашни назарда тутади. Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестицион муҳитни яхшилаш орқали хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва кафолатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, барча турдаги тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожига тўлиқ эркинлик бериш, «Агар халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кучли бўлади» деган принципни амалга ошириш ҳаракатлар дастурининг иқтисодиётни ривожлантириш бўлимининг асосий йўналишларидан биридир.

Чорвачиликнинг Ялпи ички маҳсулоти ичида қорамолчилик маҳсулотлари салмоғи 40 фоиздан кўпроқни ташкил қилади. Жамият озиқ-овқат базасининг энг асосий қисми, яратилаётган маҳсулотларнинг 90 фоизидан кўпроғи, шу тармоқнинг хусусий секторида жойлашган қисмида яратилади.

Мамлакатимиз аҳолиси турмуш даражасининг ўсиши билан чорвачилик маҳсулотларига бўлган талаб ҳам ошиб боради, уларни кўпайтириш имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш тармоқнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини янада оширишга шароит яратади.

1-жадвал

**Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган асосий қорамолчилик чорва маҳсулотлари**

| № | Маҳсулот турлари | 1991 й. | 2010 й. | 2016 й. | Аҳоли жон бошига, кг | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | 1991 й. | 2010 й. | 2016 й. |
| 1 | Барча турдаги ялпи гўшт (сўйилган вазнда), минг тонна | 800,2 | 2033,5 | 2171,8 | 23,6 | 69,8 | 67,5 |
| 2 | Сут, минг тонна | 3322 | 9028,2 | 9703,3 | 151 | 310 | 301,6 |

2016 йилда 1991 йилга нисбатан аҳоли жон бошига гўшт ишлаб чиқариш 286 фоизга кўпайган бўлса, сут ишлаб чиқариш 199,7 фоизга ошган. Демак, мустақиллик йилларида асосий чорва ялпи маҳсулотларини ишлаб чиқариш бир неча баробарга ўсганлиги кузатилади.

Қуйидаги 2-жадвалда асосий чорва моллари сонидаги ўзгаришлар келтирилган.

2-жадвал

**Ўзбекистонда асосий чорва молларнинг даврлар бўйича динамикаси (йилнинг боши ҳолатига кўра)**

| Чорва турлари | 1990 й. | 2010 й. | 2015 й. |
|---|---|---|---|
| Қорамол, минг бош | 4580,2 | 7919,8 | 10328,1 |
| Шу жумладан: сигир, минг бош | 1644,7 | 3338,3 | 3861,9 |

Ўзбекистонда ҳозир ривожлантирилаётган қора-ола, қизил чўл, швиц каби асосан зотдор сигирлардан бир йилда 3500-5000 кг сут ва оғирлиги 30 кг бир бош бузоқ олиш имконияти мавжуд. Лактация даврида ҳар бир сигирдан соғиб олинган ялпи сутнинг 5-6 фоизи унинг бузоғига сарфланса, қолган қисми 12-15 кишини илмий асосланган меъёрда сут ва қайта ишланган сут маҳсулот (ёғ, пишлоқ, қаймоқ, қатиқ ва бошқа)лари билан таъминлашга имконият яратади.

Мустақиллик йилларида бу соҳада маълум даражада натижаларга эришилди, яъни Ўзбекистонда қорамолларнинг сонини ва уларнинг маҳсулдорлигини ошириш, бинобарин, сут ва гўшт маҳсулотларини кўпайтиришга эришилди.

3-жадвал

**Қорамоллар ва сигирлар бош сонининг даврлар бўйича ўзгариши динамикаси**

| Йиллар | Жами қорамоллар | Шу жумладан | Жами қорамол бошига нисбатан сигирлар салмоғи, % |
|---|---|---|---|
| | | Сигирлар | |
| 1991 | 4580,9 | 1644,7 | 35,9 |
| 2010 | 7919,8 | 3338,3 | 42,1 |
| 2015 | 10328,1 | 3861,9 | 37,3 |

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, қорамоллар бош сони 2,25 маротабага ошган бўлса, сигирлар бош сони 2,35 маротабага ошган, шу йилларда сигирлар бош сони тезроқ кўпайган. Уларнинг жами қорамолларга нисбатан салмоғи ҳам ошган, бу эса тармоқда маҳсулдорликни ошишига олиб келувчи омиллардан бири ҳисобланади.

**4-жадвал**

**Ўзбекистон Республикасида хўжаликлар тоифалари бўйича асосий чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш**

| № | Кўрсаткичлар | Йиллар | | | 2013 йилда 2015 йилга нисбатан | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 2013 й. | 2014 й. | 2015 й. | +; | % |
| 1. | Гўшт, тирик вазнда, минг тонна | 1787,8 | 1906,3 | 2020,6 | 232,8 | 113,0 |
| | шу жумладан:<br>а) Қишлоқ хўжалик корхоналари | 48,5 | 50,7 | 52,17 | 3,67 | 107,5 |
| | б) Фермер хўжаликлари | 49,0 | 55,3 | 60,83 | 11,83 | 124,1 |
| | в) Деҳқон хўжаликлари | 1690,3 | 1800,3 | 1907,6 | 217,3 | 112,8 |
| 2. | Сут, минг тонна | 7885,5 | 8431,6 | 9003,3 | 1117,8 | 114,1 |
| | шу жумладан:<br>а) Қишлоқ хўжалик корхоналари | 52,7 | 58,4 | 63,4 | 10,7 | 120,3 |
| | б) Фермер хўжаликлари | 285,6 | 308,6 | 392,6 | 107 | 137,4 |
| | в) Деҳқон хўжаликлари | 7547,2 | 8064,6 | 8547,3 | 1000,1 | 113,2 |

**5-жадвал**

**Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалиги корхоналарида гўшт ва сут ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари динамикаси**

| № | Кўрсаткичлар | Йиллар | | | 2013 йилда 2015 йилга нисбатан | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 2013 й. | 2014 й. | 2015 й. | +; | % |
| 1. | Ишлаб чиқарилган гўшт, ц. | 1114120 | 1264930 | 2444120 | 1330000 | 219.4 |
| 2. | Жами қилинган харажат, млн. сўм. | 473491 | 912392 | 1761341 | 1287850 | 370 |
| 3. | Жами олинган пул даромади, млн. сўм. | 515248 | 1010413 | 1952112 | 1436864 | 380 |
| 4. | Кўрилган фойда (+) ёки зарар (-), млн.сўм. | 41757 | 98021 | 190771 | 149014 | 4,5 марта |
| 5. | 1 ц. гўштнинг таннархи, сўм. | 424991,0 | 721298 | 720644 | 295653 | 169,6 |
| 6. | 1 ц. гўштни сотиш баҳоси, сўм | 462470,8 | 798789,6 | 798697 | 336227 | 172,7 |
| 7. | 1ц гўштдан олинган фойда, сўм | 37479,8 | 77491,2 | 78053,0 | 40573,2 | 208,2 |
| 8. | Рентабеллик (+) ёки Зарарлилик (-), % | 8,8 | 10,7 | 10,8 | 2,0 бандга | |
| 1. | Ишлаб чиқарилган сут, ц. | 6960720 | 7452088 | 11323100 | 4362380 | 162.6 |
| 2. | Жами қилинган харажат, млн. сўм. | 547287 | 601018 | 971071 | 423784 | 177.4 |
| 3. | Жами олинган пул даромади, млн. сўм. | 591661 | 655439 | 1062647 | 470986 | 180 |
| 4. | Кўрилган фойда (+) ёки зарар (-), млн.сўм. | 44374 | 54421 | 91576 | 47202 | 206,3 |
| 5. | 1 ц. сутнинг таннархи, сўм. | 78625,0 | 80650,9 | 85760 | 7135 | 109,0 |
| 6. | 1 ц. сутни сотиш баҳоси, сўм | 84999,9 | 87953,7 | 93847,7 | 8847,8 | 110,4 |
| 7. | 1 ц. сутдан олинган фойда, сўм | 6374,9 | 7302,8 | 8087,7 | 1712,8 | 126,8 |
| 8. | Рентабеллик (+) ёки зарарлилик (-), % | 8,1 | 9,05 | 9,43 | 1,33 бандга | |

Маълумотларга кўра, таҳлил қилинган сўнгги уч йил ичида мамлакатимизда қорамол гўшти ишлаб чиқариш 113.,0% га ошган бўлса, сут ишлаб чиқариш эса 114,1 фоизга кўпайган, шуни таъкидлаш керакки, ушбу маҳсулотларнинг ўсиши айниқса фермер хўжаликларида бошқа ишлаб чиқарувчиларга нисбатан кўпроқни ташкил қилиши қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган модернизация жараёнларининг тўғри йўлга қўйилганидан далолат беради.

Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалиги корхоналарида гўшт ва сут ишлаб чиқаришнинг ҳолатини қуйидаги маълумотлардан кўриш мумкин.

Маълумотлардан кўриб турганимиздек, вилоятда таҳлил қилинган 2013-2015 йиллар давомида қорамолчиликда гўшт ҳамда сут ишлаб чиқариш ҳажми ортиб борган, шунингдек маҳсулотларни сотиш баҳоларининг таннархга нисбатан кўпроқ ўсиши тармоқда рентабеллик даражасининг 2015 йилда гўшт ишлаб чиқаришда 10,8 фоиз ва сут ишлаб чиқаришда 9,43 фоиз бўлишини таъминлади.

Кўпроқ, сифатлироқ ва арзонроқ қорамолчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда сотишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш учун қуйидаги омилларни ҳисобга олиш зарур:

1. Сигирлардан олинадиган сут миқдорини ва бузоқлар сонини кўпайтириш учун уларнинг турли хил озуқаларга бўлган эҳтиёжини илмий асосланган рационлар бўйича мунтазам қондириш лозим.

2. Гўшт подасининг кунлик ўсиши, ўртача тирик ва сўйилган вазни, шунингдек бошқа маҳсулдорлик кўрсаткичлари ҳам ривожлантирилаётган зотларнинг потенциал имкониятидан 30-35 фоизга паст бўлмоқда. Натижада уларни озиқлантириш муддатлари чўзилиб кетади ва барча харажатлар самарадорлиги пасаяди;

3. Ривожланаётган иқлим шароитига мослашган қорамолларнинг зотдорлик белгиларини сақлаш ва янада мустаҳкамлаш мақсадида селекция ва наслчилик ишларини юқори даражада ташкил этиш, жумладан, сунъий урчитиш устунликларидан тўлароқ фойдаланиш талаб этилади.

***Манба ва адабиётлар:***


*1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Фармони. «Халқ сўзи», 2003 йил 25 март.*

*2. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. Тошкент, «Ўзбекистон», 1995 йил.*

*3. Исмоилов А.Қ, Муртазаев О. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. –Т.: Молия, 2005.*

*4. Исмоилов У., Жаббаров Ш. Чорвачилик-тўкинлик манбаи//Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. –Тошкент, 2013. -№9. -3-4-б.*

*5. Фармонов Т.Х. Фермер хўжаликларини ривожлантириш истиқболлари. - Т.: Фан, 2004.*

*6. Умурзоқов У.Т., Тошбоев А.Ш., Тошбоев А.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. -Т.: Иқтисод-Молия, 2008*

## ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ОБЕСПЕЧЕНИЯ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ И ПРОДОВОЛЬСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ

**Юсупов Асомиддин Соатович**

К.э.н., старший научный сотрудник-исследователь, Ташкентский государственный экономический университет

***Аннотация.*** Мазкур мақолада миллий иқтисодиётни эркинлаштириш ва мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви жараёнида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг долзарблиги, унинг назарий-концептуал асослари, шунингдек Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ривожланиш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг амалий жиҳатлари ва асосий йўналишлари илмий тадқиқ этилган. Мамлакатда қўшилган қийматга эга озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини янада кенгайтириш орқали унинг экспорт салоҳиятини ошириш бўйича муаллифнинг шахсий нуқтаи-назари баён қилинган ҳамда фойдали тавсиялари ишлаб чиқилган.

***Таянч тушунчалар:*** барқарор тараққиёт, иқтисодиётни эркинлаштириш, озиқ-овқат хавфсизлиги, миллий иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар.

***Аннотация.*** В данной статье, в условиях либерализации национальной экономики и интеграции страны в мировое сообщество, исследованы научные и теоретико-концептуальные основы актуальности обеспечения продовольственной безопасности, а также изучены практические аспекты и основные направления обеспечения устойчивого развития и продовольственной безопасности в Узбекистане. Высказана личная точка зрения автора и разработаны его полезные рекомендации по повышению экспортного потенциала продовольственной продукции с добавленной стоимостью путем дальнейшего расширения их производства.

***Ключевые слова:*** устойчивое развитие, либерализация экономики, продовольственная безопасность, структурные изменения в национальной экономике.

Западные исследователи рассматривают экономическую безопасность как реализацию стабилизационной экономической политики. По их мнению, это особенно важно в условиях глобализации, защиты национальных интересов, достижения производственной, энергетической продовольственной инфраструктурной независимости [9].

Для стран с переходной экономикой характерно обострение экономической и институциональной нестабильности, что представляет собой источник внутренних угроз экономической безопасности. Тогда как в развитых странах с достаточно эффективно структурированной рыночной экономикой, где поддерживается макроэкономическая стабильность и обеспечивается экономический рост.

В последнее десятилетие функционирование мировой экономической системы все в большей мере подвергается влиянию процессов глобализации и транснационализации. Эти процессы в значительной мере определяют тенденции развития мировой и национальной экономики.

В данных обстоятельствах особое значение приобретает обеспечение экономической безопасности государства, гарантирующее благосостояние отдельного индивидуума и устойчивое развитие всей нации [10].

Процесс глобального реформирования экономики в нашей стране приобретает социальную ориентацию, приводит к необходимости разработки механизмов эффективного взаимодействия всех секторов экономики в решении социальных проблем, создания адекватной экономической и правовой базы для формирования новых субъектов социальной политики.

Проблема обеспечения продовольственной безопасности становится не только вопросом научно-теоретических дискуссий, но и объектом действий исполнительных и законодательных ветвей власти на всех уровнях управления.

За истекшие годы независимости в Республике Узбекистан сделаны решительные шаги в осуществлении принципиально важных реформ, направленных на:

- достижение нашей главной цели – выйти на уровень развитых демократических государств

мира с сильной социально ориентированной экономикой, обеспечивающей достойный уровень и качество жизни наших людей;

• обеспечение глубоких структурных преобразований;

• надежной защиты интересов и обеспечении приоритетной роли частного предпринимательства и малого бизнеса, что принципиально предусмотрено в нашей Конституции;

• поступательного сокращения присутствия государства в экономике Узбекистана.

Введен принцип приоритета прав предпринимателей в их взаимоотношениях с государственными, правоохранительными и контролирующими органами.

В более чем 40 нормативно-правовых актов [11] внесены изменения и дополнения, связанные с упрощением и облегчением создания и осуществления деятельности субъектов предпринимательства.

Проводимые работы по улучшению делового климата находит свое позитивное отражение в рейтингах деловой среды международных экономических организаций. В частности [3]:

• по рейтингу «Ведение бизнеса», Узбекистан в мире занимает 87-е место;

• по критериям «поддержка нового бизнеса» – 42-е место;

• по обеспечению исполнения заключенных договоров – 32-е место;

• по эффективности системы банкротства экономически несостоятельных предприятий – 75-е место;

• по индикатору «предоставление кредитов субъектам малого бизнеса» – 42-е место.

Как отмечено в докладе Всемирного банка, Узбекистан в настоящее время входит в первую десятку стран мира, которые за последние годы достигли наилучших результатов в области улучшения деловой среды для предпринимательской деятельности.

Благодаря принимаемым мерам доля [4] малого бизнеса и частного предпринимательства в валовом внутреннем продукте (ВВП) страны:

• в настоящее время составляет – 56,7 %;

• а в 2000 году была – 31 процента.

В ней сегодня:

• трудится более 77 % всего занятого населения;

• производится треть всей промышленной и 98% сельскохозяйственной продукции.

Кроме того, в 2015 году Узбекистан стал одной из 14 стран, получивших награды за достижение Целей развития тысячелетия в области обеспечения продовольственной безопасности государствами-членами Продовольственной и сельскохозяйственной организации ООН (ФАО).

В этом же плане стоит отметить, что и глубокие структурные изменения происходят в сельском хозяйстве. Несмотря на продолжающийся мировой финансово-экономический кризис, в 2015 году валовой внутренний продукт вырос на 8, а продукции сельского хозяйства – почти на 7%.

Несмотря на сложные погодные условия, благодаря усилии фермеров и дехкан, в республике выращивается:

• более 7 миллионов 500 тысяч тонн зерна,

• и более 3 миллионов 350 тысяч тонн хлопка.

Следует отметить, что полученные высокие урожаи обеспечены в основном за счет интенсификации сельскохозяйственного производства. Средняя урожайность пшеницы по стране достигла 55 центнеров с гектара, а в отдельных районах она составила 60-77 центнеров с гектара.

А также в республике ускоренными темпами развиваются такие отрасли сельского хозяйства, как:

• плодоовощеводство;

• садоводство;

• виноградарство;

• животноводство.

В данное время Узбекистан имеет высокий сельскохозяйственный ресурсный потенциал и производит более 17 млн. тонн плодоовощной продукции в год. Из них экспортируется более 4 млн. тонн.

Производимые в стране объемы плодоовощной продукции позволяют обеспечивать не только потребность населения республики, но и поставлять высококачественную продукцию на рынки зарубежных стран.

Традиционно большим спросом на внешних рынках пользуются: виноград свежий и сушеный, гранат, черешня, дыни и арбузы, абрикосы и персики, сливы и яблоки, томаты, лук, капуста, а также многие другие виды плодоовощной продукции.

Рост стоимость экспорта плодоовощной продукции относительно его объема является свидетельством высокого качества продукции, производимой в Узбекистане, а также возрастающего спроса на нее на мировом рынке.

Если ранее республика традиционно поставляла плодоовощную продукцию в основном в Россию и Казахстан, то в последние годы спрос на узбекскую продукцию значительно вырос как на рынках Европы, так и Азии.

В настоящее время под продовольственной безопасностью понимают обеспечение всех людей и социальных групп населения той или иной страны мира физическим и экономическим доступом к безопасной, достаточной в количественном и качественном отношении пище, необходимой для ведения активной и здоровой жизни [5].

Как показывает мировой опыт, обеспечение изобилия внутреннего рынка в каждой стране становится приоритетной задачей перед государством и обществом.

Продовольственная безопасность страны – неотъемлемая часть ее национальной безопасности. Улучшение обеспечения населения продуктами питания представляет собой важную социально-экономическую задачу, решение которой имеет огромное значение для Узбекистана.

Запас продовольственной продукции обеспечивается в результате расширения посевных площадей, внедрения в практику современных агротехнологий.

Благодаря ученым Научно-исследовательского института садоводства, виноградарства и виноделия имени академика М.Мирзаева создана более 40 высокоурожайных сортов фруктов и винограда.

Также селекционерами Узбекского научно-исследовательского института овоще-бахчевых культур и картофеля были выведены:

• 41 созревающих за разные сроки высокоурожайных, высококачественных и стойких к заболеваниям овощей,

• 5 сортов бахчевых культур,

• 6 сортов картофеля.

За последние 5 лет на основе современных агротехнологий на площади 32 тысячи гектаров созданы интенсивные фруктовые сады.

В соответствии с постановлением Президента страны «О мерах по совершенствованию системы закупок и использования плодоовощной продукции, картофеля и бахчевых культур» от 12 апреля 2016 года намечена задача по устойчивому обеспечению внутреннего рынка данной продукцией, а также дальнейшему расширению экспорта.

По государственному заказу начиная с 2016 года будет закуплено 4 миллиона 77 тысяч тонн [14] овощей и фруктов, картофеля, бахчевой и виноградной продукции. Часть будет переработана, часть – экспортирована, остальная часть – запасена на зимне-весенний период.

Определяя основные приоритеты обеспечения продовольственной безопасности и содействия устойчивому развитию сельского хозяйства в Узбекистане, мы не можем не учитывать серьезные проблемы, возникающие в связи с продолжающимся глобальным кризисом, резким сокращением спроса, неопределенностью и существенно возросшей жесткой конкуренцией на мировых рынках, падением темпов роста производства и всеми вытекающими отсюда последствиями, коснувшимися большинства государств в мире.

В этой связи непростые проблемы, стоящие перед нами до 2030 году, диктуют необходимость:

• осуществление глубоких структурных преобразований в экономике;

• непрерывное технологическое и техническое обновление производства;

• модернизации и диверсификации промышленности;

• а также постоянный поиск внутренних резервов.

На наш взгляд, важнейшим направлением реализации наших внутренних резервов и возможностей должно стать:

• поэтапное увеличение глубины переработки отечественных сырьевых ресурсов минерального и растительного происхождения, которыми богата наша земля;

• а также расширение объемов и номенклатуры производства продукции с высокой добавленной стоимостью.

Иначе говоря, само время требует перейти на последовательные 3-4-стадийные циклы переработки сырья в востребованную на мировом рынке продукцию по схеме: базовое сырье, первичная переработка (полуфабрикаты), готовые материалы для промышленного производства, готовая продукция для конечного потребления.

Рост производства современной готовой продукции с высокой добавленной стоимостью, востребованной на внешних рынках, в свою очередь станет основой устойчиво высоких темпов роста ее экспорта.

Однако она требует кардинально нового программного комплексного подхода и иметь конкретную программу глубокой переработки, рассчитанную на 2020, 2025, 2030 годы.

Исходя из глубокого анализа тенденций развития мировой экономики, в Узбекистане поставлена целевая задача:

– увеличить к 2030 году объем валового внутреннего продукта страны не менее чем в 2 раза, так как за истекшие 12 лет среднегодовые темпы роста ВВП в стране составили не менее 8 процентов.

– обеспечить ускоренный рост промышленности и довести ее долю в ВВП с 33,5 до 40 процентов;

– снизить долю сельского хозяйства с 16,6 до 8-10 процентов.

Для того, чтобы обеспечить устойчивого экономического роста в целом по стране, на наш взгляд принципиально важно в ближайшую перспективу дальнейшее углубление реформирования и структурных преобразований в сельском хозяйстве, эффективного использования земельных и водных ресурсов.

В настоящее время в республике идет поэтапное сокращение до 2020 года объема производства и государственных закупок хлопка-сырца с 3 миллионов 350 тысяч тонн до 3 миллионов тонн. исходя из ситуаций резкого падения цен и востребованности хлопкового волокна на мировом рынке в последние годы.

Следует отметить, что за счет сокращения производства хлопка-сырца на 350 тысяч тонн высвобождается порядка 170,5 тысячи гектаров поливных земель [13]. И при этом, как правило, высвобождаются земли с низким бонитетом, где урожайность хлопчатника не превышает 12-

15 центнеров с гектара – при средней достигнутой в стране урожайности 26,1 центнера с гектара. Высвобождаются в основном засоленные земли, а также земли в предгорных зонах, непригодных для возделывания хлопчатника.

Имело бы немаловажное значение, что на посевных площадях, освобождаемых из-под хлопчатника, в первую очередь высевать овощные культуры, в том числе картофель, кормовые, масленичные культуры, и создавать сады и виноградники.

По оценкам независимых экспертов, в результате оптимизации посевных площадей и внедрения современных агротехнологий к 2020 году предусматривается:

• довести объемы производства зерновых колосовых культур до 8,5 миллиона тонн с ростом на 16,4 процента;

• увеличить объем производства картофеля на 35 процентов;

• других овощей – на 30;

• плодов и винограда – на 21,5;

• мяса – на 26,2;

• молока – на 47,3;

• яиц – на 74,5 процента;

• рыбы – в 2,5 раза.

При этом надо учесть, что значительно и возрастут объемы экспорта этих видов продовольствия.

В условиях все более ужесточающийся конкуренции на мировых рынках приоритетное значение приобретает кардинальное повышение конкурентоспособности нашей экономики, усиление поддержки предприятий-экспортеров, всестороннее стимулирование участия в экспорте фермерских хозяйств, малого бизнеса и частного предпринимательства.

Именно в этих сферах имеется огромный, еще незадействованный потенциал. При этом следует иметь в виду, что, в отличие от промышленных предприятий-экспортеров, субъекты малого бизнеса освобождены от обязательной продажи банкам 50 процентов валютной выручки от экспорта своей продукции и сами должны быть заинтересованы в продвижении своей продукции на экспорт.

В первую очередь, следует еще раз критически пересмотреть систему льгот, предоставляемых экспортерам, принять дополнительные меры по дальнейшему упрощению таможенных процедур, сокращению сроков их осуществления и снижению тарифов на проведение внешнеторговых операций. Необходимо шире внедрять электронную форму оформления всех документов и разрешительных процедур, связанных с экспортом продукции.

Самого серьезного внимания заслуживает опыт работы Фонда поддержки экспорта субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства, созданного в 2013 году при Национальном банке внешнеэкономической деятельности. Это уникальная структура, которая призвана оказывать юридические, финансовые и организационные услуги субъектам предпринимательства по продвижению их товаров и услуг на внешние рынки.

В связи с этим считаем целесообразным усилить финансовые возможности Фонда за счет увеличения его уставного капитала, а также расширить его полномочия, функции и перечень предоставляемых им финансовых услуг, рассмотреть вопрос о создании в регионах республики его структурных подразделений.

Кроме того, считаем исключительно важным:

• развить инфраструктуры хранения выращенной сельскохозяйственной продукции для того чтобы обеспечивать население страны основными видами продовольственными товарами, расширять ее экспортные поставки, сохранять устойчивость цен.

• продолжить системную работу по обеспечению банковских, страховых, лизинговых, консалтинговых и других видов рыночных услуг и сервиса в селе как одного из самых важных факторов диверсификации деятельности сельскохозяйственных субъектов.

В современных условиях, в эпоху Интернета и электроники приоритетное значение имеет широкое внедрение современных информационно-коммуникационных технологий в отраслях экономики.

Не следует забывать, что развитие ИКТ напрямую влияет на уровень конкурентоспособности страны, позволяет собирать и обобщать огромные массивы информации, открывает широкие возможности для управления на стратегическом уровне.

Надо сказать, что уже сегодня на ИКТ приходится примерно 5,5 процента мирового ВВП, а по оценкам авторитетных международных экспертов к 2020 году этот показатель превысит 9 процентов.

К примеру, в Республике Корея доля сектора ИКТ в ВВП страны составляет свыше 11,8 процента, в Швеции – 7, США – 6,8 процента.

Несмотря на то, что в последние годы этот сектор нашей экономики развивается опережающими темпами, надо признать, что мы находимся только на начальной стадии – на долю ИКТ приходится лишь около 2 процентов ВВП [3].

Проанализировав все необходимые возможности и недостатки сельскохозяйственной сферы страны, неожиданно возникает вопрос: Каковы должны быть наши конкретные шаги и Что нам необходимо для успешного продвижения к выбранной нами цели?

Из моего опыта могу отметит, что устойчивое экономическое развитие и стабилизация социально-экономической жизни каждой страны, прямо завесит от решения проблем обеспечения продовольственной безопасности и содействия устойчивому развитию сельского хозяй-

ства.

Кроме того, проблемы поиска новых способов улучшения собственной жизни и обеспечения благосостояния семьи является и тем самым острым моментом решения проблем, касающихся жителей Узбекистана при привлечении их в активную социальную экономическую жизнь страны.

Важно осознать, что обеспечить экономическую безопасность Узбекистана в мировой экономике, в глобальном технологическом пространстве можно, лишь выбрав правильную стратегию развития национальных интересов.

На наш взгляд, в основе такой стратегии находится уровень развития науки и технологий. Ведь важнейшей характеристикой жизнеспособности экономики в современных условиях является состояние именно науки, передовых технологий, технологической базы, определяющих, в конечном счете, конкурентоспособность отечественной продукции. Степень их развития и использования все более становятся определяющим фактором в решении проблем безопасности и устойчивого развития государства, в том числе и Узбекистана.

***Источники и литература:***


*1.Постановления Президента Республики Узбекистан «О мерах по совершенствованию системы закупок и использования плодоовощной продукции, картофеля и бахчевых культур» от 12 апреля 2016 года // www.lex.uz*

*2.Постановление Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по поддержке экспорта субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства» от 8 августа 2013 года // www.lex.uz*

*3.Доклад Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова на расширенном заседании Кабинета Министров, посвященном итогам социально-экономического развития страны в 2015 году и важнейшим приоритетным направлениям экономической программы на 2016 год// Газета «Народное слово» // http://www.narodnoeslovo.uz/*

*4.Доклад Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на расширенном заседании Кабинета Министров, посвященном итогам социально-экономического развития страны в 2016 году и важнейшим приоритетным направлениям экономической программы на 2017 год // Газета «Народное слово»//http://www.narodnoeslovo.uz/*

*5.Буцай Екатерина Александровна. Теоритические основы обеспечения продовольственной безопасности страны. // УДК 332. Международный научный журнал «СИМВОЛ НАУКИ» №6/2016 ISSN 2410-700X.*

*6.Салимов Б.Т., Юсупов М.С., Юсупов А.С. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш. Ўқув-амалий қўлланма. – Т.: "Fan va texnologiya", 2015, -240 б.*

*7.Салимов Б.Т., Юсупов М.С., Юсупов А.С. Жаҳон аграр ва озиқ-овқат бозорларига интеграциялашув шароитида мева-сабзавот маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш. Монография. – Т.: IQTISODIYOT, 2014, -207 б.*

*8.Салимов Б.Т., Юсупов М.С., Юсупов А.С. Ўзбекистон агросаноат мажмуасининг жаҳон аграр ва озиқ-овқат бозорларига интеграциялашуви. Монография. – Т.: 2013. -147 б.*

*9.Мирсаидов, Мухаммаднаим Негматович. Теоретические основы обеспечения экономической безопасности в условиях глобализации : на материалах Республики Таджикистан : диссертация ... кандидата экономических наук : 08.00.01 / Мирсаидов Мухаммаднаим Негматович; [Место защиты: Рос.-тадж. славян. ун-т].- Душанбе, 2012.- 177 с.: ил. РГБ ОД, 61 12-8/3794*

*10.Дудоров Дмитрий Владимирович. Экономическая безопасность национального государства в процессе глобализации : диссертация ... кандидата экономических наук : 08.00.01.- Тамбов, 2007.- 171 с.: ил. РГБ ОД, 61 07-8/3955*

*11.http://www.lex.uz*

*12.http://webcache.googleusercontent.com/search*

*13.http://ru.sputniknews-uz.com/economy/20170106/4540685/Uzbekistan-uvelichit-export-ovoshei-i-fruktov-v-poltora-raza.html*

*14.http://ru.sputniknews-uz.com/world/20170301/4895662/rahmon-vystyplenie -na-sammite-stran-oes.html*

## СОВРЕМЕННЫЕ ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В НАЦИОНАЛЬНЫХ ТРАДИЦИЯХ БЮДЖЕТНОГО УЧЕТА


**Эргашева Шахло Тургуновна**

Кандидат экономических наук, Ташкентского Государственного экономического университета



***Аннотация.*** Ушбу мақолада бюджет тизимида бухгалтерия ҳисобининг юртилиши ва замонавий ахборот технологияларидан бюджет тизимида саамарали фойдаланиш масалалари- ёритилган



***Таянч тушунчалар:*** бюджет тизими, ғазначилик, бухгалтерия ҳисоби, назорат, ахборот технологиялари.



***Аннотация.*** В данной статье рассмотрены вопросы ведения бухгалтерского учета в бюджетной сфере и эффективного применения современных информационных технологий в системе бюджетного учета.



***Ключевые слова:*** бюджетная система, казначейство, бухгалтерский учет, контроль, информационные технологии.


Узбекистан преодолел сложный путь реформ в области управления бюджетным процессом и отражения операций, несмотря на «сверх стремительность» проведения реформ в бюджетной сфере а именно, введение нового порядка бюджетного учета и составления отчетности, переход к среднесрочному финансовому планированию и бюджетированию, ориентированному на результат, реализация новых подходов в области финансового контроля и аудита в сфере государственных финансов реализуемых в рамках данного процесса, в бюджетном учете и отчетности и др. [8 с. 44].

Прозрачность (информационная открытость) является одним из основных требований международных норм ведения бюджетного процесса и учета. Для достижения прозрачности действий органов власти, бюджетного учета и отчетности в системе государственных финансов начинает внедряться идеология Руководства по статистике государственных финансов Международного валютного фонда (РСГФ), главная цель разработки и применения которого заключается в том, чтобы обеспечить комплексную концептуальную и учетную основу, пригодную для анализа и оценки налогово-бюджетной политики, в особенности результатов деятельности субъектов общественного сектора (или сектора государственного управления) [5-8].

В связи с этим в нашей стране реализованы следующие практические мероприятия:

– структурирована новая бюджетная классификация, которая продолжает совершенствоваться постановлением Президента Республики Узбекистан от 28 февраля 2007 года № ПП-594 «О мерах по дальнейшему развитию системы казначейского исполнения Государственного бюджета»;

– введены в действие от 02 декабря 2013 года № 157, позволяющие применять порядок ведения территориальными финансовыми органами (Министерством финансов Республики Каракалпакстан, финансовыми управлениями областей и города Ташкента, городскими и районными финансовыми отделами) бухгалтерского учета исполнения бюджета Республики Каракалпакстан, местных бюджетов, бюджета внебюджетного Фонда школьного образования и других государственных средств, финансируемых через территориальные финансовые органы.

– был принят Бюджетный кодекс (БК) Республики Узбекистан (2013 год 26 декабря №360), который определил новую категорию бюджетного процесса и бюджетного учета – расходные обязательства, представляющие собой обусловленные законом, иным нормативным актом, договором или соглашением обязанно-

сти Республики Узбекистан, субъекта Республики Узбекистан, муниципального образования предоставить физическим и юридическим лицам, органам государственной власти, органам местного самоуправления, иностранным государствам, международным организациям и иным объектам международного права средства соответствующего бюджета (в том числе, бюджета государственного внебюджетного фонда). Таким образом, бюджет стал определяться не как денежный фонд или форма образования и использования денежных средств на финансовый год, а «форма образования и расходования денежных средств на финансовый год, предназначенных для исполнения расходных обязательств» соответствующего муниципального образования Республики Узбекистан [1];

– вводится в деловой оборот системы общественных финансов новый показатель финансового результата – чистая стоимость активов (разность между общей стоимостью активов и общей стоимостью обязательств); создано методическое обеспечение для отслеживания операций, связанных с изменением показателей чистых активов и не связанных с изменением указанных показателей и т.д.;

– внедряется такая система бюджетного учета и отчетности, сопровождающая бюджетный процесс, которая позволяет не только отслеживать правильность расходования бюджетных средств, но и результативность их использования по каждому бюджетному году, по среднесрочному периоду, в рамках которого реализуются бюджетные программы, давая, тем самым, возможность объективно оценивать активы и обязательства бюджетных учреждений Республики Узбекистан.

Таким образом, единым кассовым органом, в Узбекистане стало казначейство, призванное быть независимым и беспристрастным источником информации об исполнении бюджетов для органов государственной власти, органов местного самоуправления и всех заинтересованных лиц. Казначейские подразделения осуществляют функции бюджетного учета на основе документов, полученных от соответствующих подразделений Министерства финансов, территориальных финансовых органов, получателей бюджетных средств, необходимых для ведения бюджетного учета, таких как:

- копии договоров о выделении бюджетных ссуд;

- других документов, необходимых для ведения бюджетного учета казначейского исполнения Государственного бюджета, внебюджетных средств бюджетных организаций.

Основанием для бюджетного учета операций по казначейскому исполнению Государственного бюджета, внебюджетных средств бюджетных организаций являются первичные учетные документы, фиксирующие факты совершения операций и распоряжения на их проведение. Первичные учетные документы составляются на момент совершения операций или после их проведения.

Операции, относящиеся к отчетному периоду, на которые документы, подтверждающие факт их совершения не получены, отражаются в бюджетном учете с оформлением соответствующего первичного документа.

При этом бюджетный учет операций, осуществляемый в дополнительном периоде времени к финансовому году, в течение которого осуществляется казначейское исполнение бюджетов за истекший год, ведется на основе первичных учетных документов, выписываемых в дополнительном периоде, с отражением их в установленном порядке в бюджетном учете. Бюджетные организации организуют бухгалтерский учет по бюджетным и внебюджетным средствам в соответствии с Законом Республики Узбекистан "О бухгалтерском учете" и другими нормативно-правовыми актами.

В соответствии с Инструкцией «Организация и ведение бухгалтерского учета бюджетных организации» (Приказ министра финансов от 17.12.2010 г. N105, зарегистрированному МЮ 22.12.2010г. N2169) бухгалтерский учет в организациях осуществляется по мемориально-ордерной форме бухгалтерского учета. Министерства, государственные комитеты и ведомства, а также организации их системы по согласованию с Министерством финансов Республики Узбекистан могут вести бухгалтерский учет по журнально-ордерной форме [4].

Представление первичных учетных документов в бухгалтерию регламентируется графиком, составленным главным бухгалтером и утвержденным руководителем организации. Материально ответственным и другим должностным лицам вручаются выписки из графика с указанием испрашиваемых документов, сведений и сроков их представления.

Все структурные подразделения, входящие в состав организации (сотрудники), обязаны своевременно представлять в бухгалтерию необходимые для ведения бухгалтерского учета документы (копии выписок из приказов и распоряжений, а также различные договоры, платежные документы и др.).

Согласно Положению о бухгалтерском учете доходов и расходов бюджетных организаций (Зарегистрирован Министерством юстиции Республики Узбекистан 18 июня 2008 г., регистрационный № 1828) бюджетных организациях формируется фонд развития [3].

Фонд развития бюджетной организации формируется за счет:

• по бюджетным организациям, не перешедшим на казначейское обслуживание – сэкономленных средств, поступивших в счет планового бюджетного финансирования, оставшихся на

счетах бюджетных организаций на конец последнего рабочего дня отчетного квартала (за исключением средств, предусмотренных на финансирование капитальных вложений);

• по бюджетным организациям, перешедшим на казначейское обслуживание – сэкономленных средств, оставшихся на лицевых счетах бюджетных организаций, открытых в Казначействе Министерства финансов и в его территориальных подразделениях, на конец последнего рабочего дня отчетного квартала (за исключением средств, предусмотренных на оплату расходов по капитальным вложениям);

• доходов от производства и реализации товаров (работ, услуг) по профилю деятельности бюджетных организаций;

• 50 процентов средств, полученных от предоставления в аренду сторонним организациям временно не используемых помещений и другого государственного имущества (оставшиеся 50 процентов средств бюджетные организации перечисляют в доходы соответствующих бюджетов);

• спонсорской (безвозмездной) помощи бюджетным организациям, оказываемой юридическими и физическими лицами.

Средства Фонда развития бюджетной организации расходуются исключительно на:

• приоритетную выплату пособий по временной нетрудоспособности и погашение имеющейся кредиторской задолженности;

• мероприятия по укреплению материально-технической базы бюджетной организации;

• мероприятия по социальному развитию и материальному стимулированию работников бюджетных организаций.

Остаток средств Фонда развития бюджетной организации на конец текущего финансового года не утрачивает целевое назначение.

Бюджетные организации составляют единый баланс по бюджетным и внебюджетным средствам в порядке, установленном Министерством финансов Республики Узбекистан.

Порядок составления, утверждения и представления отчетов по внебюджетным средствам устанавливается Министерством финансов Республики Узбекистан.

Руководитель бюджетной организации считается распорядителем внебюджетных средств, а также несет ответственность за целевое и рациональное использование этих средств.

Ответственность за превышение фактических расходов, производимых за счет средств бюджета, над утвержденной суммой бюджетного лимита возлагается на руководителя бюджетной организации и главного бухгалтера бюджетной организации.

Контроль над целевым использованием внебюджетных средств осуществляется Главным контрольно-ревизионным управлением Министерства финансов Республики Узбекистан, его территориальными управлениями и финансовыми органами в соответствии с законодательством.

Планомерное образование и использование централизованного фонда денежных средств приведет к эффективному развитию бюджетной системы. Что позволит в полной мере реализовать финансовую политику государства.

Одним из флагманских продуктов ИВЦ Министерства финансов является программный комплекс «УзАСБО» [9], представляющий из себя комплексное решение по обеспечению рабочих мест бухгалтеров бюджетных организаций современным инструментом по ведению бухгалтерского учета, расчета заработной платы, а также получения интерактивных услуг с учетом взаимодействия с программными комплексами Казначейства и Министерства финансов. Организационно программный комплекс представляет собой облачный сервис, доступный работникам бюджетных организаций из национального сегмента сети Интернет. Впитывает в себя SaaS архитектуру, передовые технологические решения по проектированию, разработке и управлению программным комплексом. В разработке и поддержке пользователей «УзАСБО», и его модулей задействовано около 20 квалифицированных специалистов, включая 12 представителей в регионах Республики. Программный продукт успешно используется для консолидации отчетности бюджетополучателей, ведения консолидированной и централизованной бухгалтерской отчетности.

Задуманный в апреле 2010 года по результатам сотрудничества Республики Узбекистан с Французской Республикой, базовый проект с учетом передового опыта гибкой методологии разработки программного обеспечения был эффективно спланирован и введен в эксплуатацию в июне 2011 года. В это время проект полностью охватывал основные аспекты бухгалтерского учета за исключением расчета заработной платы. К концу 2011 года проект был интегрирован с программным комплексом Казначейство, что позволило сократить расходы и время бюджетных организаций по получению выписок с лицевых счетов, позволило отслеживать состояние прохождения регистрации договоров и др.

В 2012 году также за сопоставимо короткий период времени по заданию Министерства финансов создан самостоятельный модуль по расчету заработной платы работников бюджетных организаций с учетом многочисленных особенностей расчета заработной платы работников в разных сферах деятельности.

Проект «УзАСБО» является полностью бесплатным для бюджетных организаций.

Достигнутые результаты Республикой Узбекистан в части реализации проекта «УзАСБО» в 2014 году были высоко оценены французскими специалистами, сначала по итогам встречи в Ре-

спублике Узбекистан, затем по итогам встречи во Франции в ее технологической столице, в г. Гренобль. Все бюджетные организации Республики Узбекистан с 1 января 2014 года осуществляют бухгалтерский учет и отчетность в единой системе «УзАСБО».

В Концепции дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране Президент Узбекистана Ш.М. Мирзиёев подчеркнул необходимость широкого внедрения современных информационно-коммуникационных технологий во все сферы общественного и государственного строительства. Внедрение в бюджетные организации программного комплекса «УзАСБО» является неотъемлемой частью этой работы.

В настоящее время со стороны учебного центра по подготовке и переподготовке работников финансовых органов и финансово-учетных подразделений бюджетных организаций при Министерстве финансов Республики Узбекистан проводится активная работа по развитию и усовершенствованию бюджетного процесса, информатизации всего бюджетного цикла, охватывающего вопросы учета и отчетности специализированными программными продуктами Министерства финансов. В этой связи реализуется проект по разработке программного комплекса «Паспортизация бюджетных организаций», который внедряется в сопровождении программного комплекса «УзАСБО».

Как было отмечено в ходе мероприятия, внедрение данного программного комплекса позволит автоматизировать весь цикл бухгалтерского учета в бюджетных организациях Ï от создания и ведения базы данных бухгалтерского учета, составления смет расходов до подготовки отчетных данных для финансовых органов в электронном виде. Программа также обеспечит полное соответствие бухгалтерского учета и отчетности бюджетных организаций требованиям Инструкции по бухгалтерскому учету в бюджетных организациях и другим нормативно-правовым документам.

Следует отметить, что программный комплекс «УзАСБО» отличается от других программ централизацией и высокой надежностью сохранности данных бюджетных организаций в центре данных Министерства финансов. Кроме того, открывает широкие возможности для интеграции с программным комплексом «Казначейство» и другими существующими программными комплексами через защищенные каналы, дает право доступа работникам бюджетных организаций к программной площадке Министерства финансов www.mdm.uz. [10]. Все бюджетные организации подключены к «УзАСБО» на безвозмездной основе, что позволит уменьшить расход бюджетных средств за счет подготовки электронных платежных поручений с применением электронно-цифровых подписей при взаимодействии между программными комплексами «УзАСБО» и «Казначейство».

Это программный комплекс может обеспечить бесперебойную работу до 30 тысяч пользователей одновременно. При этом квалификация персонала в области информационных технологий, непосредственно работающего с программным комплексом, может ограничиться базовыми знаниями в этой сфере.

***Источники и литература:***


*1. Бюджетный кодекс (БК) Республики Узбекистан. 26декабря 2013 год №360.*

*2. Закон Республики Узбекистан «О бухгалтерском учете» в новой редакции от 13 апреля 2016 года № 404.*

*3. Положения о бухгалтерском учете доходов и расходов бюджетных организаций. Зарегистрирован Министерством Юстиции Республики Узбекистан 18 июня 2008 г. № 1828.*

*4. Инструкция «Организация и ведение бухгалтерского учета бюджетных организации» Приказ министра финансов от 17.12.2010 г. N 105, зарегистрированному МЮ 22.12.2010 г. N 2169.*

*5. Красноперова О. Бюджетный учет - Москва: "ГроссМедиа Ферлаг", 2008.*

*6. Кондраков Н.П., Кондраков И.Н. Бухгалтерский учет в бюджетных организациях. -М.: Проспект, 2006.*

*7. Carl S.Warren, James M.Reeve, Jonatan E.Duchac Accounting./.2014*

*8. Эргашева Ш.Т. Учебное пособие “Бухгалтерский учет”, Т.: “Иқтисод-молия”. 2010 йил. С.508.*

*9. uzasbo.mdm.uz.*

*10. www.mdm.uz.*

# G'ALLACHILIKDA YER-SUV RESURSLARIDAN FOYDALANISH SAMARADORLIGI TAHLILI

**Hasanov Shavkat Tursunqulovich**

I.f.n., dotsent, Samarqand qishloq xo'jalik instituti

**Muratov Shukrullo Abduraimovich**

Assistent Samarqand qishloq xo'jalik instituti

***Annotatsiya.*** Ilmiy maqolada Samarqand viloyati fermer xo'jaliklarida g'alla mahsulotlarini yetishtirishda yer va suv resurslardan foydalanishning texnik samaradorligi tahlil etilgan. Tahlilda fermer xo'jaliklarida g'allachilikda ishlab chiqarish jarayonida qatnashgan resurs(yer, suv, mineral va organik o'g'itlar, yoqilg'i moylash materiallari va mehnat sarfi)ning miqdor ko'rsatkichlari so'rovnoma usulidan foydalanilgan holda matematik model asosida tahlil qilingan foydalanilgan. Tahlil natijasida g'alla yetishtirishda resurslardan foydalanish holati, ulardan istiqbolda har bir sub'yekt fermer xo'jaligi uchun samarali foydalanish uchun variantlari ishlab chiqilgan hamda qaysi turdagi resurs(omil)lar g'alla hosildorligini oshirishda muhimligi baholangan.

***Tayanch tushunchalar.*** Samaradorlik; texnik samaradorlik; resurslarni taqsimlash samaradorligi; ma'lumotlar muhiti tahlili (DEA); hududdan olinadigan o'zgarmas qaytim (CRS).

***Аннотация.*** В научной статье анализировано общее состояние использования природных ресурсов до и после независимости в сельском хозяйстве страны, так же исчислена техническая эффективность использования земельных и водных ресурсов в производстве зерна в фермерских хозяйствах Самаркандской области. В результате анализа производства зерна получены варианты эффективного использования ресурсов.

***Ключевые слова:*** эффективность, техническая эффективность, эффективность распределение ресурсов; анализ среды данных, (DEA); постоянная отдача от масштаба(CRS).

Mustaqillikka erishilgandan so'ng, qishloq xo'jaligida bosqichma-bosqich tarkibiy o'zgarishlar amalga oshirilmoqda. Bunda dastlab qishloq xo'jaligida mulk shaklini o'zgartirish asosan resurs(yer va suv, kapital, mehnat va boshqa) lardan samarali foydalanishga, qishloq xo'jaligida ekin maydonlari tarkibining ulushi o'zgarishiga, qishloq xo'jalik mahsulotlari hajmini oshirish orqali mamlakat aholisining oziq-ovqat mahsulotlariga bo'lgan talabini qondirishga e'tibor qaratilib kelinmoqda. Natijada, g'alla ekin maydonlarining umumiy yer maydonidagi ulushi 1991 yilda 25,7 foizdan bugunga kelib 45 foizga, sabzavot, kartoshka va poliz ekinlari maydoni 7 foizdan 8,8 foizga oshdi, va aksincha, paxta maydoni 41,9 foizdan 35,4 foizga kamaydi. Shuningdek, suv resurslaridan samarali foydalanishda suv ko'p talab qiladigan paxta ekin maydonlari qisqartirilib suv kam talab qiladigan boshqa ekin turlari ko'paytirildi. Vaholanki, 1980 yil sobiq ittifoqi davrida mamlakatning suv iste'mol sarfi 64,5 km3 ni tashkil qilgan bo'lsa, 2006-2009 yillarda 53,1 km3kamaygan[6].

Mamlakat dehqonchiligi sug'orishga asoslanganligi uchun katta miqdordagi suv resurslarini talab etadi. Lekin, bu talab ichki suv resurslari bilan atigi 40 foizgagina qondirilmoqda. Bugungi kunda yer va suv resurslaridan foydalanish yomonlashuvi qishloq xo'jaligi mahsulotlar hosildorligining pasayishiga, ishlab chiqarish xarajatlarining ortishiga olib kelmoqda. Natijada, bunday holatlar qishloq xo'jaligida yetishtiriladigan mahsulotlar miqdori va sifati aholining oziq-ovqat mahsulotlariga bulgan talabini qondirishda muammolar tug'diradi.

Ilmiy ishning asosiy maqsadi - g'alla ishlab chiqarishda yer va suv resurslaridan foydalanishning texnik samaradorligini tahlil etish hamda ilmiy xulosa va takliflar berish.

**Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili (Literature review)**

**1. T.J. Coelli, Centre for Efficiency and Productivity Analysis (CEPA) Working Papers** nomli maqolasida samaradorlik, uning "Resurslarni taqsimlash samaradorligi" va "Texnik samaradorlik"ning tarkibiy qismlarining mohiyati, ahamiyati, tahlil metodologiyasi yoritilgan. Shuningdek, "Ma'lumotlar muhiti tahlili (DEA)" matematik model' asoschisi Koelli korxonalarda "Resurslarni taqsimlash samaradorligi" va "Texnik samaradorlik" ko'rsatkichlarini tahlil qilishda "Hududdan olinadigan o'zgarmas qaytim (CRS)"hamda "Hududdan olinadigan o'zgaruvchi qaytim (VRS)" holatini baholashni ilmiy asoslab berishgan.

**2. Sh. Hasanov, Cheklangan resurslardan foydalanish samaradorligining metodologik masalalari** nomli monografiyasida Zarafshon vodiysida cheklangan resurslardan foydalanish samaradorligini o'rganishda "Ma'lumotlar muhiti tahlili (DEA)" noparametrik yondashuvli metodologiyadan foydalanilgan holda tadqiq etilgan. Buning asosida resurslarni kamaytirish orqali yoki mavjud resurslar sharoitida foydani maksimallashtirishga asosiy e'tibor qaratilgan.

**3. William W. Cooper, Lawrence M.Seiford, Joe Zhu. Data Envelopment Analysis: History, Models, and Interpretations** nomli maqolasida "Ma'lumotlar muhiti tahlili(DEA)"ning rivojlanish bosqichlari, matematik modellardan foydalanish metodologiyasi sharhlab o'tilgan. Shuningdek, noparametrik uslubda samaradorlik, omillarni optimal joylashtirishhamda ularning samaradorligi baholash ko'rsatkichlari tasniflangan.

**4. O.Murtazaev, Paxtachilik agrosanoat majmuasi samaradorligini oshirish muammolari** nomli monografiyasida samaradorlik tushunchasiga ta'rif berib: "Samaradorlik-bu aniq maqsadni hal etish uchun ma'lum muddatda (1 yilda) sarflangan moddiy, mehnat, mablag' shaklidagi xarajatlarning (pul shaklida) 1 so'mi evaziga yaratilgan yalpi ichki mahsulot(mamlakat, majmua, tarmoq miqyosida) va olingan sof foyda (korxona, yo'nalish,mahsulot doirasida)ning in'kosidir. Iqtisodiy samaradorlik darajasi qancha bahodagi resurslar hisobiga qanday iqtisodiy samaraga erishilganligini bildiradi" – deb ta'kidlaydi.

**5. A.Prenov, Suv ta'minotiga mos ravishda qishloq xo'jaligi ekinlari tarkibini takomillashtirish** nomli maqolasida fermer xo'jaliklarida o'rtacha ekin maydoniga bir xil suv sarfi hisobiga turlicha mahsulot miqdoriga ega bo'lishining asosiy omillari tahlil etilgan holda asosiy omillar sifatida suv ajratilgan ekin maydonlarining unumdorligi va tabiiy-iqlim sharoitlar turlicha, ishlab chiqaruvchiga bog'liq bo'lmagan turli xil xizmatlar, ishlab chiqarishni tashkil etish va uni boshqarish, ilmiy asoslangan agrotexnik tadbirlarga rivoya etilishi ko'rsattib o'tilgan.

**Materiallar (Materials)**

Mazkur ilmiy ish Samarqand viloyati fermer xo'jaliklar misolida o'rganildi. Samarqand viloyati fermer xo'jaligida yer va suv resurslaridan foydalanishda ma'lum darajada yutuqlarni qo'lga kiritgan. Shu bilan birgalikda to'liq foydalanilmagan imkoniyatlar ham mavjud.

Samarqand viloyati Zarafshon daryosi havzasini o'rta qismida joylashgan bo'lib, Markaziy Osiyoda yirik va qadimiy irrigatsion hududlardan hisoblanadi.

Ilmiy ishda Samarqand viloyati tuman(Ishtixon, Kattaqo'rg'on,Narpay,PayariqvaPastdarg'om)larida paxta va g'allachilikda ixtisoslashgan 37 ta fermer xo'jaliklari hamda tuman(Tayloq, Bulung'ur, Urgut) larida g'alla va meva-uzum, sabzavot, polizchilikka ixtisoslashgan 10 ta fermer xo'jaliklarining ishlab chiqarish faoliyati, resurslaridan foydalanish holati to'g'risida ma'lumotlar so'rovnoma asosida olindi va tahlil qilindi(1-chizma).

Zarafshon daryosi atrofida joylashgan ushbu vodiy dengiz sathidan 2000-3000 metr, ayrim pastlik joylarida esa 980-1400 metr balandlikda joylashgan bo'lib, yillik yog'ingarchilik miqdori 320-360 mm.ni tashkil etadi [2].

Viloyat iqlimi keskin o'zgaruvchan, yilning 300 ga yaqin kunida quyosh charaqlab turadi, yoz kunlarining uzunligi 15 soatgacha yetadi [7]. Umuman olganda, viloyat hududida iqlim sharoiti umumiy qabul qilingan tuproq-iqlim klassifikatsiyasiga to'g'ri keladi. Yog'ingarchilik davri mart va aprel oylarida (105-120 mm) ko'p bo'ladi. Bu holat bir tomondan ekinlarni ekishni qiyinlashtirsa, ikkinchi tomondan urug'larni yaxshi o'sib-unib chiqishini taminlaydi.

Metodlar (Methods)

Ma'lumki, qishloq xo'jaligida resurslardan samarali foydalanishda va uning samaradorligini tahlil etishda parametrik va noparametrik metodlardan foydalaniladi. Parametrik yondashuvda an'anaviy statistik usullar asosida olib borilsa, noparametrik yondashuvda tadqiqotlar matematik modellashtirish asosida amalga oshiriladi. Parametrik uslub tadqiqotda foydalanilayotgan ko'rsatkichlar o'rtasidagi bog'lanishlarni aks ettiruvchi ishlab chiqarish funktsiasini yaratish hisoblanadi. Ushbu ishlab chiqarish funktsiyasi chizig'i ko'rsatkichlarning o'rtacha miqdoridan o'tib, funktsiya chizig'idan tashqarida yotgan ishlab chiqarish imkoniyatlari nuqtalarini yoki chetlanishlarini imkon qadar kamaytirish yoki "normal" taqsimlashga etibor qaratiladi [2]. Noparametrik metodda esa matematik dasturlash orqali samaradorlik vektorlar hisoblash orqali amalga oshiriladi.




**Tumanlar:**
1 – Bulung'ur
2 – Jomboy
3 – Ishtixon
4 – Kattaqo'rg'on
5 – Narpay
6 – Nurobod
7 – Oqdaryo
8 – Payariq
9 – Pasdarg'om
10 – Paxtachi
11 – Samarqand
12 – Tayloq
13 – Urgut
14 – Qo'shrabot

***1-chizma. Samarqand viloyati tumanlarining joylashuvi***

Samaradorlik quyidagi tarkibiy qismdan tashkil topgan [1]:

- Texnik samaradorlik, biror bir korxonaning resurslari hisobiga eng yuqori daromad(foyda)ga erishish imkoniyati;

- Resurslarni taqsimlash samaradorligi, korxona imkoniyatini xarajatlarning optimal miqdorda sarflashi natijasida erishilgan samara.

Bu ikki ko'rsatkichning ko'paytmasi iqtisodiy samaradorliki tashkil etadi.

Fermer xo'jaliklarida g'alla ishlab chiqarishga sarflangan resurs(yer, suv, organik va mineral o'g'itlar, YoMM, mehnat sarfi)lar va ulardan olinadigan g'alla mahsulotining texnik samaradorligini tahlil etishda "Ma'lumotlar muhiti tahlili" (Data Envelopment Analysis, DEA) modelidan foydalandik. DEA modelining afzalligi qaror qabul qiluvchi sub'yektlar uchun ishlab chiqarishga kiritiladigan resurslar va ishlab chiqarilgan mahsulot o'rtasidagi munosabatlarni, samaradorligini va resurslardan optimal foydalanishni aniqlashda qo'llaniladi.

Ma'lumotlar muhiti tahlili (DEA) [5] modelida "Hududdan olinadigan o'zgarmas qaytim" (CRS-Constant returns to scale) ishlab chiqarish holatida so'rovnoma ma'lumotlari asosida fermer xo'jaliklarida g'alla ishlab chiqarishining texnikaviy samaradorligi va ishlab chiqarish omillarini o'zgarishi tahlil etildi. Bunda 47 fermer xo'jaliklari yer, suv, mineral va organik o'g'itlar, YoMM va mehnat resurslaridan foydalanib g'alla mahsulotlari ishlab chiqarsin. Barcha N sondagi fermer xo'jaliklarning K*N ishlab chiqarish resurslari matritsiyasini Y bilan belgilaymiz. Ma'lumotlar muhiti modelining maqsadi ishlab chiqarish imkoniyatlari chizig'ida va uning atrofida yotgan nuqtalardan iborat noparametrik nuqtalar muhiti chizig'i (izokvanta) ni yaratishdir. Ya'ni, ushbu chiziq ishlab chiqarish to'plamiga kiritilgan barcha resurs (yer, suv, mineral va organik o'g'itlar, YoMM, mehnat sarfi)lar g'alla mahsuloti kombinatsiyalaridan tashkil topadi va uning asosida ishlab chiqarish imkoniyatlari chizig'i yaratiladi.

Mahsulot ishlab chiqarish samarasi va ishlab chiqarish resurslari to'g'risidagi asosiy metodologik sharoitlarga mos ko'rsatkich resurs qaytimi bo'lishi ham mumkin. Tadqiqot ishida viloyat fermer xo'jaliklarida suv va tuproq resurslaridan foydalanishning texnik samaradorligini tahlil etishda natura (miqdor) ko'rinishdagi iqtisodiy ko'rsatkichlardan foydalandik.

Ishlab chiqarilgan mahsulotlar miqdori sifatida yalpi xosil hamda ishlab chiarishga sarflangan resurslar soni 6 ta, ya'ni yer, suv, organik va mineral o'g'itlar, YoMM va mehnat sarfi olindi. Dastlab fermer xo'jaliklarining tuproq sifati (unumdorligi) ni shartli bir hil muhitga keltirish asosida resurslar sarfi aniqlanadi. Ya'ni, fermer xo'jaliklarida tuproq sifatining o'rtachasi aniqlandi. Ushbu o'rtacha tuproq sifatining fermerlar tuproq sifatiga nisbatan o'zgarish koeffitsyient (shartli) qilib olindi. Olingan koeffitsyientni bir xil sharoitda har bir fermer xo'jaliklarining tuproq unumdorligi sifatida olindi. Har bir fermer xo'jaliklarida ishlab chiqarishga sarflangan resurslarni har bir fermer xo'jaliklarining tuproq unumdorligini koeffitsyientiga nisbati olindi.Umumiy olingan barcha ma'lumotlarni bir xil muhitga keltirgandan so'ng DEAP 2.1 dasturiy paketi [1]dan foydalangan holda ma'lumotlar tahlil etildi.

**Tahlil va natijalar (Analysis and results)**

Olingan texnikaviy samaradorlik ko'rsarkichlari 0 dan katta 1 dan kichik bo'ladi. Agar fermer xo'jaliklarida resurslardan samarali foydalanilgan bo'lsa 1 ga teng bo'ladi va aksincha.

O'rganilgan fermer xo'jaliklarining 21% g'alla ishlab chiqarishda mavjud resurslardan samarali foydalanilgan holda texnik samaradorligi 1 ga teng (1-jadval) bo'lsa, 49% fermer xo'jaliklarida bu ko'rsatkich 0.90 koefitisentdan kichik. Ya'ni, kelgusida 49% fermer xo'jaliklari g'alla ishlab chiqarishda resurslarni 10 % ga kamaytirsa ham joriy yilda erishgan natijaga erishishi yoki undan ham yuqori natijaga erishishi mumkin.

**1-jadval**

**G'allachilikda resurslardan foydalanishning texnik samaradorligi**

| *Fermer xo'jaliklari* | *Yalpi hosil, ts* | *Yer maydoni, ga* | *Suv sarfi, m3* | *Organik o'g'it, kg* | *Mineral o'g'it, kg* | *YoMM, kg* | *Mehnat sarfi, kishi-soat* | *TE** |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| O'rtacha | 84686 | 22 | 119434 | 24609 | 10328 | 2330 | 3013 | 0.89 |
| Max | 205972 | 56 | 325658 | 51185 | 28947 | 5667 | 7905 | 1.00 |
| Min | 23483 | 5 | 28523 | 8796 | 2153 | 538 | 727 | 0.70 |

| TE | Fermer xo'jaliklari, % |
|---|---|
| =1 | 21.0 |
| ≥0.96, ≤0.99 | 13.0 |
| ≥0.95, ≤0.91 | 17.0 |
| ≤0.90 | 49.0 |

**Izoh: TE – texnik samaradorlik*

Fermer xo'jaliklarida kelgusida g'alla ishlab chiqarishda o'rtacha ekin maydonini 17% ga kamaytirsa ham joriy yilda erishilgan natijaga erishish mumkin (2-jadval). Yoki g'alla ekin maydonlari o'zgarmagan holda kelgusida suv, mineral va organik o'g'itlar hamda YoMMlaridan foydalanishni ko'paytirish joriy yilda erishilgan natijadan ham yuqori natijaga erishish mumkin. Ya'ni olingan natijaga ko'ra g'alla hosildorligini oshirishda 4 ta resurs (suv, mineral va organik o'g'itlar, YoMM) muhim ahamiyatga ega. Bu resurslar fermer xo'jaliklarida g'alla ishlab chiqarishda yetishmasligi yoki fermerlar bor imkoniyatdan to'liq foydalanmayapdi.

Xulosa va takliflar (Conclusion/ Recommendations)

Mamlakatimizda g'alla ishlab chiqarishning katta qismi fermer xo'jaliklari hissasiga to'g'ri keladi. Kelgusida fermer xo'jaliklarida g'alla ishlab chiqarish texnik samaradorligini oshirishda resurslardan foydalanish darajasiga bog'liq. O'rganilgan fermer xo'jaliklarida g'alla ekin maydonlarini kamaytirish hisobiga joriy yoki resurs (suv, mineral va organik o'g'itlar, YoMM)lardan foydalanishni oshirish hisobiga kelgusida yuqori hosildorlikka erishish mumkin. Ya'ni, ushbu resurslardan samarali foydalanish hisobiga g'allachilikda yalpi hosilning oshishiga yoki g'alla ekin maydonlaridan samarali foydalanish hisobiga boshqa turdagi qishloq xo'jalik mahsulotlarini yetishtirish imkoniga ega. Shuningdek, g'alla mahsulotlarini yetishtirish hajmini oshirishda fermer xo'jaliklarida g'alla maydonlarini optimallashtirishni amalga oshirish lozim. Bunda tuproq unumdorligi past, meliorativ holati va suv ta'minoti og'ir hamda hosildorligi past g'alla ekin maydonlarini qisqartirish, resurslardan samarali foydalanish va intensiv texnologiyalarni qo'llagan holda yuqori hosildorlikka erishish mumkin.

***Manba va adabiyotlar:***


1. Coelli, T.J. Centre for Efficiency and Productivity Analysis (CEPA) Working Papers. №. 8/96, CEPA Working Papers Department of Econometrics University of New England Armidale, NSW 2351, Australia.

2. Hasanov, Sh. Cheklangan resurslardan foydalanish samaradorligining metodologik masalalari. Monografiya. Toshkent, 2013. 166 bet.

3. Murtazaev O. Paxtachilik agrosanoat majmuasi samaradorligini oshirish muammolari. Toshkent: Fan nashri, 2005.

4. Prenov, A. Suv ta'minotiga mos ravishda qishloq xo'jaligi ekinlari tarkibini takomillashtirishning iqtisodiy mohiyati. //Agro ilm – O'zbekiston qishloq xo'jaligi, 2013. -№4(28), -80-b.

5. William W. Cooper, Lawrence M.Seiford, Joe Zhu. 2011, Data Envelopment Analysis: History, Models, and Interpretations. Handbook on Data Envelopment Analysis, 2nd ed. USA: Springer; 1-39, 497(2).

6. O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasining ma'lumotlari

7. www.samarkand.uz - Samarqand viloyat hokimining rasmiy veb sayti.

8. www.agro.uz - O'zbekiston Respublikasi qishloq va suv xo'jaligi vazirligi ma'lumotlari


*Izoh: YaH - yalpi hosil,EM-ekimmaydon, H-hosildorlik, S - suv, OO'- organik o'g'it, MO'- mineral o'g'it, YoMM – yoqilg'I moylash materiallari, MS – mehnat sarfi.

2-jadval

## G'alla ishlab chiqarishning texnik samaradorlikka erishishning bashorat qiymati*

| F/X | EM | Bashorat qiymat (1 ga uchun) | | | | | | EM | H | haqiqatda/bashorat qiymat | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | YaH | S | OO’ | MO’ | YoMM | MS | | | S | OO’ | MO’ | YoMM | MS |
| FK1 | 17 | 4615 | 5589 | 1080 | 508 | 109 | 135 | 0.75 | 1.33 | 1.03 | 0.92 | 0.92 | 0.93 | 0.92 |
| FK2 | 8 | 5219 | 6637 | 1632 | 463 | 109 | 130 | 0.75 | 1.33 | 0.90 | 0.90 | 1.06 | 0.90 | 0.99 |
| FK3 | 21 | 4804 | 4804 | 1523 | 483 | 113 | 130 | 0.78 | 1.28 | 0.87 | 0.87 | 0.90 | 0.87 | 1.00 |
| FK4 | 19 | 4945 | 6387 | 1265 | 483 | 108 | 135 | 0.68 | 1.47 | 0.92 | 0.86 | 0.86 | 0.95 | 0.96 |
| FK5 | 34 | 4439 | 5408 | 702 | 526 | 109 | 143 | 0.80 | 1.25 | 0.89 | 0.86 | 0.86 | 0.94 | 1.01 |
| FK6 | 16 | 4496 | 5515 | 762 | 522 | 109 | 136 | 0.72 | 1.39 | 1.17 | 0.90 | 0.90 | 0.94 | 1.01 |
| FK7 | 30 | 4489 | 5503 | 755 | 523 | 109 | 134 | 0.77 | 1.30 | 1.04 | 0.85 | 0.85 | 0.94 | 1.01 |
| FK8 | 26 | 4049 | 4656 | 759 | 557 | 101 | 129 | 1.00 | 1.00 | 1.00 | 1.00 | 1.00 | 1.00 | 1.00 |
| FK9 | 22 | 4591 | 5693 | 860 | 516 | 109 | 144 | 0.76 | 1.32 | 1.08 | 0.93 | 0.93 | 0.94 | 1.02 |
| FI10 | 10 | 4787 | 5640 | 1231 | 509 | 110 | 147 | 0.73 | 1.37 | 1.00 | 1.00 | 1.05 | 1.00 | 1.02 |
| FI11 | 25 | 4710 | 5909 | 1013 | 511 | 109 | 146 | 0.82 | 1.22 | 1.06 | 1.00 | 1.07 | 1.02 | 1.00 |
| FI12 | 16 | 4747 | 5937 | 1069 | 499 | 109 | 146 | 0.65 | 1.54 | 0.84 | 0.84 | 0.84 | 1.04 | 0.96 |
| FI13 | 15 | 4835 | 4640 | 1619 | 481 | 114 | 144 | 0.85 | 1.18 | 0.91 | 0.91 | 1.02 | 0.91 | 1.00 |
| FI14 | 17 | 4885 | 4956 | 1721 | 480 | 113 | 127 | 0.92 | 1.09 | 0.95 | 0.95 | 0.95 | 0.98 | 1.03 |
| FI15 | 19 | 4677 | 4179 | 1493 | 498 | 115 | 147 | 1.00 | 1.00 | 1.00 | 1.00 | 1.00 | 1.00 | 1.00 |
| FI16 | 19 | 4387 | 4585 | 1146 | 523 | 108 | 127 | 0.93 | 1.08 | 0.95 | 0.95 | 0.99 | 0.97 | 1.01 |
| FI17 | 19 | 4989 | 6286 | 1497 | 549 | 110 | 131 | 1.00 | 1.00 | 1.00 | 1.00 | 1.00 | 1.00 | 1.00 |
| FP18 | 35 | 4831 | 6098 | 1195 | 518 | 109 | 141 | 0.87 | 1.16 | 1.03 | 1.00 | 1.06 | 1.00 | 1.00 |
| FP19 | 14 | 5168 | 6798 | 1485 | 470 | 108 | 123 | 0.59 | 1.70 | 0.79 | 0.79 | 0.79 | 0.91 | 1.14 |
| FP20 | 7 | 4964 | 6428 | 1292 | 480 | 108 | 145 | 0.82 | 1.22 | 0.98 | 0.95 | 0.96 | 0.95 | 0.99 |
| FP21 | 6 | 5357 | 7178 | 1714 | 450 | 107 | 144 | 1.00 | 1.00 | 1.00 | 1.00 | 1.00 | 1.00 | 1.00 |
| FP22 | 32 | 4351 | 5237 | 604 | 534 | 109 | 149 | 1.00 | 1.00 | 1.00 | 1.00 | 1.00 | 1.00 | 1.00 |
| FP23 | 10 | 4516 | 5536 | 760 | 526 | 110 | 139 | 0.69 | 1.46 | 1.15 | 0.88 | 0.88 | 1.05 | 1.02 |
| FP24 | 9 | 5219 | 6846 | 1580 | 465 | 108 | 145 | 0.99 | 1.01 | 1.00 | 1.00 | 1.09 | 1.03 | 1.03 |
| FP25 | 14 | 5099 | 6052 | 1621 | 465 | 110 | 121 | 0.65 | 1.53 | 0.91 | 0.91 | 0.91 | 0.95 | 1.08 |
| FP26 | 21 | 4543 | 5615 | 825 | 516 | 109 | 143 | 0.93 | 1.08 | 1.13 | 0.95 | 0.95 | 0.99 | 0.99 |
| FP27 | 26 | 4699 | 5832 | 1045 | 533 | 110 | 134 | 0.83 | 1.21 | 1.04 | 0.95 | 0.97 | 0.95 | 1.01 |
| FP28 | 11 | 4583 | 5559 | 1019 | 510 | 109 | 128 | 0.79 | 1.27 | 1.04 | 0.91 | 0.91 | 0.98 | 0.97 |
| FP29 | 46 | 4487 | 5497 | 750 | 523 | 109 | 140 | 0.82 | 1.22 | 1.06 | 0.93 | 0.99 | 0.93 | 1.01 |
| FP30 | 11 | 4676 | 5862 | 960 | 507 | 109 | 147 | 0.54 | 1.84 | 0.92 | 0.74 | 0.74 | 1.00 | 0.99 |
| FPd31 | 15 | 4806 | 5405 | 1293 | 494 | 111 | 138 | 0.60 | 1.68 | 0.84 | 0.84 | 0.84 | 0.96 | 1.01 |
| FPd32 | 18 | 4761 | 6028 | 1057 | 500 | 108 | 141 | 0.87 | 1.15 | 0.99 | 0.93 | 1.08 | 0.93 | 0.97 |
| FPd33 | 15 | 3518 | 4007 | 586 | 450 | 105 | 132 | 1.00 | 1.00 | 1.00 | 1.00 | 1.00 | 1.00 | 1.00 |
| FPd34 | 15 | 4984 | 5841 | 1511 | 473 | 110 | 142 | 0.91 | 1.10 | 1.00 | 1.00 | 1.00 | 1.00 | 1.00 |
| FPd35 | 18 | 4667 | 4910 | 1228 | 503 | 112 | 147 | 0.65 | 1.54 | 0.82 | 0.82 | 0.82 | 0.97 | 0.98 |
| FPd36 | 19 | 4631 | 5630 | 1098 | 505 | 109 | 130 | 0.75 | 1.33 | 1.20 | 0.91 | 0.91 | 1.00 | 0.94 |
| FPd37 | 22 | 4394 | 5160 | 697 | 530 | 110 | 117 | 0.67 | 1.50 | 0.72 | 0.72 | 0.72 | 1.03 | 1.11 |
| FU38 | 9 | 5411 | 5850 | 2167 | 495 | 113 | 134 | 0.81 | 1.24 | 0.92 | 0.92 | 0.97 | 0.92 | 1.02 |
| FU39 | 5 | 5920 | 5705 | 3767 | 431 | 108 | 145 | 1.00 | 1.00 | 1.00 | 1.00 | 1.00 | 1.00 | 1.00 |
| FU40 | 12 | 5123 | 5031 | 2201 | 469 | 112 | 133 | 0.86 | 1.16 | 0.94 | 0.94 | 0.96 | 0.94 | 1.00 |
| FU41 | 13 | 5289 | 5521 | 2147 | 481 | 112 | 143 | 0.89 | 1.12 | 0.96 | 0.96 | 0.96 | 0.96 | 0.96 |
| FT42 | 16 | 5615 | 6555 | 2537 | 455 | 109 | 146 | 0.93 | 1.08 | 0.95 | 0.95 | 1.04 | 0.95 | 0.96 |
| FT43 | 10 | 5658 | 5916 | 2572 | 535 | 114 | 151 | 1.00 | 1.00 | 1.00 | 1.00 | 1.00 | 1.00 | 1.00 |
| FB44 | 28 | 5078 | 5281 | 1828 | 457 | 112 | 140 | 1.00 | 1.00 | 1.00 | 1.00 | 1.00 | 1.00 | 1.00 |
| FB45 | 5 | 4996 | 4632 | 1876 | 493 | 116 | 130 | 0.59 | 1.70 | 0.83 | 0.83 | 0.83 | 0.89 | 1.03 |
| FB46 | 25 | 4681 | 5546 | 1425 | 488 | 109 | 117 | 1.00 | 1.00 | 1.00 | 1.00 | 1.00 | 1.00 | 1.00 |
| FB47 | 26 | 5186 | 6748 | 1549 | 465 | 108 | 137 | 0.86 | 1.16 | 0.90 | 0.90 | 0.90 | 1.03 | 1.00 |
| O’rtacha | 18 | 4827 | 5630 | 1373 | 497 | 110 | 137 | 0.83 | 1.25 | 0.97 | 0.92 | 0.95 | 0.97 | 1.00 |
| Max | 46 | 5920 | 7178 | 3767 | 557 | 116 | 151 | 1 | 1.84 | 1.2 | 1 | 1.09 | 1.05 | 1.14 |
| Min | 5 | 3518 | 4007 | 586 | 431 | 101 | 117 | 0.54 | 1.00 | 0.72 | 0.72 | 0.72 | 0.87 | 0.92 |
| 1 | Resurslar yetishmasligi, ( < 1 ) | | | | | | | | | 46 | 66 | 60 | 55 | 28 |
| 2 | Resurslardan ortiqcha foydalanish, ( > 1 ) | | | | | | | | | 26 | 0 | 17 | 13 | 36 |
| 3 | Resurslardan normal foydalanish, ( = 1 ) | | | | | | | | | 28 | 34 | 23 | 32 | 36 |
| | Fermer xo’jaliklari, % | | | | | | | | | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 |

# КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК МАМЛАКАТИМИЗ СТРАТЕГИК РИВОЖИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИ

**Вохидова Мехри Хасановна**

Катта илмий ходим-изланувчи, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

**Разаков Хуршид Кодирович**

Кичик илмий ходими, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари» илмий-тадқиқот маркази

***Аннотация.*** Мазкур мақолада тадбиркорлик фаолияти хўжалик юритишнинг кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, касаначилик ва оилавий бизнес шакллари асосида ривожланиши иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил этиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутаётганлиги, Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида тадбиркорликнинг ЯИМ ва ЯҲМдаги улуши таҳлили, кичик тадбиркорлик ривожланишининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари таҳлили, тадқиқотлар натижасида ушбу соҳа фаолияти бўйича хулосалар келтирилган.

***Таянч тушунчалар:*** тадбиркорлик, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, касаначилик ва оилавий бизнес.

***Аннотация.*** В статье освещается важность обеспечения экономического роста на основе ведения предпринимательской деятельности в сферах малого бизнеса и частного предпринимательства, надомного труда и семейного бизнеса, организации новых рабочих программ, решения проблем занятости, повышения доходов и благосостояния населения. В статье приводятся анализ удельного веса предпринимательства в регионах Республики Узбекистан в валовом внутреннем продукте и валовом региональном продукте, анализ основных макроэкономических показателей развития малого предпринимательства, а также выводы, сделанные по итогам исследований по деятельности в данной сфере.

***Ключевые слова:*** предпринимательство, малый бизнес, частный бизнес, работа на дому и семейному бизнесу.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, хусусан, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулкнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва унинг истиқболли ролини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом этиш: хусусий мулкнинг ҳуқуқлари ва кафолатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш, барча турдаги тўсқинликлар ва чекланишларни бартараф этиш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш йўлида тўлиқ эркинлик бериш, амалиётда “Агар халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кучли бўлади” деган принципни амалга ошириш; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятига давлат, назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ноқонуний аралашувининг қатъий олдини олиш; давлат мулкини хусусийлаштириш тартиб-таомилларни янада кенгайтириш ва соддалаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг устав жамғармаларида давлат иштирокини камайтириш, давлат мулкининг хусусийлаштирилган объектларнинг базасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш; корпоратив бошқарувнинг замонавий стандартлари ва усулларини жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш; тадбиркорлик субъектларининг муҳандислик тармоқларига уланиш тартиб-таомиллар механизмалар-

ни такомиллаштириш ва соддалаштириш; мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожланишни тартибга солишда давлат иштирокини камайтиришга қаратилган чора-тадбирларнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси”да қатъий белгилаб қўйилганлиги, бизга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бугунги ҳолатини таҳлил қилиш ва “Ҳаракатлар стратегияси” доирасида амалга оширилаётган ишларни ўрганиш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш учун таклифлар бериш имконини берди.

Жумладан, кичик бизнеснинг Ўзбекистон ЯИМдаги улуши динамикасини таҳлил қиладиган бўлсак, 2005 йилга нисбатан 2015 йилда триллион сўмга, деярли 15 баробарга ошганини кўришимиз мумкин.




*Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Муаллифлар ишланмаси*

**1-диаграмма. Кичик бизнеснинг Ўзбекистон ЯИМдаги улуши динамикасининг таҳлили**

Ўзбекистон иқтисодиётида банд бўлган аҳоли сонида кичик бизнес улушининг ўсиш суръатларини таҳлил қилганимизда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда банд бўлган аҳоли 2015 йилда 10 миллион кишидан ошганини, 2016 йилда эса иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 82 фоизи айнан шу соҳада меҳнат қилаётгани хусусий мулкнинг иқтисодиётдаги улуши ошиб бораётганидан, кичик бизнесда меҳнат шароитларининг яхшиланаётганидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан қабул қилинган қатор қарорлар ва фармонлар тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолият юритиши учун имконият яратмоқда. Жумладан:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори[1]га мувофиқ «ягона дарча» марказлари фаолиятини такомиллаштириш, 2020 йилга қадар 86 турдаги рўйхатдан ўтказиш ва рухсат бериш тартибини марказ орқали амалга ошириш белгилаб қўйилган.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусийлаштирилган корхоналар билан ишлаш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори[2]га мувофиқ ўтказилган хатлов натижаларига кўра, аввал хусусийлаштирилган корхоналар негизида 2 мингдан ортиқ паст рентабелли ва зарар кўраётган кам қувватли хўжалик субъектлари, шу жумладан, мингдан ортиқ ишламаётган ҳамда деярли бўш ётган объектлар, самарасиз фойдаланилаётган ер участкалари ва ишлаб чиқариш хоналари аниқланган, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришдаги муҳим вазифа сифатида хусусий мулкнинг устувор ролини кучайтириш ва хусусийлаштирилган объектлар негизида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш белгилаб қўйилган.

3. Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича республика комиссиясининг тузилганлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институтининг ташкил этилганлиги соҳада мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун ташкилий, ҳуқуқий шароит яратади.




Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Муаллифлар ишланмаси.

**2-диаграмма. Ўзбекистон иқтисодиётида банд бўлган аҳоли сонида кичик бизнес улушининг ўсиш суръатларини таҳлили**

Тадбиркорлик фаолияти субъектларнинг давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳуқуқларининг устуворлиги принципи амал қилмоқда. Қонун ҳужжатларида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик фаолияти субъектининг фойдасига ҳал этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони бу борада муҳим аҳамият касб этди. Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (кейинги ўринларда – Вакил) таъсис этилмоқда. Ушбу институт келгусида тадбиркорлик субъектлари ва давлат органлари ўртасидаги самарали мулоқотнинг янги механизмларини жорий қилишга, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган давлат ҳимоясининг қўшимча кафолатларини яратишга хизмат қилади.

Фармон билан Вакилнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари белгиланмоқда. Унга кўра, Вакил мазкур соҳада давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш, тадбиркорлик субъектларининг фаолияти текширилаётганда уларни ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш бўйича вазифаларни бажаради. Шунингдек, соҳадаги қонун ҳужжатлари нормалари ва талабларининг амалда рўёбга чиқарилаётганлигини ўрганиш, уларнинг тадбиркорлик фаолияти амалга оширилишига таъсирини баҳолаш, тадбиркорликнинг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлашга, уларнинг ривожланишини рағбатлантиришга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш Вакил фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади.

**1-жадвал**

**Мулкчилик шакли буйича фаолият кўрсатаётган юридик шахслар сони (фермер ва деҳқон хужаликларисиз)**

| | Жами | шу жумладан | | Жами кўрсаткичга нисбатан % ҳисобида | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | давлат | нодавлат | давлат | нодавлат |
| Ўзбекистон Республикаси | 268406 | 37997 | 230409 | 14,2 | 85,8 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 12944 | 2327 | 10617 | 18,0 | 82,0 |
| Андижон | 26277 | 3245 | 23032 | 12,3 | 87,7 |
| Бухоро | 14808 | 2339 | 12469 | 15,8 | 84,2 |
| Жиззах | 10693 | 1818 | 8875 | 17,0 | 83,0 |
| Қашқадарё | 18003 | 3190 | 14813 | 17,7 | 82,3 |
| Навоий | 8770 | 1436 | 7334 | 16,4 | 83,6 |
| Наманган | 18739 | 2900 | 15839 | 15,5 | 84,5 |
| Самарқанд | 19434 | 4270 | 15164 | 22,0 | 78,0 |
| Сурхондарё | 13002 | 2796 | 10206 | 21,5 | 78,5 |
| Сирдарё | 8989 | 1315 | 7674 | 14,6 | 85,4 |
| Тошкент | 25018 | 3545 | 21473 | 14,2 | 85,8 |
| Фарғона | 23310 | 3820 | 19490 | 16,4 | 83,6 |
| Хоразм | 13342 | 2191 | 11151 | 16,4 | 83,6 |
| Тошкент ш. | 55077 | 2805 | 52272 | 5,1 | 94,9 |

*Манба: Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари 2017 йил.*

Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш мақсадида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида нодавлат секторнинг иқтисодиётдаги улуши 2016 йилда 85.8 фоизни ташкил этди (1-жадвал). Нодавлат мулкнинг улушини Тошкент шаҳри ва Андижон Вилоятларида бошқа вилоятларга нисбатан юқорилигини кўришимиз мумкин. Йилдан йилга нодавлат ёки бўлмаса хусусий ва жамоа мулкининг иқтисодиётдаги улуши ошиб бораётгани, сир эмас.

Сўнгги беш йил ичида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида солиқ имтиёзлари ҳам бериб борилмоқда. Жумладан, 2017 йилда ягона солиқ тўлови ставкаси 2016 йил даражасида 5 фоиз миқдорида сақланиб қолинган, микрофирмалар, кичик корхоналар ҳамда фермер хўжаликлари учун ягона ижтимоий тўлов ставкаси меҳнатга ҳақ тўлаш фондига нисбатан 15 фоиз миқдорида сақланиб қолинди, бошқа тўловчилар учун ҳам ягона ижтимоий тўлов ставкаси 2015 йил даражасида 25 фоиз миқдорида сақланиб қолинди. Бунда ягона ижтимоий тўлов суммаси қуйидаги миқдорларда тақсимланади:

**2-жадвал**

**Микрофирмалар, кичик корхоналар ҳамда фермер хўжаликлари учун ягона ижтимоий тўлов ставкаси**

| | |
|---|---|
| Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси | 24,8 % |
| Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси | 0,1 % |
| Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши | 0,1 % |

*Манба: www.uza.uz*

**3-жадвал**

**Бошқа тўловчилар учун ҳам ягона ижтимоий тўлов ставкаси**

| | |
|---|---|
| Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси | 14,8 % |
| Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси | 0,1 % |
| Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши | 0,1 % |

*Манба: www.uza.uz*

2017 йил 1 январдан бошлаб фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари ставкаси 2016 йилда амал қилган 7,5 фоиз ўрнига 8 фоиз миқдорида белгиланди.

20 сентябрдан бошлаб ташкилий-ҳуқуқий шакли ва идоравий мансублигидан қатъи назар, экспорт қилувчи корхона ва ташкилотлар, шу жумладан, микрофирмалар, кичик корхоналар, фермер ва деҳқон хўжаликлари янги мева-сабзавот, узум ва полиз маҳсулотларини экспорт қилишдан тушадиган валюта тушумининг 25 фоизини белгиланган тартибда мажбурий сотишни амалга оширади. Бунгача эса мазкур кўрсаткич 50 фоизни ташкил этар эди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига таъсир кўрсатаётган муаммолар ҳам бор:

- тадбиркорлик субъектларининг электр тармоқларига уланиш жараёнининг чўзилиб кетиши. Электр тармоқларидаги узилишлар орқали корхонларнинг моддий-техник базасига зарар етаётгани;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидаги ёлланма ишчиларнинг ҳуқуқлари бузилаётгани. Ҳафталик 40 соат ўрнига 60 соатгача ишлаш ҳолатлари кузатиётгани. Бу албатта, ишчиларнинг меҳнат самарадорлиги ва маҳсулот ҳамда хизмат сизфатига таъсир қилади;

- 6 турдаги солиқ ҳисоботлари қисқартирилган бўлишига қарамасдан, солиқ ҳисоботларини топшириш учун вақтнинг кўп сарфланиши, умумий солиқ ставкасининг ривожланган мамлакатлар солиқ ставкаларидан ошиб кетганлиги(Doing Business-2017) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар учун солиққа тортиш механизмини такомиллаштиришни талаб қилмоқда.

**4-жадвал**

**Doing Business-2017 бўйича Ўзбекистоннинг солиқ ва солиққа тортиш тизими рейтинги**

| | Ўзбекистон | Европа ва Марказий Осиё |
|---|---|---|
| Тўловлар (йилдаги сони) | 46 | 17,6 |
| Вақт (йилдаги соат) | 192,5 | 121,5 |
| Умумий солиқ ставкаси (даромаддан %) | 38,1 | 33,8 |
| Солиқ индекси (0-100) | 47 | 71,9 |

*Манба: http//Russian.doingbusiness.org/data/exploreeeconomies*

Юқорида баён этилганлардан келиб чиққан ҳолда, "Ҳаракатлар стратегияси" доирасида қатъий белгиланган мақсадларга эришишимиз учун қуйидагиларни таклиф этамиз:

- тадбиркорлик субъектларини Европа ва Американинг маҳсулотларга қўядиган сифат талаблари тўғрисидаги ахборотни тадбиркорлик субъектларининг электрон манзилларига тўғридан-тўғри юборишни йўлга қўйиш. Бу уларнинг мамлакатимиз иқтисодиёти ва ҳуқуқий асосларидаги янгиликлардан тезкорлик билан хабардор бўлиш имкониятини беради;

- электр тармоқларига уланишни ва "Электр тармоқлари" корхонасининг ишончлилиги ва шаффофлигини ошириш мақсадида эркин ахборот таъминотини йўлга қўйиш, "ягона дарча" марказларининг бу борадаги маъулиятини ошириш лозим;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ёлланма ишчилари, уларнинг ҳуқуқлари, меҳнат шароитлари, меҳнсат таътили тўғрисида "Меҳнат кодекси"да аниқ тушунтиришлар бериш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Мамлактимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади аҳолининг турмуш даражасини оширишдан иборат экан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳам айнан мана шу мақсаднинг амалга ошишида йирик кўприк бўлиб хизмат қилади.

# ҲУДУДЛАРДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

**Сирожиддинов Икромиддин**

И.ф.н., доцент, Наманган муҳандислик педагогика институти

**Ҳожибоева Иқбола Валиевна**

Тадқиқотчи, Наманган муҳандислик педагогика институти

***Аннотация.*** Мақолада ҳудудлар даражасида хусусий тадбиркорликдан фойдаланиш масалалари уни юритиш учун яратилган шарт-шароитлар нуқтаи назаридан кўриб чиқилган, шунингдек, хусусий тадбиркорликнинг янги мақсадли йўналишлари, бирламчи вазифалари ва функцияларини ҳисобга олган ҳолда, унинг ўзига хос хусусиятларига эътибор қаратилган.

***Таянч тушунчалар:*** хусусий тадбиркорлик, тадбиркорлик учун яратилган шарт-шароитлар, кичик бизнес, иқтисодий асослар, ҳуқуқий асослар, тадбиркорликни рағбатлантириш, кредит тизими, ягона солиқ, ҳудудлар даражаси

***Аннотация.*** В статье рассматриваются вопросы использования частного предпринимательства на региональном уровне с позиций созданных условий по его ведению, особое внимание уделяется особенностям частного предпринимательства с учетом его новых целевых установок, первоочередных задач и функций.

***Ключевые слова:*** частного предпринимательства, созданы условия для предпринимательства, малое предпринимательство, экономические основы, юридические основы, стимулировать предпринимательство, кредитная система, единый налог, на территории уровня

Мамлакатимизда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий ва ҳуқуқий асослари яратилиши натижасида унинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати сезиларли даражада яхшиланди.

Республикамизда, шу жумладан, ҳудудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш жараёни, хусусиятлари ва йўналишлари мажмуини ишлаб чиқиш, фаолияти самарадорлигини баҳолаш, иқтисодий ривожланиш стратегияларининг илмий-услубий ва амалий асосларини ишлаб чиқиш лозим бўлиб, у хусусий тадбиркорлик фаолиятининг салоҳиятини баҳолаш ва оширишга қаратилган назарий-услубий ёндашувлар ва илмий-амалий хулосалар яратилиши ва таклиф этилишини давр талабига айлантирмоқда. Шу сабаб, иқтисодий ўсишни таъминлашда янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимиз иқтисодий тараққиётини мазкур секторсиз тасаввур қилиш қийин. Шунинг учун 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилаётган тадбирлар хусусий сектор учун бизнесни олиб бориш шарт-шароитларини янада қулайлаштиришга қаратилган (1).

Иқтисодий ўсиш ва мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлиги хусусий тадбиркорлик фаолияти натижаларига ҳам бевосита боғлиқ бўлганлиги сабабли давлатлар мазкур фаолиятни жадаллаштириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган мукаммал чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиб, уларни жорий қилиш механизмларини қўллаш орқали иқтисодиётдаги ўз мавқеини мунтазам равишда оширишга эришмоқдалар. Бундай устуворлик соҳанинг жаҳон ялпи ички маҳсулотидаги 50-60 фоизини ва жами банд бўлганларнинг ярмидан ортиғини ташкил этиши, айниқса саноати ривожланган мамлакатлар – Италия, Австрия, Франция, Японияда иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 84 фои-

зидан кўпи ушбу соҳада фаолият юритиши билан белгиланади[1].

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига кўра, 2009 йилда дунё аҳолиси меҳнатга яроқли қисмининг қарийб 50 фоизи кичик бизнес билан банд бўлиб, турли тармоқларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажмининг миллий маҳсулотдаги ҳиссаси 33 фоиздан 66 фоизигача, ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси эса 50 фоиздан 68 фоизгача етди[2]. Шу билан бир вақтда, ҳамма ерда янги кичик корхоналар пайдо бўлиб, уларнинг сони тобора кўпайиб бормоқда. Бу ҳолат яратилган янги муҳит шароитида ўзининг самарадорли эканлигини кўрсатиб турибди.

Мазкур йўналишларда олинган хулосалар шундан далолат бериб турибдики, аксарият ҳолларда, тадбиркорлик ва уни баҳолаш бўйича услубий хилма-хилликлар унинг жамиятда тутган ўрнини турлича баҳолашга асос бўлмоқда. Буларни бир тизимга келтириб хулоса қилинса, эркин тадбиркорлик шахсий ташаббусга асосланган, ўз мол-мулки ҳисобидан юқори даромад олишдан манфаатдор ва унинг хавф-хатарига бардошли, ҳақ-ҳуқуқлари кафолатланган, қонун доирасида фаолият юритадиган, бозор хўжалигини ташкил этиш ва бошқаришнинг мустақил фаолият тури ҳисобланади.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2009 йилда 50 фоизни, 2016 йилда 56,9 фоизни ташкил этди. Ҳолбуки, 2000 йилда ушбу кўрсаткич 31 фоизни ташкил қилган эди. Бундай натижа биринчи навбатда хусусий тадбиркорлик учун давлат томонидан тобора қулайроқ шароитлар яратиб берилаётганлиги ва доимий қўллаб-қувватланаётганининг самарасидир.

Ўзбекистонда хусусий тадбиркорликнинг бу қадар жадал ривожланишида, энг аввало, мазкур соҳа учун белгиланаётган солиқ имтиёзлари муҳим роль ўйнамоқда. Жумладан, бу борада 2009 йилда кичик саноат корхоналари учун ягона солиқ тўлови 8 фоиздан 7 фоизга пасайтирилди, якка тартибдаги тадбиркорлар учун эса қайд этилган солиқ миқдори ўртача 1,3 баробар камайтирилди. 2017 йилда ягона солиқ тўлови ставкаси 5 фоизни ташкил этди.

1996-2017 йиллар мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун белгиланган солиқ ставкалари 38 фоиздан 5 фоизга, яъни 7,5 марта қисқарди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантиришда кредит тизими ҳам ўз ўрнига эга. Соҳасига йўналтирилаётган кредитлар миқдори жадал ўсиб бормоқда. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишига унга хизмат кўрсатувчи инфратузилмавий муассасаларнинг ташкил этилиши ва хизмат сифати даражасининг яхшиланиб бориши сезиларли даражада таъсир кўрсатди. Бугунги кунда мамлакатимиз кичик бизнес соҳасига ўндан ортиқ турдаги 8 мингтага яқин инфратузилмавий муассаса хизмат кўрсатиб, фаолият учун зарур шарт-шароитларни яратилмоқда.

Сўнгги йилларда хусусий бизнесни давлат томонидан тартибга солиш тизими жиддий равишда такомиллаштирилди ва кўплаб ортиқча бюрократик тўсиқлар бартараф этилди. Бунда тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун зарур бўлган рухсат бериш тартиб-қоидаларининг қатъий чекланган рўйхати ва турлари аниқ белгилаб қўйилганлигини, қонунда назарда тутилмаган ортиқча рухсатнома ва рухсат бериш тартиб-қоидаларининг янги турларини киритиш қонун билан кескин тақиқланганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. 2016 йилнинг 1 январидан бошлаб мамлакатимизнинг барча ҳудудларида тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили асосида Давлат хизматларини кўрсатишнинг ягона марказлари фаолият юрита бошлади. Тадбиркорлик субъектларининг муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиши бўйича мутлақо янги механизм жорий этилиши билан ушбу тармоқлар ишини юритадиган ташкилотларнинг ҳудудий корхоналарига техник шартларни олишдан тортиб муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишгача бўлган барча жараёнларни амалга ошириб, уларни тадбиркорларга тайёр ҳолда топшириш ваколатлари берилди. Вилоятимизда ҳам Наманган шаҳри ва туманларда тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи “Ягона дарча” марказлари ташкил этилиб, уларга жами 105 штат бирлиги ажратилди ва малакали мутахассислар билан тўлдирилди.

2017 йил 1 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори қабул қилинди (2). Унга биноан “ягона дарча” марказлари туман (шаҳар) ҳокимликлари тузилмасидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тасарруфига ўтказилди. Бу “ягона дарча” марказларини самарали бошқариш, уларнинг фаолиятини ва бошқа давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлигинин ташкил этишга тизимли ёндашиш имкониятларини кенгайтиради. Шунингдек, 2017 йилга қадар “ягона дарча” марказлари томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун 16 турдаги рухсатномалар бошқа идораларга

бормасдан расмийлаштирилган бўлса, бунга қўшимча равишда босқичма-босқич яна 86 турдаги лицензия ва рухсатномаларни шу тарзда расмийлаштирилиши жорий этилиши назарда тутилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, бизнесни ташкил этиш турлича, масалан, якка, хусусий, кооператив (ҳамкорликдаги) тадбиркорлик, шерикчилик, масъулияти чекланган жамият, акциядорлик жамиятлари, йирик хўжалик бирлашмалари, уюшмалари ва бошқа шу каби ташкилий-ҳуқуқий шаклларда амалга оширилиши мумкин. Бунда кўплаб омиллар, шарт-шароитлар билан бир қаторда муайян ташкилий-ҳуқуқий шаклнинг бизнес ташаббускорлари иқтисодий манфаатларини нақадар тўла ва самарали рўёбга чиқара олиши даражаси инобатга олинади. Шунга кўра, ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан бизнесда энг мустаҳкам ташкилий-ҳуқуқий шакллардан бири – оилавий бизнес ҳисобланади. Чунки, оила – бу қариндошлик алоқалари орқали мустаҳкам боғланган кишилар гуруҳидир. Оила аъзолари ўртасида бизнес учун зарур бўлган энг муҳим белги ва тамойиллар яққол мавжуд: ўзаро ишонч, бир-бирларининг ақлий ва жисмоний салоҳияти ва имкониятларини яхши билиш, ўзаро ҳурмат, самарали меҳнат тақсимотини амалга ошириш имкониятлари, қатъий масъулият ва жавобгарлик ва ҳ.к. Бу оилавий бизнес шаклининг иқтисодий жиҳатдан самарали ва истиқболли эканлигини намоён этади.

Мамлакатимизда вужудга келган эркинлик, ҳар бир кишига ўз меҳнатини сарфлаш соҳаси ва шаклларини мустақил танлаш имкониятининг берилиши натижасида узоқ йиллар давомида боқимандачилик кайфиятида юрган аҳоли орасидан ишбилармон, тадбиркор, моҳир хўжалик эгалари, ҳунармандлар, касаначилар, иш юритувчилар ажралиб чиқди. Эндиликда улар фақатгина давлатдан иш жойи ва иш ҳақи кутиб қолмасдан, балки ўзлари ҳам хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиб, янги иш ўринларини яратишга ҳаракат қилмоқдалар.

Наманган вилоятида кичик бизнесни ривожлантириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес субъектларининг иқтисодиётдаги ўрни ва улушини йилдан-йилга ортиб боришига эришилмоқда. Хусусан, 2016 йилда кичик бизнес субъектларининг вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотидаги улуши 80,3 фоизни ташкил этди. Иқтисодиётнинг асосий тармоқларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар ҳажмида кичик бизнес субьектларининг салмоғи мунтасил ошиб бормоқда. Вилоятда 2017 йил 1 январь ҳолатига кўра 16524 та кичик бизнес субъектлари (фермер хўжаликларисиз) руйхатга олинган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2015 йилга нисбатан 5,0 фоизга ортди. 2015 йилда кичик бизнес субъектлари томонидан 1477,0 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, 2016 йилда мазкур кўрсаткич 2667,6 млрд. сўмни ташкил этди. Кичик бизнеснинг иқтисодиёт тармоқларидаги улушига назар солсак, соҳанинг саноатдаги улуши 78,2 фоизни, қишлоқ хўжалигидаги улуши 99,1 фоизни, қурилиш ишларида 97,4 фоизни, чакана савдода 95,7 фоизни, пулли хизматлар кўрсатишда 63,8 фоизни ташкил этмоқда.

Вилоятда 2016 йилда кичик бизнес томонидан экспортга чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 2015 йилнинг шу даврига нисбатан 48,9 фоизга ортиб, 207,8 млн. АКШ долларини ташкил этди. Бунинг натижасида кичик бизнес субъектларининг вилоят экспортидаги улуши мос равишда 83,8 фоиздан 93,5 фоизга кўпайди. 2016 йилда кичик бизнес субъектлари томонидан 37884 та янги иш ўринлари яратилиб, кичик бизнес соҳасида банд бўлганлар сони 837,5 минг кишига етди.

Ҳозирги пайтда амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатнинг муҳим хусусияти хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиш ва бизнес муҳитини янада яхшилаш борасидаги ишларнинг изчил давом эттирилаётганлигидир. Жумладан, қабул қилинган қатор қонунлар ва қонун ҳужжатлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, назорат органлари ва маъмурий тузилмаларнинг тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашувини бартараф этиш учун қатъий тартиб ўрнатиш ва ана шу идораларнинг раҳбарлари ҳамда мансабдор шахсларининг жавобгарлигини ошириш бўйича катта аҳамиятга эга бўлди. Давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат органлари билан ўзаро муносабатларда тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлиги тамойили жорий этилди. Чунончи, тадбиркорлик субъектларини ташкил қилишни соддалаштириш ва уларнинг фаолият юритишини енгиллаштириш билан боғлиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Янги тартиб бўйича, агар шахс солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бош тортиш билан боғлиқ жиноятни биринчи марта содир этган бўлса ва ҳуқуқбузарлик аниқланганидан сўнг 30 кун ичида давлатга етказилган зарарни тўлиқ қопласа, унга нисбатан жиноий иш қўзғатилмайди ва у жавобгарликка тортилмайди (4).

Тадбиркорлик субъекти солиқ ва божхона қонунчилигини бузган бўлса, унинг мул-

ки фақат суд қарорига биноан мусодара қилиниши мумкинлигини белгилайдиган қонунчилик нормаси жорий этилди, даъво аризасини кўриб чиқиш муддатлари ҳам сезиларли равишда қисқартирилди. Шунингдек, микрофирмалар, кичик корхона ва фермер хўжаликлари фаолияти тўрт йилда бир марта, бошқа хўжалик субъектлари фаолияти эса уч йилда бир марта режали тартибда текширилади ва бундай текширувлар фақат Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашининг қарорига асосан амалга оширилади. Молиявий-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режали текширувларни амалга ошириш муддати 30 календарь кунидан 10 календарь кунига қадар қисқартирилганлиги ҳам бизнес муҳитининг янада эркинлаштирилганлигининг ифодасидир.

Қонунчиликда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораларининг ноқонуний қарорлари ёки уларнинг мансабдор шахслари томонидан қилинган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик оқибатида тадбиркорлик субъектига етказилган зарарни, жумладан, бой берилган даромадни тўлиқ ҳажмда қоплаш механизми жорий этилди.

***Манба ва адабиётлар:***


*1.Блинов А.  Региональная система  поддержки малого предпринимательства в России. – М., 1994, с. 56.*

*2. Грант Р.М. Современнқй стратегический анализ. 6-с. Изд. / пер. С англ. – СПб.: Питер, 2010. с. 97*

*3. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. – Халқ сўзи, 2017 йил 8 февраль.*

*4. “Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. – Халқ сўзи, 2017 йил 2 февраль.*

*5. “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. – Халқ сўзи, 5 октябрь 2016 йил.*

## PROSPECTS OF DEVELOPMENT OF FOREIGN ECONOMIC RELATIONS IN SMALL BUSINESS AND PRIVATE ENTREPRENEURSHIP

**Muratov Raxmon Sayibovich**

Docent chair of "Development of infrastructure and logistics"

**Tursunov Mansur Bekpulatovich**

Fellow researcher, Research Center Scientific Bases and Issues of Economic Development of Uzbekistan under the Tashkent State University of Economics

***Аннотация.*** Иқтисодиётни модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантириш, ҳудудий кичик бизнес корхоналари маҳсулотларини жаҳон бозорларида рақобатбардошлигини янада ошириш, шу асосда кичик бизнес субъектлари фаолиятида саноат тармоқларини барқарор ривожлантириш салоҳиятини ўстириш иқтисодиётнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Мазкур мақолада ҳудудий кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантиришдахорижий сармояларни жалб этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари, истиқболда ҳудудий кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантириш йўлларибаён қилиб берилган.

***Таянч тушунчалар:*** Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, қонун лойиҳаси, ялпи ички маҳсулот, бозор шароитлари, истеъмол бозори, рақобат муҳитида божхона маъмурияти, узоқ ҳудудларда, божхона маъмурияти, электрон тўлов инфратузилмаси.

***Annotation.*** One of the priorities of the economy is the development of foreign economic relations of small business and private entrepreneurship on the basis of consistent continuation of modernization and diversification of the economy, increasing the competitiveness of products of regional small businesses in world markets and, on this basis, the growth of sustainable development of industrial sectors in small business.

This article describes ways to improve foreign investment in the development of foreign economic relations of regional small business and private entrepreneurship, as well as ways to develop foreign economic relations in the future in regional small business and private entrepreneurship.

***Keywords:*** modernization, regions industrial potential increase, small business and private entrepreneurship, draft law, gross domestic product, market conditions, consumer market, a competitive environment customs administration, in remote zones, customs administration, electron payment infrastructure.

Today we can confidently consider small business and private entrepreneurship development as one of the the priorities of economy liberalization and deeping reforms in our country. It should be noted, that small enterprise modernization, approved network programs of technical and technological renewal, as well as sustained high growth rates in the industry within the regional programs concerning the regions industrial potential increase, the high share of foreign economic potential, diversification of its structure andexpanding the range of competitive products output varieties of manufacturing branches has been providing. "Nowadays, in this sphere a third of total industrial product, 98 per cent of agricultural products were produced. I would like to emphasize that as a result of these reforms the share of small business and private entrepreneurship increased to 56.7 per cent or grew 1.8 times in comparison with 31 per cent in 2000." [2]

The issues of the small business and private entrepreneurship share increasing in the country's exports, attracting foreign investors and yet complete solution failing in this area, identifying the obstacles causing the low rate of practical support measures for regional small business entities inforeign economic relationship and its development, working out the proposals on their eliminating have been defined as the topics of high relevance of graduate qualification thesis.

Businesses an initiative carried out by business entities in accordance with the law, risk involving, under own responsibility directed to getting more profit.

- In accordance with Article 5 of the draft law "About Entrepreneurship" forms of entrepreneurship are described as following: [1]

- single labor activity;
- private entrepreneurship carried out by some civil on the basis of involvement of hired labor;
- team entrepreneurship carried out by group of citizens,
- joint entrepreneurship –founded on the basis of combination of property and property rights of citizens and legal entities.
- Business is an initiative carried out by business entities in accordance with the law, risk involving, under own responsibility directed to getting more profit.

For conducting of business activity one does not have to be the owner of that property, leasing necessary means, loan obtaining opportunities are available for running business. Figure 1 below performs the main forms of business activity:




Source: Muratov R.S., Tursunov R.T., Yusupov M. "Create your own business." TSUE UMK. 2012. 5-17 pp.

**Figure 1.The main forms of entrepreneurial activity.**

According to Decree of the President of the Republic of Uzbekistan from April 07,2014 № 4609 "On additional measures of further improve of investment climate and business environment in the Republic of Uzbekistan":

- Since July 1, 2014, according to regulatory documents the following units are included in the category of small business entities:
- sole proprietors-1-3 employees;
- micro-firms -5-20 employees;
- small enterprises -25 -200 employees. [2]

Today we can confidently consider small business and private entrepreneurship development as one of the the priorities of economy liberalization and deepening reforms in our country.

In accordance with the Decree from May 15, 2015, No UP-4725 of President of the Republic of Uzbekistan "On measures to overcome the obstacles in the way of development and ensuring protection of private property, small business and private entrepreneurship": [3]

- From July 1, 2015, the individual entrepreneurs have the right to hire from one to three workers, based on their activities, in terms of paying the insurance fee in amount of 50%from the minimum monthly wage directed to the out of budget pension fund and 30% of fixed tax rate fee for each hired worker.
- In case of hiring professional colleges the graduates of individual entrepreneurs will be exempted from tax paying for hired workers for

12 months period since graduating from college.

As a result of the great attention and support of the state to the sphere of small business and private entrepreneurship, its share of the country's gross domestic product has been growing year after year.

Particularly, if about 31% of gross domestic product in 2000, was accounted for this actively growing sector of the economy share, whereas in 2008 this figure increased to 48.2%, in 2009 it was 50.1%, in 2010 it was 52.5%, in 2011 it was 54%, in 2012 it was 54.6%, in 2013it was 55.8%, in other words, in 2015 it grew 2000 to 56% in 2015 for 22.3times (Graph1).




*Source: based on data from the State Statistical Committee of the Republic.*

***Graph 1: Share of the small business and private entrepreneurship in the GDP (in%).***

Small business and private entrepreneurship is one of the most significant factors in filling the domestic market with competitive and qualitative products, employment maintenance and consequently providing the steady increase of their incomes and welfare perfecting and it is referred as socio-economic backbone of the nation which provides formation and strengthening of the middle class, which is the socio-political basic and foundation of our society. In addition, today it has become the guarantee and support of social and political stability and the driving force behind the development of our country.

Analysis of data shows that the number of employed in Italy and Japan is in major priority and the number of those employed 50% and more shared in France and the United States. In this situation, the state paid great attention and supported the development of small business entities in these countries. [6]

This information shows that small business and private entrepreneurship entities being easily able to adjust to changing market conditions, to changes of consumer demand, play important role in keeping balance in the consumer market as well as in formation of a competitive environment.

The cross data on the state of small business entities in gross domestic product along sectors represented the in Tables 1 below.

**Table 1**

**The share of small businesses entities in key sectors of the economy produced goods (works, services)(in per cent)**

| Years | Industry | Agriculture | Construction | Trade | Investment | All services |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 2008 | 13,9 | 97,8 | 58,4 | 48,1 | 24,6 | 44,2 |
| 2009 | 16,9 | 97,9 | 42,4 | 47,8 | 23,7 | 44,1 |
| 2010 | 19,4 | 97,9 | 53,1 | 50,3 | 28,5 | 45,7 |
| 2011 | 21,0 | 98,0 | 68,6 | 47,1 | 31,9 | 46,1 |
| 2012 | 22,0 | 98,0 | 71,1 | 45,6 | 35,3 | 46,8 |
| 2013 | 24,8 | 98,1 | 71,9 | 46,3 | 33,5 | 48,6 |
| 2014 | 31,1 | 99,0 | 70,3 | 45,4 | 34,8 | 53,4 |

*Source: data from the State Statistical Committee of the Republic of Uzbekistan.*

According to the analysis, the share of small businesses in the structure of industrial production grew from13.9% in 2008 to 24.8% in 2013, or nearly 11%, while in 2014 reaching to the 31.1%grew by 17,2%. In addition, we can see growth of agriculture by 98.1%, the share of construction material in the same period from 58.4%reached to 71.1%, or 12.7%, the share of all servicesrespectivelyto 44.2% reached 46.8%.

In its turn, it is important to note that the majority of small business entities engaged in commercial activities has been expanding and dealing with larger scale multi-sector business trading sphere. As a result, we can see that their share reached from 50.3%in 2010 to 46.3%this year, decreasing by 4%.

Small business and the private entrepreneurship development support by the government, including liberalization, simplification and prices reduction in all procedures related on doing business and implementation of measures on financial supporting of small business and private entrepreneurship entities is playing an important in becoming of this sphere the leading chain the country's economy.

As a result of those measures the share of the total volume of goods and services produced by small business and private entrepreneurship entities in our country is sustainable growing. It should be noted that in our country wide range of opportunities provided for local and foreign entrepreneurships and as a result of the wise policy the favorable business environment is forming and developing in our country.

Forming and developing small enterprises are not the same according to all regions in our republic. In evaluating the quantities of enterprises, organizing and developing small enterprises, the quantity of personnel staff who are busy in them or creating the work places through them, a number of characterizing indicators are implemented to fill their markets through the income which received from selling the product (work, service).

The sphere has been developing considerable in consequence of conducting according to develop small business and private entrepreneurship in Ferghana region. That's why the quantity of subjects in this category is developing year by year in the region.

General quantity of registered enterprises according to Ferghana region is 92,9 per cent in non-governmental property enterprises, from this 60,6 per cent peasant and farming, 17,4 per cent private enterprises, 0,3 per cent enterprises with foreign capital, 0,1 per cent joint-stock companies and 14,5 per cent other enterprises.

The registered economic entities are divided according to the ownership form of juridical persons (Graph 2):




Source: It has been prepared on the basis of the information of Foreign economic relations, investments and trade department and main administration of statistics of Ferghana region.

**Graph 2: The share of economic entities activity according toFerghana region**

(The condition of the 1st of January of 2016; comparatively for percentage account to the general quantity)

We can say from this drawing information that state property share to the year of 2014 7,1 per cent comparatively to the year of 2014 low than 7,1 per cent or 3,7 to the year of 2015. The forms of private ownership are developing in the region. Including 17,5 per cent the property of private enterprises low comparatively to the year of 2014, it is 17,4 per cent, 0,1 of lowering has been observed. The reason is sharply development of the other types of ownership have been observed. We can see increasing including farming has developed in these years from 56,3 per cent to 60,6 per cent or 4,3 level accordingly and foreign investment enterprises have developed accordingly from 0,2 per cent to 0,3 per cent.

It is necessary to mention that paying special attention for the development of small business in the region testifies the important role in the social and economic development in this sphere.

This sphere is sharply developing in consequence of conducting the economic policy according to develop small business and private entrepreneurship in Ferghana region. That's why the quantity of subjects in this category grows year by year.

There is every 10 days monitoring together with the specialists of regional foreign economic relations, investments and trade department and customs administration which are being implemented by the enterprises under the territorial possession. Information of marketing observations and their results which is reflected in the foreign countries according to products, is delivered to the entrepreneurs through the mayors administrations of cities and districts. The proposals and recommendations are worked out according to realization of measures on active participation of the subjects of enterprises and small business in the International fairs and exhibitions, changing the old equipment and tools for new ones.

According to the observations of research, a number of programmed measures are being implemented according to the development of private ownership in the region. Stimulating and supporting entrepreneurship are reflected in creating opportunities for growing the social and economic ability of the territory and in raising its share in Gross Domestic Product (GDP) of the region.

In 2015 year, by attraction of foreign investments, total amount cost 67.3 billion USD, and 45.7 million USD foreign investment and 28 investment projects were submitted. According to monitoring dates of 2015 year, submitted projects (with additional projects) total 78.6 million USD (concerning to prospects- 116.8%) and 54.5 million USD investments were attracted (concerning to 119.2% or 2014 year period 132.2 %) on account of foreign investments. [8]

"Fare conditions for privatization of state assets and buying those to foreign investors have been created." [4] Investment amount, attracted by real addressed program consists of 61.8 million. USD (concerning to prospect-118.5 %) and direct foreign investment amount for 51.7 million USD (concerning to prospects-141, 7%).




*Source: It has been prepared on the basis of the information of Foreign economic relations, investments and trade department of Ferghana region and main administration of statistics.*

***Graph3: Directly attracted foreign investment by Fergana regional investment program sphere.***

Directly attracted foreign investments during January-December months of 2015 year were turned to textile (6.8 million USD), building (42.4 million USD), services (1.1million USD), leather shoes (1.1 million USD), agriculture (485.million USD), machine building (1.2 million USD), carpet production (1.1 million USD) industries and other branches (445.5 million USD).

If we see undertaken projects tasks as projects of 2015 years, attraction of foreign investments:

Uzbekistan-China joint-stock company's outputs are being extended by producing autumn

shoes for workers and militaries, company bought 5 million $ tools from China. If the company produced 150 million pairs of shoes, by extending the capacity of shoes, production increased to 500 thousand pairs of shoes.

While working on my research, we saw regional small business and entrepreneurship subjects were coming across some obstacles in their activities. For instance, when we questioned entrepreneurship subjects they stated problems and bans in paying little attention to the provision of people's vacancies, wide scale local problems on competition, support, and development of entrepreneurship

- Agricultural products of other regions for the export are not indicated in regional export indicators by which registered enterprises in their own region.
- High-share of the Inactive business entities are considered in zones, the number of liquidated business entities are more than the number of new organized business entities, mutual cooperation relations of local government bodies with representatives of small business have not been established adequate;
- Special state export-import companies have their own monopoly position but there are not any non-governmental companies in region as a result a competitive environment has not been created in region;
- There aren't any recycling agricultural products and not created any non-governmental corporations to engage with the export in region (if there is a competition in region, it will be development).
- There are not enough infrastructure institutions which helping for entrepreneurship and working in remote zones are not served at the highest level in specially zones and districts.
- Agricultural products of other regions for the export are not indicated in regional export indicators by which registered enterprises in their own region, it causes of declining the indicator of export potential in the region;

**As the result of my research, I suggest following measures for implementation on developing and increasing foreign economic relations of Fergana region small business and entrepreneurship activity:**

- one of the important matters is organizing sanitary certifications in the region than passing productions through customs right at their place;
- getting proper information about vacant and not using buildings and complexes in short terms working out tendering them to small business and entrepreneurship subjects with "o" cost;
- using optimal skills in supply energy, gas, water, sewage and heating systems;
- creating whole sale system in areas by official distributors;
- it is expedient to use electron payment infrastructure in all places of the region and work out measures on progress.

These measures and measures will contribute to the immediate solution of the task of forming a regional class of proprietors in the region by the development of regional small business and private entrepreneurship.This, in turn, indicates the socio-economic significance of the country, including small businesses and private entrepreneurship, in providing employment for the population and becoming a major source of income.

**References:**


*1. The Law of the Republic of Uzbekistan"About entrepreneurship". -T.: 1996 y. 16 May. (with changes and additions).*

*2. According to Decree of the President of the Republic of Uzbekistan from April 07,2014 № 4609 "On additional measures of further improve of investment climate and business environment in the Republic of Uzbekistan".*

*3. In accordance with the Decree from May 15, 2015, No UP-4725 of President of the Republic of Uzbekistan "On measures to overcome the obstacles in the way of development and ensuring protection of private property, small business and private entrepreneurship".*

*4. I.Karimov. "Our main goal, despite of the difficulties to go decidedly forward, continuing consistently ongoing reforms, structure transformation in economy creating even more opportunities for development of private property entrepreneurship and small business". http://www.uzreport.com.*

*5. I.Karimov. "Serving in the path of happiness and great future of our motherland is a top value" T.: "O'zbekiston" NMSU, 2015. -58 p.*

*6. Muratov R.S, I.A.Djalalova. S.SH.Oripov. "Economy enterprise". Txtbook.-T.: Science and technology, , 2014,-424 p.*

*7, Muratov R.S., Tursunov R.T., Yusupov M. "Create your own business." TSUE UMK. 2012. 5-17 pp.*

*8.UzR IIP ва Doing business 2014. Economy profile Uzbekistan. The International Bank for Reconstruction and Development / The World Bank.*

*9.Data from the State Statistical Committee of the Republic of Uzbekistan.*

*10.It has been prepared on the basis of the information of Foreign economic relations, investments and trade department and main administration of statistics of Ferghana region 2013-2015 years.*

# TURISTIK XIZMATLAR BOZORI ISTIQBOLINI ANIQLASHNING INNOVATSION USULLARI

**Safarov Bahodirxon Shahriyorovich**

Kafedra mudiri i.f.d., dotsent, Samarqand davlat universiteti

***Annotatsiya.*** Maqolada O'zbekiston Respublikasida turizm sohasi innovatsion rivojlanishida xorijiy tajribaning qo'llash yo'llarining nazariy va uslubiy asoslari, milliy xususiyatlari, xorijiy rivojlangan mamlakatlarning turizm sohasida innovatsion faoliyatini rivojlantirishning o'ziga xos xususiyatlari va innovatsion faollikni ta'minlashning an'anaviy va noan'anaviy usullari tatqiq etildi. Shuningdek, maqolada O'zbekiston Respublikasida turistik xizmatlar bozori istiqbolini aniqlashning innovatsion usullaridan time-seriys metodini ifodaladik. Va turizm rivojlanishga ta'sir etuvchi omilari bo'yicha taklif va tavsiyalar berilgan.

***Tayanch tushunchalar:*** turizm industryasi, jahon iqtisodiyoti, axborot va kommunikatsiya texnalogiyalari, internetga murojaat miqdori, iqtisodiyotdagi o'sish, logarifmik funktsiyalar.

***Аннотация.*** В статье рассматриваются роль и значение туризма как фактора воздействия на экономику и прогнозирования в ней спроса. Выявлены предпосылки и условия, способствующие его развитию. Обоснована необходимость разработки и реализации прогнозных данных в рамках комплексного развития национальной экономики. Предлагаются ориентиры развития рынка туризма в стране, обоснованные выводами проведенного анализа.

***Ключевые слова:*** международный туризм, рынок туризма, тенденции, модель, регрессионный анализ, информационно-коммуникационные технологии, факторы, турпродукция, дестинация, инфраструктура, спрос, прогнозирование.

Ma'lumki, dunyoning ko'pchilik rivojlangan davlatlari boy tabiiy va inson qo'li bilan yaritilgan, qiziqish uyg'otadigan manbalarga ega va aynan shu manbalar turizmni ushbu mamlakatning iqtisodiy taraqqiyotining strategik vositasiga aylanishiga sabab bo'ladi. Turizmga asoslangan iqtisodiy taraqqiyotning strategik yo'nalishini belgilashda innovatsion g'oyalar murakkab ko'rinishining metodologik jihatlarini o'rganish talab etiladi. Shuning siradagi metodologik g'oyalardan biri u «turizmni g'aroyib ko'paytiruvchi» tushunchasi bilan bog'liq holda namoyon bo'ladi. Turizmga sarf qilingan xarajatlarning bir marta o'zgartirilishining iqtisodiy daromadiga bir necha bor ta'siri turizmning ko'paytiruvchisi deb ataladi. Bunday ta'sir uch xil ko'rinishda namoyon bo'ladi.

Turistik korxona daromadlarining talab o'zgarishiga bevosita ta'siri quydagicha:

1. Talabga bo'lgan ehtiyojning o'zgarishi korxona daromadiga bevosita ta'sir o'tkazishi;

2. Turistik korona takliflarining o'sishi natijasida uning mahsulot yetkazib beruvchilarga bo'lgan talab ham o'sadi;

3. Umumiqtisodiy faoliyat jadalashuvi natijasida aholining daromadi ko'payadi va shu sababli iqtisodiyotning boshqa sohalari mahsulotiga talab ko'payadi.

Ko'paytirgichining mahsulotiga ta'sir ko'rsatuvchi omillar asosan uch xil bo'ladi ular:

- destinatsiya kattasiga, ya'ni kichik destinatsiyada natija katta hajmda bo'lishi mumkun, ta'sirning miqdori esa kichik ko'rinadi;
- tarmoqlar va sohalar aloqasi: sohalararo aloqa kuchsiz bo'lsa, importning hajmi o'sadi va ta'siri kuchsizlanadi;
- kapitalning iqtisodiy (yoki sohadagi) hajmi: bu aholining mablag' to'plash qobilyati, turizm harakatlarida importning ulushi soliq va boshqa to'lovlar harakati kabi omillar bilan bog'liq bo'ladi;
- oxirgi omil talabga bo'lgan cheklovlardir;

Ko'paytirgichning eng oddiy shaklini quyidagicha tasvirlash mumkin:

$M = A \bullet [1/ (1 - VS)]$ (1),

bu yerda,

M = ko'paytirgich;

A = dastlabki bosqichidan so'ng saqlanadigan xarajat (lar) A=1 dastlabki bosqichida to'lanadigan kapital qismi;

V = Mahalliy aholining mahalliy mahsulotlar iste'mol qilish qobilyati;

S = Mahalliy aholining daromad sifatida qaytib keladigan xarajatlari miqdori.

**Daromad shakllari ko'rsatkichlari**

Turizm sohasida ishchi o'rinlar shakillanishini ikki xil ko'rsatkich asosida aniqlash mumkin. Birinchisi, turizm bilan bog'liq jabhalariga bandlik bo'lib, uni hisoblash oson qiladi. Ya'ni, turizimga oid harakatlarda band bo'lgan barcha kishilarning soni jamlanadi. Bunday hisob juda oddiy usul bo'lsada, lekin turizim sohasi xodimlari umumiy sonini biroz ortirib ko'rsatish mumkin, ko'p mexmonxona, ovqatlanish transport korxonalari kabilar nafaqat turistlar balki boshqalarga ham xizmat ko'rsatadi.

Ikkinchi o'lchov me'yori minimal ehtiyojlar usuli bo'lib, undan kichik destinatsiyalar hisobidan foydalanish tavsiya qilinadi. Ikkinchi bosqichida destinatsiya o'xshash noturistik hudud tanlab olinib, har bir ming kishidan qanchasi qaysi jabhada donaligi hisoblab chiqiladi (bunday donalik ''minimal bandlik" deb ataladi). Shundan so'ng turistik destinatsiyada faoliyat ko'rsatayotganlar sonidan minimal ehtiyoj qismi olib tashlanib, bevosita turizm sohasida band bo'lganlarning soni aniqlanadi. Albatta, bandlikni aniqalashning boshqa usul va amallari ham mavjud. Aytish mumkinki, turizm sohasidagi bandlikning darajasi destinatsiyaning iqtisodiy taraqqiyot darajasi, uning texnologik ta'minlanganlik holati hamda qo'llash bilan bog'liq. Destinatsiyaning texnologik rivojlanishi darajasi va miqdoriga bog'liq bo'ladi.

**Talab ko'rsatkichalrining konsepsiyasi**

Destinatsiyaning bozor talabi deganda, ma'lum geografik hudud ma'lumotlari aniq bir guruhning marketing dasturi doirasi ta'sirida hosil bo'ladigan, bozor muhiti ma'lum bir davrda xarid qilinadigan mahsulot miqdori tushunish kerak.

Talab ko'rsatkichlarini bir nechta unsurlaridan iborat:

– umumiy miqdor (tashrif buyuruvchi turistlar soni, yotoq davri yoki umumiy tushum);

– iste'mol guruhi(butun bozor yoki uning alohida bir qismi);

– davriylik (qisqa, o'rta yoki uzoq muddatli );

– bozor muhuti (masalan iqtisodiy holat texnologik ta'limot);

– marketing dasturi (masalan tashviqot ajratilgan mablag').

Bunda bozor talabi aniq miqdor ko'rinishga ega bo'lmasdan balki, yuqoridagi unsurlar bilan bog'liq holda foydalaniladigan funksiyadir.

Quydagi keltirilayotgan chizmada ushbu funksiyaning faqat birlik unsur, yana marketing harakatlari bilan bog'liq holati tasvirlangan




**1-rasm. Bozor talabi va marketing xarajatlari**

**Sifat prognozi usullari**

Sifat prognozi usullari tadbiqida ekspertlar yoki oddiy iste'molchilar bildirilayotgan fikrlariga tayangan holda talab darajasi aniqlanadi. Ushbu usul hech qanday aniq matematik ko'rsatkichga ega bo'lmasada, u bo'lajak talabning miqdori va quyi chegaralarini belgilashda yordam qiladi. Bu usullar uch xil asosiy kategoriyalar mavjud

bo'ladi.

**An'anaviy usullar**

An'anaviy usul esa so'rovnomalar o'tgazishdan iborat bo'lib, unda kutilayotgan iste'molchilar ishtirok etadi. So'rovnomalar asosida talab doirasida kuzatilayotgan trendler o'rganiladi, destinatsiyaning obro'-e'tibori hamda unga tasir o'kazilishi mumkin bo'lgan omillar aniqlanadi. Ushbu so'rovnomalarga ba'zan turoperator va turagentlar ham jalb qilinib, ularning faoliyati etiborga olinadi.

Ishimizning mazkur qismida modellashtirish muammosiga to'xtalishni ma'qul ko'rdik. Matematik modellashtirishning ayrim jihatlarini ko'rib chiqamiz. Turizm sohasi tadqiqiga tatbiq qilinib kelinayotgan matematik modellardan biri professor I.V.Zorin tomonidan taklif qilingan turistik tizimni joylashtirish modelidir [1]. Ushbu model asosida Shteyner – Veber metodining tatbiqi va birda berilgan ko'rsatkichli talablar markazidan rekreatsion tizimga kam vaqt oralig'ida xarajat qilishni tavsiflaydi.

E.A.Staroselets va B.I. Melnikaslar katta hajmdagi sanoat markazlari uchun sayyohlarni shahardan tashqarida dam oldirmasdan turib joylashtirishning eng optimal modelini yaratdilar [2].

E.S.Oleynikov o'z ishida turistik sistemaning turli bosqichlarda joylashtirish modelini tasvirlaydi va bunda samara miyori sifatida sarf qilingan xarajatlar miqdori qaraladi [3].

M.Xill va M.Shexter taklif qilinayotgan modelda esa, turizm tizimi taraqqiyotini nazarda tutuvchi loyihalarni amalga oshirish jarayonida zaxiralarni optimal taqsimlash muhimligi o'qtiriladi [4]. Ushbu ishda reaksion tizim rivojini baholovchi me'yorlar qatori ajratiladi.

A.Pens, o'z navbatida, turizm tizimi faoliyatini samarali tashkil qilishda chiziqli dasturlash modelidan foydalanish maslahatini beradi [5].

Axborot texnologiyalarning turizm sohasi rivojidagi o'rni V.A. Kvartalnov, V.D.Kolochanov, L.I. Kobko kabi mualliflarning asarlaridan ma'lum darajada yoritilgan [7-9].

Dasturiy tatbiqlar iqtisodiy samarasi haqida soha mutaxassislari asosli fikrlaridan ammo qo'yilgan muammo yechimini topish borasida umumiy bir yondashuv hozircha shakllangani yo'q.

**Delfi usuli**

O'tgan asrning 60-yilaridan boshlab qo'llanib kelingan ushbu usul tatbiqida soha mutaxassis – ekspertlardan o'z bilim tajribasiga tizimli yondashuv asosida voqea-hodisalar haqida yagona xulosaga keladi. Ushbu usuldan prognoz bir necha bosqichda keladi.

- bashorat obyektlari va ularga ta'sir o'tkazish omillar;
- ekspertlar guruhi to'planadi;
- dastlabki so'rovnoma tayyorlanib tarqatiladi;
- so'rovnomadagi usullar tahlil qilinib ummumlashtiriladi;
-yangi anketalar tarqatilib ikkinchi bosqich boshlanadi;
- ikkinchi bosqichda so'rovnomalar tahlil qilinadi;
- yakuniy hisob tayyorlanadi va umumlashtirilib tahlil qilinadi.

Delfi usuli, ma'lum darajada ekspertlar guruhi tahliliga o'xshashdek ko'rsatiladi, lekin unda hisobot ustunroq bo'ladi. Masalan Delfi usuli qo'llanilganda ayrim tahlil usullari shaxslar tomonidan boshqalarning fikrlarini o'zgartirish imkoniyatiga ega emaslar.

Tanqidiy tahlilga asoslangan usul bir nechta qo'llanishda namoyon bo'ladi va bulardan barchasi bir joyga to'planadigan soha muttaxasislari muzokarasidir. Bunday muzokaralar paytida yangi g'oyalarning tug'ilishi kutilgan hol, ammo munozara paytida ayrimlar boshqalarni o'zi tomoniga tortishi mumkum. Bunday usul tatbiqining ya'ni bir turi senariy yozishdir. Ekspertlar natijaga kelishi kutilayotgan voqea hodisalar senariyasini tuzib chiqadilar. Natijalar sohadagi talabning darajasi va me'yorning oldindan belgilangan imkoni tug'iladi.

Turizm sohasida prognozlashtirish va bashoratli tahlil olib borishning yana bir keng tarqalgan usuli metodika miqdoriy ko'rsatgichlarga asoslanadi. Bu ko'rsatgichli tahlil uch ko'rinishga ega: a) bir o'zgaruvchi miqdorli Time seriys usuli b) regresiv tahlil usuli; v) sayohat va talab qilish usuli. Time seriys usulining tatbiq qilinishi prognoz ko'rsatkichining oldingi statistik tahlili bilan bog'liq va bunda ko'rsatkich boshqa omillardan holi holda prognozlashtiriladi (1) Time-seriys tushunchasi muntazam (har kuni, har hafta, har oyda, har chorak yoki yil davomida) to'planadigan ma'lumotni anglatadi. Ko'rinishidan oddiy bo'lgan ushbu usuldan turli joylarda foydalanish mumkin va uning vositasida ko'rsatkichda namoyon bo'ladigan Trend aniqlanadi. Umumiy Trendni quydagicha chiziqli formula vositasida tasvirlash mumkin

**Y=a+bt, (2)**

bu yerda,

Y = ifodalanadigan ko'rsatgich;

t = vaqt ko'rsatgichi (t= 1dan I gacha);

a = regresiya natijasida hisoblanadigan o'zgarmas son;

b = regresiya koeffisenti yoki chekinish (t o'zgarishi natijasida y ga kechadigan o'zgaruvchilar).

Chiziqli funksiya negizidagi trendni darajali, logarifmli va kvadrat usullarida yoki boshqa biron funksiya shaklida hisoblash mumkin. Bu albatta o'zgaruvchan son Trendidagi shakilga bog'liq.

Jalb qilish va sayyohlik modellari

Jalb qilish modeli bevosita Nyutoning tortilish qonuni bilan bog'liq. Unga asosan bir mamlakatdan boshqasiga uyushtiriladigan turistik tashriflar miqdori ushbu mamlakatlar aholisining soni va ular o'rtasidagi masofa bilan bog'liq deb hisoblanadi. Bu model demografik, geografik, destinatsion omillarga asoslanadi. Sayohatlar modeli bazan jalb qilish modeliga bog'lansada, ba'zan u istemol talabi funksiyasining biroz o'zgartirilgan shakliga o'xshaydi. Tafsiflanayotgan modellarda regressiv Talab modeliga nisbatan masofaga qarab e'tibor qaratiladi. Turizmda qo'llaniladigan eng sodda talab qilish modeli quyidagicha ko'rinishga ega;

$$I_{ij} = G\left[\frac{P_i P_j}{D_{ij}^b}\right] \quad (3)$$

bu yerda,

$I_{ij}$ = Biror mamlakatdan ikkinchisiga sayohat qiluvchilar soni

$R_i$ = I mamlakat aholisining soni;

$R_j$ = I mamlakat aholisining soni;

$D_{ij}$ = I va j o'rtasidagi masofa;

b,G = hisoblash (o'lchash ) koeffitsenti.

Umuman olganda jalb qilish modelida uch turdagi o'zgaruvchilar qatnashadi;

1. Turistlar ishtirokida yaratiladigan bozorni tavsiflovchi;

2. Turistlarni qabul qiluvchi destinatsiyani tavsiflovchi;

3. Ikki mamlakat o'rtasida vujudga keladigan to'siqlarni tavsiflovchi.

Shuningdek sayohatlar modellaridan o'z mustaqil o'zgaruvchilarni inobatga oluvchi Labor modeli ham diqqatni jalb qiladi;

$$\log\left(\frac{I_{ij}}{P_i}\right) = \log G + a\log Y_i + b\log AN_i + c\log DU_i - d\log D_{ij} \quad (4)$$

bu yerda,

$I_{ij}/P_i$ = I mamlakatdan ikkinchi I mamlakatga uyushtiriladigan sayohatlar soni (aholining umumiy soniga nisbatan);

$Y_i$ = Aholi miqdoriga nisbatan olinadigan daromad;

$AN_i$ = n mamlakatning aholisi, shu mamlakatda tug'ilganlar soni;

DU= mamlakatlar o'rtasidagi umumiy chegara haqidagi ma'lumot;

$D_{ij}$ = masofa ko'rsatkichlari.

3.Regression tahlil ko'rsatkichlari

Time seriys metodi o'ta oddiy bo'lgani bois undan har doim foydalanish imkoniyati chiqarilgan. Shu sabab prognozlashtirilishi rejalashtirilayotgan o'zgaruvchiga ta'sir o'tgazish mumkin bo'lgan omillar aniqlanadigan buni qiziqtirayotgan o'zgaruvchining mohiyatini bu omillarning miqdori va ta'sir darajasini belgilash vositasida o'rganishimiz mumkin. Regressiv tahlil uch maqsadda qo'llanilishi mumkin.

1.prognozlashtirish

2.Ta'sir etadigan omillarni aniqlash

3. Bir yoki bir necha omillarning ta'sir darajasini belgilash.

Regressiv tahlilning eng oddiy turi chiziqli funksiyadir;

$$y = f(x_1, x_2, ...., x_n) \ (5)$$

Yuqoridagini boshqacha tasvirlash mumkin

$$y = f + b_1X_1 + b_2X_2 + . . . + b_nX_n \ (6)$$

y = hisoblangan ko'rsatkich

X1, .... Xn = Ta'sir etuvchi omillar;

f = regressiya natijasida hisoblangan o'zgarmas son;

$b_i$ = regressiv koeffisenti yoki ta'sir etuvchi omillarning og'ish darajasi.

Xuddi time seriys usulidagidek, regressiv tahlil formulasi nazariy jihatdan olganda chiziqli bo'lmasligi ham mumkin. Lekin ularning hisobida koeffitsentlar albatta chiziqli bo'lishi kerak. Bu maqsadda ko'pincha logarifmlar yordamiga murojat qilinadi. Odatda, turistik talab darajasiga ta'sir qiluvchi omillarni aniqlashda sayyohlar mamlakatida daromad darajasi

Narxi raqobatchilar tahlil qilayotgan sayohat masofasi va davri marketing harajati kabilar mamlakatning iqtisodiy va savdo asoslari turmahsulot.

Albatta ushbu omillarni bir paytning o'zida to'lig'icha hisobotini olish qiyin, shuning uchun ular orasidan regressiv koeffitsent ko'rsatkichi.

Turistik hisobotlar korrelyatsion va regression modelini shakllantirishda mavjud ma'lumotlarning bir turli bo'lishi muhimdir. Mavjud ma'lumotlar to'planishi ushbu ma'lumotlar anomal, ya'ni boshqasidan tubdan farqlanadigan 3. Bu amal biror bir yagona yoki ko'p o'lchovli alomatga nisbatan beriladigan miqdoriy bahoga asosan beriladi hamda eng yaxshi yoki eng yomon faollashuv sharoitiga ega bo'lgan obyektlarni kuzatish maqsadiga ega bo'ladi.

O'zbekiston miqyosida turizm xizmatlar bozori taraqqiyotini o'rganish uchun biz time-seriys metodiga murojat qilamiz.

Bashorat qilishning time-seriys usulidan foydalanishning muhim shartlaridan biri tadqiq qilinayotgan jarayonning mohiyatini bilish hamda iqtisodiy oʻsishda barqarorlikning mavjudligidir, anan shu xolat oʻrganilayotgan hodisa taraqqiyotida talab qilingan darajadagi uzluksizlikni ta'minlanishi mumkin.

Bozor iqtisodiyotida narxlarning oʻzgarishi

iqtisodiy ko‘rsatkichlarni bashorat qilishda nominal narxlardan foyda¬lanmasdan, balki real narxlardan foydalanishni taqozo etadi. Amaliyotda iqtisodiy qo‘rsatkichning nominal narxdagi qiymati inflyasiya (deflyasiya)ni hisobga oluvchi – narx indekslari orqali haqiqiy narxdagi qiymatga o‘zgartiriladi.

Tadqiqotimizda O‘zbekistonda turizm sohasidagi iqtisodiy ko‘rsatkichlarning asosiy qismi nominal narxlarda berilganini e’tiborga olib, ko‘rsatkichni haqiqiy qiymatlarga o‘zgartirish uchun YAIM deflyatoridan foydalanish maqsadga muvofiq, deb hisoblaymiz, chunki YAIM deflyatori respublikadagi inflyasiya darajasini aniqroq hisobga olishga imkoniyat beradi.

**1-jadval**

**O‘zbekiston Respublikasida 2005-2014 yillardagi YAIMni nominal narxlardagi qiymati va YAIM deflyatorning dinamikasi**

| Yillar | YAIM nominal narxlardagi qiymati (mlrd. so‘m) | YAIMning o‘sish (%) | YAIM deflyatori | Real YAIM (mlrd. so‘m) |
|---|---|---|---|---|
| 2005 | 15 923,4 | 107,0 | 1 | 15 923,4 |
| 2006 | 21 124,9 | 107,5 | 1,23 | 17 117,6 |
| 2007 | 28 190,0 | 109,5 | 1,21 | 23 131,7 |
| 2008 | 37 746,7 | 109,0 | 1,22 | 30 727,1 |
| 2009 | 48 097,0 | 108,1 | 1,178 | 40 804,1 |
| 2010 | 61831,2 | 108,5 | 1,184 | 52185,2 |
| 2011 | 77 750,6 | 108,3 | 1,161 | 66963,2 |
| 2012 | 96 589,8 | 108,2 | 1,148 | 84 126,1 |
| 2013 | 118986,9 | 108,0 | 1,140 | 104 316,9 |
| 2014 | 144867,9 | 108,1 | 1,126 | 128 624,8 |

*Manba: O‘zbekiston Davlat statistika qo‘mitasi ma’lumotlari asosida tayyorlandi.*

Ushbu jadval ma’lumotlaridan foydalangan holda turizm sohasidagi iqtisodiy ko‘rsatkichlarning nominal narxdagi qiymatlarini real narxdagi qiymatlarga o‘zgartirishga harakat qildik va time-seriys usuli yordamida, O‘zbekistondagi turizm xizmat bozori rivojlanishini bashorat qilishda qo‘lladik. Bunda asosiy ko‘rsatkichlar sifatida turistik xizmatlar hajmi (real narxlarda mlrd.so‘m), O‘zbekiston Respublikasida turistik faoliyat va joylashtirish xizmatlar eksporti (AQSH ming dollari), xorijiy fuqarolarga xizmat ko‘rsatish(ming kishi), xorijiy turistlarga xizmat ko‘rsatish (ming kishi), O‘zbekiston fuqarolarning chet elga chiqishlari(ming kishi) tanlab olindi (2-jadvalga qarang).

**2-jadval**

**O‘zbekiston Respublikasida 2005-2014 yillar davomida turizmning rivojlanish dinamikasi**

| № | Ko‘rsatkichlar nomi | 2005 y. | 2006 y. | 2007 y. | 2008 y. | 2009 y. | 2010 y. | 2011 y. | 2012 y. | 2013 y. | 2014 y. |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Turistik xizmatlar xajmi (mlrd. so‘m, nomenal narxlarda) | 50,5 | 58,0 | 78,2 | 69,9 | 120,2 | 153,8 | 186,8 | 222,4 | 253,4 | 293,9 |
| | (real narxlarda) | 50,5 | 47,1 | 64,6 | 57,3 | 102,0 | 129,8 | 160,8 | 193,7 | 222,3 | 261,0 |
| 2. | Xorijiy fuqarolarga xizmat ko‘rsatish (ming kishi) | 330,1 | 559,4 | 903,1 | 933,3 | 1294,4 | 1055,4 | 1472,2 | 1946,6 | 2028,6 | 1938,0 |
| 3. | Xorijiy turistlarga xizmat ko‘rsatish (ming kishi) | 3,8 | 53,0 | 80,2 | 122,3 | 149,6 | 129,6 | 155,5 | 181,8 | 154,8 | 155,9 |
| 4. | O‘zbekiston fuqarolarning chet elga chiqishlari (ming kishi) | 22,6 | 47,8 | 108,5 | 167,4 | 252,0 | 230,1 | 222,9 | 258,6 | 359,2 | 357,8 |
| 5. | O‘zbekiston Respublikasida turistik faoliyat va joylashtirish xizmatlar eksporti (ming AQSH dollarida) | 23143,7 | 19740,7 | 29287,2 | 37465,4 | 39347,6 | 50483,5 | 57207,5 | 60925,4 | 58049,2 | 58337,2 |

*Manba: O‘zbekiston Davlat statistika qo‘mitasi ma’lumotlari asosida tayyorlandi.*

Microsoft exsel tahlil to’plamiga murakkab statistika muhandislik vazifalarini bajaruvchi tahlil vositalari kiradi. Ushbu vositalar qo’llanilishda tahlil o’tkazish uchun dastlabki ma’lumotlarni kiritish hamda parametrlarni tanlash lozim. Tahlil mos keladigan statistik makrofunksiyalar vositasida bajarilib natija esa chiqqan hududga joylashtiriladi, xizmatlar tahlil natijalariga chizma tariqasida tasvirlanishga chizma tasvirlar eng avvalo statistik ko’rsatkichlarni ko’rsatmali tasavvur qilish uchun foydalidir, ular vositasida idrok va tushunish osonlashdi. Bunday tasvirlarning roli hisob kitob va tahlil uchun foydalanilgan dastlabki mahsulotlarni nazorat qilishda ham alohida ma’lumotlar grafik tasviri statistik ko’rsatkichlarni namoyon qilish va ularning haqiqiyligini nazorat qilish uchun zarur bo’libgina qolmasdan, balki tahlil umumlashtirish va umuman bilishning yagona vositasiga aylanadi. Binobarin u bir nechta o’zaro bog’liq iqtisodiy hodisalarni bir joyda o’rganishning yagona uslubidir, chunki shu yo'sinda o’xshashlik va farqli mintaqalarni aniqlash hamda ularning ma’lum vaqt oralig’idagi o’zlashtirilishini ko’rsatishi mumkin.

Kuzatishlardan ayon bo’lishicha O‘zbekiston Respublikasida turizm xizmatlari bozoriga bir qator omillar ta’sir o’tkazadi. Jumladan: 1) O‘zbekiston Respublikasida turistik faoliyat va joylashtirish xizmatlar eksporti bilan xorijiy fuqarolarga xizmat ko‘rsatish soni 2.prognozlash natijalaridan turizm rivoji bashoratli rivojlanishi turizmda foydalaniladi. Masalan 2-jadval ko’rsatkichlariga tayanib O‘zbekiston Respublikasida turistik faoliyat va joylashtirish xizmatlar eksporti hajmini bashorat qilish mumkin.

O‘zbekiston Respublikasida 2017-2019 yillarda milliy turizm xizmat bozori rivojlanishining istiqboldagi ko‘rsatkichlari hamda ularni hisoblash uchun eng qulay funksiyalar ro‘yxati keltirildi (3-jadval).

Tadqiqotda qo‘llanilgan usul orqali tahlil qilingan istiqbol ko‘rsatkichlari ulardan amaliyotda foydalanish mumkinligidan dalolat beradi.

**3-jadval**

**O‘zbekiston Respublikasida 2017-2019 yillar davrida milliy turizm xizmat bozori rivojlanishining bashorat ko‘rsatkichlari**

| № | Ko‘rsatkich nomi | Bashorat uchun eng qulay funksiyalar | $F_{haqiqiy}$ | Yillar | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | 2017 | 2018 | 2019 |
| 1. | Turistik xizmatlar xajmi (mlrd. so‘m, real narxlarda) | $Y=39,420+1,210t+2,152t^2$ | 262,433 | 418,8 | 478,1 | 541,7 |
| 2. | Xorijiy fuqarolarga xizmat ko‘rsatish (ming kishi) | $Y= 333,293*t^{0,785}$ | 193,040 | 2496,15 | 2645,67 | 2792,9 |
| 3. | Xorijiy turistlarga xizmat ko‘rsatish (ming kishi) | $Y=e^{(5,683-4,138/t)}$ | 289,850 | 213,72 | 218,64 | 222,9 |
| 4. | O‘zbekiston fuqarolarning chet elga chiqishlari (ming kishi) | $Y= 25,019*t^{1,211}$ | 173,917 | 558,79 | 611,26 | 664,5 |
| 5. | O‘zbekiston Respublikasida turistik faoliyat va joylashtirish xizmatlar eksporti (ming AQSH dollarida) | $Y= 16283,600+4930,027*t$ | 97,155 | 80373,95 | 85303,98 | 90234,0 |

*Muallif tomonidan ishlab chiqildi.*

Mazkur funksiyalar O‘zbekistonda kelgusida turizmni rivojlantirish vazifalarini samarali amalga oshirish va xorijiy hamda ichki turistlarga xizmat ko‘rsatuvchi turdosh sohalar va tarmoqlar rivojlanishi uchun vertikal diversifikatsiya asosida miliy turizm xizmat bozorini innovatsion rivojlantirish strategiyasini amalga oshirish yo‘li bilan qulay sharoit yaratishda turistik xizmatlar hajmining bashorat ko‘rsatkichlari bir me’yorda, katta tebranishlarsiz o‘sishidan dalolat beradi.

Bashorat ko‘rsatkichlari natijalaridan amaliyotda foydalanish maqsadida, xususan, turizm bozorini rejalashtirishda qo‘llash uchun, xisob-kitob qilingan istiqbol ko‘rsatkichlarning 2005-2019 yillar davridagi o‘zgarish dinamikasi quyidagi rasmlarda ifodalangan:




*Manba: O'zbekiston Davlat statistika qo'mitasining 2005-2014 yillardagi ma'lumotlari asosida tuzildi. 2017-2019 yillar esa bashorat funksiyalar (3–jadval) yordamida hisoblandi.*

***2 - rasm. O'zbekiston Respublikasida turistik xizmatlar hajmining 2005-2019 yillardagi bashorat ko'rsatkichlari (mlrd.so'm)***

Ushbu rasmdan ko'rinib turibdiki, turistik xizmatlar hajmi haqiqatda yilma-yil, muntazam ravishda o'sib bormoqda. Biroq bu o'sish darajasi bir xil bo'lmasdan, 2009 yilgacha sekin o'zgargani ko'rinib turibdi. Bu holatni mazkur davrlarda turistik oqimning etarlicha shakllanmaganligi bilan izohlash mumkin. 2012 yildan boshlab bu ko'rsatkichning keskin o'sganligi ko'rinib turibdi. Bu o'sish mazkur yilda yirik turistik korxonalar bilan kooperatsiyalashish negizida faol rivojlanib, uning natijasida 181,8 mingdan ziyod xorijiy turistlarga xizmat ko'rsatish tashkil etilgani tufayli sodir bo'lgan. Ijobiy ko'rsatgich sifatida 2019 yilga qadar turistik xizmatlar hajmining muntazam o'sib borish tendensiyasi kuzatilmoqda.

Istiqbolni belgilash davrida O'zbekiston Respublikasida xorijiy fuqarolarga xizmat ko'rsatishning o'sish tendensiyasi kuzatilmoqda. 2005 yilda respublikamizda xorijiy fuqarolarga xizmat ko'rsatishi atigi 330,1 ming kishiga tashkil etgan bo'lsa, davlat tomonidan belgilangan chora-tadbirlarni hayotga tatbiq etish natijasida 2019 yilga kelib, mazkur sohada 2792,9 ming xorijiy fuqarolarga xizmat ko'rsatishi kutilmoqda (3-rasm).




*Manba: O'zbekiston Davlat statistika qo'mitasining 2005-2014 yillardagi ma'lumotlari asosida tuzildi. 2017-2019 yillar esa bashorat funksiyalar (3–jadval) yordamida hisoblandi.*

***3-rasm. O'zbekiston Respublikasida xorijiy fuqarolarga xizmat ko'rsatishning 2005-2019 yillardagi bashorat ko'rsatkichlari (ming kishi)***




*Manba: O‘zbekiston Davlat statistika qo‘mitasining 2005-2014 yillardagi ma’lumotlari asosida tuzildi. 2017-2019 yillar esa bashorat funksiyalar (3–jadval) yordamida hisoblandi.*

**4–rasm. O‘zbekiston Respublikasida xorijiy turistlarga xizmat ko‘rsatish sonining 2005-2019 yillardagi bashorat ko‘rsatkichi (ming kishi)**

4 - rasmda ko‘rsatilganidek, bashorat uchun tahlil qilingan 2005-2019 yillar davomida xorijiyturistlarning soni 57 martaga oshishi kutilmoqda. Turistlar oqimining oshishi xizmatlar, xususan, pullik xizmatlarga talabning ortishi uchun muhim omil bo‘lib hisoblanadi. O‘zbekiston Respublikasida xorijiy turistlarga xizmat ko‘rsatishning 2019 yilga qadar keskin sur’atlarda o‘sishi natijasida, turistlarga pullik xizmat-lar taklifi oshayotganligi, xususiy sektorning rivojlanishi, aholi daromadlarining ko‘payib borishi va umumiy makroiqti-sodiy vaziyatning yaxshilanib borishidan dalolat bermoqda.

O‘zbekiston Respublikasi fuqarolarning chet elga chiqishlari-ning ko‘rsatkichi 2009 yilda 252,6 ming kishiga tashkil qilgan bo‘lsa, 2010 yilga kelib, bu ko‘rsatkichning kamaygani, ya’ni 230,1 ming kishini tashkil etgani ma’lum bo‘lmoqda. Bunga asosiy sabab jahon moliyaviy-iqtisodiy inqirozining ta’siri bo‘lmoqda. Ammo bashorat ko‘rsatkichlariga ko‘ra, kelajakda, ya’ni 2019 yilda 664,5 mingta O‘zbekiston Respublikasi fuqarolari chet elga chiqishlari kutilmoqda.




*Manba: O‘zbekiston Davlat statistika qo‘mitasining 2005-2014 yillardagi ma’lumotlari asosida tuzildi. 2017-2019 yillar esa bashorat funksiyalar (3–jadval) yordamida hisoblandi.*

***5–rasm. O‘zbekiston Respublikasi fuqarolarning chet elga chiqishlarining 2005-2019 yillardagi bashorat ko‘rsatkichi (ming kishi)***

O‘zbekiston Respublikasida turistik faoliyat va joylashtirish xizmatlar eksporti hajmining oshishi xizmatlar ko‘rsatish umumiy hajmida kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sub’ektlari ulushining tobora etakchi o‘rin egallaganini ko‘rsatmoqda. Bu ko‘rsatkich 2005 yilda 23143,7 ming AQSH dollarini tashkil qilgan bo‘lsa, bashorat ko‘rsatkichlariga ko‘ra, istiqbolda (2019 yilda) O‘zbekiston Respublikasida turistik faoliyat va joylashtirish xizmatlar eksporti hajmining o‘sishi 90234,0 ming AQSH dollari miqdorida, ya’ni 3,9 martaga oshishi kutilmoqda. Bu holat kelajakda O‘zbekistonda kiruvchi va chiquvchi turizm bozori asosida rivojlanayotgan turistik biznes nafaqat turizm industriyasiga, balki milliy iqtisodiyotning turdosh sohasiga tegishli bo‘lgan bir qator boshqa sohalarning rivojlanishini ham ta’minlaydi. Bu sohalarda hamda turistik infrastrukturasiga tegishli korxonalarda yangi ishchi o‘rinlarning yaratilishiga yordam beradi.




*Manba: O‘zbekiston Davlat statistika qo‘mitasining 2005-2014 yillardagi ma’lumotlari asosida tuzildi. 2017-2019 yillar esa bashorat funksiyalar (3–jadval) yordamida hisoblandi.*

***6-rasm. O‘zbekiston Respublikasida turistik faoliyat va joylashtirish xizmatlar eksporti hajmining 2005-2019 yillardagi bashorat ko‘rsatkichlari (ming AQSH dollarida)***

Turizm sohasini jadal rivojlanishi uchun mintaqada qator tadbirlarni shu jumladan qonuniy amalga oshirish, investitsiyalar hajmini soliq tizimini takomillashtirilishi belgilab quyildi.

Bundan tashqari, O’zbekistonning turli mintaqalarida turizm infrastrukturasini yaratish hamda aholining turistik faolligini oshirish lozim. Yuqorida taklif qilingan modellarning amaliyotga tadbiq etilishi hamda turizimni mintaqaviy taraqqiyotini nazarga tutuvchi dasturlarning voqealanishi destinatsiyaning raqobat bardoshligini ko’taradi. Ushbu modellarning mintaqalarda targ’ib qilinishi mamlakatlarning dunyo turizm bozorida o’ziga xos o’ringa iqtisodiyotiga zamin yaratadi.

**Xulosa**

1.Maxsus adabiyotlarda sifat prognoziga nisbatan sanash prognozining ustunligiga ko’proq murojat qilinsada lekin ularning biror boshing ustunligi o’z metodini taqiqlagani yo’q. Unutmaslik lozimki, turizmdek murakkab hisob soni turli ko’rsatkichlar asosida tavsiflash mumkin.

Sonli metodlarning jamligi ijtimoiy va texnologik faktorlarni miqdoriy ifodalash qismi ekanligi ko’rinadi.

2. Sifat prognozi metodining ustunligi o’rtacha va uzoq muddatni bashoratlarda namoyon bo’ladi. Buning sababi ushbu metodlarning moslashuvchan va qator omillarni inobatga olinishida ko’rinadi.

3.Time seriys va regressiv tahlil bo’yicha metodlarga nisbatan qisqa muddatli prognozlar qilishda ma’qulroq hisoblanadi. Ularning kamchiligi esa uzoq muddatli bashoratlar uchun yaroqsizligidadir.

*Manba va adabiyotlar:*


1. Зорин И.В. Теоретические основы рекреационной географии. М.: Наука, 1975.
2. Староселец Е.А., Мельникас Б.И. Математическая модель оптимального размещении массового загородного отдыха населения крупных промышленных центров. - Известия вузов. Строительство и архитектура, 1978, № 2.
3. Олейников Е.С. Оптимальные модели развития и размещения мест курортно-рекреационного обслуживания.-3 кн.: Проблемы и методологические основы районной планировки. Киев: КиевНИ-ИПградостроительства, 1978.
4. Hill M., Schechter M. Optimal goal achievement in the devel¬opment of outdoor recreation facilities.-Urban and Regional Plan-nong (ed. Wilson A.G.). London:Pion Press, 1971.
5. Penz A.J. Outdoor recreation areas: capacity and formulation of use policy.-Management Science, 1975, 22, №2.
6. Management Science Applications To Leisure-Time Operations, Ladany, S.P. (ed.) (No 4 in the Studies in Management Science and Systems series edited by Dean, B.V.), NorthHolland/ American Elsevier Publishing Co., Amsterdam/New York, 1975.
7. Квартальнов В.А. Теория и практика туризма: Учебник. - М.: Финансы и статистика, 2003. - 672 с
8. Калачанов В.Д., Кобко Л.И. «Экономическая эффективность внедрения информационных технологий» (Изд-во МАИ, 2007 г.).
9. Яковлев Г.А. Экономика и статистика туризма: Учебное пособие. - М.: Издательство РДЛ, 2004.- 376 с.

## ЎЗБЕКИСТОН ЕР РЕСУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

**Ташматов Рустам Хусанович**

Сектор мудири, и.ф.н., ТДИУ ҳузуридаги "Ўзбекисон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари" илмий-тадқиқот маркази

***Аннотация.*** Мазкур мақолада ҳудудларни географик жойлашуви бўйича гуруҳлаш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳосилдорлигини инобатга олган ҳолда ер майдонларини оқилона жойлаштириш чизмаси таклиф этилган ҳамда бундай жойлаштиришнинг самарадорлиги бўйича ҳисоб-китоблар қилинган.

***Таянч тушунчалар:*** қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, экин майдони, ердан унумли фойдаланиш, маҳсулотларнинг ҳосилдорлиги, давлат буюртмаси, оқилона жойлаштириш.

***Аннотация.*** В данной статье предложена схема рационального размещения земельных угодий, исходя из группировки регионов по географическому расположению с учетом урожайности сельсхозкультур, а также сделаны расчеты по эффективности такого размещения.

***Ключевые слова:*** сельскохозяйственная продукция, посевные площади, эффективное землепользование, урожайность культур, государственный заказ, рациональное размещение.

Мамлакатимиз иқтисодиёти олдида турган энг устувор вазифалардан бири 2030 йилга келиб ялпи ички маҳсулотни камида 2 баробарга оширишдан иборат [1]. Мазкур вазифани ҳал этиш учун иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги ички салоҳият ва захиралардан унумли фойдаланиш талаб этилади. Хусусан, "Замонавий технологиялар асосида пахта толасини ва мева-сабзавот маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ташқи ва ички бозорда талаб юқори бўлган тайёр, экологик тоза тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2030 йилда 5,6 марта, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажмини эса 5,7 карра ошириш..." устувор вазифаси қўйилган [1]. Бунга ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга, авваломбор, қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига эришиш мумкин.

Шу билан бирга қабул қилинган "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили Давлат дастури" [2] доирасида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ички бозорни маҳсулотлар билан тўлдириш, аҳолини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида 2017 йилда мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ҳажмини (жумладан, сабзавот – 105,7%, картошка –106,3%, полиз – 106,1%, мева – 106%, узум – 105,7 фоизга) ошириш кўзда тутилган. Шунингдек, ҳукумат қарори билан 2020 йилга бориб бошоқли дон экинлари етиштириш ҳажмини 16,4 фоиз оширган ҳолда 8,5 миллион тоннагача, картошка етиштириш ҳажмини 35 фоизга, бошқа сабзавотлар етиштириш ҳажмини 30 фоизга ва узум етиштириш ҳажмини – 21,5 мартага ошириш кўзда тутилган [3].

Кўриб турибганимиздек, давлатимиз иқтисодиётини барқарор ўсишни таъминлаш вазифаларидан бири қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, шу жумладан мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ҳажмини ошириш ҳисобланади. Бунга мавжуд ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва қишлоқ хўжалиги экинларини унумли жойлаштириш орқали эришиш мумкин. Мазкур мақола айнан мана шу масалага бағишланган.

Маълумки, ердан унумли фойдаланиш кўрсаткичи сифатида экинлар ҳосилдорлиги олинган. Шу боис қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини объектив баҳолаш мақсадида тадқиқотимизда проф. А.С.Салиев [7] томонидан таклиф этилган минтақаларни зоналар бўйича гуруҳлаш усулидан фойдаландик (яъни: 1. Шимолий-Ғарбий зона - Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти; 2. Жанубий-Шарқий зона - Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари; 3. Жанубий-ғарбий зона - Самарқанд, Бухоро, Навоий вилоятлари; 4. Жанубий зона - Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари; 5.

Марказий зона - Тошкент, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари) ва ҳудудларда асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 2012-2016 йиллардаги ўртача ҳосилдорлигини ҳисоблаб, қуйида келтирилган 1-жадвалга жойлаштирдик.

**1-жадвал.**

**2012-2016 йилларда зоналар бўйича асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ўртача ҳосилдорлиги (ц/га)**

| Ҳудудлар | Дон экинлари | Картошка | Сабзавот | Полиз экинлари | Мева ва резавор | Узум |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Ўзбекистон Республикаси | 45,0 | 215,0 | 273,5 | 203,5 | 118,3 | 123,8 |
| Шимолий-ғарбий зона | | | | | | |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 25,1 | 83,9 | 179,0 | 113,5 | 84,2 | 95,9 |
| Хоразм | 43,4 | 178,5 | 242,7 | 176,6 | 137,9 | 143,5 |
| Жанубий-шарқий зона | | | | | | |
| Андижон | 63,0 | 219,9 | 297,0 | 225,5 | 195,3 | 167,1 |
| Наманган | 51,6 | 213,0 | 268,1 | 244,5 | 82,3 | 98,9 |
| Фарғона | 59,9 | 231,4 | 279,8 | 188,8 | 116,8 | 212,0 |
| Жанубий-ғарбий зона | | | | | | |
| Самарқанд | 46,2 | 286,1 | 365,3 | 244,2 | 115,0 | 136,4 |
| Бухоро | 60,8 | 244,8 | 257,5 | 233,9 | 199,2 | 170,8 |
| Навоий | 50,6 | 274,9 | 268,7 | 261,3 | 171,8 | 105,7 |
| Жанубий зона | | | | | | |
| Қашқадарё | 40,9 | 187,9 | 265,2 | 184,7 | 81,9 | 104,2 |
| Сурхондарё | 51,3 | 190,2 | 214,7 | 316,4 | 85,9 | 86,1 |
| Марказий зона | | | | | | |
| Тошкент | 43,8 | 234,5 | 276,0 | 215,2 | 90,3 | 109,1 |
| Жиззах | 24,4 | 185,0 | 206,4 | 176,3 | 77,3 | 77,0 |
| Сирдарё | 51,1 | 138,9 | 270,1 | 335,6 | 63,2 | 79,5 |

**Манба: ЎзР Давлат статистика маълумотлари ва муаллиф ҳисоб-китоблари асосида тузилган*

1-жадвал маълумотларига кўра, Қорақолпоғисон Республикаси, Қашқадарё ва Жиззах вилоятларида 2012-2016 йиллар мобайнида барча юқорида келтирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти турлари бўйича ўртача ҳосилдорлиги республика бўйича ўртача кўрсаткичга нисбатан паст. Аксинча, Андижон, Самарқанд (мева ва резаворлардан ташқари), Бухоро (савзавотдан ташқари) вилоятларда ушбу кўрсаткич рес-публика бўйича ўртача кўрсаткичдан юқори. Хоразм вилоятида мева, резавор ва узумнинг ўртача ҳосилдорлиги, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида – дон ва полиз экинларининг ўртача ҳосилдорлиги республика бўйича ўртача кўрсаткичдан юқори бўлган.

Шуни таъкидлаш керакки, 2012-2016 йиллар мобайнида Фарғона вилоятида полиз экинлари ҳосилдорлиги мазкур зонага кирган вилоятлардагига қараганда паст бўлган, узум ҳосилдорлиги эса, аксинча, нисбатан юқори, ва ўсиш тенденциясига эга. Наманган вилоятида, тескари ҳолатни кўришимиз мумкин, яъни полиз экинлари ва картошканинг ҳосилдорлиги мазкур зонанинг ўртача ҳосилдорлигидан юқори, узум бўйича эса – паст. Андижон вилоятида мева ва резаворлар ҳосилдорлиги юқори, аммо картошканинг ҳосилдорлиги паст. Шунга ўхшаш ҳолатни бошқа зоналар бўйича ҳам кузатиш мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда, асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экин майдонларининг минтақалараро қайта тақсимотини амалга ошириш тавсия этилади.

Тадқиқотимиз давомида ушбу тақсимотини амалга ошириш бўйича изланишлар олиб бо-

рилди ва қуйидаги тўхтамга келинди. Яъни бизнинг таклифимизга мувофиқ Фарғона вилоятида барча полиз экин майдонларини (2,5 минг гектар) узумзорларга алмаштириш, ва шу майдонга тенг узумзорлар ўрнига картошка ва полиз экинларни жойлаштириш, Наманган вилоятида 2,5 минг гектар картошка ер майдонида мева ва резаворларни жойлаштириш тавсия этилади. Худди шундай Жанубий-шарқий зонада ҳам ер майдонларни оқилона жойлаштириш тавсия этилади. Самарқанд вилоятида боғларга ажратилган 3,0 гектар ер майдонларида сабзавотларни етиштириш, Бухоро вилоятида 3,0 минг гектар картошка экин майдонида узумзорларни жойлаштириш, Навоий вилоятида 3,0 минг гектар ер майдонида экилган узумзорлар ўрнига мева дарахтларини ва боғларни барпо этиш таклиф этилади. Жанубий зонада жойлашган Қашқадарё вилоятида 7,3 минг гектар полиз экин майдонларида сабзавотларни етиштириш, Сурхондарё вилоятида эса худди шу ҳажмдаги сабзавот ер майдонларида полиз экинларини етиштириш мақсадга мувофиқ. Марказий зонада вазият бироз мураккаб, чунки Тошкент вилояти ушбу зонада жойлашган қолган вилоятларга нисбатан ернинг сифати ва унумдорлиги билан ажралиб туради. Шу боис Сирдарё вилоятида барча картошка экинлари (2,0 минг гектар)ни дон экинларига, Жиззах вилоятида 2,0 минг гектар дон экин майдонида ва 2,0 минг гектар узумзорларда картошка, мева ва резаворларни жойлаштириш, Тошкент вилоятида эса 2,0 минг гектар боғлар ўрнига узумзорларни жойлаштириш мақсадга мувофиқ. Шимолий-ғарбий зонада экин майдонларини оқилона жойлаштириш имконияти йўқ, чунки Қорақалпоғистон Республикаси барча таҳлил қилинаётган экинлари бўйича ҳосилдорлиги Хоразм вилоятига нисбатан пастроқ. Аммо ер майдонларни алмаштириш пайтида ер бонитети ва унумдорлиги, сув билан таъминланганлиги, аҳоли сони, инфратузилма ва бошқа шу каби омилларни эътиборга олиш лозим. Қуйида келтирилган 2-жадвалда зоналар бўйича экин майдонларини алмаштириш натижалари келтирилган.

**2-жадвал.**

**Оқилона жойлаштиришдан кейин экин майдонларининг ҳолати (минг га)**

| Ҳудудлар | Дон экинлари | | Картошка | | Сабзавот | | Полиз экинлари | | Мева ва резавор | | Узум | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Амал | Тавсия | Амал | Тавсия | Амал | Тавсия | Амал | Тавсия | Амал | Тавсия | Амал | Тавсия |
| Ўзбекистон Республикаси | 1689,9 | 1689,9 | 84,6 | 84,6 | 206 | 206 | 58,8 | 58,8 | 279,3 | 279,3 | 131,0 | 131,0 |
| Шимолий-ғарбий зона | | | | | | | | | | | | |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 107,2 | 107,2 | 4,3 | 4,3 | 10,9 | 10,9 | 10,5 | 10,5 | 5,5 | 5,5 | 0,8 | 0,8 |
| Хоразм | 78,3 | 78,3 | 5,8 | 5,8 | 15,2 | 15,2 | 7,2 | 7,2 | 13,5 | 13,5 | 3,0 | 3,0 |
| Жанубий-шарқий зона | | | | | | | | | | | | |
| Андижон | 94,6 | 94,6 | 7,0 | 4,5 | 19,4 | 19,4 | 2,2 | 2,2 | 32,7 | 35,2 | 4,4 | 4,4 |
| Наманган | 97,3 | 97,3 | 7,2 | 9,7 | 15,1 | 15,1 | 2,3 | 4,8 | 28.1 | 25,6 | 11,4 | 8,9 |
| Фарғона | 125,8 | 125,8 | 9,8 | 9,8 | 19,5 | 19,5 | 2,5 | 0,0 | 47,9 | 47,9 | 6,0 | 8,5 |
| Жанубий-шарқий зона | | | | | | | | | | | | |
| Самарқанд | 185,0 | 185,0 | 13,0 | 13,0 | 29,9 | 32,9 | 3,0 | 3,0 | 37,2 | 34,2 | 3,5 | 3,5 |
| Бухоро | 92,3 | 92,3 | 4,1 | 4,1 | 9,5 | 6,5 | 2,1 | 2,1 | 12,3 | 12,3 | 10,0 | 13,0 |
| Навоий | 52,4 | 52,4 | 1,9 | 1,9 | 4,2 | 4,2 | 1,6 | 1,6 | 6,4 | 9,4 | 6,5 | 3,5 |
| Жанубий зона | | | | | | | | | | | | |
| Қашқадарё | 254,9 | 254,9 | 7,8 | 7,8 | 17,1 | 24,4 | 7,3 | 0,0 | 20,4 | 20,4 | 11,7 | 11,7 |
| Сурхондарё | 120,3 | 120,3 | 9,7 | 9,7 | 15,1 | 7,8 | 3,4 | 10,7 | 15,7 | 15,7 | 13,4 | 13,4 |
| Марказий зона | | | | | | | | | | | | |
| Тошкент | 155,5 | 155,5 | 10,1 | 10,1 | 36,8 | 36,8 | 4,9 | 4,9 | 37,3 | 35,3 | 18,1 | 20,1 |
| Жиззах | 219,3 | 217,3 | 1,9 | 3,9 | 8,8 | 8,8 | 5,8 | 5,8 | 15,3 | 17,3 | 5,1 | 3,1 |
| Сирдарё | 107,0 | 109,0 | 2,0 | 0,0 | 4,5 | 4,5 | 6,0 | 6,0 | 7,0 | 7,0 | 1,6 | 1,6 |

**Манба: ЎзР Давлат статистика маълумотлари ва муаллиф ҳисоб-китоблари асосида тузилган*

Ҳисоб-китобларимиз шуни кўрсатдики, юқорида келтирилган тартиб бўйича экин майдонларини қайта тақсимлаш ҳисобига картошка, полиз экинлари, мева ва резаворлар ҳамда узум етиштириш ҳажми ошади. Хусусан, Жиззах вилоятида картошка етиштириш ҳажми 2,0 баробардан зиёдга ошади. Андижон вилоятида картошка етиштириш ҳажми аксинча 34,7 фоизга камаяди, аммо бу Наманган вилояти ҳисобига қопланади, яъни бу вилоятда картошкани ишлаб чиқариш ҳажми мана шунчага (34,7 %)га кўпаяди.

Натижада амалдаги кўрсаткичига нисбатан тафовут атиги 0,2 фоизни ташкил этади. Бу эса ушбу маҳсулотларни истеъмол қилиш даражасига ҳеч қандай таъсир қилмайди, яъни ишлаб чиқариш ҳажми истеъмол қилиш даражасидан 65,8 фоизга ошади. Картошка етиштириш ҳажмига нисбатан истеъмол қилиш кўрсаткичи юқори бўлган Жиззах вилоятида ушбу нисбат ижобий томонга ўзгариб, яъни ишлаб чиқариш ҳажми икки баробарга ўсиб, қўшни Сирдарё вилоятини ушбу маҳсулот билан таъминлайди, чунки, маълумотлар шуни кўрсатиб турибдики, Сирдарё вилоятида картошкани етиштириш мақсадга мувофиқ эмас. Наманган вилоятида эса картошка етиштириш ҳажми истеъмол қилиш кўрсаткичидан қарийб 2,5 баробарга ошади ёки амалдаги кўрсаткичга нисбатан тафовут 134,7 фоизни ташкил этади.

Сабзавот ва полиз экинларини етиштириш ҳажми эса 100,3 фоизга ошади. Мева ва резаворларни етиштириш кўрсаткичлари истеъмол кўрсаткичлардан деярли 3,4 баробар ошади. Буларнинг барчаси давлат захирасини ошириш, уларни маҳсулотни саноат йўли билан қайта ишлашга, келгуси ҳосилни шакллантиришга, омборхонага, уруғчиликка ҳамда экспорт қилишни (айниқса мева ва резаворларни) кенгайтиришга йўналтириш учун асос бўла олади.

Ҳисоб-китобларга кўра, барча таҳлил қилинаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 55,0 фоизга ошиб, шундан Қорақалпоғистон Республикасида (79,6%), Жиззах (87,0%), Тошкент (75,5%), Наманган (72,3%), Қашқадарё (71,9%), Сирдарё (69,8%) вилоятларида ўсиш суръати юқори бўлади.

Агар таклифимиз инобатга олинса, бизнинг ҳисоб-китобларимиз бўйича давлат буюртмаси ҳажми 3459,2 минг тоннадан 5360,6 минг тоннагача ошади, шулардан саноат усули билан қайта ишлашга 3559,6 минг тонна (амалдагиси 2284,1 минг тонна), келгуси ҳосил учун олиб қўйишга 557,9 минг тонна (амалдаги кўрсаткич 360,0 минг тоннани ташкил этади) маҳсулот йўналтириш мумкин. Шунингдек, экспортни 1234,1 минг тоннагача ошириш имконияти пайдо бўлади, яъни амалдагидан кўра 437,0 минг тонна кўпроқ маҳсулот экспорт қилиш мумкин, бу эса қўшимча 318 млн. АҚШ долл. га тенг тушумни олиб келади ва ушбу маҳсулотларнинг импорт ҳажмини камайтиради.

Аммо, шуни таъкидлаш керакки, буларнинг барчаси қўшимча музлатгичларни ташкил этишни талаб этади. Бу йил давомида нархларнинг мавсумий ўзгаришини олдини олади, аҳолига йил давомида асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини узлуксиз таъминлайди.

Шуни айтиш жоизки, асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хусусан мева-сабзавотларни музлатгичларда сақлаш умумий сиғими 511,8 минг тоннагача (2016 йил) етган. Демак, бизнинг ҳисоб-китобларимиз бўйича ишлаб чиқаришнинг юқорида кўрсатиб ўтилган миқдорга кўпайиши ва маҳсулотлардан амалдаги тартибда фойдаланилиши шароитида музлаткичларнинг сиғими 793,2 минг тоннани ташкил этиши лозим. Уларнинг аксарият қисмини (63,8 %) Тошкент ва Самарқанд вилоятида жойлаштирилади (3-жадвал).

Белгилаш, тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, айниқса мева-сабзавотлар етиштириш ҳажмини ошириш учун катта имконият ва захиралар мавжуд. Хусусан, экинларни янада оқилона жойлаштириш учун биз экин майдонларини қўшни ҳудудлар ўртасида ротация қилишни таклиф қилганмиз. Бу эса, ўз навбатида, давлат буюртмаси ва экспорт қилиш ҳажмини оширишга имкон беради. Юқорида келтирилган маҳсулотлар тез бузиладиган маҳсулотлар бўлганлиги туфайли уларни сақлаш учун музлатгичлар сиғимини ошириш ҳам тақозо этилади, чунки уларнинг асосий қисми айнан янги узилган ҳолда экспорт қилинмоқда. Буларнинг барчаси бозор конъюнктурасига ижобий таъсир қилади ҳамда йил давомида нархларнинг мавсумий ўзгариб туришини камайтиради.

**3-жадвал.**

Асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини оқилона жойлаштириш натижасида ялпи ишлаб чиқариш, давлат буюртмаси, фойдаланиш, экспорт қилиш ҳажмининг ўзгариши (минг тонна)

| Ҳудудлар | Барча асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари | | | | | | | | | | | | | | Музлатгичлар | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Ишлаб чиқариш | | Фойдаланиш учун | | | | | | | | | | | | | |
| | | | Давлат буюртмаси учун | | Шу жумладан: | | | | | | Уруғчилик учун | | Ички истеъмол учун | | | |
| | | | | | Қайта ишлаш учун | | Келгуси ҳосилни шакллантириш учун | | Экспорт учун | | | | | | | |
| | Амалдаги (2016 й.) | Оқилона жойлаштиришдан кейин | Амалдаги (2016 й.) | Оқилона жойлаштиришдан кейин | Амалдаги (2016 й.) | Оқилона жойлаштиришдан кейин | Амалдаги (2016 й.) | Оқилона жойлаштиришдан кейин | Амалдаги (2016 й.) | Оқилона жойлаштиришдан кейин | Амалдаги (2016 й.) | Оқилона жойлаштиришдан кейин | Амалдаги (2016 й.) | Оқилона жойлаштиришдан кейин | Амалдаги (2016 й.) | Оқилона жойлаштиришдан кейин |
| Ўзбекистон Республикаси | 21054,2 | 32626,8 | 3459,2 | 5360,6 | 2284,1 | 3539,6 | 360,0 | 557,9 | 796,4 | 1234,1 | 655,2 | 1015,4 | 17122,7 | 26534,4 | 511,8 | 793,2 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 486,1 | 872,8 | 82,1 | 147,4 | 33,2 | 59,6 | 25,7 | 46,1 | 22,6 | 40,6 | 15,0 | 26,8 | 389,0 | 698,5 | 15,8 | 28,3 |
| Андижон | 2742,0 | 3835,6 | 374,4 | 523,7 | 265,4 | 371,2 | 22,3 | 31,2 | 84,7 | 118,5 | 70,3 | 98,3 | 2297,4 | 3213,6 | 28,2 | 39,4 |
| Бухоро | 1457,7 | 1575,8 | 244,3 | 264,1 | 206,0 | 222,7 | 12,2 | 13,2 | 24,9 | 26,9 | 37,5 | 40,6 | 1175,9 | 1271,2 | 28,6 | 30,9 |
| Жиззах | 920,1 | 1720,4 | 112,7 | 210,7 | 86,2 | 161,2 | 8,2 | 15,3 | 17,8 | 33,3 | 21,3 | 39,8 | 786,1 | 1469,9 | 25,9 | 48,4 |
| Қашқадарё | 1160,9 | 1995,6 | 173,4 | 298,1 | 117,4 | 201,8 | 22,8 | 39,2 | 32,3 | 55,5 | 54,0 | 92,8 | 933,5 | 1604,7 | 35,7 | 61,3 |
| Навоий | 605,3 | 813,0 | 95,2 | 127,9 | 74,1 | 99,5 | 7,1 | 9,5 | 13,5 | 18,1 | 11,6 | 15,6 | 498,5 | 669,5 | 17,0 | 22,8 |
| Наманган | 1436,2 | 2474,4 | 266,0 | 458,3 | 138,1 | 237,9 | 30,9 | 53,2 | 95,5 | 164,5 | 65,5 | 112,9 | 1104,7 | 1903,3 | 40,5 | 69,8 |
| Самарқанд | 3530,9 | 5375,8 | 650,1 | 989,8 | 452,4 | 688,8 | 28,2 | 42,9 | 166,1 | 252,9 | 108,1 | 164,6 | 2772,7 | 4221,5 | 91,2 | 138,9 |
| Сурхондарё | 1709,5 | 2797,0 | 239,7 | 392,2 | 143,3 | 234,5 | 19,8 | 32,4 | 75,3 | 123,2 | 59,4 | 97,2 | 1410,4 | 2307,6 | 22,9 | 37,5 |
| Сирдарё | 777,3 | 1320,2 | 63,3 | 107,5 | 30,4 | 51,6 | 10,4 | 17,7 | 22,3 | 37,9 | 27,7 | 47,0 | 686,3 | 1165,7 | 11,2 | 19,0 |
| Тошкент | 3241,2 | 5688,4 | 668,1 | 1172,5 | 408,1 | 716,2 | 118,6 | 208,1 | 137,6 | 241,5 | 90,4 | 158,7 | 2665,7 | 4678,4 | 93,3 | 163,7 |
| Фарғона | 1842,5 | 2343,0 | 316,7 | 402,7 | 195,2 | 248,2 | 33,2 | 42,2 | 86,5 | 110,0 | 69,0 | 87,7 | 1456,8 | 1852,5 | 72,4 | 92,0 |
| Хоразм | 1144,4 | 1815,0 | 173,2 | 274,7 | 134,3 | 213,0 | 20,6 | 32,7 | 17,3 | 27,4 | 25,5 | 40,4 | 945,7 | 1499,9 | 29,2 | 46,4 |

* Манба: Муаллиф ҳисоб-китоблари ва ЎзР Давлат статистика маълумотлари асосида тузилган

*Манба ва адабиётлар:*


1. И.А.Каримов. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. // Мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси.

2. 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли Фармонига 8-илова.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги "2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги пқ-2460-сонли Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 01.06.2016 йилдаги "Халқаро мева-сабзавот ярмаркасини ташкил этиш ва уни ҳар йили ўтказиб туриш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2539-сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.04.2016 йилдаги "Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2520-сонли Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг ҳолати ва улардан фойдаланиш бўйича 2001 йил учун миллий ҳисобот. - Ташкент, Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари давлат қўмитаси, 2002. – с. 67.

7. Солиев А., Ахмедов Э., Маҳамадалиев Р. и др. Региональная экономика. Учебное пособие - Т.: 2003.

8. FAO Statistical Pocketbook 2015. World food and agriculture 2015.

9. http://faostat3.fao.org/download/Q/*/E - БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти расмий сайти маълумотлари

10. http: // russian .doingbusiness. org /data /exploreeconomies/ uzbekistan - Жаҳон банкининг "Бизнес юритиш" халқаро рейтинги маълумотлари:

11. http://www.uzbekistan.nsk.ru/index.php?option=com_content&view=article&catid=61%3A2015-10-05-13-45-09&id=2565%3A2015-10-09-05-34-05&Itemid=113 - Тенденции развития плодоовощного сектора в Узбекистане: производство и экспорт.

12. http://ru.sputniknews-uz.com/economy/20160712/3288131.html - официальный информационный сайт Sputnik Узбекистан.

# МИНТАҚАВИЙ ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИГА НИСБАТАН НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР

**Акбарова Камола Акмалжоновна**

Мустақил тадқиқотчи, Тошкент давлат шарқшунослик институти

***Аннотация.*** Мақолада минтақавий иқтисодий интеграциялашувнинг шаклланиши ҳамда унинг назарий асослари ва аҳамияти ҳақида фикр юритилган. Тадқиқотлар асосида минтақавий иқтисодий интеграциялашувнинг шаклланиши натижасида юзага келадиган афзалликлар таҳлил қилинган. Минтақавий иқтисодий интеграциялашувнинг вужудга келишига сабаб бўлувчи омиллар изоҳланган.

***Таянч тушунчалар:*** минтақавий иқтисодий интеграциялашув, глобаллашув, интеграциялашув жараёнлари, эркин савдо ҳудуди, интеграциявий блок.

***Аннотация.*** В статье рассматриваются теоритические основы, значение и формирования региональной экономической интеграции. А также, были выявлены преимущества и анализированы факторы возникновения региональной экономической интеграции.

***Ключевые слова:*** региональная экономическая интеграция, глобализация, интеграционный процесс, зона свободной торговли, интеграционный блок.

Жаҳоннинг турли мамлакатларида кечаётган интеграциялашув жараёнларини ўрганиш унинг ривожланиш қонуниятлари, шакллари ва шаклланиш усуллари тўғрисида хулоса чиқариш ва уларни умумлаштириш учун катта ҳажмдаги эмпирик маълумотларни беради.

Минтақавий иқтисодий интеграциялашув ҳозирги кунга хос бўлган сиёсий-иқтисодий ҳодиса сифатида мамлакатлар ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Интеграциялашув моделларининг хусусияти унинг таркибидаги мамлакатларнинг табиий-географик хусусиятлари, ривожланиш даражаси, ижтимоий-сиёсий ҳолати билан белгиланади. Шу муносабат билан ички имкониятлар ва шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда, иқтисодий интеграциянинг шаклини танлаш, унга таъсир кўрсатувчи омилларни таҳлил қилиш интеграциялашаётган мамлакатлар ҳал қилиши лозим бўлган муҳим вазифалар жумласига киради.

"Интеграция” лотинча сўздан олинган бўлиб, "тиклаш”, "тўлдириш” маъносини англатади. Интеграция – илгари бошқа-бошқа ҳисобланган турли қисмларнинг бир-бирига бирлашиши сифатида изоҳланади.

Минтақавий иқтисодий интеграциялашувнинг шаклланиши натижасида қуйидаги афзалликлар юзага келади ва шу орқали мазкур интеграцияга нисбатан зарурат туғилади:

**Биринчидан,** паст тарифли ва тарифсиз савдо келишувлари истеъмолчилар танловини ошириш орқали савдо ҳажмининг ўсишига ёрдам беради. Бундай ривожланиш унсурларидан бири, албатта, божхона ва маъмурий текширувларнинг қисқариши билан тавсифланади.

**Иккинчидан,** ишлаб чиқарувчиларнинг интеграция доирасида бирлашиши бозорнинг йириклашишидан кўпроқ фойда кўради. Бундай рақобат муҳитида истеъмолчилар бир қатор қулайликларга эга бўлади, ўзгармас нархлар шароитида эса инновацияларнинг яратилишига зарурат туғилади.

**Учинчидан,** интеграциявий блок доирасида паст тарифлар орқали экспортни қулай шароитларда ривожлантириш имконияти вужудга келади.

**Тўртинчидан,** ҳар бир мамлакат ўзининг рақобат жиҳатдан устунлиги орқали бошқа мамлакатлар билан бирга маълум бир маҳсулотни ишлаб чиқаради, бунда ушбу маҳсулотни интеграциявий гуруҳдан ташқарига экспорт қилиш учун шароит яратилади.

**Бешинчидан,** интеграциявий блок доирасида аъзо мамлакатлар ўзларининг молиявий ва сиёсий институтлари мавқеини янада мустаҳкамлашига эришади. Ўз навбатида, иқтисодиётни эркинлаштиришга қаратилган қонунчиликнинг ривожланиши ва такомиллашувига шароит пайдо бўлади.

К.Якобайтнинг интгерациянинг шаклланишига нисбатан билдирган фикрлари ушбу жараённинг субъектив жиҳатдан вужудга келишини назарда тутади. Бошқа бир қатор олимлар минтақавий иқтисодий интегра-

циялашув жараёнини вужудга келтиришда қуйидаги омилларни ҳам инобатга олиш зарурлигини билдиришади:

1. Интеграциялашув жараёнини шакллантирувчи мамлакатлар ўз иқтисодиётининг бозор муносабатларига асосланганлиги ва ривожланганлик даражаларининг яқинлиги билан тавсифанади. Ушбу ҳолатда интеграциялашув жараёни хайриҳоҳлик доирасида амалга ошиб, мажбурийликни инкор этади. Мазкур ҳолатнинг шаклланиши ривожланган ҳамда ривожланаётган давлатлар ўртасида юзага келади. Ўз навбатида, интеграциялашув жараёни саноатлашган ва ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий ривожланганлик даражаси бир хил бўлганда ҳам амалга ошади. Аксинча, иқтисодий кўрсаткичлари бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилувчи мамлакатларнинг интеграциялашуви узоқ вақтни талаб этади. Иқтисодий кўрсаткичлар даражаси бир хил бўлган ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар интеграциялашув жараёнларини ўзларида акс эттириши мумкин.

Жумладан, Греция ва Италия ЕИга аъзо бўлишининг дастлабки босқичида Маастрихт шартномасининг шартлари бажарилмаганлиги учун унга қўшилмаган. Кейинчалик ушбу макроиқтисодий кўрсаткичлар бошқа аъзо мамлакатларники билан бир хил бўлгандан сўнг улар иттифоққа аъзо бўлишган.

2. Мамлакатлар олдида сиёсий ҳамкорлик, иқтисодиётни тартибга солиш ва ривожланиш борасида умумийлик ва иқтисодий муаммоларнинг бир хиллиги билан изоҳланади. Бундай ҳолатда интеграциялашаётган мамлакатлар олдида турган аниқ муаммоларни ҳал этиш кўзда тутилади. Интенсив методларни қўллаган ҳолда интеграциялашув жараёнларининг амалга оширилиши миллий иқтисодиётларнинг самарадорлигини оширади. Жумладан, ҳар қандай мамлакат бошқа мамлакатлар ихтиёридаги (инвестициявий, ишлаб чиқариш, технологик ва инновацион) ресурсларга эҳтиёж сезади. Интеграциялашув жараёнлари эса ушбу муаммоларнинг бартараф этилишига имконият яратади. Шу билан бирга, интеграциявий ҳудудни қамраб олувчи муаммоларнинг ечимини топишда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бинобарин, экологик муаммоларнинг баратараф этилиши шулар жумласидандир. Масаланинг бошқа бир жиҳати, ягона иқтисодий муаммога эга бўлмаган қўшни мамлакатлар интеграциялашуви жараёнларининг амалда ривожланиши қийинчилик туғдиради.

3. Аъзо мамлакатлар географик жойлашувига кўра бир-бирига яқинлиги, йирик умумий чегараларга эгалиги ва тарихан иқтисодиётларининг ўзаро боғланганлиги билан тавсифланади. Минтақавий иқтисодий интеграциялашув жараёнлари дастлаб қўшни мамлакатлар ўртасида вужудга келади. Уларнинг бир ҳудудда жойлашганлиги, транспорт-коммуникация инфратузилмасининг яқинлиги каби омиллар интеграцияга бўлган заруратни юзага келтиради. Масалан, Жанубий Америка мамлакатлари бир-бирига географик жиҳатдан яқинлигига қарамай транспорт инфратузилмасининг мавжуд эмаслиги сабабли MERCOSUR маълум вақтга қадар ривожланмади.

4. Интеграциялашувчи мамлакатлар ҳукуматининг сиёсий таъсир доираси сезиларли бўлиши. Мазкур омил интеграциявий гуруҳлашувнинг муҳим асоси ҳисобланади. Масалан, Европа Иттифоқи, MERCOSUR ва NAFTA каби гуруҳлар манфаатдор мамлакатлар ҳукуматларининг ташаббуси доирасида юзага кела бошланган.

5. Турли тузилмаларнинг тузилиши аъзо мамлакатлар аста-секинлик билан маълум ваколатларнинг унга ўтказиб боришини назарда тутади. UNCTADнинг собиқ бош котиби Р.Рикуперо интеграциявий блокларнинг аъзо мамлакатлари ўртасида маълум стратегияларни ишлаб чиқишдаги ваколатларни тақсимлаш зарур, деб таъкидлаган. Шу билан бирга у мазкур тузилмаларнинг миллий миқёсдаги муассасасини ташкил этган ҳолда, ҳамкорликнинг миллий ёндашувларини ишлаб чиқишга имконият яратиш лозимлигини ҳам қайд этган[1].

6. Ҳамкор мамлакатларни бирлаштириш учун аъзо мамлакатлар ичидан ташаббускор марказни ташкил этиш зарурлиги. ЕИга янги аъзо мамлакатларни қабул қилиш орқали унинг кенгайишини назарда тутувчи модель ишлаб чиқилган бўлиб, уни қуйидагича ифодалаш мумкин:

- “тезкор интеграция” модели;
- “Европа концентрация маркази” модели;
- “дифференциялашган интеграция” модели.

Дастлабки икки моделда ЕИда нисбатан ривожланган мамлакатлардан “марказ” ташкил этган ҳолда, унинг атрофида кам интеграциялашган мамлакатлардан “доира” ҳосил этиш ғояси ўз аксини топган.

Учинчи моделда эса ЕИнинг географик кенгайиши кўзда тутилган бўлиб, интеграциялашув жараёнини турли давлатлар доирасида жадаллаштириш ҳамда мазкур мамлакатлар орқали янги “марказлар”ни шакллантириш мақсади ўз ифодасини топган.

7. Аъзо мамлакатларнинг ички иқтисодий

шарт-шароитларини ўзаро яқинлаштириш ҳамда уларнинг иқтисодий ривожланиш даражасини тенглаштириш. Интеграциявий блокка кираётган мамлакатнинг мақсади юқори иқтисодий ўсиш суръатига эришиша имконият яратиш ва салбий хусусиятли ташқи таъсирларни камайтириш.

8. Давлатлараро товар, ишчи кучи ва капитал ҳаракати ҳудудий имкониятларининг минтақа доирасида кенгайиши ва турли шакллардаги маъмурий ва иқтисодий тўсиқларнинг олиб ташланиши.

9. "Намойиш самараси". "Намойиш самараси" – интеграцияга бирлашган мамлакатларда бўлаётган ижобий иқтисодий ўзгаришлар (иқтисодий ўсиш сураътларининг тезлашиши, инфлияциянинг пасайиши, бандликнинг ўсиши каби) бошқа мамлакатларга руҳий таъсир кўрсатади.

10. Бир минтақа доирасида интеграциявий бирлашмаларга кўпчилик мамлакатлар бирлашганидан сўнг, блокдан ташқарида қолиб кетган мамлакатлар ушбу аъзо мамлакатларнинг иқтисодий алоқаларидаги ўзгаришлар туфайли қийинчиликларга дуч келадилар. Шу тариқа "намойиш самараси" "домино самараси"га олиб келади, бунда интеграцияга қизиқиш билдирмаган мамлакатлар салбиий оқибатлар хавфидан чўчиб интеграциявий бирлашмага қўшилиш истагини билдирадилар.

Мисол тариқасида канадалик машҳур олим М. Харт Канаданинг NAFTAда иштирок этмаслик эҳтимолини дастлаб Буюк Британиянинг Европа Ҳамжамиятига қўшилишдан бош тортган вақтдаги танг аҳволи билан таққослайди: "Канада Буюк Британиянинг 1950-1960 йилларда йўл қўйиган ҳатосини такрорлашни истамасди. Ўша даврда Буюк Британия Европадаги интеграциялашув жараёнларидан четда қолди. Бир неча ўн йилликлардан сўнг қўшилишга қарор қилган ушбу мамлакат савдо, инвестиция ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидаги манфаатли имкониятларни қўлдан бой берганилигини англаб етди. Бундан ташқари, Буюк Британия ўзи ташкил этилишида иштирок этмаган институтционал тузиламаларнинг мавжудлиги билан кўникишга мажбур бўлди"[2]. Шу тариқа, Канада музокараларга қўшилишга қарор қилди ва 1992 йилнинг сентябрь ойида Шимолий Америка эркин савдо зонаси тўғрисидаги уч томонлама келишув - NAFTA имзоланди.

Юқорида минтақавий иқтисодий интеграциянинг ривожланишига шароит яратувчи ҳамда унинг заруратини белгилаб берувчи омиллар ҳақида тўхталиб ўтдик. Шу билан бирга, мамлакатлар ташқи савдони ривожлантиришлари баробарида глобал миқёсда мумкин бўлмаган эркинлаштиришга минтақавий иқтисодий интеграциялашув доирасида эришадилар[3].

Бизнингча, мамлакатларнинг минтақавий иқтисодий интеграциявий блокни шакллантириши орқали глобаллашув жараёнида иштирок этиши учун блок доирасида умумий қоидаларга амал қилишига тўғри келади.

Минтақавий хусусият касб этувчи муаммоларни баратарф этиш мақсадида маълум бир интеграциявий блок шакллантирилишига зарурат туғилиши қайд этилади. Бу борада, ДэРоза ўзининг тадқиқотида, рақобатбардош бўлган мамлакатлар интеграциялашув жараёнидан ўзининг ихтисослашуви туфайли кўпроқ манфаатдор бўлади, деб таъкидлайди[4].

Товиас эса, маълум бир мамлакат ўзининг жаҳон савдосидаги йирик ҳамкори билан йўқотишларга эга бўлган бир пайтда, минтақавий интеграциявий блок доирасидаги савдо ҳамкоридан кўпроқ манфаатдорликка эга бўлишини билдириб ўтади[5].

Бу ўз навбатида, нархларнинг универсаллашувига, транзакцион харажатларнинг камайишига, инвесторларга аниқ шароитларни яратиш орқали рақобат муҳитини янада мустаҳкамлайди. Шунингдек, божхона иттифоқлари орқали эркин савдо шаклланиши билан бозорларнинг йириклашувига имкониятлар яратилади. Бизнингча, ушбу жараёнлар монополиянинг қисқаришига ҳамда турли мамлакатларнинг бир хусусиятдаги фирма ва компаниялари ўртасидаги рақобатни кучайтиради.

Қайд этиш мумкинки, интеграциявий блокнинг йириклашиб бориши билан аъзо мамлакатлар учун иқтисодий ўсишнинг янги босқичлари бошланади. Хусусан, блокнинг йириклашиб бориши шунга мувофиқ равишда манфаатдорликнинг ошиб боришини ўзида акс эттириб боради.

Юқорида минтақавий иқтисодий интеграцияга нисбатан берилган таърифларнинг кўпи асосан ҳозирга қадар интеграциянинг "классик" модели сифатида қаралган Европа Иттифоқининг тажрибасини тадқиқ этиш асосида ишлаб чиқилган назариялардир. Аммо Е.Г.Комкованинг сўзларига қараганда "1990-йиллар ва XXI асрнинг биринчи ўн йиллигида эркин савдо келишувларининг янги авлоди кенг оммалашиб борди, бу келишувлар икки томонлама ёки гуруҳлашув характерига эга бўлиб, уларнинг аъзолари асосан қудрати жиҳатидан ассиметрик бўлган мамлакатлар бўлмоқда"[6]. NAFTA каби янги турдаги интеграциявий блокларнинг вужудга келиши "янги" ёки "очиқ регионализм" дав-

рини очиб берди. Охирги йилларда ЕИ доирасида юз бераётган дезинтеграция жараёнлари, ЕИ интеграциялашув моделига нисбатан қарашларнинг ўзгаришига олиб келмоқда. Дм. Тренин "ЕИ тобора иқтисодий ўсишга тўсқинлик қилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсат олиб бораётган ўта бюрократик ташкилот сифатида қабул қилинмоқда"[7] деб таъкидлайди.

ЕИ "ижтимоий" ва "сиёсий" жиҳатдан аъзо мамлакатларда ягона сиёсат олиб боришни назарда тутса, ундан фарқли равишда NAFTA кўпроқ иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлашга, аъзо мамлакатлар товар ва хизматларининг рақобатбардошлигини, аҳолининг турмуш даражасини оширишга йўналтирилган иқтисодий интеграциявий блок сифатида намоён бўлмоқда. Бу эса айнан Шимолий Америка интеграцияси моделининг тажрибасини ўрганишга бўлган қизиқишни оширишга хизмат қилмокда.

Шимолий Америкадаги интеграциялашув йигирма йилдан ошиқ давр мобайнида давлатлар устидан ўрнатилган назорат институтларисиз ва ҳар бир аъзо мамлакатнинг миллий сувернитетига даҳлсизлик муносабатларда намоён бўлади. Ўз навбатида бу NAFTA тажрибасининг ижобий жиҳатларидан Марказий Осиёда фойдаланиш имкониятларини кўриб чиқиш учун асос бўла олади.

***Манба ва адабиётлар:***


*1.Рикуперо Р. Формирование и развитие МЕРКОСУР. – Вашингтон, 1993. – С.139.*

*2. Hart M.A North American Free Trade Agreement. The Strategic Implications for Canada. Ottawa: Centre for Trade Policy and Law and the Institute for Research on Public Policy, 1990.*

*3.Summers, Larry. Regionalism and the World Trading System // L.Summers (Ed). Policy Implications of Trade and Currency Zones. - Federal Reserve Bank of Kansas City, 1991.*

*4.DeRosa, DA. Regional Integration Arrangements: Static Economic Theory, Qualitative Findings, and Policy Guidelines. USA. World Bank Policy Research Report.1998.*

*5.ToviasA.The theory of Economic Integration: Past and Future. 1992.*

*6.Комкова Е.Г. Канада в процессах Североамериканской Интеграции: теоретические и практические аспекты (на примере НАФТА) : Автореф. Дис…д.э.н, Москва 2011*

*7.Тренин Дм. Интеграция и идентичность. Россия как «новый Запад». — М.: Баккрапринт, 2006. С. 370-371.*

## АЁЛЛАР БАНДЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ САМАРАЛИ МЕХАНИЗМЛАРИ


**Бобоназарова Жамила Холмуродовна**

Мустақил изланувчи, Тошкент давлат иқтисодиёт университети



***Аннотация.*** Мақолада аёллар ўртасидаги бандлик муаммолари тадқиқ этилган, бозор иқтисодиёти шароитида бандликни оширувчи омиллар таҳлил қилинган ва қишлоқ ҳудудларида ишсизликнинг олдини олиш бўйича бир қатор таклифлар киритилган.



***Таянч тушунчалар:*** маҳаллийлаштириш, модернизациялаш, хусусий тадбиркорлик, касаначилик, аёллар тадбиркорлиги, иш ўрни, бандлик, миллий иқтисодиёт.



***Аннотация.*** В статье исследуются проблемы занятости среди женщин, анализируются факторы, повышающие занятость населения в условиях рыночной экономики, предлагаются ряд мер по улучшению занятости сельского населения.



***Ключевые слова:*** локализация, модернизация, частное предпринимательство, надомный труд, женское предпринимательство, рабочие места, занятость, национальная экономика.


Мамлакатимизда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинган бўлиб, унда бир қатор муҳим масалалар билан бирга хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг самарали иш билан бандлигини таъминлаш масаласи ҳам илгари сурилган.

Дастурнинг “Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари” бўлимида “хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, хотин-қизлар, касб-ҳунар коллежи битирувчи қизларининг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оила асосларини янада мустаҳкамлаш” белгилаб қўйилган [1. 11-б.].

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, мамлакатимизда иқтисодиётнинг модернизация қилиниши ижтимоий ҳаётдаги катта ўзгаришларни бошлаб берди. Бунда иш билан бандликни, айниқса, аёлларнинг иш билан бандлигини оширишнинг ижтимоий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш алоҳида вазифалардан бирига айланди. Жамиятимизнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида аёллар республикамизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида тобора муҳим ўрин эгалламоқда.

Мамлакатимизда яратилган кучли ва мустаҳкам қонунчилик базаси аёллар манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг жамият ҳаётидаги ролини оширишга хизмат қилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (1992 йил), Оила кодекси (1998 йил), “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонун (2012 йил), Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармони (1998 йил), Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик ва хусусий тадбиркорликни микрокредитлаш тизимини янада кенгайтириш ва соддалаштириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги Қарори (2017 йил) аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги ролини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Аёлларнинг ижтимоий фойдали меҳнат билан бандлиги, уларнинг ҳуқуқлари, ижтимоий ҳимоя қилиниши халқаро ҳамжамиятнинг доимо диққат-эътибори марказида бўлиб келган. Аҳоли бандлигини таъминлашга доир халқаро ҳужжатлар жумласига Халқаро Меҳнат ташкилотининг асосий конвенцияси ва тавсиялари ҳам киради. Шунингдек, жамиятда аёллар мавқеини мустаҳкамлаш, улар ҳуқуқлари камситилишининг олдини олишга қаратилган: Меҳнат ва машғулотлар соҳада камситиш тўғрисидаги 111-конвенция (1958); Таълим соҳасида камситишга қарши кураш тўғрисидаги конвенция (1960); Аёлларга нисбатан камситишларга барҳам бериш тўғрисидаги Декларация (1976); Тенг

аҳамиятли меҳнат учун эркак ва аёлларни тенг тақдирлаш тўғрисидаги 100-Конвенция (1951); Оилавий мажбуриятли меҳнаткашлар тўғрисидаги 156-Конвенция (1981) каби бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда жамият ривожи ва давлат бошқарувида аёлларнинг фаоллигини ошириш, уларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш масалалари ижтимоий сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан бирига айланди. Айни пайтда, Ўзбекистонда аёлларнинг давлат ва жамиятни бошқаришдаги иштирокини фаоллаштиришнинг ҳуқуқий асослари яратилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 2 мартдаги ПФ-1084-сон “Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, “Аёлларга нисбатан камситишларга барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенция аёлларнинг манфаатлари ва қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги кескин ўзгаришларга сабаб бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 1996 йилда “Ўзбекистон Республикасида аёллар аҳволини яхшилаш тўғрисида”ги Концепция, 1999 йилда “Аёлларнинг ижтимоий ҳимояланишини кучайтиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 2004 йил 24 майда “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чоралар тўғрисида”ги Фармонлар қабул қилинди. Аёлларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун юқорида қайд қилинган бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинганлиги уларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари ва ижтимоий зарурий меҳнат билан банд бўлишлари учун хуқуқий-ташкилий асослар ҳисобланади.

Шу ўринда республикамизда аҳоли бандлигини оширишнинг ижтимоий-иқтисодий механизмларини, меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлик даражасини тадқиқ этиш учун иқтисодиёт тармоқларида банд бўлганларнинг жинсий таркибини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, меҳнат билан банд аёллар сони асосан моддий ишлаб чиқариш тармоқларида банд эркаклар сонидан анча кам. Ана шундай тармоқлар қаторига қурилиш, транспорт ва алоқа тармоқлари киради (1-жадвалга қаранг). Шу билан бирга, айрим ноишлаб чиқариш тармоқларида, жумладан соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот ва айниқса таълим, маданият, санъат, илм-фан, фанга хизмат кўрсатиш тармоқларида банд аёллар сони эркакларга нисбатан юқори эканлиги яққол сезилади. Баъзи бир тармоқларда эса банд аёллар ва эркаклар сонидаги фарқлар унчалик катта эмас.

Иқтисодиётнинг барқарор ўсиши шароитида республикамизда аҳолининг турмуш даражаси ва даромадларини оширишга эришиш мақсадида касаначиликни тараққий эттириш ва ривожлантиришга кенг имкониятлар яратилмоқда. Аҳоли бандлигини таъминлашда касаначиликнинг тутган ўрни беқиёс эканлигини алоҳида эътироф этиш лозим.

Касаначилик ишсизликни бартараф этишнинг асосий йўлларидан бири бўлиб, у йирик ва кичик ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги кооперацияни йўлга йўлга қўйиш, шунингдек, аҳоли реал даромадларини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади. Касаначи деганда, анъанавий равишда аёллар, кўп фарзандли оналар, ногиронлар, мос иш топишда қийналаётганлар ва меҳнат бозорида рақобатбардош бўлмаган аҳоли қатлами тушунилади. Касаначиликнинг ривожланиши иш билан таъминланишга муҳтож аҳоли эҳтиёжларига мос келади, бунда касаначиликни уй хўжалигидаги бошқа юмушлар билан уйғун равишда олиб бориш имкониятини яратади.

Аёлларни самарали меҳнат фаолиятига йўналтиришда касаначилик алоҳида ўрин тутади. Касаначиликнинг аҳоли бандлигини ҳамда даромадларини оширишдаги мавжуд имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш мақсадида 2006 йил 5 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

1-жадвалда жами бандларни ҳисобга олган ҳолда иқтисодиёт тармоқларида аёлларнинг бандлиги даражаси келтирилган. Жадвалдан кўриб турганимиздек, аёлларнинг қишлоқ ва ўрмон хўжалиги (44,5%), савдо, умумий овқатланиш, тақсимлаш ва тайёрлаш (53,6%) каби соҳалардаги бандлигини камайтириб, уларнинг ўзлари учун мақбул бўлган соҳалардаги бандлиги даражаси ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Мазкур Фармон бандликни ошириш ва аҳоли даромадларини мунтазам ўстириб бориш, йирик саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини ошириш ва уларга касаначилар билан шериклик учун қулай шароитлар яратиб бериш нуқтаи назаридан, айниқса, муҳим аҳамият касб этади [2, 213-б.]

Ушбу Фармоннинг ижтимоий аҳамияти

қуйидагиларда ўз аксини топган: Биринчидан, касаначилик иш ўринларини яратиш ва касаначилар билан кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш мақсадида иш берувчилар учун имтиёзлар белгиланган.

Иккинчидан, фуқаролар томонидан корхоналар буюртмаларини бажариш иш берувчи ва касаначи ўртасида тузиладиган меҳнат шартномаси асосида амалга оширилади. Бу ҳам корхона буюртмаси асосида уйида иш бажараётган ходимга, ҳам бевосита иш берувчига амалдаги қонунчиликда белгиланган кафолатларни, шу жумладан, ижтимоий ва пенсия таъминоти ҳуқуқини таъминлайди. Кооперация муносабатларининг бундай шакли замонавий халқаро амалиётга, хусусан, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 1996 йилда қабул қилинган №177 Конвенциясига тўла мос келади.

Учинчидан, корхоналар тузилган меҳнат шартномалари асосида касаначиларга лизинг (молиявий ижара) шартларида қурилма, асбоб-анжомларни бериш ҳуқуқига эга. Корхона муайян ишлаб чиқариш мақсадлари учун тижорат банкидан кредит олиб, буюртма асосида маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқариш учун касаначига бериладиган зарур қурилма ёки асбоб-ускуналарни харид қилиши ва шартнома муддати тугагач, лизинг объекти касаначининг ихтиёрига тўлиқ ўтиши мумкин.

**1-жадвал**

**Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиёт тармоқларида банд бўлган аёллар кўрсаткичи**

*(фоиз ҳисобида)*

| Иқтисодиёт тармоқлари | 2010 йил | 2015 йил | 2016 йил |
|---|---|---|---|
| Иқтисодиётда банд бўлганлар, жами | 45,5 | 45,7 | 45,8 |
| шу жумладан | | | |
| Саноат | 40,2 | 38,5 | 37,8 |
| Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги | 48,3 | 45,5 | 44,5 |
| Қурилиш | 10,4 | 8,0 | 8,3 |
| Транспорт ва алоқа | 14,7 | 11,3 | 11,7 |
| Савдо, умумий овқатланиш, тақсимлаш ва тайёрлаш | 53,8 | 53,7 | 53,6 |
| Уй-коммунал хўжалиги, аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турлари | 37,8 | 36,7 | 35,2 |
| Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот | 75,5 | 81,6 | 82,0 |
| Таълим, маданият, санъат,илм-фан ва фанга хизмат кўрсатиш | 67,8 | 72,1 | 72,5 |
| Молия, кредит ва суғурталаш | 43,6 | 41,0 | 40,0 |
| Бошқа тармоқлар | 32,5 | 45,7 | 44,5 |

*Манба: Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.*

Статистик маълумотларга кўра, республикамизда касаначилик билан банд бўлганлар сони йил сайин ортиб бораётганлигига гувоҳ бўламиз. Хусусан, 2006 йилда 60 минг нафар, 2009 йилда 130 минг нафар, 2010 йилда 208 минг нафардан ортиқ киши касаначилик меҳнати билан банд бўлган. Аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларига мувофиқ, касаначиликнинг барча шаклларини ташкил этиш ва кенгайтириш бўйича 2011 йилда 216,2 минг нафар, 2012 йилда эса 218 минг нафар, 2013 йилда 280 мингдан зиёд иш ўрни ташкил этилди.

2014 йил давомида Ўзбекистон бўйича қарийб 1 миллион янги иш ўрни ташкил этилган бўлиб, уларнинг 60 фоизи қишлоқ ҳудудлари ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2015 йилнинг 9 ойида мамлакатимизда 748,7 мингта иш ўрни шу жумладан қишлоқ жойларида 451,6 мингта янги иш ўрни ташкил этилди. 2016 йилда қарийб 1 миллионга яқин, жумладан, мақсадли комплекс дастурларига мувофиқ 390 мингдан ортиқ якка тартибдаги тадбиркорлик, касаначиликни ташкил этиш орқали иш ўрни яратилди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш вазифасини изчил амалга ошириш мақсадида 2016 йил биринчи ярмида иш ўринларини ташкил этиш

ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг амалга оширилиши самарасида 462,5 минг янги иш ўрни, жумладан, қишлоқ жойларда 276,7 минг (умумий сонниг 59,8 фоизи) ташкил этилди.

Касаначилик фаолиятидаги вақтдан унумли фойдаланиш имконияти, вақтни тежаши, уйдаги қўшимча ишчи кучи имкониятларидан фойдалана олиши, айни пайтда уй-рўзғор ишларини назорат қилиб туриши каби жиҳатлар меҳнатни ташкил этишнинг мазкур шаклига аёллар орасида нисбатан қизиқишни кучайтиради.

Сўнгги 25 йил мобайнида республикамизда давлат ва минтақавий дастурларнинг амалга оширилиши натижасида кўплаб янги иш ўринлари ташкил этилиши таъминланди. Бу борада кичик корхоналар, микрофирмалар ва якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш эвазига 480 мингдан ортиқ, касаначиликни кенгайтириш ҳисобидан эса 210 мингдан зиёд иш ўрни ташкил этилди.

Меҳнат фаолиятининг ушбу шаклидан фойдаланиш биринчидан, иш билан бандлик муаммосини ҳал этиш имконини беради. Иккинчидан, у ёки бу сабабларга кўра, ишлаб чиқаришда бевосита иштирок эта олмайдиган қишлоқ аёллари учун меҳнат қилиш имконияти яратилади.Учинчидан, касаначининг маоши оила бюджетига қўшимча бўлиб, даромаднинг ошишига олиб келади ва, ниҳоят, аҳолининг ишга бўлган талаби қондирилади. Касаначиликнинг яна бир ижтимоий аҳамияти аёллар меҳнатидан оқилона фойдаланиш имкониятни яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида аёлларни уларга муносиб меҳнат билан бандлигини таъминлаш масаласига муҳим вазифа сифатида эътибор қаратди. Аёллар учун доимий иш ўринлари яратиш борасидаги муҳим масала билан бир қаторда, оилавий бизнес, касаначилик, ҳунармандчилик, томорқа хўжалигини кенг ривожлантириш ишлари ҳам самарали тарзда олиб борилмаётганлигини алоҳида таъкидлади [3].

**2-жадвал**

**Аёллар учун касаначилик меҳнатининг асосий моделлари**

| Мақсади | Қўлланиш соҳаси | Ўзига хос хусусиятлари |
|---|---|---|
| 1. Халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш, аҳолига хизмат кўрсатиш ва фуқаролар билан кооперация алоқаларини ўрнатиш. | Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг мавсумийлигига асосланган корхоналар. | Касаначилик меҳнати орқали бажариладиган фаолиятда янги иш ўринларини юзага келтиришга кам сарф-харажатлар қилиниши. |
| 2. Технологик жараёнга киритилган ихтисослаштирилган касаначилик орқали янги иш ўринларини яратиш | Асосий маҳсулот ишлаб чиқариш учун айрим операцияларни қўлда бажариш ёки буюмларга қўшимча ишлов беришга асосланган объектлар. | Қўшимча янги иш ўринларини яратиш имкониятларининг кенгайиши ва ижтимоий муҳофазанинг кучайтирилиши. |
| 3. Корхонанинг ишлаб чиқариш дастурига киритилган маҳсулотлар бўйича касаначилик меҳнати билан боғлиқ янги иш ўринларини яратиш. | Маҳсулотнинг айрим турларини корхонанинг ишлаб чиқариш майдонларидан касаначиларнинг истиқомат жойларига ўтказиш ва шунинг ҳисобига бўшаб қолган майдонлардан самарали фойдаланиш. | Ишсизларни (айниқса, қишлоқларда) бевосита яшаш жойи бўйича иш билан таъминлаш имкониятининг яратилиши. |

*Манба: муаллиф томонидан илмий адабиётлар асосида тайёрланган.*

Аёллар орасида ишсизлик ҳолатларини ўрганиш, самарали меҳнат билан бандликка йўналтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш учун биз томонимиздан Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг Жиззах, Бахмал, Ғаллаорол, Сирдарё, Боёвут, Ховос туманларининг қишлоқ ҳудудларида аниқ социологик тадқиқотлар олиб борилди. Социологик тадқиқотлар натижаларига кўра, ҳудуддаги аёлларнинг 34,5 фоизи тадбиркорлик ва кичик бизнес фаолияти билан шуғулланишни хоҳлашади.

Таъкидлаш жоизки, иш берувчиларга ишга ёлланиш бўйича меҳнат шароитларини илгари суришда аёллар асосан "Уйда меҳнат қилиш" имкониятининг яратилишига алоҳида эътибор қаратишган (13,5%). Сўровномада иштирок этган аёллар қуйидаги талабларни илгари суришган: "Кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасидаги касбий билимларни ошириш (8,5%), "Ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотишдаги имтиёзлар яратиш" (5,2%), "Касаначилик бўйича касбий тайёргарлик тармоқларидаги ислоҳотларни ҳудудларда кенг тарғиб қилиш (4,5%) ва бошқа сабаблар (2,3%).

Мамлакатимизда иш билан бандлик даражаси ва аҳоли даромадларини оширишда касаначиликнинг аҳамиятини шундан ҳам кўрса бўладики, ҳар йили ўртача 500 мингдан ортиқ аёллар бола парвариши таътилига чиқади ва уларнинг оила даромадини кўпайтиришдаги энг қулай иштироки сифатида уй меҳнати билан таъминланиши мумкин. Ёки ишга жойлашишга муҳтожларнинг (ўртача 320 минг киши) 180 минг нафари қишлоқда ҳудудларида яшовчи аҳоли ҳисобланади. Хусусан, мос иш топилса, ишлашга тайёр бўлган кўп болали оналар учун касаначилик энг қулай ва мос меҳнат туридир.

Олиб борилган тадқиқотларимиз натижасида аёллар учун касаначилик меҳнатининг асосий моделларини ишлаб чиқдик (2-жадвалга қаранг). Мазкур моделларнинг мақсади касаначилик меҳнатинининг қўлланиш соҳаси ва ушбу меҳнат турининг ўзига хос хусусиятларини ифодалайди.

Шундай қилиб, ҳозирги пайтда касаначилик меҳнатини ташкил қилиш корхоналар билан аҳоли ўртасида кооперация алоқаларини таъминлаш, иш билан бандлик эса оилалар даромадлари даражасини оширишнинг истиқболли ва самарали йўналишидир.

Бизнинг фикримизча, аёлларнинг бандлигини ошириш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик борасидаги инновацион ташаббусларни қўллаб-қувватлаш бўйича қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- янги тадбиркорлик тузилмалари, инновацион лойиҳалар, жамоа ташкилотлари бўйича маълумотлар банкини мунтазам янгилаб бориш;
- аёлларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ва ҳудудларда уларнинг касбий таълими сифатини янада яхшилаш;
- оилавий бизнес,хусусийтадбиркорлик, касаначилик ва хунармандчиликни, тадбиркорлик фаолиятининг бошқа шаклларини ривожлантиришга янада кўмаклашиш
- аёллар орасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишни ривожлантириш учун халқаро тажрибаларни кенг тарғиб қилиш;
- касаначилар учун яратилган ижтимоий кафолатлар билан таъминланиши устидан мунтазам назоратни амалга ошириш;
- миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш асосида оилавий корхоналарни имтиёзли кредитлар билан таъминлаш бўйича олиб борилаётган тизимли ишларни изчил давом эттириш.

***Манба ва адабиётлар:***

*1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. http://strategy.gov.uz. 11-б.*

*2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, 2006 йил 5 январь.Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга оид меъёрий ва услубий ҳужжатлар тўплами. Тошкент, 2008.-213 б.*

*3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси www.http:// Lex.uz.*

## ИНСОН РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ

**Анарқулов Фаррух Авазхонович**

Мустақил изланувчи, Тошкент давлат иқтисодиёт университети

***Аннотация.*** Мақолада иқтисодиёт тармоқларида инсон ресурсларини бошқариш самарадорлигини баҳолашнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ёритилган, инсон ресурсларини бошқариш самарадорлигини баҳолаш усуллари таклиф этилган. Шунингдек, инсон ресурсларини бошқариш самарадорлигини аниқлашда иқтисодий, ижтимоий ва технологик самараларни биргаликда ҳисобга олишнинг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган.

***Таянч тушунчалар:*** инсон ресурслари, бошқариш, баҳолаш усуллари, кўрсаткичлар, самарадорлик.

***Аннотация.*** В статье рассмотрена социально-экономическая роль оценки эффективности человеческих ресурсов в отраслях экономики, предложены методы оценки эффективности управления человеческими ресурсами. А также обоснована целесообразность совокупного учета экономических, социальных и технологических эффектов при выявлении эффективности управления человеческими ресурсами.

***Ключевые слова:*** человеческие ресурсы, управление, методы оценки, показатели, эффективность.

Корхоналар фаолиятининг муваффақиятли бўлишига макро ва микромуҳитнинг кўп сонли омиллари таъсир кўрсатади. Деярли барча саноати ривожланган мамлакатларда миллий ҳисоб юритиш тизимлари шаклланган дастлабки вақтдан бошлаб корхона фаолият кўрсатишининг самарадорлигини тўғри аниқлаш имконини берувчи мезонларни қидириш давом этмоқда.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий самарадорлиги масалалари илмий адабиётларда етарли даражада тўлиқ ёритилишига қарамай, ҳозирги вақтга қадар корхона ва унинг таркибий бўлинмалари ҳамда алоҳида ходимларнинг самарадорлиги мезонлари ва кўрсаткичлари таркиби ва мазмунини белгилаш, уларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш борасида ягона фикр мавжуд эмас.

Ғарблик муаллифлар (Д.Л.Гибсон, Д.Иванцевич, Д.Х.Доннели) «самарадорлик» тушунчасини учта жиҳатдан кўриб чиққан:

1. Самарадорлик ташкилот мақсадларига эришиш даражаси сифатида.
2. Самарадорлик манфаатлар мувофиқлиги даражаси сифатида.
3. Самарадорлик мослашувчанлик, ташқи муҳитга мослашиш даражаси сифатида.

Х.Лейбенстайн меҳнат қилувчилар фаоллигининг даражаси, уларнинг ўзаро муносабат ва ресурслардан яхшироқ фойдаланишдан манфаатлардорлиги билан аниқланадиган самарадорлик концепциясини илгари сурган.

Паретонинг фикрига кўра, самарадорлик бошқа бировга зарар етказмаган ҳолда ишлаб чиқариш тизимининг самараси кўринишидаги энг юқори натижа ҳисобланади. Паретонинг назарида, оптималлик дейилганда иқтисодий тизимнинг унда бир параметр бўйича яхшиланиш бошқа параметр бўйича ёмонлашувсиз юз бермайдиган ҳолати тушунилади [1].

Меҳнат самарадорлиги мезонини қуйидаги мақсадли функция ёрдамида ифодалаш мумкин:

$$Ci > z, \frac{l_i x_i}{F} \leq Li \text{ бўлганида, } \frac{Pi}{Ci} \to 1 \quad (1)$$

бу ерда:

Pi – i турдаги фаолият натижасида олинган соф маҳсулот улуши;

Ci – i турдаги фаолият билан банд бўлган ёлланма ходимлар истеъмоли учун сарфланадиган соф маҳсулот улуши;

li – i турдаги фаолият маҳсулоти (хизматлари) бирлигини ишлаб чиқариш учун меҳнат сарфи;

z – давлатда (корхонада) қонун билан белгиланган энг кам иш ҳақи миқдори;

xi – i турдаги фаолият билан маҳсулот ишлаб чиқариш;

F – жамиятнинг бир меҳнатга лаёқатли аъзоси ёки корхона ходими иш вақтининг умумий потенциал фонди;

Li – i турдаги фаолият билан банд бўлган шахслар сони.

Самарадорликнинг табиатидан келиб чиққан ҳолда инсон ресурсларини бошқариш самарадорлигини баҳолашни иккита йўналиш бўйича ўтказиш зарур: инсон ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги; инсон ресурсларини бошқариш жараёнининг самарадорлиги.

Инсон ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигининг меҳнат унумдорлиги, персонал учун харажатлар, персонал сонини мақбуллаштириш каби мезонлари корхона фаолиятининг натижадорли жиҳатини акс эттиради. Меҳнат унумдорлигини ҳисоблаш учун қиймат ва натурал кўрсаткичлардан, маҳсулот бирлиги кўрсаткичидан фойдаланилади. Инсон ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги амалда эришилган кўрсаткичларнинг режадаги кўрсаткичларга нисбати сифатида ҳисоблаб чиқилади.

Персонал учун харажатларни баҳолашда иш ҳақи сарфи ва иш ҳақи самараси кўрсаткичларидан фойдаланилади. Меҳнат унумдорлиги, иш ҳақи сарфи ва иш ҳақи самараси кўрсаткичлари нисбий кўрсаткичлардир, шунинг учун самарадорлик динамикасини аниқлашда улар ўзгаришининг тенденцияларини баҳолаш учун В.Галасюк томонидан таклиф этилган G-индикаторни ҳисобга олиш даркор:

$$G^1 = \frac{X_i - X_{i-1}}{t_i - t_{i-1}} \qquad (2)$$

бу ерда:

Xi, Xi-1 – ti ва ti-1 вақтнинг тегишли лаҳзаларида таҳлил қилинадиган катталик кўрсаткичлари;

ti ва ti-1 – таҳлил қилинаётган вақт оралиғининг боши ва охирига мос келувчи вақт лаҳзалари.

Персонал сонини мақбуллаштириш мезони ёрдамида самарадорликни баҳолаш учун бир ходимга тўғри келадиган тушум ёки фойда кўрсаткичларидан фойдаланилади.

Тармоқ инсон ресурсларини бошқариш жараёни самарадорлигини баҳолашнинг жараёнли ёндашувни акс эттирувчи етарлича ўрганилмаган методикаси алоҳида эътиборга лойиқ. Мазкур баҳо кўп омилли бўлиши керак, чунки инсон ресурсларини бошқариш жараёни мустақил кичик жараёнлардан иборат бўлиб, улардан ҳар бирининг самарадорлиги мустақил баҳолашни талаб қилади [2]. Шу сабабдан инсон ресурсларини бошқаришнинг ҳар бир кичик жараёни учун унинг самарадорлигини баҳолаш мезонларини корхонанинг мақсадлари ва ривожланиш босқичларига мувофиқ белгилаш лозим. Кичик жараёнларни функционал белги бўйича ажратиш даркор, чунки мақсадларни рақамлаш тегишли тадбирларни ҳамда улар самарадорлигининг асосий кўрсаткичларини ажратган ҳолда, ушбу принцип бўйича амалга оширилади. Лекин, агар самарадорликнинг асосий кўрсаткичлари сифатида фойдаланиладиган ялпи тушум ва фойда ўзгаришлари динамикасининг кўрсаткичларинигина таққослайдиган бўлсак, у ҳолда хато натижага эга бўлиш эҳтимоли жуда юқори.

Экспертлар томонидан баҳолаш усули инсон ресурсларини бошқариш самарадорлигини баҳолашнинг энг кўп қўлланиладиган усулларидан бири ҳисобланади. Мазкур усул бевосита ўлчаб бўлмайдиган ҳодисалар, жараёнлар, ҳажмларни мутахассислар фикрларидан фойдаланиш асосида баҳолашни назарда тутади.

Илмий адабиётларда эксперт тартиботларининг турли хиллари кўриб чиқилади, уларнинг қисқача тавсифи қуйидаги жадвалда келтирилган (1-жадвал).

Эксперт баҳолари усулидан фойдаланишда аксарият ҳолатларда кўп мезонли экспертиза усули қўлланилади. Ушбу усулга кўра объектлар мезонларнинг бир тўплами бўйича баҳоланади, шунингдек фойдалилик функцияси киритилиб, танлашнинг чегара мезони аниқланади [3].

Инсон ресурсларини бошқариш самарадорлигини баҳолашнинг яна бир усули – бу уларни кўрсаткичларнинг мувозанатлаштирилган тизими бўйича баҳолаш усулидир.

Кўрсаткичларнинг мувазанатлаштирилган тизими – корхона стратегиясини амалга ошириш воситаси, корхонага келажак учун режаларни ва стратегияни аниқ белгилаш ҳамда уларни ҳаётга татбиқ этиш имконини берувчи бошқарув тизими бўлиб, стратегик самарадорликни ошириш ва натижаларга эришиш учун зарур бўлган ички бизнес-жараёнлар билан ташқи кўрсаткичлар ўртасидаги тескари боғлиқликни таъминлайди [4].

Қуйидагилар ўқиш ва ўсиш индикаторлари проекциясининг кўрсаткичларига мисол бўлиб хизмат қилиши мумкин: кадрлар қўнимсизлиги; ўқиш учун вақт; ишда бўлмасликнинг ўртача вақти; персонални ўқитиш йиллик харажатлари; ходимларнинг қониққанлик индекси.

Ўқитиш дастурларининг меҳнат унумдорлигини ва маҳсулотнинг сифатини оширишга таъсири самараси қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Э = П \times N \times V \times K - N \times Z \qquad (3)$$

бу ерда:

П – дастурнинг муддати, йил; N – ўқитилган ходимлар сони; V – яхши ва ўртача ходимлар меҳнатининг самарадорлигидаги фарқлар қийматини баҳолаш; K – ўқишдаги самарадорликнинг ўсиш коэффициенти; Z – ходимни ўқитиш харажатлари, сўм.

Инсон ресурсларини бошқариш самарадорлигини ялпи баҳолаш методикаси. Инсон ресурсларини бошқариш самарадорлигини ялпи баҳолаш самарадорлик ялпи кўрсаткичлари баҳоларининг ўртача чамаланган катталиги сифатида қуйидаги формула бўйича аниқланадиган интеграл кўрсаткични (Э) ҳисоблашга асосланган:

**1-жадвал**

**Турли хилдаги эксперт тартиботларининг тавсифи**

| **Мезон** | **Эксперт тартиботининг мазмуни** |
|---|---|
| Экспертлар, ташкилотчилар, қарор қабул қилувчи шахсларнинг ўзаро ҳамкорлиги | - мутлақо мустақил;<br>- фикрлар алмашинуви;<br>- ролларни тақсимлаган ҳолда мулоқот қилиш. |
| Индивидуал баҳоларни олиш шарти | - регламентланмаган интервью;<br>- регламентланган интервью;<br>- регламентланган сўров;<br>- регламентланмаган сўров. |
| Индивидуал баҳоларни олиш шарти усуллари | - эркин шаклдаги «сифатли» мулоҳаза;<br>- ёпиқ сўровнома саволларига миқдорсиз жавоблар;<br>- ноаниқ шкалалардаги мулоҳаза;<br>- баллар билан берилган баҳолар;<br>- баҳолаш объектлари ранжировкаси. |
| Жамоавий баҳоларни ишлаб чиқиш шарти | - ташкилотчи томонидан индивидуал фикрларга мулоҳазаларсиз ишлов берилиши;<br>- регламентланмаган муҳокама;<br>- регламентланган мажлис;<br>- ақлий ҳужум;<br>- «суд». |
| Жамоавий баҳоларни ишлаб чиқиш босқичларининг сони | - бир;<br>- икки ва ундан кўп. |
| Жамоавий баҳоларни ишлаб чиқиш усуллари | - индивидуал баҳоларни таққослаш;<br>- индивидуал ранжировкаларни таққослаш;<br>- индивидуал баҳоларни гуруҳлаш;<br>- жамоавий баҳоларни кўп марталаб таққослаш. |

*Манба: жадвал муаллифнинг тадқиқотлари асосида тузилган.*

$$Э = \sum_{i=1}^{n} Э_i \quad (3)$$

бу ерда: Эі – танлаш самарадорлигининг ялпи кўрсаткичи.

Инсон ресурсларини бошқариш тизими жараёнларидан ҳар бирининг самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари ташкилотнинг мақсадлари ва ривожланиш даврларига қараб белгиланади.

Ҳисоб-китоблар натижасида олинган интеграл кўрсаткич жадвалда келтирилган шкала бўйича баҳоланади (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Самарадорлик даражасини баҳолаш шкаласи**

| Баҳолаш оралиғи | Самарадорлик даражаси |
|---|---|
| 3,7 F* дан юқори | жуда юқори |
| 2,0 F дан 3,7 F гача | юқори |
| 1,2 F дан 2,0 F гача | ўртача |
| 0,4 F дан 1,2 F гача | паст |
| 0,4 F дан паст | жуда паст |

F* – кўрсаткичлар сони корхонанинг мақсадлари ва ривожланиш даврларига қараб белгиланади.

**SWOT-таҳлил.** Инсон ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашнинг мазкур усули ташкилотнинг ички ва ташқи муҳити омиллари ҳамда ҳодисаларини тўртта тоифа (кучли томонлар, заиф томонлар, имкониятлар ва таҳдидлар) бўйича аниқлаш, бўлиш ва баҳолаш имконини беради (3-жадвал).

**3-жадвал**

**SWOT-матрица**

| | **Имкониятлар (O)** | **Таҳдидлар (T)** |
|---|---|---|
| кучли томонлар (S) | S/O | S/T |
| заиф томонлар (W) | W/O | W/O |

Кенгайтирилган SWOT-матрицани қўллаган ҳолда инсон ресурсларини бошқаришни стратегик режалаштириш жараёни қуйидаги ҳаракатлардан иборат: ташқи муҳитни таҳлил қилиш; ички муҳитни таҳлил қилиш; стратегиялар ва тактик ҳаракатларни тузиш.

***Математик усуллар.*** Ҳозирги босқичда математик усуллар ишлаб чиқаришнинг кўплаб масалаларини, шу жумладан инсон ресурсларини бошқариш масалаларини сифатли ва тезкор ҳал этиш имконини берувчи универсал ва аниқ воситалардан фойдаланиш имконини беради.

Инсон ресурсларини бошқариш самарадорлигини баҳолашнинг математик усуллари гуруҳида корреляцион-регрессион таҳлил алоҳида ўрин тутади. У турли кўрсаткичларнинг корхона фаолиятининг якуний натижаларига таъсирини ўзида намоён этади.

Корхонанинг инсон ресурсларини бошқариш самарадорлигини баҳолаш жараёни қуйидаги босқичлар кетма-кетлигида амалга оширилади:

- корхона фаолиятининг якуний натижаларига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш;
- кўрсаткичлар ва уларга таъсир кўрсатувчи омиллар ўртасидаги боғлиқликларни аниқлаш. Омиллар ўртасидаги мультиколлинеарликни аниқлаш ва улардан бирини чиқариб ташлаш;
- Стьюдент мезонларига мувофиқ регрессия коэффициентларининг тўғрилигини баҳолаш;
- Чеддок шкаласидан фойдаланган ҳолда омиллар билан кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқликнинг хусусиятини аниқлаш (4-жадвал);

**4-жадвал**

**Чеддок шкаласи**

| Ўлчаш доираси | 0,1-0,3 | 0,3-0,5 | 0,5-0,7 | 0,7-0,9 | 0,9-0,99 |
|---|---|---|---|---|---|
| Боғлиқлик хусусияти | заиф | ўртача | сезиларли | юқори | мунтазам юқори |

- Фишер коэффициентидан фойдаланган ҳолда регрессия тенгламасининг тўғрилигини баҳолаш;
- бета-коэффициентни қўллаган ҳолда омилнинг натижали кўрсаткичга таъсирини баҳолаш;
- корхонанинг инсон ресурсларидан фойдаланишни баҳолаш учун корхона фаолиятининг якуний натижаларига энг катта таъсир кўрсатувчи энг муҳим омилларни аниқлаш зарур.

Меҳнат иқтисодиёти ва персонални бошқаришга доир замонавий адабиётларда персоналга тааллуқли қарорлар ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий мақсадларга йўналтирилади ёки йўналтирилиши лозим деган фикр мавжуд. Шунинг учун бунга иқтисодий ва ижтимоий самарадорлик деб номланувчи мақсадлар боғлиқлиги асос қилиб олинган. Агар корхона фаолиятининг бошқа томонларини баҳолашда натижа сарфланган пул бирлиги учун самара даражаси сифатида талқин этиладиган иқтисодий самарадорликдан иборат бўлса, инсон ресурсларини бошқариш самарадорлигини баҳолашда яна бир томон – ижтимоий самарадорлик намоён бўлади.

Шунинг учун инсон ресурсларини бошқариш самарадорлигини аниқлашда камида икки хилдаги самараларни ҳисобга олиш даркор [5]:

- иқтисодий (амалга оширилаётган кадрлар сиёсатининг корхона фаолиятининг рентабеллигига таъсирини баҳолаш имконини беради);
- ижтимоий (корхона амалга оширилаётган ижтимоий сиёсат, ижтимоий кафолатларнинг мавжудлиги, инсон ресурсларини ривожлан-

тириш имконияти, маънавий-руҳий муҳит ва ҳ.к.).

Бу шуни англатадики, инсон ресурсларини бошқариш соҳасида қарорлар қабул қилишда ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий мезонлар ҳисобга олиниши керак.

Бизнинг фикримизча, анъанавий тарзда ўлчанадиган самаралар турларини технологик самара билан тўлдириш лозим. Ҳозирги глобал иқтисодиёт ва тобора кучайиб бораётган рақобат шароитида ишлаб чиқариш фаолиятининг иқтисодий самарали натижаларига эришишнинг ўзи камлик қилади, ташқи муҳитга мослашиш ва эҳтимолий таваккалчиликларни аниқлаш борасида рақобатчилардан устун бўлиш зарур. Буларнинг барчаси корхоналардан технологик жиҳатдан самарали бўлишни талаб қилади. Технологик инновациялар рақобатнинг ҳаракатлантирувчи кучларидан бири ҳисобланади, шунинг учун инсон ресурсларини бошқариш тизими зиммасига корхонани ривожлантиришнинг технологик стратегиясини шакллантириш ва амалга ошириш масъулияти юклатилади.

Технологик самарадорлик корхоналар раҳбариятининг бизнесни ташқи муҳитда юз бераётган ўзгаришларга мувофиқ қайта йўналтириш лаёқати, унинг персонални ва ташкилотда юзага келган маданиятни муваффақиятга эришишнинг инновацион моделига қайта йўналтира олишидан ҳосил бўлади. Бунда самарадорликнинг технологик самарасига эришиш учун рақобат устунликларини шакллантириш нафақат энг янги ишлаб чиқариш технологияларини жорий этиш, балки инсон ресурсларини бошқариш соҳасидаги ташкилий-бошқарув инновацияларидан фаол фойдаланиш ҳисобидан ҳам амалга оширилиши керак.

Ҳозирги вақтда айнан корхоналар раҳбарияти томонидан энг янги бошқарув амалиётлари тизимига асос қилиб олинган имкониятларнинг ўзлаштирилиши даражаси ва қўлланилиши кўламлари бошқарув самарадорлигининг энг муҳим индикаторлари ҳисобланади. Бу Лондон иқтисодиёт мактаби ва McKinsey компанияси томонидан иқтисодий ривожланишнинг турли даражасига эга бўлган мамлакатларда ўтказилган бир қатор қўшма эмпирик қиёсий тадқиқотлар ёрдамида исботланган.

Тадқиқот натижалари бошқарув сифатининг компания фаолиятининг самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар (сотувлардан тушган тушум, меҳнат унумдорлиги, маҳсулотнинг янги турлари ўзлаштирилиши, ИТТКИ учун харажатлар ҳажми) билан бевосита боғлиқлигини кўрсатиб берди.

***Манба ва адабиётлар:***


*1. Щегорцов В., Таран В. Служба персонала и эффективность производства // Ж. Служба кадров и персонал, 2014. - №2. – С.28.*

*2. Беккер Б. И., Хьюзлид М.А., Ульрих Д. Измерение результативности работы HR-департамента. Люди, стратегия и производительность: пер. с англ. - М.: ИД «Вильямс», 2007. – С.71.*

*3. Внедрение сбалансированной системы показателей / Horvach & Partners: пер. с нем. 3-е изд. – М.: Альпина Бизнес Букс, 2008. – С.96.*

*4. Дедов О.А. Применение ключевых показателей экономической эффективности в управлении промышленным предприятием. – Екатеринбург: Институт экономики УрО РАН, 2012. – С.152.*

*5. Кибанов А.Я. Оценка экономической и социальной эффективности проекта совершенствования системы и технологи и управления персоналом организации: учебное пособие. - М.: ГУУ, 2006. – С.118.*

## БАНК КРЕДИТЛАРИНИ АЖРАТИШ ОРҚАЛИ АҲОЛИНИНГ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

**Тоғаев Салим Собирович**

Ўқитувчи, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

**Тўрабеков Соҳибжон Шербой ўғли**

Тадқиқотчи, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

***Аннотация.*** Мазкур мақолада аҳолининг иш билан бандлигини ошириш ва ишсизликни камайтиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ёритилган. Аҳоли бандлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ролини ошириш ҳамда уни ривожлантириш йўллари, коллеж битирувчилари учун тижорат банклари томонидан берилаётган имкониятлар статистик маълумотлар асосида очиб берилган. Бандликни таъминлаш борасида амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

***Таянч тушунчалар:*** бандлик, меҳнат ресурслари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, тижорат банклари, банк кредити.

***Аннотация.*** В данной статье раскрыто социально-экономическое значение повышения занятости населения и снижения процента безработицы. Пути повышения роли и развития малого бизнеса и частного предпринимательства в обеспечении занятости населения, выгодные предложения для выпускников колледжей, предоставляющиеся со стороны коммерческих банков раскрыты на основе статистических данных. Разработаны практические рекомендации по поводу обеспечения занятости населения.

***Ключевые слова:*** занятость, трудовые ресурсы, малый бизнес и частное предпринимательство, коммерческие банки, банковский кредит

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларини таъминлаш орқали аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришдир. Бу муаммони ҳал этишда аҳолининг иш билан бандлик масаласи алоҳида ўрин тутади. Шу сабабли, мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш амалга оширилаётган барча сифат ва миқдор ўзгаришларнинг бош мақсади сифатида белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4848 сонли Фармони энг аввало, хусусий мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай шарт-шароитлар яратишга ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, республиканинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга йўналтирилган ва ушбу соҳада давлат сиёсатининг сифат жиҳатидан янги даражага ўтишидан далолат беради.[1] Бинобарин, юртимизда ҳар йили миллий иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, ҳудудий кесимларда меҳнат ресурсларидан янада тўлиқ ва оқилона фойдаланиш, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлашга қаратилган дастурлар амалга оширилаяпти.

2016 йилга мўлжалланган дастурни бажариш натижасида меҳнат бозоридаги талаб ва таклиф чуқур ўрганилгани баробарида иқтисодиёт тармоқлари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари қабул қилинган бўлиб, унда барча йўналишлар бўйича қарийб 1 миллионга яқин, жумладан, мақсадли комплекс дастурларига мувофиқ 396,9 минг, якка тартибдаги тадбиркорлик, касаначиликни ташкил этиш, фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш орқали 595,9 минг иш ўрни яратилди.[3]

Аҳолини иш билан таъминлаш ҳудудий дастурига асосан шаҳар ва туманлар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларига 16141 киши иш сўраб мурожаат қилган 15793 киши ишга жойлаштирилган, 200 киши қайта ўқитилиб, ҳақ тўланадиган жамоат ишларига 400 киши жалб қилинди, бўш иш ўринларининг сони

4870 тани ташкил этмоқда.[3]

2016 йил давомида 107 мингдан ортиқ ёшлар ишга жойлаштирилгани, 19 минг нафардан зиёд ишсиз ёшлар зарур касбларга тайёрлангани, 52 минг нафар йигит-қиз эса ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилгани аҳолининг бандлиги масаласини ечишда яна бир жиддий қадам бўлди.[4]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли фармони қабул қилинди ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 5 та устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури тасдиқланди. Ҳудудларни комплекс ривожлантириш дастурлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан тасдиқланган Аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини сўзсиз амалга оширилишини таъминлаш мақсадида 2017 йил давомида саноатни (5440 та лойиҳа 131 мингта иш ўрни билан), қишлоқ хўжалигини (8430 лойиҳада 55,8 мингта иш ўрни билан) ва хизмат кўрсатишни (11 мингта лойиҳа 69,5 мингта иш ўрни билан) ривожлантириш бўйича вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг фаолиятини кучайтириш масалаласи кўзда тутилган.[5]

Ушбу ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи йўналиши "Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари"га бағишланган бўлиб, биринчи ("Аҳоли бандлиги ва реал даромадларни ошириш") бандида қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилган:

• аҳолининг реал пул даромадларини ва харид қобилиятини ошириш, кам таъминланган оилалар сонини ва аҳолининг даромадлари бўйича фарқланиш даражасини янада камайтириш;

• бюджет муассасалари ходимларининг иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар ҳажмини инфляция суръатларидан юқори миқдорда босқичма-босқич ошириш;

• янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, ўрта махсус ва олий ўқув муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори инфратузилмасининг мутаносиб ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш;

• меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга учун шароитлар яратиш, ишчи кучи сифатини юксалтириш, ишга жойлаштиришга муҳтож шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини кенгайтириш.

Ҳозирги кунда тижорат банклари томонидан нафақат иқтисодиётнинг реал сектори субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш ва шу орқали мамлакатда ишлаб чиқариш ҳамда инвестицион фаолликни рағбатлантириш, балки аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш ҳам банк тизими олдидаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

2016 йилда касб-ҳунар коллежларини тамомлаган 511,5 минг нафар битирувчининг бандлигини таъминлаш, ёшларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш мақсадида 13 триллион сўм банк кредитлари ажратилди [6] . Бу иш ўринларини янги йирик саноат объектларини ишга тушириш, ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ва кенгайтириш, кичик бизнес, хусусий ва оилавий тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантиришни бундан буён ҳам рағбатлантириш, касаначилик имкониятларини, шу жумладан, йирик корхоналар билан кооперациялашган касаначилик имкониятларини шу жумладан, йирик корхоналар билан кооперациялашган касаначилик имкониятларини кучайтириш ҳисобидан ташкил этилди.

Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг ривожланишини молиявий қўллаб-қувватлаш, экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда республика ҳудудларида янги иш ўринларини яратиш мақсадларига 2017 йилда жами 18,8 трлн. сўм ёки 2016 йилга нисбатан 25 фоиз кўп миқдорда кредит маблағларининг ажратилиши кўзда тутилмоқда. Жумладан, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш учун 455,4 млрд. сўм миқдорида ёки 2016 йилга нисбатан 27 фоизга кўп, хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун 2 трлн. сўм (25 фоизга кўп), хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 3,1 трлн.сўм (28 фоизга кўп) ҳамда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун қарийб 401 млрд. сўмлик (19 фоизга кўп) кредит маблағлари ажратилади.[7]

Коллеж битирувчиларини кредитлаш қуйидагича тартибда амалга оширалади[8] :

- Кредит тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун давлат рўйхатидан ўтган ёки юридик шахс устав фондида (устав капиталида) 50 фоиз ёки ундан ортиқ акцияга (улушга) эга бўлган Ўзбекистон Республикаси касб-ҳунар коллежларида ўқишни якунлаган

кунидан бошлаб 3 йилдан ортиқ вақт ўтмаган битирувчиларга берилади;

- Кредит тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун микрокредитлар банклар томонидан тўловлилик, муддатлилик ҳамда пул маблағларини муайян мақсадда ишлатиш ва қайтариш шартлари асосида:

- юридик шахс ташкил этилмаган ҳолда фаолият юритаётган қарз олувчиларга — энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараваригача;

- юридик шахс ташкил этган ҳолда фаолият юритаётган қарз олувчиларга — энг кам ойлик иш ҳақининг 300 бараваригача миқдорда қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқисиз берилади;

- фаолиятни бошлаш учун айланма маблағларни шакллантиришга, инвестиция лойиҳасининг техник-иқтисодий асосини ишлаб чиқишга — 12 ой муддатгача;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашни ташкил этиш учун айланма маблағларини тўлдиришга, шунингдек асбоб-ускуналарни сотиб олишга — 2 йил муддатгача;

- инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун — 3 йилдан ортиқ муддатга берилади.

- Кредитлар қуйидаги мақсадларга берилади:

- уруғликлар, минерал ўғитлар ва ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситаларини сотиб олиш, чорвачилик, қуён боқиш, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичиликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш бўйича кўрсатиладиган техник хизматлар учун тўловларни амалга ошириш;

- енгил конструкцияли ва муқобил ёқилғи манбалари ҳисобига ишлайдиган иссиқхоналарни қуриш, мева-сабзавотчиликда ишлатиладиган қишлоқ хўжалик техникалари ва механизмларини сотиб олиш;

- бевосита ишлаб чиқариш соҳаси — маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хом ашё ва материалларни тубдан қайта ишлаш, ҳунармандчиликни ривожлантириш, касаначилик меҳнатини ташкил этиш, бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш ва қуриш;

- хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш — аҳолига маиший, тиббий, сайёҳлик-экскурсия ва меҳмонхона хизмати кўрсатиш, автомобиллар ва бошқа техникаларни таъмирлаш бўйича хизмат кўрсатиш, транспорт хизмати кўрсатишни ривожлантириш;

- янги боғ ва токзорларни барпо этиш, илғор замонавий технологияларни, шу жумладан томчилатиб суғориш технологияларини жорий этиш.

- Микрокредитдан фойдаланганлик учун фоиз ставкаси миқдори Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси даражасидан юқори бўлмаган миқдорда, банкнинг имтиёзли кредитлаш жамғармаси ҳисобидан микрокредит ажратилган тақдирда Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизи миқдорида белгиланади;

- Қуйидаги хужжатлар тақдим қилиниши лозим:

- қарз олувчининг банк ҳисобварағига пул тушумлари (пул оқими)нинг прогнози кўрсатилган бизнес-режа;

- қарз олувчининг тегишли давлат солиқ инспекциясига тақдим қилган охирги ҳисобот даври учун бухгалтерия баланси (1-сон шакл), 90 кундан ортиқ муддатдаги қарзларга доир солиштириш далолатномалари, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-сон шакл), янги ташкил этилган юридик шахслар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда фаолият юритаётган деҳқон хўжаликлари бундан мустасно;

- қарз олувчига тегишли касб-ҳунар коллежи дипломининг нотариал тасдиқланган нусхаси;

- тегишли кредит таъминоти турларидан бири.

Шу билан бирга, Республикамиз ҳудудларида аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда қўшимча даромад манбаини яратиш мақсадида тижорат банклари томонидан фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, қорамол, қўй, эчки, қуён боқиш ва гўшт етиштириш, паррандачилик ва асаларичиликни ривожлантириш, ихчам иссиқхоналар ташкил этиш, шунингдек уруғ ва кўчатлар учун микрокредитлар ажратиш ҳажмини янада ошириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида тадбиркорлик субъектларига кредит маблағлари ажратиш ишлари амалга оширилмоқда.

Кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этиш, фаолият кўрсатаётган корхоналарни кенгайтириш ҳамда реконструкция қилиш ҳисобидан янги иш ўринларини яратиш аҳолини бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Шу сабабли тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда, аҳоли бандлигини таъминлашнинг асосий йўналишларини аниқлаб олиш зарур деб ҳисоблаймиз.




***1-расм. Аҳоли бандлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари***

Тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда, аҳоли бандлигини оширишнинг қуйидаги муҳим йўналишларини таъкидлаш мумкин.

- биринчидан, ҳақ тўланадиган жамоат ишларини кенгайтириш - иш топишда қийналаётган, ишлашга муҳтож аҳолини ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, шу жумладан, йўллар қуриш ва таъмирлаш, аҳолини ободонлаштириш ишларида банд этиш;

- иккинчидан, касбга ўқитиш, қайта ўқитиш ва қайта тайёрлаш - меҳнат бозорида ўз мутахассисликлари бўйича иш топа олмай қолишганда фуқароларни янги иш ўринларига жойлашиш имконини берадиган касбларга ўқитиш ва ўргатиш;

- учинчидан, ишловчиларни меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш - асоссиз оммавий равишда ишдан бўшатилишининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратиш, меҳнат қонунчилиги назоратини кучайтириш;

- тўртинчидан, меҳнат бозорида рақобатдошлиги паст аҳоли тоифаларига эътиборни кучайтириш - касаначиликни ривожлантириш, квотали иш жойларини таъминлаш, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш.

Шу билан бирга, электрон ахборот алмашинуви имкониятларини кенгайтириш - бўш иш ўринлари ва иш қидирувчилар ҳақидаги маълумотлар базаси имкониятларини кенгайтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ҳудудда кадрлар тайёрлаш тизими ҳақидаги, мавжуд давлат ва нодавлат иш билан бандлик хизмати органлари, иш берувчилар, уларнинг асосий тавсифи ва ривожланиш тенденциялари ҳақидаги маълумотлар базаси ҳудудий ахборот тизимининг зарурий-тузилмавий элементларидир.

Миллий иқтисодиётда кенг кўламли ва чуқур таркибий ўзгаришлар шароитида иш билан бандлик сиёсатининг асосий воситаларидан бири - ишсизларга ихтисослик беришдир. Ишсизларга ихтисослик бериш ва уларни ишга жойлаштиришга кўмаклашиш мақсадида ишлаб чиқиладиган махсус дастурлар ҳудудий ахборот тизимлари кўмаги билан ҳудудий иш билан бандлик хизмати органлари ёрдамига муҳтож бўлган ва меҳнат бозорида кам рақобатли бўлган ишсизлар категориясини аниқлаш имкониятини тезлаштиради. Меҳнат бозори ҳудудий ахборот тизимида тўпланган ишончли ва тўлиқ ахборотлар бундай ишсизлик муаммоларини ечишнинг энг самарали ёндашувлари асосида ҳал этиш учун имконият яратади.

Ишчи кучининг қайта тақсимланиши, унинг меҳнат бозоридаги ҳаракатига, бинобарин, ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги миқдор-сифат жиҳатидан мувофиқликка эришиш кўламларига бевосита таъсир этувчи омиллар ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг янгича шароитларини шакллантирадиган макродаражадаги омилларга боғлиқ. Шунинг учун ҳам ишсизлик даражасининг ҳаддан ташқари ошиб кетишининг олдини олиш ва ишсизларни ишга жойлаштиришга ёрдам бериш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар, бизнингча, қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

- меҳнат муносабатлари соҳасида ижтимоий ҳамкорликнинг уч томонлама механиз-

мини такомиллаштириш;

• мамлакатнинг ҳар бир ҳудудида меҳнат ресурслари ва иш жойларининг ҳам сифат, ҳам сони жиҳатидан ўзаро мутаносиблигига эришиш;

• истиқболли тармоқларни жадал ривожлантириш йўли билан кўплаб янги иш ўринларини барпо этиш.

Ташкилий жиҳатдан меҳнат бозори ижтимоий институтлар тизими сифатида майдонга чиқар экан, мазкур бозор инфратузилмаси ривожланиши аҳолининг оқилона иш билан бандлигини шаклланишида муҳим ташкилий тузилмалар мажмуи ҳисобланади. Меҳнат бозори инфратузилмаси ривожланишининг асосий мақсадлари меҳнатдан фойдаланиш муаммолари, унинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқдир.

Амалиётда аҳолининг оқилона иш билан бандлиги ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги бозор мувозанатига эришишни билдиради. Бундай ҳолда ишсизликнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган (табиий) даражаси вужудга келади. Бундай мувозанат иш берувчилар ва ёлланма ишчиларнинг иқтисодий манфаатларининг энг муқобил даражада амалга оширилишини, уларнинг ўзаро уйғунлигини таъминлайди. Бунда ишчи кучига касбий малака тайёргарлиги ва меҳнат қобилияти бўйича мос нархлар белгиланади ва аста-секин аҳолини муносиб иш ўринлари ва иш ҳақи билан таъминлаш муаммоси ҳал этилади.

Аҳолининг оқилона иш билан бандлигини таъминлашнинг такомиллаштирилган янги механизми қуйидаги асосий шарт-шароитларнинг таъсирини тартибга солиши лозим (2-расм) :




***2-расм. Аҳоли бандлигини таъминлашнинг такомиллаштирилган механизми***

Ўзбекистонда замонавий меҳнат бозори ҳозирда вужудга келиш жараёнини бошдан кечирмоқда. У ҳали мезон асосида ўзининг яққол қиёфасига эга бўлиб улгурганича йўқ. Мазкур бозорнинг шу жиҳатларини эътиборга олган ҳолда, унинг инфратузилмаси ривожланишининг барча демографик, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа жиҳатлари қуйидаги мезонларда ўз аксини топади:

• ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасида бозор мувозанатига эришиш; меҳнат бозорининг сифат кўрсаткичларини таъминлаш;

• аҳолининг иш билан бандлигига оид ахборотлар тизимини такомиллаштириш;

• кадрларнинг касбий ҳаракатчанлигини ривожлантириш;

• ишсизликни камайтириш; малакали меҳнат бозорини шакллантириш.

Шунингдек, иш ўринларига бўлган эҳтиёжларга демографик омил сезиларли ва бевосита таъсир ўтказишни давом эттирмоқда. 1985-1990 йилларда туғилиш юқори даражада бўлиб, ўша даврда 37 промиллени ташкил этгани, яъни ҳозирги вақтдагига нисбатан 1,7 баробар кўп бўлгани натижасида меҳнатга лаёқатли ёшга кираётган аҳолининг ўсиш суръатлари сақланиб қолмоқда.

**1-жадвал**

**Ўзбекистон Республикасида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичлари, минг киши**

| № | Кўрсаткичлар | 2013 йил | 2014 йил | 2015 йил | 2015 йилни 2014 йилга нисбатан фарқи, %да |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Меҳнат ресурслари сони | 17365,5 | 17841,0 | 18329,5 | 105,5 |
| 2 | Иқтисодий фаол аҳоли сони | 12929,9 | 13275,8 | 13658,0 | 105,6 |
| 3 | Иш билан банд аҳоли сони | 12303,1 | 12644,2 | 13014,1 | 105,8 |
| 4 | Ишсизлар сони | 626,8 | 631,6 | 643,9 | 102,7 |
| 5 | Ишсизлик даражаси, фоизда | 4,8 | 4,8 | 4,7 | -0,1 |

*Манба: 2015 йилда иш ўрни ташкил қилиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури*

Жадвал маълумотларидан кўриб турганимиздек, 2013-2015 йилларда меҳнат ресурсларининг сони 17365,5 минг кишидан 18329,5 минг кишига, яъни 5,5 фоизга кўпайган. Шу даврда иқтисодий фаол аҳоли сони 6,1 фоизга кўпайган ва тахмин қилинаётган даврда унинг меҳнат ресурслари таркибидаги улуши 74,3 фоиздан 74,5 фоизгача кўтарилган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, ишсизлик даражаси ҳаддан ташқари ошиб кетишининг олдини олиш ва ишсизларни ишга жойлаштиришга ёрдам бериш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар, бизнинг фикримизча, қуйидагилардан иборат бўлмоғи лозим:

• айниқса, қишлок жойларида иш билан бандликнинг тармоқ ва профессионал таркибини такомиллаштириш;

• мамлакатда оқилона иш билан бандликни таъминлаш;

• меҳнат бозорида рақобат механизмини йўлга қўйиш самарадорлигини ошириш, ишчи кучининг сифат кўрсаткичларини тўхтовсиз ошириб бориш мазкур механизмнинг асоси ҳисобланади;

• самарали ва "мослашувчан" меҳнат бозорини шакллантириш, янги меҳнат бозори инфратузилмасининг фаолиятини такомиллаштириш, меҳнат бозорининг алоҳида сегментларига таъсир кўрсатиш орқали ишсизларда янги касбларга қизиқиш уйғотиш;

• меҳнат бозорида амалга оширилаётган чора - тадбирлар борасидаги ривожланган мамлакатлар тажрибасидан кенг фойдаланиш;

• ишсизларни ўқитиш ва қайта ўқитиш тизимини жорий этиш ва такомиллаштириш;

• ёшлар ўртасида ишсизликни камайтириш бўйича чора тадбирларини ишлаб чиқиш;

• олий ўқув юрти битирувчиларини ҳам кредитлаш механизмини жорий этиш ҳамда коллеж битирувчиларини кредитлаш механизмини такомиллаштириш;

• меҳнат биржаси иш фаолиятини янада жонлаштириш;

• янги иш ўринлари ярмаркаларини ҳар ой ташкил этиб бориш ва улар фаолиятни давлат назоратига олиш;

• айниқса республикамизнинг чекка туманлари ва қишлоқларида янги иш ўринларини яратиш бўйича чора-тадбирлар мажуини ишлаб чиқиш.

Бизнингча, ушбу тадбирларнинг амалга оширилиши аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

***Манба ва адабиётлар:***


*1. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлар тўплами , 467-модда, 40(748)-сон 2016 й*

*2. http://www.adolatgzt.uz/adolat/frakciya/3609*

*3. http://samarkand.uz/about_region/economic_indicators/2016_yarim_yillik*

*4. www.uza.uz*

*5. www.uzreport.uz*

*6. 2016 йилда иш ўрни ташкил қилиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури*

*7. http://cbu.uz/uzc/monetarnaya-politika/doklad-o-monetarnoy-politike/*

*8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 3 февралда 2758-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган "Тижорат банклари томонидан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида"ги Низом*

# МИНТАҚАЛАРНИНГ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ (ҚУЙИ АМУДАРЁ МИНТАҚАСИ МИСОЛИДА)

**Зайнутдинов Шавкат Нуритдинович**

Профессор, и.ф.д., Тошкент давлат иқтисодиёт университети

**Нуримбетов Равшан Ибрагимович**

Профессор, и.ф.д., илмий ишлари бўйича проректор, Тошкент архитектура қурилиш институти

**Маманазаров Ойбек Шамуродович**

Доцент,  и.ф.н., Тошкент архитектура қурилиш институти

***Аннотация.*** Мақолада миллий иқтисодиётни ривожлантиришда инвестицияларнинг тутган ўрни тадқиқ этилган, бозор иқтисодиёти шароитида минтақаларда инвестициявий жозибадорликни ошириш борасида тавсиялар ишлаб чиқилган.
***Таянч тушунчалар:*** инвестиция; инвестициявий жозибадорлик; инвестициявий муҳит; инвестиция сиёсати; инвестициялаштириш объекти ва субъекти; минтақаларнинг худудий табақалашиш даражаси.
***Аннотация.*** В статье исследована роль инвестиций в развитии национальной экономики, разработаны ряд рекомендаций по повышению инвестиционной привлекательности регионов в условиях рыночной экономики.
***Ключевые слова:*** инвестиция, инвестиционная привлекательность, иннвестиционная среда, инвестиционная политика,  субъекты и объекты инвестиций, уровень территориальной дифференциаций регионов

Ҳар қандай мамлакат минтақаларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида улар ҳудудида амалга оширилаётган инвестициявий жараёнлар муҳим роль ўйнайди. Мустақиллик йилларида иқтисодий ўсишда эришилган ютуқлар асосан, Ўзбекистон минтақаларида тўғри ташкил этилган инвестиция сиёсатига боғлиқ бўлди. Мамлакатимизнинг барча минтақаларига инвестицион фаолият юритишнинг ҳуқуқий асосини яратишга йўналтирилган қонунчилик базасини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бу борада қабул қилинган қонун ҳужжатлари, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари билан иқтисодий фаолият эркинлиги, хусусий мулкнинг дахлсизлиги таъминланган, уни такомиллаштириш бўйича фаол ва узлуксиз ишлар олиб борилмоқда.

Бу борада биринчи Президентимиз “Республикада қулай инвестиция муҳитини шакллантириш бўйича ишларни янада кучайтириш бундан буён ҳам бизнинг узоқ муддатга мўлжалланган стратегик вазифамиз бўлиб қолаверади” деб, таъкидлаганди [2].

Давлат ҳокимияти органларининг минтақанинг инвестициявий жозибадорлигини яратишдаги фаоллиги минтақада инвестиция жараёнларини ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Минтақада инвестициявий жозибадорликни бошқариш минтақавий ҳукумат органларидан мақсадга мувофиқ инвестицияларнинг самарадорлиги ва ишончлилигини оширувчи, барча даражалардаги фаолиятларнинг аниқлилигини таъминлайдиган, самарали хатти-ҳаракатларни талаб этади.

Умуман “инвестиция” тушунчасининг моҳиятига тўхталадиган бўлсак, у инвестор томонидан фойда олиш мақсадида бирор бир фаолиятни амалга ошириш учун капитал маблағларнинг, сармояларнинг жалб

қилиниши тушунилади. Инвестор жалб қилинган маблағларни инвестициялар шаклида жойлаштиришни амалга оширувчи ва уларнинг мақсадли фойдаланилишини таъминловчи инвестицион фаолият субъектидир.

Инвестиция ҳақида айнан инвестицияларга бағишланган меъёрий хужжатларда, шунингдек, маҳаллий ва хорижий олимларнинг илмий чиқишларида мазмунан бир-бирига яқин, шаклан бир-бирига уйғунлаштирилган ҳолда инвестицияларга қуйидагича иқтисодий таъриф бериш мумкин: “Инвестиция – бу инвестор (давлат, хўжалик субъектлари ва жисмоний шахс)ларнинг ўз ихтиёридаги молиявий, моддий ва интеллектуал бойликларини иқтисодий самара (тушум, даромад, фойда) олиш учун йўналтирилган қийматлар йиғиндисидир”.

Хар бир алоҳида мамлакатда амалга оширилаётган инвестицион сиёсат ижобий кўрсаткич билан қарор топса, демак, у давлатда яратилаётган ялпи ички маҳсулот кўрсаткичлари юксалиш тенденциясига эга бўлади [5].

Инвестициялар ўз моҳиятига кўра икки кўринишда бўлади: реал ва молиявий инвестициялар. Реал инвестициялар – пул маблағларини корхонанинг моддий ва номоддий активларига сарфланишидан иборат бўлса, молиявий инвестициялар - қимматбахо қоғозларни харид қилиш, пул маблағларини жамғариш ва бошқаларни ўз ичига олади.

Инвестицион сиёсат инвесторнинг мақсади ва инвестиция қилинадиган маблағларнинг ҳажмини аниқлашни ўз ичига олади. “Инвестицион муҳит” инвестиция мақсадлари даромад олиш билан бирга рискларни ҳам ҳисобга олиб аниқланиши зарур бўлган юқоридаги тушунчалар билан узвий боғлиқ бўлган тушунча ҳисобланади. Минтақанинг “инвестицион муҳити” тушунчаси мазкур минтақанинг инвестициялар учун жозибадорлигини таъминловчи ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, молиявий ва ташкилий-ҳуқуқий омиллар йиғиндиси сифатида аниқланади [4]. Инвестицион муҳитга таъсир қиладиган ҳолат(омил)ларга қуйидагилар киради:

- сиёсий ва иқтисодий барқарорлик;
- меъёрий-хуқуқий базанинг яратилганлиги;
- солиқ ва божхона тўловлари;
- тадбиркорлик билан шуғулланиш тартиб-қоидаларининг либераллашуви;
- эркин иқтисодий зоналарнинг яратилиши.

Ушбу тушунчаларнинг барчасини қамраб олган ва тартибга солиниши инвестиция фаолияти орқали амалга оширилади.

Инвестициянинг иқтисодиётдаги тутган ўрни жуда муҳимдир. Инвестицияга асосланган ҳолда мамлакатнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш, иқтисодий ривожланиш суръатлари, товарлар ва хизматлар сифатининг яхшиланиши ва бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларнинг яхшиланиши амалга оширилади.

Инвестицияларнинг айнан мана шундай хусусиятга эгалигига алоҳида эътибор қаратган биринчи Президентимиз И.А.Каримов шундай таъкидлаб ўтган эди: “Ўзбекистон ривожланиш модели, Ўзбекистоннинг тараққиёт режаси ва дастурларини тузганда биз аввало нимага ишондик ва нимага асосландик? Ўзимизнинг кучимизга. Ўзимизнинг тарихимизга. Ўзимизнинг фахримизга. Ўзимизнинг ғуруримизга ва шу йўл билан фаровон турмушга эришишни ўзимизга қатъий мақсад қилиб белгиладик. Лекин шу йўл билан бирга, фақат шу мезонга, шу омилга суяниб кўп нарсага эришиш мумкин эмас. Тараққиёт учун сармоя керак, инвестиция керак” [3].

Қуйидаги 1-жадвалда. Ўзбекистон Республикаси макроиқтисодий кўрсаткичлар кўрсатилган.

**1-жадвал**

**Ўзбекистон Республикасининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари* (олдинги йилга нисбатан фоизда)**

| Кўрсаткичлар | 1991 й. | 1995 й. | 2000 й. | 2005 й. | 2010 й. | 2015 й. | 2016 й. |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Ялпи ички маҳсулот | 99,5 | 99,1 | 103,8 | 107,0 | 108,5 | 108,0 | 107,8 |
| Саноат маҳсулотлари | 101,5 | 100,1 | 105,4 | 107,3 | 108,3 | 107,3 | 106,6 |
| Қишлоқ хўжалиги | 98,9 | 102,2 | 103,1 | 106,2 | 106,8 | 106,8 | 106,6 |
| Асосий капиталга киритилган инвестициялар | 105,0 | 104,0 | 101,0 | 107,0 | 109,2 | 108,5 | 109,6 |
| Қурилиш ишлари | 96,6 | 95,8 | 103 | 107,8 | 108,1 | 118,0 | 112,5 |
| Чакана савдо | 82,3 | 95,7 | 107,6 | 108,2 | 114,7 | 115,0 | 114,4 |

**Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари*

Ўзбекистон Республикасининг барча минтақаларига инвестицияларни жалб этиш борасидаги зарурий шарт-шароитларнинг ҳуқуқий асосини яратишга йўналтирилган қонунчилик базасини такомиллаштириш изчиллик билан амалга оширилмоқда [6]. Ўзбекистон Республикаси ва унинг минтақаларига мустақиллик йилларида инвестицион жозибадорликни ошириш натижасида иқтисодиётга 100 млрд. АҚШ долларидан ортиқ инвестиция киритилди. Ушбу инвестициялар асосан иқтисодиётнинг устувор тармоқлари ва соҳалари бўлган автомобильсозлик, нефть ва газ, электротехника, темир йўл, машинасозлик, замонавий қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик саноати, қурилиш материаллари, фармацевтика, мебельсозлик ва бошқаларга йўналтирилди.

Давлат томонидан инвестицион фаолликни қўллаб-қувватлаш натижасида унинг миқдори юқори ўсиш суръатларига эга бўлди. Жумладан, инвестицияларнинг ўсиш кўрсаткичи 2005-2015 йиллар оралиғида 107,0 фоиздан 117,4 фоизга етган, инвестициялар ҳажми мазкур йиллар даврида 2,9 млрд. АҚШ долларидан 14,6 млрд. АҚШ долларини ташкил қилиб, 2005 йилга нисбатан 5 мартага ортган. Бу ҳолат инвестицияларнинг ЯИМдаги салмоғи ўсишига олиб келди, жумладан, инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши 2005 йилда 19,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2014 йилга келиб у 24,5 фоизга кўтарилган [5].

Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар самараси оқилона ташкил этилаётган инвестицион сиёсатга боғлиқ. Минтақаларда янги корхоналарнинг ташкил этилиши, инфратузилма ҳолатини яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мамлакат иқтисодиётига киритилаётган инвестициялар ҳажми ва самарадорлиги билан билан баҳоланади.

Бугунги кунда инвестицияларни жалб этиш ҳисобидан минтақаларда ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун қуйидаги вазифалар ҳал қилинмоқда:

1. Ишлаб чиқаришнинг техник ва технологик даражасини ошириш;
2. Вилоят, шаҳар ва туманларда саноат ишлаб чиқаришни ривожлантиришни тенглаштириш;
3. Ишлаб чиқаришнинг янги сифат тузилишини яратиш, яъни инновацион типдаги иқтисодиётни ривожлантириш;
4. Ташқи иқтисодий алоқаларни таъминлашда тармоқлар ва ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлилигини шакллантириш;
5. Саноат ишлаб чиқаришда маҳаллийлаштириш, диверсификациялаш, интенсивлаштириш ҳисобига ялпи ҳудудий маҳсулот(ЯҲМ)да саноат улушини ошириш ва ҳ.к.лар.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, Ўзбекистон ва унинг минтақалари иқтисодиётига инвестицияни жалб қилиш суръатлари йилдан-йилга ошиб бормоқда (1-диаграмма).




*Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари*

***1-диаграмма. Ўзбекистон Республикасида 2000-2016 й.й. инвестициялар суръатларининг ўсиши (олдинги йилга нисбатан фоизда)***

Келтирилган диаграмма рақамлари шуни тасдиқлайдики, 2000 йилдан бошлаб иқтисодиётга киритилган инвестициялар ҳажмида ўсиш суръатлари кузатилмоқда. Лекин, шу билан бирга, айтиб ўтиш лозимки, кейинги уч йилда инвестициялар ўсиш даражаси деярли бир хил бўлган. Демак шу йилларда инвестиция ўсишининг барқарорлиги таъминланган.

"Инвестициялаш жараёни" тушунча сифатида инвестициялаштириш объекти ва субъекти (инвестор) ҳисобланади, яъни бозор иқтисодиёти ва бозор муносабатлари шароитида инвестициялаштириш сифатида нафақат давлат балки бошқа субъектлар ҳам қатнашади (корхона,ташкилот, хорижий инвестициялар ва аҳоли).

Инвестициялаштириш пул ёки ишлаб чиқариш жиҳозлари, технология ва бошқа шаклларда ифодаланиши мумкин (2-жадвал).

**2-жадвал**

**2005-2015йй субъектлар бўйича инвестициялар таркибини ўзгариши(фоизда)**

| Молиялаштириш манбалари | 2005й. | 2007й. | 2009й. | 2011й. | 2015й. |
|---|---|---|---|---|---|
| Давлат бюджети | 12,7 | 9,0 | 8,1 | 5,1 | 4,6 |
| Чет эл инвестициялари | 19,2 | 22,8 | 22,4 | 25,3 | 25,1 |
| Корхоналари маблағлари | 60,3 | 59,0 | 56,9 | 49,0 | 48,9 |
| Бошқа маблағлар | 7,8 | 9,2 | 12,6 | 20,6 | 21,4 |

*Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари*

2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, кейинги йилларда асосан ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш субъектларининг ривожланиши корхона ва чет эл инвестициялари ҳисобига амалга оширилмоқда. Амалиётда инвестициялаштириш жараёни объект ва субъект алоқадорлигини англатиб инвестицион муҳитни ташкил қилади. Мамлакат ва унинг минтақаларида инвестицион муҳит қанчалик яхши бўлса, ишбилармонлик фаолияти шунчалик ривожланган бўлади. Бунинг натижасида инвестицион даромад ошиб боради.

Инвестициялар кенг доирада иқтисодий манфаатларни ифодалайди. Хўжалик юритиш субъектлари ҳам инвестиция талаби, ҳам инвестиция таклифи томонида харакат қилиши мумкин.

Минтақаларнинг молиявий – инвестицион тизимини шакллантиришнинг асосий элементларига қуйдагиларни киритиш мумкин:

- молиявий ва инвестицион тузилмаларнинг биргаликдаги фаолияти, яъни минтақавий инвестиция жараёнининг самарадорлигини оширишга қаратилган вазифаларни бажариш;

- хўжалик юритиш субъектларининг инвестицион муносабатларини тартибга соладиган норматив-хуқуқий базани такомиллаштриш ва уларга инвестицион фаолият юритиш жараёнида тенг манфаатдорлик яратиш;

-молиявий инвестицион инфратузилма мақсадларини амалга оширадиган тўғри фаолиятни ривожлантириш;

-минтақалар учун инвестицион фаолиятни амалга оширишда тенг шароитлар яратиш механизмларини ишлаб чиқиш ва уни самарадорлигини ошириш.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ҳозирги даврда хўжалик субъектларини ривожлантиришда асосий молиявий таъминот корхона маблағларига тўғри келмоқда. Шу билан бирга, банк кредитларини хам инкор қилиб бўлмайди. Сўнгги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, айниқса банк инвестициялари ҳисобига кенг ривожланмоқда. Шу билан бирга, минтақалардаги кичик банкларнинг капиталлашув даражаси паст бўлганлиги сабабли уларнинг минтақалардаги катта инвестиция дастурлари ва лойиҳаларни кредитлашга имкониятлари йўқ. Шу сабабли минтақавий банкларнинг йирик лойиҳаларни инвестициялаш имкониятлари чекланган.

Минтақавий инвестицион сиёсатни амалга ошириш вактида нафақат минтақаларнинг табиий ва ишлаб чиқариш салоҳиятидан келиб чиқиш, балки келажакда ушбу минтақаларда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, инфратузилма ҳолатини яхшилаш нуқтаи назаридан минтақадаги кичик банкларнинг ҳам салоҳиятини ошириш зарур.

Инвестицияларни киритиш натижасида минтақаларнинг ҳудудий табақалашиш даражаси ўзгариб бормоқда. Бу ҳолат минтақаларда саноатнинг номутаносиб ривожланишига сабаб бўлмоқда. Ишлаб чиқаришнинг номутаносиб ривожланганлиги Қуйи Амударё ҳудудида жойлашган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм минтақаларида индустриал ривожланиш даражасининг пастлигини кўрсатди. Масалан, саноатнинг ЯҲМ таркибидаги улуши Хоразм вилоятида - 2,6 фоизни, Қорақалпоғистон Республикасида эса - 2,3 фоизни ташкил этмоқда. Бу ҳолат мамлакатимизда бошқа минтақалар билан таққослаганда энг паст кўрсаткични ташкил этди. Бошқа минтақаларда ушбу кўрсаткич 5 фоиздан 20 фоизгачани ташкил этади. Минтақаларда саноат ишлаб чиқаришнинг ривожланмаганлиги ўз навбатида экспорт даражасининг пастлигига сабаб бўлмоқда. Экспорт ҳажмида ҳам

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти орқада қолиб кетмоқда. Масалан, Қорақалпоғистоннинг умумреспублика экспортидаги улуши 2000 йилда 0,8 фоизга тенг бўлган бўлса, 2015 йилда 1,6 фоизга тенг бўлди. Хоразм вилоятиники эса, мос равишда 1,2 ва 2,1 фоизга тенг бўлган. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти саноатининг экспорт диверсификациясининг 2015 йилдаги даражаси мос ҳолда 0,450 ва 0,299 га тенг бўлган. Ушбу кўрсаткичларни турли ҳудудлар кесимида ўзаро солиштирадиган булсак, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг экспорт ҳажми энг юқори даражада, яъни 2000 йилда 13 фоизни ва 2015 йилда 26,0 фоизни ташкил этган. Минтақалар таркибида бундай тафовутнинг сақланиб қолиши келгусида айрим минтақаларнинг ривожланишида ва иқтисодиётни модернизация қилиш жараёнларида орқада қолишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида куйидаги чора-тадбирни амалга ошириш лозим: "...ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш" [1] бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Инвестицион жозибадорликни ошириш йўлларидан яна бири минтақаларга инвестицияларни жалб қилишда номутаносибликларни бартараф этиш ҳисобланади. Буларга куйидагиларни киритиш мумкин:

- йирик хомашё захиралари мавжуд бўлмаган минтақаларда инвестицион фаоллик паст даражада сақланиб қолиши натижасида иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилиш бўйича минтақалар ўртасида катта тафовут пайдо бўлмоқда;

-мамлакатимиз минтақалари иқтисодиётига жалб қилинаётган инвестицион ресурсларнинг катта қисми газ, энергетика, рангли металлургия каби табиий хомашё ресурсларини ўзлаштириш билан боғлиқ тармоқларга йўналтирилгани учун хорижий инвестициялар асосан бир неча минтақалардагина тўпланиб қолмоқда;

- минтақаларни ривожлантириш учун кенг имкониятларга эга бўлган енгил ва озиқ-овқат саноати, машинасозлик, электроника, микробиология, фармацевтика, замонавий қурилиш материалларини ишлаб чиқариш каби асосан юқори технологияли тармоқларга инвестициялар киритиш нисбатан ортда қолмоқда.

Олиб борилган таҳлиллар натижасида республикамиз минтақаларида инвестицияларни жалб қилиш жозибадорлигини ошириш бўйича қуйидаги вазифалар ҳал қилиниши лозим деб ҳисоблаймиз:

-йирик ёқилғи - энергетика ресурсларига бой бўлмаган (Хоразм вилояти) ва саноат маҳсулотлари улуши бўйича паст минтақаларга, айниқса Қуйи Амударё минтақасига енгил, озиқ- овқат саноати тармоқларини ривожлантириш учун инвестициялар жалб қилишни фаоллаштириш;

- мавжуд бўлган истиқболли захиралар, фойдаланилмаётган ёки бўш турган майдон ва ишлаб чиқариш объектларидан самарали фойдаланиш, мавжуд бой хомашёни иккиламчи ва учламчи қайта ишлаш бўйича минтақалараро қўшимча лойиҳалар асосида инвестиция ресурсларини фаол ўзлаштириш;

-чет эл инвестицияларини жалб қилиш учун маҳаллий хокимият органлари масъулиятини ошириш, уларга инвестиция дастурини шакллантиришда кенг ваколатларни бериш, ташқи иқтисодий алоқалар минтақавий бошқармалари кадрлар салоҳиятини ошириш ва улардан самарали фойдаланиш;

- саноат соҳасида кичик бизнес субъектларининг йирик корхоналар билан ўзаро манфаатли кооперациясини ташкил этиш, уй хўжалигида оддий ускуналарда амалга ошириб келаётган касаначилик ва косибчилик фаолиятини замонавий технологиялар асосида ташкил этилган саноат даражасига олиб чиқиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишда инновацион лойиҳаларни амалга ошириш;

-тадбиркорликка тўсиқ бўлаётган муаммоларни жойида тадбиркорлар билан бевосита мулоқот қилиб,уларни бартараф этиш бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

- саноат ва бошқа ишлаб чиқариш объектларини жойлаштириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш ҳамда аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш мақсадида ишлаб чиқариш, муҳандислик-комуникация ва ижтимоий инфратузилмасини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш.

**Хулоса.** Илғор хорижий давлатлар тажрибаларининг кўрсатишича, минтақаларда инвестицион жозибадорликни ошириш йўналишларидан бири – бу эркин иқтисодий ва махсус индустриал зоналарни яратишдир. Хозирда республикамизнинг Тошкент, Навоий, Жиззах, Хоразм ва бошқа вилоятларида эркин иқтисодий ва махсус индустриал зона-

лар тузилган. Қорақалпоғистон Республикасининг индустриал ривожланишини ва табиий-ресурс салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда ушбу минтақада махсус индустриал ва технологияларни ривожлантириш мақсадга мувофиқ бўларди деб ҳисоблаймиз.

Қуйи Амударё минтақасида диверсификация сиёсати ҳозирги замон талабларидан келиб чиқиб, мавжуд фаолият олиб бораётган корхоналар бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Бунинг натижасида минтақаларни ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланилмаяпти.

Шундай қилиб Қуйи Амударё минтақасининг иқтисодий ишлаб чиқариш ва унинг технологик даражасини янада ошириш, инвестицион жозибадорлигини ошириш учун халқ истеъмол товарларини ишлаб чиқишни кенгайтириш, технологик модернизацияни амалга ошириш, диверсификация сиёсатини кучайтириш, рақобатбардошлик устуворлигини сақлаш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва бошқа чораларни амалга ошириш лозим. Ушбу вазифаларнинг амалга оширилиши яқин келажакда минтақанинг ва умуман мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим ижобий омиллар бўлиб хизмат қилади.

***Манба ва адабиётлар:***

*1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. Халқ сўзи газетаси 2017 йил 8 февралдаги, №27(13.360) сони.*

*2. Каримов И. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз.-Т.: “Ўзбекистон”, 1999 йил 46-бет.*

*3. Каримов И.А.Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз.// “Туркистон”, 2001 йил 17 февраль, 13-14 сон.*

*4. Борисюк Н.К. Некоторые аспекты региональной инвестиционной политики// Вестник ОГУ. №4, 2002 С.189.*

*5. Мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиёти ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш: ютуқлар, тенденция ва истиқболлар // и.ф.д., проф. Б.Ф.Бегаловнинг умумий раҳбарлиги ва таҳрири остида.Илмий-оммабоп рисола. Тошкент-2016. 232 б.*

*6. Нуримбетов Р.И. Минтақа иқтисодиётини бошқариш механизми ва унинг самарадорлиги// Ўзбекистон Республикаси ФА“Фан” нашриёти, 2008.(Монография) 221.бет.*

# ЛОГИСТИКА МАРКАЗЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ


**Обламурадов Нарзулло Наимович**

И.ф.н., доцент, Тошкент молия институти



***Аннотация.*** Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йилнинг июнь-июль ойларида вилоятларга ташрифи давомида қишлоқ хўжалик муҳсулотларини қайта ишлаш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилишга қаратилган кўплаб инвестицион лойиҳалар тақдим этилди ва маъқулланди. Шулар қаторида бир қатор логистика комплексларини яратиш лойиҳалари ҳам бор. Мазкур лойиҳаларнинг аҳамияти шундан иборатки, улар етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини катта хажмда қайта ишлаш, совутилган ҳолда сақлаш ва бозор талабларига биноан йил мобайнида керакли ҳажмларда бозорга чиқаришга имкониятини яратади. Мазкур мақолада ҳудудларда амалга оширилаётган инвестицион лойиҳалар, уларни молиялаштириш ва самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалалар ёритилган.



***Таянч тушунчалар:*** Ҳаракатлар стратегияси, инвестициялар, инвестицион лойиҳалар, логистик марказлар, банк кредитлари, экспорт.



***Аннотация.*** В ходе визита Президента Республики Узбекистан в регионы страны в июне-июле текущего года рассмотрены и одобрены целый пакет инвестиционных проектов, предусматривающих переработку сельхозпродукции, производство готовой продукции и их поставку на экспорт. Среди них есть ряд проектов по созданию новых логистических комплексов. Данные проекты отличаются тем, что позволяют переработать в больщих объемах произведенную продукцию, обеспечить холодное хранение продукции и поставить их на рынок в необходимых объемах в любое время года.В данной статье рассматриваются реализуемые в регионах инвестиционные проекты, вопросы связанные с финансированием данных проектов и повышением их эффективности.



***Ключевые слова:*** Стратегии действий, инвестиций, инвестиционные проекты, логистические центры, банковские кредиты, экспорт.


2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясида ҳудудларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларига хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш устувор вазифалар қилиб белгиланган бўлиб, қисқа муддатда ушбу йўналишда салмоқли ишлар бошлаб юборилди, кўплаб қарорлар ва чора-тадбирлар қабул қилинди.[1]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг вилоятларга ташрифи давомида қишлоқ хўжалик мухсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш ва маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларга реализация қилиш кўламларини кўпайтиришга қаратилган кўплаб инвестицион лойиҳалар тақдим этилди. Шулар қаторида бир қатор йирик логистика комплексларини яратиш лойиҳалари ҳам бор. Мазкур лойиҳаларнинг аҳамияти шундан иборатки, улар етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, совутилган ҳолда сақлаш ва бозор талабларига биноан керакли мавсумда сотишга чиқаришга имконият яратади. Шунингдек, барча хизматларнинг бир жойда ташкил этилиши транспорт, сертификатлаш ва бошқа харажатларни камайтиришга хизмат қилади.

Жумладан, Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги «Навигул» қўшма корхонаси ҳудудида мева-сабзавотларни қайта ишлаш, музлатиш ва сотишга ихтисослаштирилган йирик логистика комплекси ташкил этилмоқда. [2] Мазкур қўшма корхонада жаҳон бозори конъюнктураси талабидан келиб чиқиб, экспортга маҳсулотларни етказиб бериш, ички бозорни йил давомида мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бора-

сида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бугун бу ерда тайёрланаётган томат пастаси, қуритилган булғор қалампири, бақлажон, олма, олча, ўрик қоқиси сингари маҳсулотлар нафақат мамлакатимиз, балки хорижда ҳам харидоргир.

Шунингдек, мазкур логистика комплекси ҳудудида «Fruit industries» масъулияти чекланган жамияти ташкил этиш режалаштирилган бўлиб, у мева-сабзавотларни қайта ишлаш, қуритиш, шарбат тайёрлаш ва экспорт қилиш билан шуғулланади. Лойиҳа доирасида 6 гектар майдонда кўчат етиштириладиган иссиқхона, 255 гектар майдонда томчилатиб суғориладиган интенсив боғ ташкил этилади, 615 гектар майдонда сабзавот етиштирилади, 7 минг тонна мева-сабзавотни сақлашга мўлжалланган музлатгич қурилади.

Лойиҳанинг умумий қиймати 24 млн.доллар бўлиб, шундан 14 млн.доллари Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, қолгани корхона маблағлари ҳисобидан қопланади.Корхонани шу йилнинг учинчи чорагида ишга тушириш режалаштирилган бўлиб, бу ерда йилига 30 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотлари қайта ишланади, 1,250 та иш ўринлари яратилади.

**1-жадвал**

**Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва етказиб бериш бўйича логистика марказларини ташкил этишга оид айрим инвестицион лойиҳалар тўғрисида маълумот**

| Лойиҳа номи | Йиллик қуввати | Лойиҳа қиймати, млн.сўм | Шу жумладан, банк кредити миқдори | Яратиладиган иш ўринлари |
|---|---|---|---|---|
| Фарғона вилояти | | | | |
| “Миндонобод агросаноат агрофирмаси”да узумни қайта ишлашни ташкил этиш | 3,5 минг тонна | 13,000 | 10,000 | 260 |
| “Eco export trade” МЧЖда мева-сабзавотларни сақлаш, қайта ишлаш ва ва шок ҳолатда музлатиш ҳамда маҳсулотларни етказиб бериш логистика марказини ташкил этиш | 5,0 минг тонна музлаткич, 10,0 минг тонна консервалаш, 1,0 минг тонна шок музлатиш, 1 минг тонна қадоқлаш | 24,500 | 7,000 | 170 |
| Андижон вилояти | | | | |
| “Навигул” ҚК мева-сабзавотларни қайта ишлаш ва сақлашни, интенсив боғни ташкил этиш | 50,0 минг тонна | 91,691 | 53,486 | 750 |
| “Шахрихон барака газ” МЧЖда иссиқхона (гидропоника) ва музлаткичли омборхона ташкил этиш | 3 гектар<br>3,0 минг тонна | 9,169 | 7,641 | 40 |

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йилнинг июнь-июль ойларида Андижон ва Фарғона вилоятларига ташрифига оид ОАВ материаллари асосида*

Шу каби лойиҳалар Наманган вилоятида ҳам амалга оширилмоқда. Жумладан, Тўрақўрғон туманидаги «Gold Fresh Fruits» масъулияти чекланган жамиятида 482 гектар ерда интенсив боғ ташкил этилган. 300 дан зиёд киши меҳнат қилаётган жамиятда гилос, олхўри, шафтоли, хурмо ва ўрик кўчатлари парваришланмоқда. 104 гектар ер гилос кўчати экиш учун тайёрланмоқда[3].

Корхона ҳудудида 2018 йил охиригача яна 400 гектардан ортиқ майдонда гилос боғи ташкил этиш режалаштирилган. Бунинг учун 45 млн.доллар маблағ сарфланади. Бир йилда 10 минг тоннадан ортиқ маҳсулот етиштириш, 30 млн. долларлик ҳажмда экспорт қилиш кўзда тутилган. Корхонада 6,5 гектарда мева-сабзавотларни қайта ишлаш, сақлаш ва қадоқлаш логистика маркази ташкил этиш мўлжалланган. Натижада 300 та янги иш ўринлари яратилади.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 2015 йил 29 декабрдаги “2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2009 йил 26 январдаги “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари асосида қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Халқ банки кредитлари ёрдамида Тўрақўрғон туманида ташкил этилаётган 2 минг бош қорамолга мўлжалланган чорвачилик комплекси ҳамда сутни қайта ишлаш лойиҳаси шулар жумласидандир. Лойиҳа қиймати 11,8 млрд.сўмни ташкил этувчи ушбу комплекснинг ер майдони 510 гектар бўлиб, шундан чорва моллари учун озуқа маҳсулотлари етиштиришга 500 гектар, қурилиш ишлари учун 10 гектар ер ажратилиши режалаштирилган.

Комплексда йилига 4 минг 280 тонна сут, 150 тонна гўшт етиштирилади. Лойиҳани 2018 йилнинг учинчи чорагида ишга тушириш мўлжалланган.

Учқўрғон туманидаги «Muhammadali hamkor biznes» масъулияти чекланган жамиятида 10 гектарга иссиқхона ва томат пастаси ишлаб чиқариш заводи, Наманган шаҳридаги «Jahon javohiri invest» ва Поп туманидаги «Namangan agro logistic» МЧЖларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ҳамда иссиқхона ташкил этиш лойиҳаларини амалга ошириш бошланди.

Фарғона туманидаги “Миндонобод агросаноат” агрофирмаси узумчиликка ихтисослашган бўлиб, 720 гектарга саноатбоп узум навлари экилган. Корхона йилига 5 минг тонна маҳсулот етиштириш, 3 минг тонна узумни бирламчи қайта ишлаш, 650 минг тонна брикет ишлаб чиқариш қувватига эга. Бунинг учун 89 киши доимий, 300 дан ортиқ киши мавсумий ишга жалб этилган. Токзорларни парваришлашда томчилатиб суғориш технологиясидан фойдаланилади.

Агрофирма томонидан мавжуд токзорларни минг гектарга етказиш орқали йилига 15 минг тонна узум етиштириш, 1 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотни экспортга йўналтириш кўзда тутилмоқда. Корхонада Хитойнинг қуёш энергиясида ишлайдиган суғориш тизимлари ўрнатилади. Ушбу лойиҳа тўла ишга тушгач, 250 киши иш билан таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 июньда қабул қилинган “Маҳаллий экспорт қилувчи ташкилотларни янада қўллаб-қувватлаш ва ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экспорт қилиш ва хорижий валюта тушумларини янада оширишга кенг йўл очиб берганини таъкидлаш ўринли.

Мазкур қарорга асосан 2017 йилнинг 1 июлидан бошлаб янги тартиб жорий этилган бўлиб, унга мувофиқ:

- тадбиркорлик субъектларига янги мева-сабзавот, узум ва полиз маҳсулотлари ҳақини олдиндан 100 фоиз тўлаш шарти билан тўғридан-тўғри шартномалар асосида экспорт қилишга рухсат этилди;
- ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни экспорт қилувчи ташкилотлар учун амалда бўлган имтиёзлар ва преференциялар ўзлари эгаси бўлган маҳсулотларни экспорт қилувчи ташкилотларга татбиқ этилди;
- келтирилаётган ва ишлаб чиқарилаётган товарларнинг мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш муддатлари 3 иш кунигача қисқартирилди[4].

Ушбу қарор ишлаб чиқарувчилар учун маҳсулотларни тўғридан-тўғри шартномалар асосида экспорт қилиш ва тегишли хужжатларни расмийлаштиришни жараёнини сезиларли даражада енгиллаштирди. Шу боисдан, ҳозирги кунда ишлаб чиқилаётган кўплаб инвестицион лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосномаси нафақат ички бозор имкониятларини, балки тайёр маҳсулотларни ташқи бозорларга экспорт қилишни инобатга олмоқда.

Қабул қилинган қарорнинг муҳим жиҳатларидан бири, нафақат маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга, балки маҳсулотларни чет элга экспорт қилишда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга кўмаклашадиган ташқи савдо ташкилотларига ҳам экспорт фаолиятини амалга оширишда тенг шароитлар яратилди. Бундан ташқари, ишлаб чиқарувчи-экспорт қилувчилар учун қўлланиладиган амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган имтиёз ва қулайликлар эндиликда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотлари экспорти билан шуғулланадиган барча тадбиркорлик субъектларига татбиқ этилади. Бу ташқи бозорларни яхши биладиган, тегишли тажриба ва зарур маблағларга эга бўлган,ихтисослашган компанияларга экспорт билан шуғулланиши учун кенг имкониятлар яратади.

Қува туманидаги “Big agro logistic” масъулияти чекланган жамияти томонидан мева-сабзавотни қайта ишлаш, қуритиш, қадоқлаш ва экспорт қилишга мўлжалланган замонавий логистика маркази ташкил этилмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 7,2 млн.доллар бўлиб, биринчи йилда 6,5 млн.доллар, беш йилдан сўнг 10 млн.доллар миқдоридаги маҳсулот экспорт қилиш мўлжалланмоқда. Логистика марказига Италия ва Туркия-

дан келтириладиган технологик линиялар ўрнатилади. 5 минг тонналик совутгич, 7 минг тонна мева-сабзавотни қайта ишлаш қувватлари ташкил этилади. Лойиҳа ишга тушгач, 180 иш ўрни яратилади.

Қўқон шаҳридаги “Elit konserva” масъулияти чекланган жамиятида мева-сабзавотларни қадоқлаш, Олтиариқ туманидаги “Eco Export Trade” масъулияти чекланган жамиятида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини саралаш, қуритиш ва сақлашга мўлжалланган лойиҳалар амалга оширилмоқда. Мазкур лойиҳалар вилоят экспорт салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли фаровонлигини оширишда алоҳида аҳамиятга эга.

Бу йил Қува туманидаги “Фарғона анорзори” масъулияти чекланган жамиятида 50 гектарда янги анорзор барпо этилган. Ушбу боғни агротехника қоидалари асосида парваришлаш натижасида келгусида 700 тоннадан ортиқ ҳосил олиш режалаштирилмоқда. Анорзор қатор ораларига помидор, бодринг, булғор қалампири ва бошқа сабзавотлар, дуккакли экинлар экилган. Келгусида анорзорни 2 минг гектарга, ҳосилни 30 минг тоннага етказиш мўлжалланмоқда.

Президентимиз Фарғона вилоятига ташрифи давомида ушбу лойиҳалар тақдимоти билан танишиб, тегишли тавсиялар бердилар. Хусусан, Қува ва Дашнобод анори дунёга машҳур эканлиги, ҳар иккала навнинг ҳам ўзига хос хусусиятлари мавжудлиги таъкидлаб ўтилди. Анор чиқитсиз маҳсулот бўлиб, пўстлоғидан кимё саноатида ранг олишда, фармацевтикада хомашё сифатида фойдаланиш мумкин. Вилоятда анорзорларни янада кенгайтириш ва ушбу маҳсулот экспортини кўпайтириш юзасидан мутасаддиларга тегишли тавсиялар берилди[5].

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш бўйича амалга оширилаётган лойиҳаларнинг аксарият қисми тижорат банкларининг кредитлари ҳисобидан молиялаштирилмоқда. ТИФ "Миллий банк" томонидан кредитланаётган Фарғона вилоятидаги қиймати 64,4 млн.доллар бўлган ушбу лойиҳалардан 10 таси Хитой тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобига молиялаштирилган. Йил охирига қадар яна 5 лойиҳани молиялаштириш кўзда тутилган. Мазкур лойиҳалар ҳисобига 2017-2018 йилларда 68 минг тоннадан зиёд мева-сабзавот қайта ишланиб, 25,7 млн. долларлик маҳсулот экспорт қилиниши кўзда тутилмоқда.

Учкўприк туманидаги собиқ консерва заводи негизида янги лойиҳа амалга оширилмоқда. Лойиҳа ташаббускори “Воллей Моунтаинс.

Фреш” масъулияти чекланган жамияти бўлиб, 10,5 млрд.сўм, шу жумладан, “Ипотека-банк”нинг 7,4 млрд.сўм кредити ҳисобига корхонанинг мавжуд қувватлари модернизация қилинади, мевани сақловчи музлатгич ва қадоқловчи ускуналар ўрнатилади.

2018 йилнинг охиригача корхона тўлиқ ишга туширилади. Натижада минг тонна томат пастаси, шунча пюре ва концентрат, мева-сабзавот консервалари аҳоли истеъмоли учун етказиб берилади. Маҳсулот экспортга ҳам йўналтирилади. Ушбу лойиҳа ишга туширилиши натижасида 170 иш ўрни ташкил этилади.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 19 июньда қабул қилинган “Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ тубдан қайта ислоҳ этилган Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тадбиркорларга янги инвестицион лойиҳаларни амалга оширишга, инвестициялардан самарали фойдаланишга, бозор талабларидан келиб чиқиб ходимларнинг малакасини ошириш ҳамда экспорт қилишга амалий ёрдам кўрсатиши лозим.

Ҳудудларда амалга оширилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, уларни сақлаш ва экспорт қилишга мўлжалланган, логистика билан боғлиқ инвестицион лойиҳаларнинг самарадорлигини таъминлашда қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш лозим:

тадбиркорларнинг инвестиция, ишлаб чиқариш ва маркетинг жараёнларини ташкил этиш бўйича амалий кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган малакали ўқув - тренинг курсларини ташкил этиш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ зарур ахборотларни олиш ва амалий масалаларни ҳал этишда тегишли эксперт, ҳуқуқий ва маслаҳат ёрдамини кўрсатиш;

тадбиркорлик субъектларига ишончли ҳамкорлар топишда кўмак бериш, янги бозорларни излаш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ташқи бозорларга йўналти-ришда амалий ёрдам кўрсатиш, экспорт турларини кенгайтириш ва халқаро стандартларни жорий этиш билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, қуритиш, қадоқлаш ва экспорт қилишга мўлжалланган замонавий логистика марказлари фаолиятини самарали йўлга қўйиш мақсадида электрон маълумотлар базасини яратиш, бунда тадбиркорлар керакли маълумотларни (жумладан, ташиш

хажмлари, қуритиш ёки совутилган ҳолда сақлаш учун буюртма ҳажмлари) олдиндан киритиб боришлари ҳисобига логистик марказ томонидан кўрсатиладиган хизматларни тўғри ташкил этиш ва нархини пасайтириш.

***Манба ва адабиётлар:***


*1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, http://www.lex.uz*

*2. Президент мева-сабзавотларни қайта ишлаш, музлатиш ва сотишга ихтисослаштирилган йирик логистикакомплекси лойиҳаси билан танишди, Президент Ш.Мирзиёевнинг жорий йилнинг 2-3 июнь кунлари Андижон вилоятига ташрифига бағишланган ахборот, http://president.uz/*

*3. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш лойиҳалари, Президент Ш.Мирзиёевнинг жорий йилнинг 7-8 июль кунлари Наманган вилоятига ташрифига бағишланган ахборот, http://president.uz/*

*4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 июндаги “Маҳаллий экспорт қилувчи ташкилотларни янада қўллаб-қувватлаш ва ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, http://www.uza.uz*

*5. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича лойиҳалар билан танишув, Президент Ш.Мирзиёевнинг жорий йилнинг 22-23 июнь кунлари Фарғона вилоятига ташрифига бағишланган ахборот, http://president.uz/*

# МИНТАҚАНИНГ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ МУҲИТИ ВА ИҚТИСОДИЙ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРИ

**Мустафоқулов Отабек Абдусахобович**

Катта илмий ходим-изланувчи, Тошкент давлат иқтисодиёт университети

***Аннотация.*** Ушбу мақолада минтақанинг инвестициявий муҳитини яхшилаш ва иқтисодий жозибадорлигини оширишнинг илғор хорижий тажрибалари ҳақидаги маълумотларни ўрганиб чиқиш ва таҳлил қилиш асосида ҳосил қилинган назарий қарашлар шарҳланган. Мақолада, жумладан, мамлакат иқтисодиётининг инвестициявий жозибадорлигини баҳолаш борасидаги хориж тажрибаси ўрганилган ва ўзига хос айрим омиллар илмий нуқтаи назардан таҳлил қилиниб, тегишлича хулосалар чиқарилган.

***Таянч тушунчалар:*** ўзбек модели, инвестициялар, минтақа, инвестициявий муҳит, иқтисодий жозибадорлик, жозибадорликни баҳолаш борасидаги хорижий тажриба.

***Аннотация.*** В данной статье описываются теоретические взгляды, основанные на изучении и анализе данных о передовом зарубежном опыте улучшения инвестиционного климата и повышения экономической привлекательности региона. В частности, изучен зарубежный опыт оценки инвестиционной привлекательности экономики страны и проанализированы некоторые ее факторы с научной точки зрения и сделаны соответствующие выводы.

***Ключевые слова:*** Узбекская модель, инвестиции, регион, инвестиционный климат, экономическая привлекательность, зарубежный опыт оценки привлекательности.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йиллардаёқ ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг "ўзбек модели" ишлаб чиқилди ва шу асосида ривожланиш йўналишлари белгиланиб олинди. Унга мувофиқ асосий эътибор аҳоли фаровонлиги ва юксак турмуш даражасини таъминлашга йўналтирилган, мавжуд ресурс ва салоҳиятдан самарали фойдаланган ҳолда барқарор ўсиш суръатларини таъминловчи, замонавий ва рақобатбардош миллий иқтисодиётни шакллантиришга қаратилди. Бу борада амалга оширилган кўплаб чора-тадбирлар қаторида юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи саноат тармоқларини жадал ривожлантириш муҳим аҳамият касб этиши алоҳида белгиланди. Хусусан, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидланганларидек, "Мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларни жалб қилиш борасида бажарилаётган ишлар алоҳида эътиборга лойиқ." [1].

Ўзбекистон минтақалари ўзининг салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда ривожланган, иқтисодий имкониятлари юқори шуларни ҳисобга олиб минтақаларга хорижий инвестицияларни киритиш орқали ривожланишни янги даражага кўтариш, минтақаларнинг иқтисодий жозибадорлигини ошириш ишларини жадал олиб боришимиз керак. Бу жараёнда инвестициявий жозибадорликни чуқур ўрганишимиз зарур. Инвестициявий муҳитнинг жозибадорлиги – мамлакат, тармоқ ёки алоҳида олинган бирор бир корхона инвестицияларининг даромадлилиги, ривожланиш истиқболлари ва инвестициявий таваккалчилик даражаси нуқтаи назаридан баҳоланишидир. Инвестициявий муҳит жозибадорлиги инвестиция салоҳияти ва инвестициявий таваккалчилик даражасини шакллантирадиган иккита гуруҳ омилларининг бир вақтда таъсир этиши орқали аниқланади. Бу каби кўрсаткичларга баҳо бериш орқали инвестицияларнинг мақсадга мувофиқлилиги ҳамда жозибадорлиги, инвестициявий таваккал-

калчилик даражасини аниқлаш мумкин. Инвестициявий таваккалчилик даражаси инвестициявий муҳитга тўғридан – тўғри боғлиқдир.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъpузасида таъкидланганларидек "2016 йил якунлари бўйича ялпи ички маҳсулот 7,8 фоизга ўсганлиги қайд этиб ўтилди. Саноат маҳсулоти ҳажмлари – 6,6 фоизга, қурилиш-пудрат ишлари – 12,5 фоизга, чакана савдо айланмаси – 14,4 фоизга, хизматлар – 12,5 фоизга ўсди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдорида профицит билан ижро етилди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси таъминланди. Инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади ва 5,7 фоизни ташкил етди.

Иқтисодиётга 16,6 миллиард АҚШ доллари миқдорида (2015 йилга нисбатан 9,6 фоизга кўп) инвестициялар йўналтирилди. Ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 11,3 фоизга ўсди ва 3,7 миллиард доллардан ошиб кетди. Умумий қиймати 5,2 миллиард доллар бўлган 164 та йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш якунланди. Шу жумладан, "GM Ўзбекистон" акциядорлик жамиятида "Т-250" моделидаги енгил автомобилларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди, Жиззах вилоятида цемент заводи кенгайтирилди, Толимаржон иссиқлик энергия станциясида қуввати 900 МВт бўлган буғ-газ қурилмалари ҳамда Ангрен иссиқлик энергия станциясида қуввати 150 МВт бўлган юқори кулли кўмирни ёқувчи энергия блоки ишга туширилди.

Фарғона водийси вилоятларини мамлакатнинг бошқа ҳудудлари билан боғлайдиган, Камчиқ тоғли довони орқали ўтувчи 19 километрлик ноёб тунельга эга бўлган электрлаштирилган янги Ангрен – Поп темир йўл линияси қурилди. Тошкент – Бухоро маршрути ва қарама-қарши йўналиш бўйича юқори тезланишли "Афросиёб" йўловчи ташувчи электропоездлар ҳаракати ташкил этилди." [2]




***1-расм. Хорижий инвестициялар учун худуд жозибадорлигини баҳолашнинг "BERI" индекси. [3]***

Юқоридаги маълумотлар шундан далолат бериб турибдики, мамлакатимизда инвестициявий муҳитни ва иқтисодий жозибадорлигини оширишнинг илғор хорижий тажрибалари муваффақиятли қўлланилиб келинмоқда ва импорт маҳсулотлари маҳаллийлаштирилмоқда. Бу ўз навбатида юртимиз равнақига хизмат қилмоқда.

Инвестициявий муҳит макроиқтисодиёт даражасида икки томонлама, яъни инвестор ва давлат органлари, хўжалик субъектлари ўртасидаги муносабатларда ўз аксини топади. Инвестициявий муҳит ҳар қандай аниқ вақт учун объектив ҳолат бўлиб, капитал қўйиш (жойлаштириш) учун мавжуд шароитларнинг мажмуасини қамраб олади. Лекин инвестициявий муҳит давлат органларининг бошқариш фаолияти таъсирида шаклланади. Шунинг учун давлатнинг инвестициявий сиёсати энг асосий омиллардан саналади. Шу маънода ҳар бир давлат капитални импорт қилишда ўзининг аниқ капитал қабул қилиш тизимига эга бўлади. Капитал қабул қилиш тизими – бу хорижий капиталга нисбатан давлат сиёсати, қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар мажмуасидир.

Инвестициялаш борасидаги қўшма лойиҳалар ва қўшма корхоналарни ташкил этишдаги таваккалчиликларни ҳисобга олишда кўпчилик хорижий инвесторлар “BERI” (business environment risk index) индексидан фойдаланади. Қуйидаги расмда баҳолаш мезонлари инвестициявий қарорларни қабул қилишнинг аҳамиятидан келиб чиқиб акс эттирилган (1-расмга қаранг):

“BERI” индекси мамлакатдаги инвестициявий муҳитни турлича салмоққа эга бўлган 15 та баҳолаш мезонлари асосида ҳисоблаб чиқишга имкон беради. Ҳар бир мезонга 0 дан (тўғри келмайди) 4 баллгача (ўта қулай) баҳо берилади. Тўпланган юқори балл «барқарор мамлакат»ни англатади. Мамлакат тўплаган балл қанчалик паст бўлса, инвестициялашдан олиниши мўлжалланган фойда ҳам шунча юқори бўлиши зарур, акс ҳолда инвестициялаш асоссиз ҳисобланади. Юқорида келтирилган расмдан кўриб турганимиздек, “BERI” индексига кирган кўрсаткичлар орасида сиёсий барқарорлик (12 фоиз) энг катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига нисбатан “BERI” индекси асосида инвестициявий муҳит иммитацион баҳоланиб, у қуйидаги жадвалда қайд этилган:

**1-жадвал.**

**Ўзбекистон иқтисодиётини “BERI” индекси асосида баҳолаш. [4]**

| | Мезонлар | Баҳоси | Салмоғи, % | Индекс |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Сиёсий барқарорлик | 4 | 12 | 0,48 |
| 2. | Хорижий инвестициялар ва фойдага муносабати | 3 | 6 | 0,18 |
| 3. | Миллийчилик имконияти: экспроприациядан резидентлар учун афзалликкача | 2 | 6 | 0,12 |
| 4. | Девальвация | 0 | 6 | 0 |
| 5. | Тўлов баланси | 1 | 6 | 0,06 |
| 6. | Расмиятчилик масалалари | 1 | 4 | 0,04 |
| 7. | Иқтисодий ўсиш суръатлари | 1 | 10 | 0,1 |
| 8. | Валютанинг конвертациялангани | 1 | 10 | 0,1 |
| 9. | Шартномани амалга ошириш имконияти | 3 | 6 | 0,18 |
| 10. | Иш ҳақи ва меҳнат унумдорлигига харажатлар | 2 | 8 | 0,16 |
| 11. | Экспертлар ва маркетинг хизматларидан фойдаланиш имконияти | 1 | 2 | 0,02 |
| 12. | Алоқа ва транспортни ташкил этиш | 1 | 4 | 0,04 |
| 13. | Маҳаллий бошқарув ва ҳамкорлик | 3 | 4 | 0,12 |
| 14. | Қисқа муддатли кредит | 1 | 8 | 0,08 |
| 15. | Узоқ муддатли кредит ва хусусий капитал | 2 | 8 | 0,16 |
| | Жами: | | 100 | 1,84 |

Ҳозирги кунда “BERI” индекси 45-48 мамлакат бўйича йилига 3 марта эълон қилинади. Иқтисодиётга сафарбар қилинган инвестицияларнинг самарадорлигини баҳолашда қўлланиладиган кўрсаткичдан яна бири ICOR (incremental capital-output ratio) бўлиб, у мам-

лакатдаги реал секторга йўналтирилган инвестициялар самарадорлигини аниқлашда ёрдам беради. Бу коэффицент асосий капиталга қўйилган маблағлар, яъни ЯИМ даги инвестициялар салмоғининг, кейинги йилдаги ЯИМ нинг қўшимча ўсиш суръатига нисбатини билдиради, яъни:

ICOR = I / ΔЯИМ

Бу ерда, I – инвестициянинг ўсиш даражаси (ЯИМ даги салмоғи);

ΔЯИМ - ялпи ички маҳсулотнинг қўшимча ўсиш даражаси.

Ўзбекистон иқтисодиёти учун ICOR кўрсаткичини қуйидаги 2-жадвал орқали кўриш мумкин. Жадвал маълумотларидан кўриб турганимиздек, 2003 йилда ICOR кўрсаткичининг даражаси анча юқори бўлган. Бу мазкур йилда ялпи инвестицияларнинг ўсиш суръатини ЯИМнинг ўсиш суръатидан сезиларли даражада юқори бўлганлиги билан изоҳланади. 2004 йилдан бошлаб республикамизда ЯИМ юқори ўсиш суръатига эга бўлди. Бунинг натижасида ICORнинг амалдаги даражаси олдинги йилларга нисбатан пасайди. Масалан, 2007 йилда ЯИМнинг ўсиш суръати 9,5 фоизга тенг бўлди. Бу жуда юқори даражадаги ўсиш суръати бўлиб, ICORнинг 2,5 фоизга тушиб қолишига сабаб бўлди. Шу билан бирга, сўнгги йилларда республикамизда ялпи ички маҳсулотнинг юқори ўсиш суръатларига эга бўлаётганлиги ICOR кўрсаткичини барқарор даражада сақлаб туриш имконини бермоқда.

**2- жадвал.**

**Ўзбекистон иқтисодиёти учун ICOR кўрсаткичлари. [5]**

| Йиллар | Ялпи инвестициянинг ЯИМга нисбатан салмоғи, фоизда | ЯИМнинг қўшимча ўсиш суръати, фоизда | ICOR |
|---|---|---|---|
| 2003 | 26,8 | 4,2 | 6,4 |
| 2004 | 19,3 | 4,2 | 4,6 |
| 2005 | 19,3 | 4,4 | 4,4 |
| 2006 | 20,3 | 7,7 | 2,6 |
| 2007 | 20,8 | 7,0 | 3,1 |
| 2008 | 19,5 | 7,3 | 2,7 |
| 2009 | 19,4 | 9,5 | 2,0 |
| 2010 | 22,7 | 9,0 | 2,3 |
| 2011 | 26,1 | 8,1 | 3,1 |
| 2015 | 24,9 | 8,1 | 3,1 |
| 2016 | 25,4 | 7,8 | 3,1 |

Мамлакатнинг инвестициявий муҳитини баҳолашда яна Халқаро кредит рейтингларидан ҳам фойдаланилади. Улар жаҳондаги 11 та нуфузли агентликлар томонидан ишлаб чиқилади. Шуларнинг бештаси – Америка, учтаси – Япония, иккитаси – Канада ва биттаси Англия агентликларидир. Бу бозорнинг 90 фоизи икки йирик ва машхур Америка компаниялариarига - Standart and Poor's Investor Service ва Moody's Investor Serviceга тегишлидир.

Хулоса қилиб айтганда, ривожланган хорижий давлатлар тажрибасига кўра “BERI” индекси орқали капитал импорт қилувчи мамлакатлардаги инвестициявий муҳит таҳлил қилиниб, инвестициялар билан боғлиқ таваккалчилик даражаси аниқланади. Иқтисодиётга сафарбар қилинган инвестицияларнинг самарадорлигини баҳолашда қўлланиладиган ICOR (incremental capital-output ratio) кўрсаткичи мамлакатдаги реал секторга йўналтирилган инвестициялар самарадорлигини аниқлашда ёрдам беради.

Хорижий инвесторлар вақтни тежаш мақсадида рейтингдаги маълумотлардан кенг фойдаланишади. Мамлакат рейтингининг юқори ёки пастлиги, албатта, катта аҳамиятга эга. Лекин шу рейтингдан жой олишнинг ўзи ҳам инвесторларда ушбу мамлакатга нисбатан маълум даражада ишонч уйғонишига сабаб бўлади.

*Манба ва адабиётлар:*


1. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. –Т.: Ўзбекистон, 2016. – 36-б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг енг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси.
3. Эргашева Ш., Узоқов.А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш Т-Иқтисод-Молия 2008. - 37-б
4. Муаллиф томонидан тузилган.
5. Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

# МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ИНВЕСТИЦИЯНИНГ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ

**Худойбердиев Масъуд Ўктамович**

Ассистент, Навоий давлат кончилик институти

***Аннотация.*** Мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ҳамда инвестициявий фаолликни ошириш муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида хорижий инвесторларга яратилган имкониятлар, жалб қилинган инвестициялар ва уларнинг йиллар давомида ўсиб бориш кўрсаткичлари таҳлил қилинган. Мамлакатимизда хорижий инвесторлар учун яратилган инвестиция муҳитининг ҳолати ўрганилган бўлиб, муаллиф томонидан уни яхшилаш юзасидан таклифлар берилган.

***Таянч тушунчалар:*** инвестиция, барқарор иқтисодий ўсиш, ЯИМ, инвестор, солиқ, кредит, тадбиркорлик, имтиёз, инновация.

***Аннотация.*** Обеспечение макроэкономической устойчивости и повышение инвестиционной активности для развития экономики нашей страны считаются важными факторами. В данной статье с этой целью анализированы созданные возможности для иностранных инвесторов и динамика привлечённых инвестиций в Республику Узбекистан. Разработаны предложения по улучшению инвестиционного климата для иностранных инвесторов.

***Таянч тушунчалар:*** инвестиция, устойчивого экономического роста, ВВП, инвесторов, налог, кредит, бизнес, преимущества, инновации.

Мамлакатимизда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш, республиканинг ортиқча ишчи кучи мавжуд минтақаларида янги иш ўринларини яратиш дастурларини амалга оширишга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш мақсадида хорижий инвесторлар учун ишончли ҳуқуқий ҳимоя ва кафолатлар таъминлаб берилмоқда. Бундан ташқари, инвестициялардан республика иқтисодиётининг муайян тармоқлари ва минтақалари барқарор ривожланишининг устувор йўналишлари ва стратегик вазифаларини таъминлашда тартибга солувчи инструмент сифатида фойдаланилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий дастурларнинг амалга оширилиши мамлакатимизнинг изчил ва барқарор ривожланишини таъминлади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти қарийб 6 марта ўсди. Унда саноатнинг улуши 14 фоиздан 34 фоизга ошди. Охирги 11 йил давомида ялпи ички маҳсулотнинг ўртача йиллик ўсиш суръати 8 фоиздан кам бўлмаган даражада сақланмоқда. Фаол инвестиция сиёсати амалга оширилмоқда” деб таъкидлади Шавкат Мирзиёев парламент палаталарининг қўшма мажлисида [1].

Мамлакатимизда қулай инвестиция муҳитини яратиш учун инвестиция салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, инвестиция дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш учун қулай шароитлар яратиш, халқаро молия институтлари, етакчи чет эл компаниялари ва банк тузилмалари билан ҳамкорликни кенгайтириш, шунингдек, жалб этиладиган чет эл инвестициялари самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасини ташкил қилиш тўғрисида» 2017 йил 31 мартдаги ПФ-4996-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ-2868-сон қарори қабул қилинди. Ушбу Фармон ва қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 июндаги 415-сон қарори қабул қилинди. Бу мамлакатимизда инвестиция фаолиятини янада та-

комиллаштириш ва хорижий инвесторларни жалб этиш учун қулай имкониятларни очиб беради. Қўмитанинг асосий вазифалари – ягона давлат инвестиция сиёсатини шакллантириш ва юритиш, шу жумладан иқтисодиёт тармоқлари ва мамлакат минтақаларига инвестициялар ҳажмини кенгайтиришни рағбатлантиришга қаратилган чет эл инвестицияларини жалб қилиш, республикадаги инвестиция муҳитини янада такомиллаштириш, чет эл капитали иштирокидаги корхоналар ривожланишини қўллаб-қувватлаш ишларини мувофиқлаштириш;

- чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестиция фаолиятини кенгайтириш учун янада қулай шароитларни яратиш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- Ўзбекистон Республикасининг йиллик Инвестиция дастурларини ва минтақавий инвестиция дастурларини, шу жумладан чет эл инвестициялари иштирокидаги лойиҳалар бўйича шакллантиришда қатнашиш, келишиш ва мониторингини амалга ошириш, чет эл инвестициялари, кредитлар ва молиявий-техник кўмаклашиш воситаларини жалб қилиш учун инвестициявий таклифлар ягона базасини юритиш ва бошқалар.

Белгиланган вазифаларни бажариш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига инвестициялар киритиш ҳажмини кенгайтиришни рағбатлантириш, республикада инвестиция муҳитини янада такомиллаштириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш бундан ташқари, инвестиция муҳитини янада яхшилаш имконияти яратилади.

Шу билан бирга, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясида ҳам халқаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, шу жумладан етакчи халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан алоқаларни кенгайтириш йўли билан, пухта ўйланган ташқи қарзлар сиёсатини амалга оширишни давом этиш, жалб қилинган хорижий инвестициялар ва кредитлардан самарали фойдаланишлиги кўрсатиб ўтилган [4]. Бундан кўриниб турибдики, давлатимиз раҳбари томонидан ушбу вазифанинг қўйилиши ҳам бугунги кунда мамлакатимизда хорижий инвестицияларни янада кўпроқ жалб этиш орқали иқтисодий барқарорликни таъминлаш ва қулай инвестиция муҳитини яратиш имконини беради. Шундан келиб чиқиб айтиш жоизки, инвестициялардан республикада барқарор ривожланишнинг мувозанатлигини таъминлашда фойдаланишнинг асосий шарти – мазкур инвестицияларни ҳар бир минтақанинг табиий-иқтисодий салоҳиятидан келиб чиқиб тақсимлаш ва йўналтиришдир. Бунинг учун ҳар бир минтақанинг табиий бойликлари, ерсув захиралари, хом-ашё базаси, иқтисодий ихтисослашуви, саноат базаси ва шу кабилар махсус методикалар асосида баҳоланиши лозим.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг шаклланиши иқтисодий ўсишнинг бир қатор макроиқтисодий омилларини кескин даражада кучайтирилишини тақозо этади. Бу соҳада рўй бераётган жараёнлар воқеаларнинг шиддатли алмашинуви билан изоҳланади. Мамлакатнинг иқтисодий ўсишини қўллаб-қувватлаш ва жадаллаштиришда ҳал қилувчи ўринни ишлаб чиқариш инвестициялари ўйнаши керак. Фақат инвестициялар базасидагина асосий капиталнинг янгилаш ҳамда шу асосда ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва сифатини яхшилаш эвазига маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ошириш мумкин. Бироқ, ҳозирги юксак даражада интеграциялашган хўжалик шароитида давлатнинг мувофиқлаштирувчи роли объектив равишда анча салмоқли бўлмоқда. Шу муносабат билан инвестиция соҳасига давлатнинг фаол аралашувига яқин йиллар мобайнидаги макроиқтисодий сиёсатнинг таркибий қисми сифатида қарамоқ лозим деб ҳисоблаймиз.

Бу стратегик мақсад – иқтисодий ўсишни таъминлаш учун амалга оширилмоғи, рақобатбардошлик ва миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши мезонларига жавоб бериши лозим. Стратегик мақсадга эришиш макроиқтисодий режалаштириш асосида таъминланиши мумкинки, инвестиция жараёнларини давлат йўли билан макродаражада бошқариб туриш бундай режалаштиришнинг энг муҳим буғинларидан бири ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, бугунги кунда мамлакатимизда 2006-2016 йиллар давомида асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмини кўриб чиқамиз (1-расм). Ушбу келтирилган маълумотлардан кўриб турганимиздек, асосий воситаларга киритилаётган инвестициялар ҳажми йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бу инвесторлар учун қулай инвестиция муҳити яратилганлиги ва уларнинг Ўзбекистонга ўз инвестицияларини киритишга бўлган ишончи ортиб бориётганлигидан дарак беради.




***1-расм. Асосий капиталга киритилган инвестициялар миқдори (млрд. сўм ҳисобида)***

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилган корхоналарга ва эркин иқтисодий зоналарга бир қанча солиқ ва божхона имтиёзлари берилган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги ПФ-4853-сонли “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Унга мувофиқ, эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқиш комиссиясининг эркин иқтисодий зоналар ҳудудида амалда қўлланилаётган солиқ ва божхона режимлари бирхиллаштирилди ҳамда ушбу зоналар иштирокчилари киритилган инвестиция ҳажмига қараб, ер солиғи, даромад солиғи, юридик шахслар мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмаларидан, жумладан:

300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар – 3 йил муддатга;

3 миллион АҚШ долларидан 5 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар – 5 йил муддатга;

5 миллион АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар – 7 йил муддатга озод қилинди.

10 миллион ва ундан кўп АҚШ доллари ҳажмидаги инвестициялар сўнгги 5 йилда амалдаги ставкалардан 50 фоиз кам ҳажмдаги даромад солиғи ва ягона солиқ тўлови ставкалари қўлланган ҳолда – 10 йил муддатга берилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Рес-публикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги ПФ-4931-сонли “«Ургут», «Ғиждувон», «Қўқон» ва «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2017 йил 3 майдаги ПФ-5032-сонли “«Нукус-фарм», «Зомин-фарм», «Косонсой-фарм», «Сирдарё-фарм», «Бойсун-фарм», «Бўстонлиқ-фарм» ва «Паркент-фарм» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонлари қабул қилинди. Юқорида келтирилган таҳлилий маълумотлардан келиб чиқиб шундай хулосага келиш мумкинки, эркин иқтисодий зона иштирокчиларига барча солиқ ва бошқа имтиёзлар киритилган инвестиция ҳажмидан келиб чиқиб қўлланилади. Аммо айниқса умумий овқатланиш, савдо ва воситачилик фаолиятидан олинган даромадларига нисбатан солиқ имтиёзларини қўллаш мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблаймиз. Демак, иқтисодий зона иштирокчиларига солиқ имтиёзлари фақат асосий фаолият тури ҳисобланган ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар (савдо, воситачилик ва умумий овқатланишдан ташқари) кўрсатиш фаолиятидан олинган даромадларга нисбатан қўлланилса мақсадга мувофиқ бўларди. Тадбиркорлик субъектларига қулай инвестиция муҳити яратиш ва айрим соҳаларни янада ривожлантириш мақсадида мамлакатимизда ҳар йили инвестиция дастури қабул қилинади. Ушбу давлат дастурлари ва барча ҳудудий дастурлардан келиб чиқиб инвестициялар ажратилади (2-расм).




***2-расм. 2012-2015 йилларда жалб этилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (давлат инвестиция дастури ва ҳудудий дастурлар доирасида)***

Мамлакатимизда 2016 йилда фаол инвестиция сиёсатининг амалга оширилиши натижасида умумий қиймати 5,2 миллиард АКШ долларига тенг бўлган 164 та лойиҳани амалга ошириш якунланди ҳамда 5329 та янги иш ўрни яратилди, жумладан нефть-газ саноатида – 9 та лойиҳа, рангли металлургия тармоғида – 20, электр энергетикаси соҳасида – 5, машинасозлик тармоғида – 3, электр техникаси соҳасида – 16, енгил саноатда – 17, бошқа тармоқларда – 94 та лойиҳалар [6]. Келтирилган статистик маълумотлардан кўриш мумкинки, мамлакатимизда инвестициявий фаолликни ошириш борасида олиб борилаётган ишлар ўз натижасини кўрсатмоқда. Бу ўз ўрнида ишлаб чиқаришни кенгайтиради, аҳоли бандлигини, маҳсулот рақобатбардошлигини оширади, импорт ўрнини босувчи экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарилади ва мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлайди. Ҳозирги пайтда ушбу йўлга қўйилган тизим ёрдамида инвестициявий лойиҳаларнинг амалга оширилишида ҳар бир тармоқ жадвалининг бажарилиши бўйича тизимли мониторинг ўрнатилган.




***3-расм. 2016 йилда тармоқлар буйича жалб этилган инвестицияларнинг фоизлар ҳисобида тақсимланиши.***

Мамлакат халқ хўжалиги ривожланишининг ҳозирги босқичи барқарор иқтисодий ўсиш йўлига ўтиб олиш билан изоҳланиши мумкин. Бундай ўсиш алоҳида инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни талаб этадики, у тараққий этган мамлакатлар тажрибасига, инвестиция ресурслари ва чет эл инвестицияларини жалб қилиш сифатида маблағлардан фойдаланишнинг мавжуд имкониятларига таяниши лозим бўлади. Чет эл инвестицияларини жалб этмай туриб, ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган ишлаб чикаришнинг ташкил этилишини таъминлаб бўлмайди. Инвестиция жараёнларини изчиллик билан амалга ошириш ва изга солиб туришнинг иқтисодий асосларини яратиш, ишлаб чиқилган сиёсатни амалга оширишга имконият яратувчи шарт-шароитни таъминлаш инвестиция сиёсатининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, иқтисодий ўсишга айнан шу йўл билан эришиш мумкин. Шундай экан, бу сиёсат турли молия активларидан олинадиган даромад ҳажмига хам катта таъсир этади. У инвестиция товарлари бозорида инвесторлар хатти-ҳаракатининг бош йўналишини, шунга боғлиқ ҳолда инвестицияларнинг таркибий тузилишини белгилаб беради.

Инвестициявий фаолликни янада ошириш мақсадида қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- Республикамиз ҳудудида инвестицион, иқтисодий ва бизнес-форумлар ўтказиш, хорижий ҳамкорларнинг фикрларини ўрганиб ўзимизнинг миллий манфаатларни ҳимоя қилган ҳолда инвесторларга қулай шарт-шароитлар яратиш;
- эркин иқтисодий зоналарда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектарини ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида семинар тренинглар ташкил этиш;
- ҳар бир ҳудудда инвестиция фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида инновацион ғоялар каталогини яратиш;
- олимлар ва билимли зукко ёшлар билан ишлашни йўлга қўйиш, улар билан биргаликда инновацион клублар ташкил этиш ҳамда ҳудудларда ташкил этилган технопаркларда ўзларининг ғояларини амалга оширишлари учун имконият яратиб бериш.
- олинган натижалар ва ишлаб чиқилган ғояларни амалга оширишлари учун Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси томонидан инвестицияларни жалб қилишлари учун амалий ёрдам берилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб шундай хулосага келиш мумкинки, мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда инвестициянинг роли катта аҳамиятга эга. Чунки жалб қилинган инвестициялар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги турдаги маҳсулотни ишлаб чиқиш, маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш, импорт ўрнини босувчи рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш, аҳоли бандлиги ошириш баробарида жаҳон бозорида ўз ўрнимизни эгалашимиз учун асосий воситалардан бири ҳисобланади.

***Манба ва адабиётлар:***

*1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг қўшма йиғилишидаги нутқи. Халқ сўзи газетаси. 2016 йил 8 сентябр.*

*2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги ПФ-4853-сонли "Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони.*

*3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31мартдаги ПФ-4996-сонли "Ўзбекистон республикаси инвестициялар бўйича давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони.*

*4. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси.*

*5. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг мазкур йиллар бўйича маълумотлари.*

*6. https://mineconomy.uz/uz/node/1472*

## КОРХОНАЛАР ЎРТАСИДАГИ РАҚОБАТ ШАРОИТИДА СТРАТЕГИК МАРКЕТИНГНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ


**Абдухалилова Лайло Тухтасиновна**

Доцент, и.ф.н., Тошкент давлат иқтисодиёт университети

**Алимходжаева Наргиза Элшодовна**

Доцент, и.ф.н., Тошкент давлат иқтисодиёт университети



***Аннотация.*** Мақолада рақобат муҳити шароитида корхоналарда стратегик маркетинг концепциясига асосланган маркетинг хизмати мақоми ва стратегиясининг ўзаро боғлиқлиги масалалари ўрганилган, шунингдек, корхонанинг эътиборини истеъмол қийматини шакллантириш ва бозорга йўналтирилган корхонани ташкил этишга кўмаклашувчи истеъмолчига қаратувчи стратегик маркетингга ҳам эътибор қаратилган.



***Таянч тушунчалар:*** рақобат муҳити шароити, маркетинг, стратегик маркетинг, корхона стратегияси, корхоналарнинг маркетинг стратегияси, маркетинг хизмати, истеъмол қиймати.



***Аннотация.*** В статье изучаются вопросы взаимосвязи стратегии и статуса службы маркетинга на предприятиях в условиях конкуренции, основанный на концепции стратегического маркетинга, а также обращено внимание на стратегический маркетинг, который концентрирует внимание предприятия на потребителя, способствующий создания потребительской ценности и рыночно ориентированного предприятия.



***Ключевые слова:*** условия конкурентной среды, маркетинг, стратегический маркетинг, стратегия предприятия, предприятия, маркетинговые стратегии, маркетинг услуг, потребительской ценности.


Бозор иқтисодиётига хос бўлган муносабатларнинг қарор топиши ва ривожланиши шароитида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг турли тармоқлари ва соҳаларида банд бўлган хўжалик субъектлари мамлакатда яратилган имконият ва шарт-шароитлардан келиб чиқиб, ўзининг маркетинг стратегиясига эга бўлади ва фаолият юритиш жараёнида маълум даражадаги ўзгаришларга мослашишга ҳаракат қилади. Маркетинг амалиётида компаниялар мақсадларининг йўналишларини аниқлашда “стратегия” тушунчасидан фойдаланилади. “Стратегия” атамаси бизнес назарияси ва амалиётига ҳарбийча сўздан кириб келган бўлиб, Б.Карлофнинг таърифига кўра, бу “... мавжуд воситалардан фойдаланиб, мамлакат ёки мамлакатлар ҳарбий-сиёсий иттифоқи сиёсатини режалаштириш ва уни амалиётга татбиқ этиш”дир[1].

Маркетинг соҳасида “стратегия” атамаси ўтган асрнинг 50-йилларидан бошлаб қўлланила бошланган. Ж.-Ж.Ламбен таъкидлаб ўтганидек, маркетинг стратегиясини ифодалашда қуйидаги элементлар ҳисобга олиниши лозим: бир ёки бир нечта мақсадли сегментларни аниқлаш; маҳсулотни рақобатчиларга нисбатан танланган тарзда жойлаштириш; муваффақиятли сотиш тармоқларини танлаш; реклама ва сотувни рағбатлантириш; бозорни тадқиқ этиш[2].

Собиқ иттифоқ ҳудудида чоп этиладиган илмий ва ўқув адабиётларида охирги йилларда «стратегик маркетинг» тушунчаси пайдо бўлди. Ундаги мамлакатларда қатор йиллар мобайнида корхоналар ва бутун мамлакат иқтисодиётига раҳбарлик қилишнинг маъмурий-буйруқбозлик усуллари ҳукмронлик қилганини ҳисобга олсак, бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Чунки узоқ вақт давомида бозордаги аксарият хўжалик юритувчи субъектлар онгида маркетинг ишлаб чиқарилган товарни бозор томон ҳаракатлантириш учун мўлжалланган воситалар мажмуи сифатида мавжуд бўлган.

Ҳозирги шиддатли ривожланиш жараёнида стратегик маркетинг корхона фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган

бўлиб, ундаги барча ўзгаришларни қамраб олади. Бу ерда стратегик маркетингнинг мақсади бозорга йўналтирилган стратегияни юзага келтириш орқали истеъмол қийматига эга бўлган маҳсулот ва хизматларнигина шакллантиришдан иборатдир. Чунки, стратегик маркетинг корхонани унинг ташқи муҳити билан боғлайди, шунинг учун ҳам маркетинг функцияси умуман корхона фаолиятининг фундаментал асоси сифатида юзага чиқади. Шу сабабли ҳам стратегик маркетинг корхоналар хизмат маркетингининг энг юқори даражадаги кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Бу ерда корхоналар учун маркетинг хизматининг йўлга қўйилиши ва ундан мақсадли фойдаланиш энг асосий вазифалардан биридир. 1-жадвалда маркетинг хизматининг турли даражаларига қараб бериладиган номлари ва миқдор баҳоларини шакллантириш жараёнлари қайд қилинган бўлиб, ушбу кўрсаткичлар корхона фаолияти самарадорлигини аниқлашда олдинги марраларга чиқади.

Жадвал маълумотларига кўра, стратегик маркетинг ҳозирги вақтда энг юқори даражага эга бўлиб, унга етиш учун ҳар бир корхона интилиши лозим бўлади. Лекин содир бўладиган ўзгаришларга корхонанинг бозорга йўналтирилган стратегия-сининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда эришиш зарур.

Ҳар бир инсоннинг мавжуд бўлиши унинг мулки доирасида алоҳида аҳамият касб этади. Ҳар бир киши ўз манфаати йўлида ҳаракат қилади. Шундай қилиб, “Рақобат иқтисодий фаолият иштирокчиларининг ўз манфаатларидан келиб чиқиб, юқори даромад олиш имкониятига, нуфузли мавқеига эга бўлиш учун бошқалар билан беллашуви, курашидир”[3].

**1-жадвал***

**Корхоналарда маркетинг хизматининг даражаларини баҳолаш**

| Маркетинг хизматининг фирма ичидаги даражасини баҳолаш | Маркетинг хизматининг даражасини баҳолаш кўрсаткичи | Маркетинг хизматининг даражаси |
|---|---|---|
| Маркетинг билан боғлиқ фаолият мавжуд эмас | 0 | Маркетингдан фойдаланмайди |
| Маркетинг тижорат хизматига киради | 1 | Тасодифий маркетинг |
| Маркетинг хизмати ва ўтказиш бир хил таъсирга эга | 2 | Бошланғич маркетинг |
| Ўтказиш фаолияти маркетинг назорати асосида амалга оширилади | 3 | Тўлиқ маркетинг |
| Маркетинг – корхонанинг асосий функцияси | 4 | Стратегик маркетинг |

**Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган*

Ана шундай рағбатлантирувчи омиллардан бири рақобат муносабатларининг юзага келиши ва субъектлар ўртасида харидор бозори учун соф иқтисодий кураш турларининг содир бўлишидир.

Бозор иқтисодиётида товарнинг тижорат ютуғи учун асосий омил унинг рақобатбардошлиги ва иқтисодий барқарорлиги ҳисобланади. Корхонанинг рақобатбардошлиги ва иқтисодий барқарорлиги мураккаб ва бир-бирига боғлиқ бўлган категориялардир. Рақобатбардошлик фақат иқтисодий барқарорлик мавжуд бўлгандагина юзага келади. Иқтисодий барқарорликка эса кўплаб ички ва ташқи омиллар таъсир кўрсатади. У корхонанинг ривожланиш истиқболларини, айниқса, рақобат муҳитида ғолиб чиқиш имкониятини яратади.

“Рақобат” – кўп қиррали тушунча. У бозор муносабатлари шарт-шароитларига мос келиши, техник, иқтисодий, эстетик тафсилотлари билан нафақат истеъмолчилар реал талабларининг қондирилишини, балки тижорат ва сотиш жараёнидаги бошқа жараёнларнинг (масалан, нарх-наво, товарни етказиб бериш муддати, ўтказиш-сотиш каналлари, сервис, реклама ва ҳоказоларни) ҳам бажарилишини ҳисобга олади.

Истеъмолчининг товардан фойдаланиш жараёнидаги ҳаражатлари даражаси рақобатбардошликнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Мулкнинг иқтисодий хусусиятларига кўра, рақобат нафақат шахсий манфаатни, балки жа-

моа, оиланинг манфаатларини ҳам кўзлайди. Чунки инсоннинг манфаати, бир томондан, алоҳида хусусиятга эга, иккинчи томондан, у жамоа манфаатларига бирлашган (уйғунлик касб этган). Манфаатларнинг бирлашуви мулк доирасида ҳам амалга ошади. Масалан, ишловчиларнинг ҳар бири яхши иш жойи учун ўзаро курашса, улар жамоа доирасида биргаликда унинг манфаатлари йўлида бошқа жамоалар билан, оила миқёсида бошқа оилалар билан, вилоят миқёсида бошқа вилоятлар билан, давлат миқёсида эса бошқа давлатлар билан рақобатлашади. Айнан мана шу жараён стратегик маркетингнинг амал қилиш принципларини белгилаб беради ва унинг фаолият юритиш механизмини шакллантиради.

Шундан келиб чиққан ҳолда, маркетинг назариясига мувофиқ стратегик маркетингнинг асосий мақсади рақобатчиларга нисбатан ишончли устунликка эга бўлишдир[4]. Унинг асосий вазифаси узоқ муддатли истиқболда компания фойдасининг юқори бўлишини таъминлаш, мавжуд ресурсларга таянган ҳолда ривожланишнинг бошқа йўлини ишлаб чиқишдан иборат. Стратегик маркетингда компаниянинг барча манфаатлари ва имкониятларини ҳисобга олиш ҳамда технологик, молиявий ва бошқарув соҳаларида синергизм самарасидан фойдаланиш зарур. Ушбу стратегия корхонанинг функционал стратегияси (ишлаб чиқариш, маркетинг, инвестициявий, кадрлар билан ишлаш ва ҳ.к.)ни ишлаб чиқиш учун асос бўлади.

Ҳозирги вақтда адабиётларда стратегик тадқиқот олиб бориш босқичида стратегик маркетингни ишлаб чиқишнинг анъанавий схемалари тўлиқ ёритилган. Аммо бу каби ёндашувлар фақат услубий даражада сақланиб қолган, чунки ҳар бир корхона ўзига хос хусусиятга эга. Шу нуқтаи назардан Ф.Котлер фирмани стратегик режалаштириш ҳақида қуйидаги фикрни билдирган: “Фирманинг мақсадлари унинг мавжуд имкониятлари билан маркетинг соҳасида мувоффақият қозониш имконияти ўртасидаги стратегик мувофиқликни яратиш ва сақлаш бўйича бошқарув жараёнидир. Стратегик режалаштириш фирманинг аниқ ифодаланган дастурий баёнотига, ёрдамчи мақсадлар ва вазифаларни мўлжаллашига, соғлом хўжалик портфели ва ўсиш стратегиясига таянади”[5].

Ушбу фикрга қўшилган ҳолда, шуни таъкидлаймизки, ҳар бир корхонанинг муваффақиятли ривожланиши, у томонидан аҳоли ва бошқа истеъмолчилар учун зарур маҳсулотларни энг мақбул нархда ишлаб чиқариш, ҳаражатлар билан фойда ўртасидаги нисбатларнинг оптимал равишда эканлиги ва корхонани келажакда янада фаол амал қилиш шартлари билан белгиланишини қайд қилишимиз даркор. Чунки аҳоли томонидан билдирилган умумий талаблар рағбатлантирувчи омил ҳисобланади. Мана шундай рағбатлантирувчи омиллардан бири рақобат муносабатларининг юзага келишидир. Бу жараён субъектлар ўртасида харидор бозори учун соф иқтисодий кураш турларининг содир бўлишига олиб келади.

Стратегик ғоялар, жумладан стратегик маркетинг фирманинг ҳаракат дастурига айланиши керак ва бу дастурда стратегик мақсадлар аниқланади ҳамда танланган ривожланиш стратегиясининг амалга оширилишини таъминловчи воситалар белгиланади. Фирманинг яқин келажакдаги муваффақиятини, аввало, унинг жорий фаолиятидаги турли йўналишларнинг молиявий жиҳатдан қай даражада мувофиқлаштирилганлигини белгилайди. Унинг узоқ келажакдаги ривожланиши ва тараққий этиши эса бозордаги ўзгаришларни ўз вақтида олдиндан кўра билиш ҳамда ўз таркиби ва товар портфели имкониятларини тегишли равишда бунга мослаштира олиш қобилиятига боғлиқ. Бундай стратегик, фаол фикрлар самарали бўлиши учун улар изчил бўлиши ва “келажакни ташкил қилиш”га, яъни кутилаётган натижаларга олиб келадиган ҳаракатларга қаратилган бўлиши лозим.

Таъкидлаш лозимки, юқорида қайд этилганларга асосланиб, корхона субъектлари фаолиятининг сифат даражалари, уларнинг иқтисодий фойдалилик ҳолати ва даражасини миқдорий ўлчаш йўли билан аниқлаш мақсадга мувофиқлиги илмий адабиётларда ўз аксини топган. Фаолиятни юритиш ва бошқаришда мавжуд кўрсаткичлардан фойдалана олиш хусусияти ва эҳтиёжларнинг қондирилиш кўлами бўйича корхоналар даромадларини қуйидаги иқтисодий самарадорлик ҳолатига қараб ажратиш мумкин:

• иқтисодий ночор фаолият;

• корхона эгасининг манфаати даражасидаги самарадорлик, яъни иқтисодий етук фаолият;

• корхона эгаси ва ёлланма ишчилар манфаати даражасидаги самарадорлик, яъни иқтисодий ривожланган фаолият;

• ижтимоий самарадорлик, яъни истиқболли фаолият;

• қўшилмаган самарадорлик, яъни ноқонуний тадбиркорлик йўли билан олиб борилган ишлар кўлами.

**2-жадвал**

**Тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг сифат даражалари***

| Тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг фойдалилик меъёри (фоиз ҳисобида) | Тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг иқтисодий самарадорлик ҳолатлари | Тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг сифат даражалари: | Корхоналарнинг сифат белгилари |
|---|---|---|---|
| 0-25 | Беқарор самарасизлик | Иқтисодий заиф тадбиркорлик фаолияти | |
| 26-50 | Хусусий самарадорлик | Иқтисодий етук фаолият | 2-даражали |
| 51-75 | Жамоавий самарадорлик | Иқтисодий ривожланган фаолият | 1-даражали |
| 76-100 | Ижтимоий самарадорлик | Истиқболли фаолият | Олий даражали |

Таклиф этилаётган ушбу услубият орқали корхоналарнинг самарадорлик даражаси аниқланиб, улар фаолиятига баҳо берилади. Бу эса, корхоналарни рейтинг даражасида гуруҳлашга асос бўлиб, шунга мувофиқ чора-тадбирлар тизимини шакллантиришга имконият яратади.

Бундай гуруҳлашни амалга ошириш учун қуйидаги формула тадбиркорлик фаоллиги даражасини аниқлаш имконини беради.

$$ТФ = Д - \frac{X_{дх}}{Д - X_{ух}} \cdot 100\%$$

Бу ерда: ТФ - корхонанинг тадбиркорлик фаоллиги даражаси;

Д - корхонанинг йиллик даромади;

$X_{dx}$- корхонанинг доимий харажатлари;

$X_{yx}$- корхонанинг ўзгарувчан харажатлари.

Ҳар бир эришилган даражанинг ўзига хос бўлган таснифлари мавжуд бўлиб, улар тадбиркорлик фаоллигини оширишда таҳлилий-меъёрий кўрсаткичлар орқали фаолиятнинг мезони сифатида баҳоланади.

1. 0-25 фоиз даражадаги тадбиркорлик фаолияти қайд этилганда, у самарасизлик ҳолатини ифодалайди. Бундай фаолият иқтисодий жиҳатдан заиф эканлигини англатади ва 1-2 йилда банкрот бўлиш билан якун топади. Ресурслар исрофгарчилигининг энг юқори даражаси билан тавсифланади, бунда тадбиркорлик қобилияти мавжуд эмас. Айни пайтда буни дастлабки маблағ билан таъминланмасдан бошланган фаолият дейиш мумкин.

2. Иқтисодий салмоқли фаолият натижасида самарадорлик меъёри 26 фоиздан 50 фоизгача етади. Бироқ, фаолият эски усулда самарасиз юритилади. Корхона эгаси меҳнат қобилиятини рўёбга чиқариб, ўз манфаати доирасида фаолият олиб боради. Баъзи жараёнларда корхона фойдаси қилинган харажатнигина қоплайди. Мулкнинг шакли ўзгартирилиб, қиймати пасаяди, корхона 3-5 йилга қолмай инқирозга учрайди.

3. Самарадорлик меъёрининг 51-75 фоизи миқдоридаги фаолиятда меҳнат фаолияти билан тадбиркорлик фаолияти уйғунлашади, фаолият ривожланиб, ишлаб чиқаришнинг шахсий-инсоний омили сифатидаги тадбиркорлик қобилиятининг шаклланиши ва уни “ишчи кучидан” ажралиб айирбошлаш предметига айланиши содир бўлади. Ёлланма ишчилар ва корхона эгаси манфаатини уйғунликда ифодаловчи иқтисодий ривожланган фаолият қарор топади. Берилган имкониятлардан фойдаланилиб, фаолият 5-15 йиллар самарали давом эттирилади.

4. 76-100 фоиз самарадорлик меъёрини кўрсатиб турган кўрсаткич истиқболли фаолиятни ифодалайди. Ишлаб чиқариш омилларининг бир-бирига уланиши эвазига хўжалик фаолияти юритилади ва бошқарилади. Тадбиркорлик фаоллигига фаолиятнинг дастлабки босқичларидаёқ эришилади. Фаолият натижасидан жамият манфаати ва халқ фаровонлиги таъминланади. Фондлар қайтими ошиб, рентабеллик даражаси кўтарилади. Қилинган харажатлар ҳисобига фойда икки ҳиссага ортади. Натижада, кам таъминланган аҳолига ижтимоий кўмаклашишга имконият ярата оладиган, тадбиркорлик фаоллигига эришилган вазият юзага келади. Бу эса корхонада маркетинг стратегиясини пухта ишлаб чиқиш заруриятини юзага келтиради.

Шунингдек, стратегик режа қабул қилинган қарорларни бу қарорларни ҳаётга татбиқ этувчиларга етказиб бериши лозим. Бу вазифа келажакнинг мавҳумлиги сабабли мураккаблашади. Стратегик режани ишлаб

чиқиш олдиндан билиш мумкин бўлмаган ўзгаришларни “режалаштириш”ни ҳам ўз ичига олади. Стратегик режанинг мақсади корхонанинг узоқ муддатли тараққиётини таъминлаш мақсадида танланган стратегияни аниқ ва изчил тавсифлаб беришдир. Бу танлов аста-секин қарорлар ва ҳаракат дастурларига айланиши керак.

Таъкидлаш жоизки, рақобат кучли бўлган тўқимачилик маҳсулотлари жаҳон бозорида ўзбекистонлик экспорт қилувчилар катта қийинчиликларга дуч келишлари муқаррар. Шу боисдан улар бизнес юритишнинг замонавий усуллари билан «қуролланган» бўлишлари лозим. Маркетинг тадқиқотларига асосланган стратегик маркетинг айнан шундай усуллардан бири ҳисобланади.

Маркетинг тадқиқотлари алоҳида шахслар ва ташкилотларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маиший фаолияти нуқтаи назарида уларнинг хулқ-атвори, эҳтиёжлари, муносабатлари, таассуротлари, мотивацияси ва ҳоказолар борасидаги маълумотларни тизимли равишда тўплаш ва объектив қайд этиш, таснифлаш, таҳлил қилиш ва умумлаштиришни ифодалайди. У истеъмолчи, мижоз, жамоатчилик ва товар ишлаб чиқарувчини ахборот ёрдамида бирлаштирувчи бўғин ҳисобланган функция сифатида намоён бўлади. Бундай ахборотдан маркетинг ҳаракатларини ишлаб чиқиш, яхшилаш ва баҳолаш, маркетингни жараён сифатида тушунишни яхшилаш учун маркетинг муаммоларини аниқлаш мақсадида фойдаланилади. Маркетинг тадқиқотлари бу маълумотларни излаб топиш учун зарур бўлган ахборотни аниқлаштиради, ахборот тўплаш усулини ишлаб чиқади, маълумот тўплаш жараёнига раҳбарлик қилади ва уни бошқаради, натижаларни таҳлил қилади ва уларни жорий этиш ҳақида хабар беради.

Маркетинг вазиятларини баҳолаш, корхонани унинг самарали маркетинг дастурини яратиш имконини берадиган ахборот билан таъминлашда маркетинг тадқиқотлари катта аҳамиятга эга. Маркетинг тадқиқотларидан мақсад корхонанинг муайян вақтда ва муайян бозорда рақобатли позицияларни эгаллаш борасидаги имкониятлари ва муаммоларини аниқлаш, таваккалчилик ва ноаниқлик даражасини пасайтириш, маркетинг фаолиятининг муваффақиятга эришиш имкониятини оширишдир.

Ўзбекистон иқтисодиётида бозор ўзгаришларининг янги босқичи тўқимачилик саноати корхоналарида, бир томондан, уларнинг ресурслар имкониятига, бошқа томондан эса, ташқи бозор имкониятлари ва чекловларига мослаштирилган узоқ муддатли маркетинг стратегияси ишлаб чиқиш муаммоларига эътибор кучайтирилишини талаб этади. Бундай шароитларда нафақат маркетинг усуллари ва принципларидан, балки стратегик маркетинг устунликларидан ҳам фойдаланиш зарурати юзага келади. Бизнинг фикримизча, стратегик маркетинг ҳаттоки маркетинг муҳитининг энг жадал суръатлардаги ўзгаришларида ҳам бу ўзгаришлар сабаблари ва хусусиятини тушуниш, уларнинг ривожланиш тенденцияларини аниқлаш, корхонани ривожлантиришнинг истиқболли мақсадларини танлаш ва уларга эришишнинг самарали стратегияларини аниқлаш мақсадида турли бозор вазиятлари ривожланишини моделлаштириш ва шу орқали келажакни аниқлаш имконини беради.

Амалиёт бугунги кунда маркетингга стратегик ёндашув юқори дифференциациялашган товарларга талаб билдирадиган тўйинган бозор шароитлари, ички ҳам ташқи бозорда мос келувчи товар таклифи ва талабини шакллантирадиган нархга оид бўлмаган рақобат шароитларида корхоналар маҳсулотини тезроқ мослаштириш учун зарур, деган фикрни тасдиқлайди. Корхона учун стратегик маркетингнинг муҳимлиги шундан иборатки, у саъй-ҳаракатларни, биринчи навбатда, стратегик қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ узоқ муддатли энг муҳим йўналишларни ишлаб чиқишга қаратган ҳолда муваффақиятга эришишнинг асосий ва узоқ муддатли омилларига алоҳида эътибор қаратади[6].

Реклама ва жамоатчилик билан алоқалар каби воситалар бозор иқтисодиёти шароитида фаолият юритаётган корхоналар ҳаётида муҳим роль ўйнаши шубҳасиз. Улар ишлаб чиқарувчиларга маҳсулоти орқали якуний истеъмолчи билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш учун ўз коммуникацион дастурини амалга ошириш имконини беради. Бироқ, агар аксарият корхоналарнинг фаолият натижаларини таҳлил қилиб чиқадиган бўлсак, бугунги кунда кўплаб корхона ўз фаолияти ҳақидаги ҳисоботларни мунтазам равишда тақдим этмоқда, лекин улар орасида жаҳон бозорида ҳақиқий рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир корхоналар саноқли. Шундай экан, Ўзбекистон корхоналарининг аксарияти нафақат бозорда, балки ҳар бир мақсадли сегментларда ўз ўрнини, товарининг ҳам ўзининг бозордаги позициясини аниқлаш ва энг истиқболли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга эҳтиёж сезмоқда. Стратегик маркетинг корхонага айнан шу муаммоларни ҳал этишга имконият яратади, стратегик мақсадларга эришиш учун бозорда қандай ишларни амалга ошириш зарурлигини аниқлаб олишга ёрдам беради. Стратегик таҳлил натижасида маҳсулоти би-

лан муайян потенциал сегментни эгаллаш учун ўз товар сиёсати, нарх сиёсати, сотув сиёсати ва коммуникация сиёсати кўринишидаги саъй-ҳаракатларини белгилайди.

Муваффақиятли фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг аксариятида маркетинг ёндашуви сотув самарадорлигини ошириш, ресурслардан оқилона фойдаланиш ва фойдани кўпайтириш учун йўналтирилган ёндашув сифатида қўлланилади. Демак, моҳиятан замонавий бизнес доктринасига, унинг фалсафасига, корхона ва атроф-муҳит ўртасидаги асосий коммуникативлик воситасига айланаётган маркетинг Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви шароитларида корхоналар учун ўта муҳим.

Кейинги йилларда халқаро бозорда рақобат бошқача хислат касб эта бошлади. Маркетинг тадқиқотлари эса маҳсулотларни сотиш учун янги бозорлар излаб топиш воситасига айланди. Бу бир қатор сабаблар билан изоҳланади. Улар орасида қуйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин: фан-техника тараққиётининг сезиларли жадаллашуви ва қимматлашуви; рақобат кураши шакллари мураккаблашуви ва кўлами кенгайиши; товар ассортиментини доимий янгилаб бориш зарурати ва бу билан боғлиқ ҳолда молиявий таваккалчиликларнинг ортиши; ташқи муҳитнинг ноаниқлик даражаси, демак, муайян корхона фаолияти таваккалчиликларининг ҳам ортишини белгилаб берадиган хом ашё ва энергетика муаммолари кучайиши ва ҳ.к.

Янгича шароитларда корхоналарнинг тараққий этиши кўп жиҳатдан нафақат замонавий асосий технологияларнинг ривожланиш даражасига, балки маркетинг самарадорлигига ҳам боғлиқ. Бу жараён учун хос бўлган маълум бир ривожланиш тенденциялари қаторига маркетинг инфратузилмаси ривожланиш суръатининг юқорилиги, яъни маркетинг тадқиқотлари билан шуғулланувчи бюро, реклама агентликлари, ўқув марказлар ва ҳоказолар ташкил этилиши; ахборот технологияларидан фойдаланиш ҳисобига маркетингни режалаштиришнинг осонлашуви; бозор конъюнктурасининг кескинлашиши ва мураккаблашуви шароитларида бозорларни янада чуқурроқ деталлаштириш асосида талабни ўрганиш киритилиши мумкин[7].

Шундай қилиб, бизнинг фикримизча, стратегик маркетингнинг асосий вазифаси такрор ишлаб чиқариш жараёнидаги ижтимоий шарт-шароитлар, яъни алоҳида бир корхона фаолияти ва ташқи муҳит ўртасидаги зиддиятларни бартараф қилиш заруратидан иборат бўлиб, бу унинг ҳозирги ривожланиш босқичидаги хусусиятларини ҳам белгилаб беради. Бозорда вазиятнинг ўзгариши тўқимачилик корхоналари раҳбарларидан ўз олдида турган вазифаларни ҳал қилишда тизимли комплекс ёндашувни: узоқ муддатли тижорат муваффақиятига йўналтирилганликни; бозорлар ва фирмалар ҳақида узлуксиз ахборот тўплаш, уни қайта ишлаш ва таҳлил қилишни; атроф-муҳитга пассив мослашувга қарши ўлароқ, унга фаол таъсир кўрсатишни; ишлаб чиқариш, молия, сотув ва кадрларни бошқаришда ташаббускорлик ҳамда ижодий ёндашувни талаб қилади.

***Манба ва адабиётлар:***

*1. Карлоф Б. Деловая стратегия. – М.: Экономика, 2008.*

*2. Ламбен Ж. Стратегический маркетинг. Европейская перспектива. / Пер. с франц. – СПб.: Наука, 1996.*

*3. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси. - Т.: Ўқитувчи, 2002.*

*4. Ансофф И. Новая корпоративная стратегия. – СПб.: Питер, 1999.*

*5. Котлер Ф. Маркетинг.Менеджмент Экспресс курс/ Пер.сангл. Д.Раевской./Под ред. С. Г. Божук. 2-е изд. – М.;-СПб; -Н. Новгород [и др.]. Питер, 2005.*

*6. Голубков Е.П. Маркетинговые исследования: теория, методология и практика. –М.: Флопресс, 2008.*

*7. О Шонесси Дж. Стратегическое маркетинговое планирование. /Пер. с англ. –СПб.: Питер, 2009. С. 31.*

# ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ТОВАРЛАР АССОРТИМЕНТИ БЎЙИЧА МАРКЕТИНГ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

**Бобохўжаев Бахтиёр Назирхўжаевич**

Мустақил тадқиқотчи, Тошкент давлат иқтисодиёт университети

***Аннотация.*** Мақолада тадбиркорлик субъектлари фаолиятида товарлар ассортиментини бўйича маркетинг  бошқарувини ташкил этишнинг мутадологик жиҳатлари тадқиқ этилган ва соҳада товарлар ассортиментини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари ёритиб берилган. Бунда тадбиркорлик субъекти товарлар ассортименти бўйича маркетинг бошқаруви тизими таклиф этилган.

***Таянч тушунчалар:*** тадбиркорлик, товарлар ассортименти, маркетинг, ассортиментни бошқариш.

***Аннотация.*** В данной статье исследованы метологические аспекты маркетингового управления по ассортиментам товаров в деятельности предпринимательских субьектов и освещены особенности управления ассортиментом товаров в отрасли.Предложена система маркетингового управления по ассортиментам товаров для предпринимательских субъектов.

***Ключевые слова:*** предпринимательство, ассортимент товаров,  маркетинг, управление ассортиментом

Иқтисодиёт тармоқларини жадал ривожлантиришнинг бугунги босқичида тадбиркорлик субъектлари фаолиятида товарлар ассортиментини самарали бошқариш муаммолари Ўзбекистон корхоналари олди турган муҳим муаммолардан биридир.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида товарлар ассортиментини бошқариш жараёнини ташкил қилиш муҳим аҳамиятга эга эканлигига қарамасдан, корхоналарнинг товарлар ассортиментини бозор талабига мослаштириш орқали бозорда ўзгараётган ўзгаришларга тезда жавоб бериш билан боғлиқ муаммолар мавжуд бўлиб қолмоқда. Бундай ҳолатларда, тадбиркорлар, кўп ҳолларда, фақат ўз ички имкониятларига қараб иш кўрадилар. Оқибатда, бир қатор товарлар бозор талабларини қондири олмай, тадбиркор учун зарар келтирадиган бўлиб қолади.

Бу ҳол эса ҳам тадбиркорлик субъектининг маркетинг бўйича назарий ишланмалари, ҳам уларнинг амалий фаолиятида, товарлар ассортиментини бошқариш бўйича маркетинг ёндошувининг етарлича аниқлик билан асосланмаганлиги билан боғлиқ. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида мавжуд бундай ёндошувларда тадбиркор товарлар ассортименти маълум, дискрет вақт доирасида кўриб чиқилади, аммо бунда таҳлил қилинадиган кўрсаткичлар динамикаси ҳисобга олинмайди. Бундай вазиятда, муайн товар позицияси билан боғлиқ муаммони ўз вақтида аниқламаслик хавфи вужудга келади, бу эса ушбу товарнинг корхона учун салоҳиятининг пасайишига олиб келиши мумкин. Шунингдек, товарлар ассортиментини бошқариш соҳасида тезкор қарорлар қабул қилиш имконини берувчи комплекс ва универсал методик аппаратнинг йўқлиги ҳам юқоридаги ҳолатнинг сабаби сифатида намоён бўлади.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида товарлар ассортименти бўйича маркетинг бошқарувини кўриб чиқишда “маркетинг” тушунчаси таҳлил қилинди ва қуйидаги уч маъно гуруҳи кўриб чиқилди: функциялар тўплами сифатида бошқариш, жараён сифатида бошқариш, субъект фаолияти сифатида бошқариш. “Товарлар ассортименти бўйича  маркетинг бошқаруви” тушунчасининг моҳиятига берилган таърифлар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвалга мувофиқ, товарлар ассортименти бўйича маркетинг бошқарувини фарқловчи уч мезонни ажратиб кўрсатиш мумкин:  жараённинг цикллилиги, тескари алоқанинг мавжудлиги; корхона учун иқтисодий самарадорликка эришган ҳолда истеъмолчилар талабини қондиришга урғу қаратиш; товарлар ассортиментини бошқариш субъектида маркетинг бўлимининг интеграцияловчи ва мувофиқлаштирувчилик функцияси.

**1-жадвал**

**“Товарлар ассортименти бўйича маркетинг бошқаруви” тушунчасининг мазмун-моҳияти**

| Маъно гуруҳи | Таърифлар |
|---|---|
| Функциялар тўплами сифатида бошқариш | Асосида цикллилик тамойили ва тескари алоқа мавжудлиги ётадиган товарлар ассортиментини режалаштириш, ташкил этиш ва мониторинг қилиш жараёнлари мажмуаси. |
| Жараён сифатида бошқариш | Тадбиркорлик субъектлари ички ресурслари, унинг тамойилларини ҳисобга олган ҳолда бозор маълумотларини тадбиркор учун иқтисодий томондан самарали ва бозор талабларини қондирадиган товарлар ассортиментига айлантирадиган жараён. |
| Субъект фаолияти сифатида бошқариш | Бирлаштирувчи ва мувофиқлаштирувчилик роли маркетинг бўлимига тегишли бўлган товарлар ассортиментини бошқариш жараёнидаги тадбиркорлик субъектларининг функциялараро алоқалар йиғиндиси. |

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида аниқландики, товарлар ассортиментини бошқариш функционал даражада тадбиркорлик субъекти маркетинг фаолиятидаги товар белгилари ва инновацияларни бошқариш жараёни билан бир қаторда товарни бошқариш жараёнининг бир бўлагидир.

Товарлар ассортиментини бошқариш жараёнида тадбиркорлик субъекти маркетинг фаолияти элементлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликларни ҳам қайд этиб ўтиш муҳим.

Масалан, мавжуд товарлар ассортиментини бошқаришда ҳам, инновацион жараёнларни бошқаришда ҳам тадбиркорлик субъекти бошқарувидаги ходимлар савдо белгиси таҳлилига мурожаат қилади. Ўз навбатида, товарлар ассортиментини бошқаришни нарх белгилаш, тақсимлаш ва маҳсулотни бозорга олиб кириш жараёнлари билан ўзаро боғлиқ бўлмаган ҳолда айро тарзда амалга ошириб бўлмайди.

Шу боис, тадбиркорлик субъекти маркетинг фаолиятидаги жараёнлар ўртасида мувозанатлилик ва мувофиқлик муҳим ҳисобланади.

2. Товарлар ассортименти бўйича маркетинг бошқарувининг комлекс тизими тамойиллар, ресурслар, ричаглар ва жараёнларнинг бир бутун мажмуи сифатида таклиф этилдики, бу тизим истеъмолчилар таалабини қондириш ва корхона фаолияти иқтисодий самарадорлигини ошириши мақсадади товарлар ассортименти бўйича маркетинг бошқаруви жараёнларини яхлит бир бутун қабул қилиш ва тизимнинг барча элементларини мувофиқлаштириш имконини беради.

Амалга оширилган тадқиқотлар натижасида элементлар, жараёнлар ва мақсадлар йиғиндиси сифатида товарлар ассортименти бўйича маркетинг бошқаруви тизими ишлаб чиқилди (1-расм).

Таклиф этилган тизим назарий нуқтаи назардан товарлар ассортименти бўйича маркетинг бошқарувини бир бутун қабул қилиш имконини беради. Амалий нуқтаи назардан, бу тизим истеъмолчилар талабини қондириш ва тадбиркорлик субъекти иқтисодий самарадорлигини ошириш учун товарлар ассортименти бўйича маркетинг бошқаруви тизимининг барча элементларини, жумладан, бошқарув тамойиллари, ричаглари ва бошқарув жараёнларини таҳлил қилиш ва мувофиқлаштириш имконини беради.

Тизим элементларига қуйидагилар киради: товарлар ассортименти тузилиши; бошқарув ричаглари; товарлар ассортименти бўйича маркетинг бошқаруви жараёнларини ташкил этиш учун зарур бўлган ресурслар; товарлар ассортиментини бошқариш жараёнларини ташкил этишда асос бўладиган тамойиллар. Ушбу жараёнларни ташкил этишда қуйидаги тамойиллар асос бўлади:

1. Мувозанатлилик. Бир томондан, тадбиркорлик субъекти товарлар ассортименти дифференциацияланган бўлиши керак, яъни товарлар хилма-хиллигига таяниши керак. Дифференциацияни икки даражада амалга ошириш керак: бир хил турдаги товарлар бўйича рақобатчилар ўртасида ва турли бозор сегментларига мўлжал олган бир ишлаб чиқарувчининг товарлари ўртасида. Бошқа томондан, ҳаётийлик циклининг турли босқичларида бўлган (матрицасининг турли квадратларида бўлган) ва бир вақтнинг ўзида бозорда мавжуд бўлган товарларнинг оптимал нисбатини назарда тутиши керак. Бундай изланишлардан мақсад товарларни сотиш ва инновацион ишланмалар, инновацион товарларни жорий қилиш, шунингдек, пасайиш босқичида бўлган ва яқин истиқболда истеъмолчилари талаби ортиши кутилаётган товарларни ишлаб чиқаришни тўхтатмасдан,




***1-расм. Тадбиркорлик субъекти товарлар ассортименти бўйича маркетинг бошқаруви тизими***

уларни ишлаб чиқаришни давом эттириб туриш учун кетадиган харажатлар ўрнини қоплаш учун етарли даражада барқарор умумий шароитларни яратишдан иборат.

2. Мослашувлик. Товарлар ассортиментини бошқариш субъектининг товарлар ассортиментини бозор конъюнктурасига мослаш орқали ташқи муҳитдаги ўзгаришларга ўз вақтида ва тезда мослашиш қобилиятини назарда тутади.

3. Комплекслилик. Товарлар ассортименти бўйича маркетинг бошқарувининг қуйидаги барча ричаглари ўртасидаги ўзаро боғлиқликларни кўзда тутади: товар, нарх, тарқатиш ва силжитиш; товарлар ассортименти бўйича маркетинг бошқарувининг барча стратегик ва тактик мақсадлари ўртасида ўзаро боғлиқлик; шунингдек, бошқарувнинг вертикал ва горизонтал поғоналарида фаолият кўрсатувчи тадбиркор-

лик субъектининг ташкилий хизматлари бажарадиган комплекс ишлар.

4. Инновационлик. Бугунги кундаги бозор шароитларида товарлар ассортименти бўйича маркетинг бошқаруви жараёнида тадбиркорлик субъекти “отни қамчилаш” қабилида иш юритиши, мослашиш ҳақида эмас, яратиш ҳақида ўйлаши керак.

5. Рақобатбардошлик. Тадбиркорлик субъекти бозорда максимал рақобат устунлигини таъминлайдиган товарлар ассортиментига эга бўлишга ҳаракат қилиш керак.

Жараёнлар ҳақида гап кетганда, биринчи босқичда маркетинг маълумотларини тўплаш ва таҳлил қилиш амалга оширилади ва ушбу маълумотлар тўрт қисмга бўлинади: макромуҳит таҳлили, мезомуҳит таҳлили, микромуҳит таҳлили; корхона ички муҳити таҳлили. Мазкур жараённи амалга оширишдан мақсад самарали маркетинг маълумотлари тизимини шакллантиришдир. Иккинчи босқич товарлар ассортиментини таҳлил қилиш ва ассортимент қаторини оптималлаштириш стратегиясини танлашдан (тўғрилашдан) иборат. Учинчи босқичда товарлар ассортименти бўйича маркетинг бошқаруви тизими фаолиятини назорат қилиш амалга оширилади.

Товарлар ассортименти бўйича маркетинг бошқаруви тизимидаги ушбу уч босқичнинг ҳаммасида цикллилик мавжуд: узлуксиз мониторингни амалга ошириб бориш натижалари бошқарув субъектини ва зарурий элементларни биринчи босқичга, яъни маълумот тўплаш ва таҳлил қилишга, ундан сўнг, товарлар ассортименти бўйича бошқарув стратегиясига тузатишлар киритишга қайта йўналтириши мумкин.

Тадбиркорлик фаолиятида товарлар ассортименти бўйича маркетинг бошқаруви тизими икки кичик тизимдан таркиб топади:

-бошқарув объекти;

-бошқарув субъекти.

Бошқарув объектини тадбиркорлик субъекти товарлар ассортименти, субъекти эса товарлар ассортименти бўйича маркетинг бошқаруви жараёнида функцияляраро боғлиқликларни ҳосил қилувчи унинг бўлимлари йиғиндиси ташкил этади.

Тадбиркорлик фаолиятида товарлар ассортименти бўйича маркетинг бошқаруви жараёнини амалга оширишдан мақсад асосида истеъмолчилар талабини қондириш ва тадбиркорлик субъекти фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини ошириш ётган товарлар ассортиментини таклиф этишдан иборат.

Шундай қилиб, оптимал товарлар ассортименти икки мезонга асосланади:

1. Истеъмолчилар талабини қондириш - маълум истеъмолчилар гуруҳининг сон ва сифат бўйича талабларини қондириш.

2. Корхона самарадорлиги - ишлаб чиқариш ресурсларидан ўта самарали фойдаланилишини таъминлаш, ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулот сотиш харажатларини камайтириш.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида бизнесни ривожлантиришнинг энг замонавий босқичи унинг умуман маркетингга қай даражада урғу бериши ҳисобланади. Маркетингга тўлиқ урғу қаратган тадбиркорлик субъектлари ўз амалиётларини истеъмолчи талабидан келиб чиқиб амалга оширади. Маркетинг ёпиқ цикл сифатида баҳоланади ва бу циклда истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш натижасида истеъмолчи талаб ва хоҳишлари янада аниқроқ аён бўлади ва бунинг натижасида, тадбтркорлик субъекти, шунга қараб, янада яхшироқ товарлар ишлаб чиқиш имконига эга бўлади, деб қаралади. Модомики, бозор иқтисодиёти шароитда тадбиркорлик субъектлари фаолияти фойда олиш, рақобат ва нархлар тебранишига асосланар экан, бошқарув тизимида маркетинг марказий ўринга чиқади. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг реал ва потенциал истеъмолчиларига мўлжал олган тадбиркорлик субъектини фақатгина маркетинг тамойилларидан фойдаланган ҳолда барпо этиш мумкин.

***Манба ва адабиётлар:***


*1. Николаева М.А. Товароведение потребительских товаров. – М.: Норма, 2012. – 342 с.*

*2. Хубулава Н.М. Организация и управление малым бизнесом (теория и практика). – М.: Издательский комплекс, 2009. – 189 с.*

*3. Зотов В.В. Ассортиментная политика фирмы. Учебно-практическое пособие. – М.: ЭКСМО, 2006. – С. 236.*

*4. Ходиев Б.Ю., Қосимова М.С., Самадов А.Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2010. – 267 б.*

*5. Ғойибназаров Б.К., Раҳмонов Ҳ.О., Отажонов Ш.И., Алматова Д.С. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик – мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётини юксалтириш омили. – Т.: Фан, 2011. – 184 б.*

# ЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИГА БИРЛАШИШНИНГ ИЖОБИЙ ВА САЛБИЙ ТОМОНЛАРИ

**Шарипов Фарход Гоипович**

Мустақил изланувчи, и.ф.н., Тошкент молия институти

***Аннотация.*** Ушбу мақола ташқи савдони эркинлаштиришда жаҳон хўжалиги ривожланишининг асосий тенденцияларидан бири эканлиги ҳақида, шунингдек, ЖСТ ўз ташкилий тузилиши ва моҳияти жиҳатидан кўп томонлама савдо тизимининг ҳуқуқий ва институционал асосини ташкил этиши, ЖСТнинг асосий вазифалари, принциплари ва қоидалари ҳақида маълумот берилган.

***Таянч тушунчалар:*** савдони эркинлаштириш, савдо сиёсати, товарлар савдоси, хизматлар савдоси, мамлакатлараро савдо, ички ва ташқи товар, халқаро ташкилот

***Аннотация.*** В данной статье речь идет о том, что либерализация внешней торговли является одним из основных направлений в развитии мировой экономики. А также дана информация о ВТО с точки зрения ее организационной структуры и характера многосторонней торговой системы, правовых и институциональных рамках, принципов и положений, основных функций.

***Ключевые слова:*** либерализация торговли, торговая политика, торговля товарами, торговля услугами, внутренней торговли, внутренней и внешней торговли, международны организации

Жаҳон хўжалигида кечаётган жараёнларни таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, ташқи савдони эркинлаштириш жаҳон хўжалиги ривожланишининг асосий тенденцияларидан бирига айланмоқда. Барча мамлакатларда божхона божларининг пасайиши, кўплаб турдаги чеклаш ва квоталарнинг бекор қилиниши кузатилмоқда. Шу билан бирга, айрим товарлар бўйича унга акс тенденция ҳам мавжуд бўлиб, у энг аввало, протекционистик чора-тадбирларнинг сақланиб қолаётганлиги ва ҳатто кучаяётганлиги билан тавсифланади. Хусусан, тўқимачилик саноати ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдосида тарифларнинг юқорилиги кузатилмоқда.

Кўплаб мамлакатлар яширинча протекционистик чора-тадбирлардан кенг фойдаланадилар. Бундай чора-тадбирлар жумласига миллий ишлаб чиқариш турларига дотациялар бериш, экспортни субсидиялаш, турли хил меъёрлар ва стандартларнинг жорий этилишини киритиш мумкин. Жаҳон хўжалигида эркин савдо ва протекционизм ўртасида вужудга келаётган зиддиятларни ҳал этишда халқаро савдони бошқариш, унинг тараққиётига бўлган тўсиқларни йўқ қилиш ва эркинлаштиришда халқаро иқтисодий ташкилотлар, хусусан, Жаҳон Савдо Ташкилоти (ЖСТ) муҳим ўрин эгаллайди.

ЖСТ ўз ташкилий тузилиши ва моҳияти жиҳатдан кўп томонлама савдо тизимининг ҳуқуқий ва институционал асоси ҳисобланади. У давлат томонидан ички қонунчилик ва савдога оид қарорлар қандай шакллантирилиши ва ҳаётга татбиқ этилишини белгиловчи асосий шартнома – мажбуриятларини таъминлаб беради.

ЖСТ 1995 йил 1 январда ташкил топган бўлиб, у Уругвай раунди натижаларининг ҳаётга татбиқ этилиши ҳамда Тариф ва Савдо тўғрисидаги Бош битим (ГАТТ, яъни GATT - General Agreement Tariffs and Trade)нинг қонуний вориси ҳисобланади.

ЖСТдан олдин фаолият кўрсатган ГАТТ иккинчи жаҳон урушидан сўнг вақтинчалик асосида ташкил топди. 47 йиллик фаолияти давомида ГАТТнинг ҳуқуқий матни деярли 1948 йилдаги каби сақланиб қолмай, унга шартномалар шаклида баъзи бир ўзгартиришлар киритилди ва доимо тарифларни пасайтиришга ҳаракат қилинди.

ЖСТнинг асосий вазифалари қуйидагилар-

дан иборат:

- кўп томонлама савдо битимларини тартибга солиш ва амалга ошириш;
- кўп томонлама савдо музокаралари учун форум сифатида фаолият кўрсатиш;
- савдо соҳасида вужудга келадиган баҳс-мунозараларни ҳал этиш йўлларини излаш;
- миллий савдо сиёсати устидан назорат юритиш;
- глобал иқтисодий сиёсат шаклланишида қатнашувчи бошқа халқаро муассасалар билан ҳамкорлик қилиш.

ЖСТ битимлари 29 та алоҳида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз ичига олади. Бу матнлар ЖСТга аъзо мамлакатлар вазирлари кафолатлари даражасида қабул қилинган яна 25 та қўшимча баёнот, қарорлар ва келишувлар билан мустаҳкамланган. Бу ҳужжатлар бир бутун ҳужжатлар тизимини ташкил этади. Бу шуни англатадики, ЖСТга аъзо бўлаётган барча мамлакатлар ушбу ҳужжатларни ҳеч бир истисносиз қабул қилиши шарт. Бу соҳадаги ягона имтиёз келишувларни амалга ошириш муддатининг турличалигидир: ривожланаётган мамлакатлар ва баъзи ҳолатларда ўтиш даври мамлакатлари учун мазкур муддат бир мунча узоқроқ қилиб белгиланган.

ЖСТнинг олий органи Савдо вазирлари конференцияси ҳисобланади. У икки йилда камида бир марта чақирилади. Вазирлар конференцияси ҳар қандай кўп томонлама савдо битимлари доирасида барча масалалар бўйича қарор қабул қила олади.

Вазирлар конференцияси сессиялари оралиғида, ЖСТга аъзо мамлакатлар вакилларидан ташкил топган Бош кенгаш асосий ишларни олиб боради. У жорий масалаларни ҳал этиш учун заруратга қараб чақирилади (бир йилда 8-10 марта). Бундан ташқари, Бош кенгаш Низоларни ҳал этиш органи ва Савдо сиёсати бўйича орган фаолиятини тартибга солиб туради.

ЖСТнинг Вазирлар конференцияси Савдо ва ривожланиш бўйича қўмитани, тўлов балансининг мувозанатини таъминлаш мақсадида Чекловлар бўйича қўмитани, Бюджет, молия ва маъмурият бўйича қўмитани, Савдо ва атроф-муҳит бўйича қўмитани, шунингдек, минтақавий савдо битимлари бўйича қўмитани таъсис этади.

Вазирлар конференцияси ЖСТнинг Бош директорини тайинлайди. Бош кенгаш раҳбарлигида Товарлар савдоси бўйича кенгаш, Хизматлар савдоси бўйича кенгаш ва Интеллектуал мулк ҳуқуқининг савдо жиҳатлари бўйича кенгаш фаолият кўрсатади. Ушбу кенгашлар доирасида Битимлар бўйича Қўмиталар ва музокара гуруҳлари таъсис этилади.

Ташкилотнинг ижроия органи Швейцариянинг Женева шаҳрида жойлашган ЖСТ котибияти ҳисобланади.

ЖСТнинг ҳуқуқий механизми учта асосий қисмдан иборат: 1994 йилги таҳрирдаги Савдо ва тарифлар бўйича Бош битим (ГАТТ-1994), Хизматлар савдоси бўйича Бош битим (General Agreementof Tradingof Service) ва Интеллектуал мулк ҳуқуқларининг савдо жиҳатлари бўйича битим (General Agreementof Tradingof Intellectual Property).

ЖСТнинг асосий принциплари ва қоидалари қуйидагилардан иборат:

- ЖСТга аъзо мамлакатлар ўзаро савдода бир-бирларига энг қулай шарт-шароитлар режимини тақдим этиши;
- савдони тартибга солишда божхона тарифларидан устун даражада фойдаланиш. ЖСТга аъзо мамлакатларда миқдорий чеклашлар эмас, балки божхона тарифлари ташқи савдо сиёсатининг, миллий бозорлар ва саноат тармоқларини ҳимоя қилишнинг асосий воситаси ҳисобланади;
- хорижий товарлар учун ўзаро миллий режимни тақдим этиш;
- алоҳида келишилган ҳолатлардан (масалан, тўлов баланси мутаносиблигини таъминлаш мақсадида амалга оширилган чора-тадбирлар) бошқа пайтларда савдода миқдорий чекловлардан воз кечиш;
- савдо сиёсатининг ошкоралиги, хусусан, ЖСТга аъзо ҳар бир мамлакат ташқи савдо фаолиятини тартибга солувчи қонунлар ва қарорларни очиқ нашр қилиши ва ЖСТга тақдим этишлари лозим;
- ЖСТга аъзо мамлакатларнинг божхона иттифоқлари ва эркин савдо зоналарини ташкил этиш ҳуқуқлари.

ЖСТ шартномалари режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар учун муҳим қоидаларни ўзида акс эттиради. Мазкур мамлакатларга ЖСТга аъзо бўлган вақтдан бошлаб етти йил давомида зарурий ўзгаришларни амалга ошириш учун субсидиялардан фойдаланган ҳолда чора-тадбирлар ва дастурлар қўллашга рухсат берилади.

Кўп томонлама савдо тизимини мустаҳкамлашнинг мухим йўналишларидан бири ЖСТ томонидан тартибга солинадиган соҳаларда савдони янада эркинлаштириш ҳисобланади. Бу эса қуйидагиларни кўзда тутади: биринчидан, тарифларнинг янада пасайиши. Гарчи ривожланган мамлакатларда тариф ставкалари паст бўлсада, кўплаб турдаги алоҳида товарларга нисбатан тарифлар фоизи юқори даражада сақланиб қолмоқда. Ривожланган мамлакатларга нисбатан тариф ставкалари юқори бўлган ривожланаётган мамлакатлар олдига ҳам тариф ҳимоясини пасайтириш вазифаси

қўйилган;

иккинчидан, барча мамлакатларда миқдорий чеклашларга барҳам берилиши;

учинчидан, тўқимачилик ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдосини эркинлаштириш.

Интеллектуал мулк ҳукуқи соҳасида ЖСТ баъзи бир умумий хусусиятдаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиши лозим. Хусусан: интеллектуал мулк ҳуқуқи ҳимоясининг минимал стандартларини таъминлаш, ушбу соҳада юзага келадиган низоли вазиятларни ҳал этишнинг қонуний жиҳатларини ишлаб чиқиш.

Ҳозирги кунда ЖСТ иштирок этиши лозим бўлган масалалар қаторига трестларга қарши қонунлари, хорижий инвесторлар учун чек-ловлар, ёлланма ишчилар ҳуқуқлари ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва мазкур жараёнларда ЖСТ қай даражада иштирок этишини ҳал этишдан иборат.

ЖСТ ташкил топгандан сўнг бир қатор ривожланган мамлакатлар савдо режимини меҳнат ва экология стандартлари билан боғлиқликда амалга ошириш таклифи билан чиқмоқдалар. Бу таклифнинг моҳияти шундан иборатки, мазкур стандартлар паст бўлган мамлакатлар ишлаб чиқариш харажатларининг пастлиги туфайли "нобозор" рақобат афзаллигига эга бўлмоқда. Бу меъёрларнинг ЖСТ томонидан қабул қилинишидан, энг аввало, ривожланаётган мамлакатлар кўпроқ зарар кўради.

Бугунги кунда ЖСТ унга аъзо мамлакатлар учун кўп томонлама савдо шартномалари вазифасини ҳам бажаради ва бир неча минглаб икки томонлама шартномалар ва битимлар тизимининг ўрнини босади. Бу ЖСТга аъзо мамлакатларга кўплаб афзалликларни тақдим этади. Бундан ташқари, жамоавий муҳокамалар, келишувлар ва келишмовчиликларни ҳал этиш жараёнида ЖСТ мамлакатлар ўртасида савдо муносабатлари шаклланадиган форум ҳам ҳисобланади.

ЖСТнинг ҳуқуқий тизими унга аъзо мамлакатлар ўртасида чеклашларсиз савдони таъминловчи икки ҳуқуқий қоидага асосланади, энг қулай шарт-шароитлар режими (Most favourited nation) ва миллий режим (National regims). ЖСТ ҳуқуқий тизимининг икки асосий қоидаси[1]:

- Энг қулай шарт-шароитлар режими (Most favourited nation) – аъзо мамлакатлар бошқа аъзо мамлакатлар томонидан тақдим этилган товарларга мазкур ташкилотга аъзо бўлмаган жаҳоннинг ҳар қандай мамлакати томонидан тақдим этилган товарларга нисбатан қулай савдо шарт-шароитларини тақдим этишлари шарт;
- Миллий режим (National regims) – ҳар қандай мамлакат ички бозорида импорт товарлари пайдо бўлган ҳолатда, у ўзида ишлаб чиқарилган товарларга қўлланилаётган режимга нисбатан камроқ қулайлик яратмаслиги лозим.

Айрим товарлар рақобатбардошлиги бозорнинг ўзгариши ёки анча арзон ва сифатли товарлар ишлаб чиқувчи юксак технологияларнинг жорий этилиши натижасида бир компаниядан иккинчи компанияга ўтиши мумкин. Тарих ва тажриба кўрсатмоқдаки, имкониятларга эга айрим мамлакатлар, айтайлик меҳнат кучи ёки табиий захираларга сарф-харажат борасида, иқтисодиётларидаги ўзига хос тараққиёт туфайли айрим товар ва хизматлар борасида норақобатбардош бўлиб қолишлари мумкин. Бироқ, очиқ иқтисодиёт таъсирида улар бошқа соҳаларда рақобатбардош бўлиб қолишлари мумкин. Қанчалик савдо тизими протекционизм чораларини кам қўллаб фаолият юритса фирмалар ўз ўринларини сақлаб қолишга қаратилган ёки янги маҳсулотлар ишлаб чиқишга интилиб, янги товарлар ишлаб чиқишда шунчалик иқтисодий асосланган қарорлар қабул қиладилар. [2]

Импортни ҳимоя қилиш ва доимий давлат субсидияси бозорга эски, норақобатбардош товарлар етказиб берувчи, фойдаси кам компанияларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Бунинг натижасида корхоналар ёпилиб, ҳимоя ва субсидияларга қарамай бандлик муаммолари юзага чиқади. Агарда ўзга давлатлар ҳам айнан мана шундай сиёсат юритсалар контрактлар сони қисқаради ва жаҳон иқтисодиёти ривожланиш даражаси камаяди. ЖСТнинг асосий мақсадларидан яна бири бундай ўзини-ўзи ҳимоя қилишнинг олдини олиш ва протекционизм қўлланишини бекор қилишдан иборат. ЖСТ мамлакатлараро савдо қоидаларини бошқариб турувчи ягона халқаро ташкилот ҳисобланади. ЖСТ асосини бир гуруҳ савдо мамлакатлари томонидан келишилган ва имзоланган Битимлар ташкил этади. Бу Битимлар халқаро тижорат учун ҳуқуқий тизимни тақдим этадилар. Улар муҳим келишилган ҳужжатлар бўлиб, давлатлар ўз савдо сиёсатларини келишилган мезонларда олиб боришларида масъулият юклайди. Битимлар мамлакатлар ҳукуматлари томонидан келишилган ва имзоланганлигини инобатга олган ҳолда, уларнинг мақсади жаҳон бозорида муваффақиятли фаолият юритишда товарлар ва хизматлар ишлаб чиқувчиларига, экспорт қилувчилар ва импорт қилувчиларга кўмак беришдан иборат [3].

Савдо тизимини бошқариш учун ЖСТ принциплари.

ЖСТ битимлари кенг миқёсли ва комплекслидир, чунки улар кенг доирада жаҳон савдоси масалаларини қамраб олувчи юридик ҳужжатлар ҳисобланади. Барча битимлар негизида бир нечта оддий, фундаментал принциплар ётади, жумладан: Мумкин қадар қулайлик бериш режими принципи (ҚБР). ҚБР низомига биноан аъзо мамлакатларнинг ҳар бири ўзга барча аъзоларга савдо шериклари сифатида тенг шароитларни қўллайди. Агар бирор-бир мамлакат ўзга савдо шеригига имконият берса, у ҳолда худди шундай режим ЖСТ бошқа аъзо мамлакатларига ҳам мазкур принципнинг ишлашини таъминлаш учун қўлланиши шарт. Истисноларни қўллашга ижозат берилади. Масалан, мамлакатлар шу гуруҳлардан ташқарида товарлар савдосини амалга оширишга қўлланилмайдиган минтақавий битимлар тузишлари мумкин. Ёки бўлмаса, мамлакат савдони ноқонуний йўллар билан амалга оширувчи муайян давлат товарларига тўсиқ қўйиши мумкин. Хизматлар кўрсатиш бўйича ҳам мамлакатлар муайян чеклашларга риоя этишда истисноларни қўллашлари мумкин. Битимлар бундай истисноларни қўллашга изн беради, бироқ белгиланган муайян шартларга риоя этган ҳолда. Умуман, ҚБР низомида ЖСТ қоида ва низомларини белгилашда устун туради.

Дискриминациясиз савдо. Мамлакат ўз савдо шериклари ҳамда мамлакат ва хорижий товарлар, хизматлар ва шахслар ўртасида дискриминация ўтказмаслиги керак. Савдо тўсиқларини бартараф этиш. Музокаралар ўтказиш орқали мавжуд савдо тўсиқларини аста-секин бартараф этиш. Башорат этиладиган савдо. Хорижий инвесторлар, компания ва ҳукуматлар савдо тўсиқлари (жумладан, тарифлар, нотариф тўсиқлари ва бошқалар) асоссиз жорий этилмаслигига ишонч ҳосил қилишлари шарт ва бозорни эркинлаштириш мажбуриятлари ЖСТга «боғланади». Рақобатбардошликни такомиллаштириш. ЖСТ қоидалари экспортни субсидиялаш ва демпинг каби «ноадолатли» фаолиятларига тўсқинлик қилади. Етарли даражада ривожланмаган давлатлар учун қулай шарт-шароитлар. Етарли даража ўтиш даври ва махсус режимлар тақдим этиш[4].

Шундай қилиб, ҳозирги кунда ички ва ташқи товар алмашуви ўртасидаги тафовутлар тобора пасайиш тенденциясига эга бўлмоқда. Натижада миллий иқтисодий тизимлар ўртасидаги алоқалар тобора чуқурлашиб бормоқда. Бу эса кўплаб мамлакатлар ва кўплаб ташқи савдо муносабатлари шаклларини ўз ичига олган ягона ҳуқуқий ва маъмурий кенглик барпо этиш йўналишида муҳим қадам қўйилаётганлигини билдиради. Бундай шароитда ЖСТга аъзо мамлакатлар халқаро савдо муносабатларининг енгиллашиши, унга аъзо бўлмаган мамлакатлар ташқи иқтисодий фаолиятининг мураккаблашуви кузатилади.

ЖСТга аъзо бўлиш мамлакатларга прогноз қилинадиган ва барқарор савдо доирасида бўлиш орқали ўз тараққиёт стратегия ва савдо сиёсатларини ишлаб чиқишларига имконият беради. ЖСТга аъзолик ривожланиш миллий сиёсати мақсадларига эришишнинг асосий элементи сифатида қаралиши керак. Бу мақсадлар мамлакат музокаралар жараёнига киришишдан анча аввал, аъзолик шартлари, яъни товар ва хизматлар бозоридан хорижликларнинг фойдалана олишида махсус ён босишлар ва мажбуриятлар мазкур сиёсат параметрлари (қишлоқ хўжалик ва саноат субсидиялари, интеллектуал мулк савдоси ва ҳуқуқига дахлдор инвестиция сиёсати ва бошқалар) ЖСТ битмларидаги мажбуриятлар билан мутаносиб бўлиши аниқ белгилаб олинган бўлиши шарт. Мақбул асосларда ЖСТга аъзо бўлиш юқори даражада тайёргарликни талаб этувчи узоқ муддатли қийин ва мураккаб жараён сифатида қаралиб, миллий манфаатларга риоя этиш ва уни самарали ҳимоя этиш учун давлат идоралари орасида мувофиқлаштирилиши лозим. Шу сабабли ЖСТ аъзо мамлакатлари билан жиддий музокаралар олиб борилади. Бундай музокараларда келгуси бир неча йил мобайнида мамлакатларнинг савдо ва сиёсий ривожланишларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган стратегик ва узоқ муддатли масалаларни кўриб чиқадилар.

Ўзбекистон аста-секинлик билан ЖСТ аъзоси мажбуриятларини ўз зиммасига олмоқда. Ушбу халқаро ташкилот томонидан кўзда тутилмаган воситалардан босқичма-босқич воз кеча бошлайди. Бунда миллий иқтисодиётга жиддий фойда келтира олмайдиган воситаларни имкон қадар тезроқ бекор қилиш ва токи улар ўз ролини охиригача ўйнамагунга қадар, таркибий қайта қуришга жиддий ёрдам кўрсатиши мумкин бўлган воситалардан фойдаланишга ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқ.

Бундай ёндашув Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига тўлиқ интеграциялашувини изчиллик билан таъминлашга имкон берадиган ташқи савдо режимини янада эркинлаштириш билан боғлиқ барча масалаларни комплекс тарзда ҳал этишни таъминлайди.

Ҳозирги пайтгача Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши доирасида қуйидаги ишлар бажарилган.

- 1994 йилдан бошлаб Ўзбекистон ЖСТ кузатувчиси мақомига эга бўлиб, ушбу ташкилотга аъзо бўлиш учун ариза берган.

• 1998 йил ҳукумат қарори (14.12.98 й. 520-сонли ВМҚ) ташкилотга аъзо бўлиб кириш жараёнида вазирликлар ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштиришни амалга оширувчи ЖСТ билан ишлаш бўйича Идоралараро комиссия ташкил этилди.

Ўзбекистоннинг (ЖСТ)га аъзо бўлиб кириши ҳақидаги музокараларнинг ахборот босқичи якунлангач, ЖСТга аъзо мамлакатлар Ўзбекистоннинг божхона тарифларига нисбатан дастлабки таклифлари билан танишиб чиқдилар. Ишчи гуруҳларнинг тўртта йиғилиши ўтказилди. Ўзбекистоннинг аъзо бўлиб кириши шартлари бўйича маслаҳатлар (икки томонлама ва кўп томонлама) бошланди. Ташкилотга қўшилишга тайёргарлик асосий босқичида олдинда турган бўлиб, унинг давомида ЖСТ манфаатдор аъзо-мамлакатлари билан икки томонлама асосда бу мамлакатларнинг Ўзбекистон ички бозорига кириши бўйича Ўзбекистоннинг муайян мажбуриятлари келишиб олинган. Шу аснода биз учун энг қулай шароитларда Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиб кириш имкониятлари қандай эканлиги ва тариф мажбуриятлари бўйича музокараларнинг ҳал қилувчи босқичида Ўзбекистон қайси позицияларни эгаллаши лозимлигини аниқлаштириб олиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон стратегияси ЖСТга қўшилиш бўйича ўтиш даврида объектив жиҳатдан қарама-қарши бўлиши, ўз ички бозорини импортчилар экспансиясидан имкон қадар максимал ҳимоя қилиши, иқтисодиётни модернизация қилиш ва шу асосда унинг рақобатбардошлигини ошириш учун вақт ютиши лозим.

ЖСТга қўшилиш – Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалик алоқаларига янада интеграциялашувининг зарурий шартидир. Бироқ бу ташкилотга нима қилиб бўлса ҳам аъзоликка эришишдан маъно бўлмаса керак. ЖСТга аъзо бўлиб киришнинг ўзи алоҳида бир мақсад бўлмаслиги лозим, ЖСТга аъзо бўлиб кириш вақти эмас, балки ЖСТга аъзо бўлиб кириш шартлари муҳим. ЖСТ билан музокараларни давом эттирган ва Мингйиллик Раундида кузатувчи сифатида иштирок этган ҳолда вақтдан маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини ошириш ва ички бозорнинг алоҳида секторлари ҳимоясини кучайтириш учун фойдаланиш лозим. Ўз-ўзидан, музокаралар учун яқин йилларга давлат тузулмавий сиёсатининг устуворликлари ҳамда импортни тартибга солиш механизмини такомиллаштириш ва экспортни қўллаб-қувватлаш дастури, жумладан, интеллектуал меҳнат маҳсулотлари ва хизматлари ҳақида яққол тасаввурга эга бўлиш лозим. Бундай тасаввурларга таянган ҳолда жаҳон савдо ҳамжамиятига қўшилиш мақсадида йўл қўйиши мумкин бўлган ён беришлар чегарасини аниқ белгилаш мумкин. Шунингдек, товарлар ва хизматлар айирбошлашни тартибга солишнинг миллий ва халқаро меъёрларини яқинлаштириш йўлидаги ҳар бир қадамдан умумий самарани (фойда ва йўқотишлар) батафсил ҳисоблаб чиқиш ҳам ортиқча бўлмасди [5].

Бундай шароитда Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиб кириш масалалари бўйича Олий Мажлисда махсус комиссия ташкил этиш фойдадан ҳоли бўлмасди. Комиссия икки ёқлама вазифани бажариши мумкин бўлади. Биринчидан, ҳукумат режасининг профессионал, комплекс ва холисона таҳлилини ташкил қилиш унга мос келувчи тузатишлар киритишга имкон беради. Иккинчидан, Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши ҳақидаги музокаралар бўйича ҳукумат комиссияси билан ўзаро алоқада олиб борилаётган ишларда ошкораликни таъминлаш, қарорлар ишлаб чиқиш жараёнига барча манфаатдор хўжалик тузулмалари ва илмий ташкилотларни, шунингдек, сиёсий ва жамоатчилик доираларини жалб қилиш, шу тариқа бир томонлама тармоқ лоббиси имкониятларини истисно қилиш.

***Манба ва адабиётлар:***


*1. Клушер И.П. Международные торговые договоры. Пг.Ю, 1992г.-с.45.*

*2. Фомичев В.И. Международная торговла. М.: ИНФРА-М, 1998г.с.55*

*3. “Торговля в будущее. Всемирная Торговая Организация”. Секретариат ВТО, 1999.с. 75*

*4. Данильцев А.В., Захаров А.В., Медведков М.Ю., Трудаева Т.А. “Основы торговой политики и правила ВТО” М.: Международные отношения, 2005. с. 448*

*5. Хафизова Г.Б. “Международная торговая политика в рамках Всемирной торговой организации” – Уфа: УГАЭС, 2008. с. 97*

# САНОАТ ИҚТИСОДИЁТИ
# ЭКОНОМИКА ПРОМЫШЛЕННОСТИ

## РЕСПУБЛИКА САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ ВА ВИЛОЯТ САНОАТИ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Махмудов Мираббос Фазлиддинович**

Мустақил тадқиқотчи, Тошкент давлат иқтисодиёт университети

***Аннотация.*** Мазкур мақолада Қашқадарё вилоятида саноат тизимининг ривожланиш тенденцияси таҳлил қилинган ва саноат ривожланишининг ҳудудий хусусиятлари аниқланган. Мақоланинг сўнгида Қашқадарё вилоятида саноатни барқарор ривожлантириш юзасидан амалий таклифлар берилган.

***Таянч тушунчалар:*** ҳудуднинг қиёсий устунлиги, ҳудуднинг индустриализация даражаси, саноатнинг ҳудудий хусусиятлари, ишлаб чиқариш салоҳияти, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш.

***Аннотация.*** В данной статье проанализированы тенденции развития промышленности в Кашкадарьинской области, определены территориальные особенности промышленного развития. В конце статьи высказаны предложения по устойчивому развитию промышленности в Кашкадарьинской области.

***Ключевые слова:*** сравнительные преимущества территории, уровень территории индустриализация, основных особенности отрасли, производственные мощности, локализация производств.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб мақсадли ҳудудий сиёсат олиб борилиб, чуқур институционал ўзгаришлар амалга оширилди. Бугунги кунда ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилиниб ва мақсадли ҳудудий дастурлар амалга оширилмоқда. Мазкур ишларнинг мантиқий давоми сифатида 2017 йилнинг январь ойида “Ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаменти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори қабул қилинган бўлса, жорий йилнинг февралига келиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли фармони билан “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” қабул қилинди[1].

Ушбу стратегиянинг учинчи йўналиши 3.5-бандида “Вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш” масаласи кўзда тутилган бўлиб, бунда минтақалар саноатини барқарор ривожлантириш, янги саноат корхоналарини қуриш, экспорт ва саноат салоҳиятини ошириш орқали минтақавий иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, ишлаб чиқариш объектларини жойлаштиришга қулай шарт-шароитлар яратиш каби бир қатор устувор вазифалар белгиланди.

Таъкидлаш жоизки, ҳудудларда саноатни барқарор ривожлантириш масаласи мамлакат учун доимо муҳим иқтисодий аҳамият касб этиб келган. Чунки, мамлакат саноатининг барқарор ривожланиши кўп жиҳатдан ҳудудий саноатни ривожлантиришга бевосита боғлиқ бўлиб, ҳудудий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, ҳудудларда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳамда мўлжалланган ҳудудий прогноз параметрларига эришиш каби вазифаларни амалга оширишда ҳудуд саноатининг салоҳиятидан самарали фойдаланиш қўйилган мақсадга тезроқ етишиш имконини беради.

Бугунги кунда республикамиз саноатини ривожлантиришда жуда катта ички ҳудудий салоҳиятга, жумладан, маҳаллий хом ашё ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта

ишлаш имкониятига эга бўлган Қашқадарё вилоятининг саноат салоҳиятидан самарали фойдаланиш долзарб иқтисодий аҳамият касб этади. Чунки, “... ички имконият ва захираларимизни ишга солишнинг энг муҳим йўналиши бизнинг заминимиздаги бой минерал хом ашё ва ўсимлик дунёси ресурсларини чуқур қайта ишлашни босқичма-босқич амалга ошириб бориш, шунингдек, юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва турини кенгайтиришдан иборат бўлиши керак”[9].

Статистик таҳлилларнинг кўрсатишича, Қашқадарё вилоятининг республикамиз саноатидаги улуши 2000 йилда 8,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2015 йилга келиб мазкур кўрсаткич 9,0 фоизни ташкил этди (1-расм).




*Манба: [2] асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.*

***1-расм. Қашқадарё вилоятининг республика саноатидаги улуши, (%)***

Юқоридаги графикда келтирилган статистик маълумотларга кўра, 2015 йилда Қашқадарё вилоятининг республика саноатидаги улуши 9,0 фоизни ташкил қилди ва у Тошкент шаҳри (республика саноатидаги улуши 19,4 фоиз), Тошкент (14,8 фоиз), Андижон (10,1 фоиз) ҳамда Навоий вилоятлари (9,5) дан кейин 5-ўринни банд этди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ҳудудларнинг республика саноатидаги улуши турлича бўлиши сабаблари жуда кўп омилларга боғлиқ. Хусусан, улар қаторига ҳудуднинг майдони, унинг қулай географик жойлашуви, иқлими, саноатнинг бой табиий хом ашё манбаи билан таъминланганлик даражаси, ишчи кучининг сифати ва миқдори, ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ривожланганлик даражаси каби бир қатор омилларни киритиш мумкин. Мазкур омиллар “ҳудуднинг қиёсий устунлиги”ни белгилайди ва ҳудуд саноатини ривожлантиришда етакчилик қилади.

Мамлакатимиз саноати таркибида Қашқадарё вилоятининг улуши 5-ўринда бўлса-да, бироқ, “ялпи ҳудудий маҳсулотда саноатнинг улуши” бўйича ушбу ҳудуд республикамизда Навоий вилоятидан сўнг 2-ўринни эгаллайди. Таҳлилларга кўра, 2000 йилда вилоятлар ялпи ҳудудий маҳсулотида саноатнинг улуши 30 фоиздан юқори бўлган ҳудудлар сони 1 тани (Навоий вилояти, ЯҲМда саноатнинг улуши 35,8 фоиз) ташкил этган бўлса, 2015 йилга келиб мазкур кўрсаткич бўйича ҳудудлар сони 2 тани (Навоий вилояти 45,0 фоиз ҳамда Қашқадарё вилояти 33,7 фоиз) ташкил этди (2-расм).

Вилоятларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотида саноатининг улуши (саноат тармоғи қўшилган қиймат ҳажмининг улуши) қай даражада эканлиги алоҳида иқтисодий аҳамият касб этади, мазкур кўрсаткич “ҳудудларнинг индустриализация даражаси”ни белгилайди [4].

Ҳудудлар индустриализация даражасининг ортиши вилоятларда саноат ишлаб чиқаришининг ривожланаётганлигини ифода этса-да, бироқ бундай ривожланиш унинг сифатий томонларини акс эттирмайди. Чунки, ҳудудий индустриализация даражасининг ортиши, вилоятдаги қайта ишловчи тармоқларга нисбатан ёқилғи хом ашё тармоқлари улушининг юқорилиги ҳисобидан ҳам содир бўлиши мумкин.

Олиб борилган таҳлилларга кўра, айнан юқоридаги ҳолат Қашқадарё вилоятида мавжуд бўлиб, унга кўра вилоят иқтисодиётининг хом ашёга йўналтирилгани иқтисодий ўсиш сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ушбу минтақа учун қайта ишлаш саноати ва юқори технологияли ишлаб чиқаришни жойлаштиришда тадбиркорликнинг ташаббускорлигини ривожлантириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади [5].

| | 2000 йил | 2015 йил |
|---|---|---|
| **30 % дан юқори** | Навоий (35,8 %) | Навоий (45,0 %)<br>Қашқадарё (33,7 %) |
| **20-30 %** | Тошкент в. (21,9 %) | Тошкент в. (29,2 %)<br>Тошкент ш.(21,8 %)<br>Андижон (20,5 %) |
| **10-20 %** | Тошкент ш. (19,0 %)<br>Қашқадарё (17,8 %)<br>Фарғона (16,7 %)<br>Сирдарё (15,0 %)<br>Бухоро (14,2 %)<br>Андижон (13,2 %)<br>Наманган (10,2 %) | Сирдарё (19,5 %)<br>Фарғона (17,7 %)<br>Бухоро (15,2 %)<br>Самарқанд (13,3 %)<br>Қорақалпоғистон (12,7 %)<br>Хоразм (11,9 %)<br>Наманган (10,7 %)<br>Жиззах (10,1 %) |
| **10 % дан кам** | Қорақалпоғистон (9,5 %)<br>Самарқанд (9,2 %)<br>Хоразм (8,5 %)<br>Сурхондарё (6,0 %)<br>Жиззах (5,4 %) | Сурхондарё (8,2 %) |

*Манба: [2] асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.*

***2-расм. Ялпи ҳудудий маҳсулотда саноатнинг улуши бўйича вилоятларнинг гуруҳланиши ва унда Қашқадарё вилоятининг ўрни***

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Қашқадарё вилоятида саноат маҳсулотининг ўсиш суръати республика бўйича кўрсаткичга нисбатан анча юқори бўлиб, жумладан, вилоятда саноат маҳсулотининг энг юқори ўсиш суръати 2008 йилда (118,9 фоиз) қайд этилган бўлса, энг қуйи ўсиш суръати 2010 йилга (96,8 фоиз) тўғри келди (3-расм).




*Манба: [6-8].*

***3-расм. Республика бўйича ва Қашқадарё вилоятида саноат маҳсулотининг ўсиш суръатлари динамикаси (ўтган йилга нисбатан фоиз ҳисобида)***

Қайд этиш керакки, Қашқадарё вилоятида саноат маҳсулотининг ўсиш суръати 2010 йилда 96,8 фоизни, 2012 йилда эса 98,0 фоизни ташкил этган бўлса-да, бироқ мазкур қийматлар нисбий характерга эга бўлиб, қатор йиллар давомида вилоятда саноат ишлаб чиқаришининг мутлақ ўсиш тенденцияси кузатилди.

Қашқадарё вилояти саноатида меҳнат унумдорлигининг иқтисодий таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу кўрсаткич бўйича мазкур вилоят республика вилоятлари орасида энг юқори ўринда туради. Таҳлилларга кўра, Қашқадарё вилояти саноатида меҳнат унумдорлиги республика кўрсаткичига нисбатан анча юқорилиги билан тавсифланади (4-расм).




*Манба: [8].*

***4-расм. Республика бўйича ва Қашқадарё вилояти саноатида меҳнат унумдорлиги (саноатда 1 банд кишига минг сўм ҳисобида)***

Шу ўринда таъкидлашимиз лозимки, Қашқадарё вилояти саноатида меҳнат унумдорлигининг ўсиши, ёқилғи - хом ашё тармоқлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши ҳисобига эмас, балки қайта ишловчи тармоқлар ишлаб чиқаришининг ривожланиши ҳисобидан содир бўлмоғи лозим. Айни пайтда мазкур йўналишда республикамизда қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, бугунги кунда республикамиз хом ашёни жаҳон бозорида талаб катта бўлган маҳсулотга айлантириш учун қайта ишлашнинг 3 - 4 босқичли тизимига ўтишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган [9].

Бу тизимнинг мазмун-моҳияти шундан иборатки, у биринчи босқичда хом ашёни дастлабки қайта ишлаш, яъни ярим тайёр маҳсулотлар тайёрлаш, кейинги босқичда саноат асосида ишлаб чиқариш учун тайёр материалларга айлантириш, учинчи, якуний босқичда эса истеъмол учун тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни назарда тутади.

Бу борадаги дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ҳар бир турдаги бирламчи хом ашё, яъни ярим тайёр маҳсулотларни чуқур қайта ишлашдан тортиб, уни истеъмол учун тайёр маҳсулотга айлантиришгача бўлган якуний босқичга қадар бутун ишлаб чиқариш жараёнини кузатиб бориш зарурати пайдо бўлмоқда. Мухтасар килиб айтганда, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг хом ашёни чуқур қайта ишлашдан то уни тайёр маҳсулотга айлантиришгача бутун жараёнини сарфланган харажатларнинг мақсадга мувофиқлигини ва нечоғлиқ ўзини қоплашини асослаб берган ҳолда, прогноз қилишни таъминлаш даркор.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш натижасида 2030 йилда янги турдаги товарлар тайёрлашни ўзлаштириш асосида нефть-газ ва кимё соҳасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 3,2 баробар, рангли металл маҳсулотлари 2,2 марта, қора металлдан тайёрланадиган буюмлар 2,3 марта, кимё саноати маҳсулотлари, жумладан, минерал ўғитлар 3,2 баробар кўпайиши мумкин.

Замонавий технологиялар асосида пахта толасини ва мева-сабзавот маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ташқи ва ички бозорда талаб юқори бўлган тайёр, экологик тоза тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 2030 йилда 5,6 марта, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажмини эса 5,7 карра ошириш имконини беради.

Ташқи бозорларда харидоргир, юқори қўшимча қийматга эга бўлган замонавий тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва янги босқичга кўтариш тайёр маҳсулотлар экспортининг барқарор юқори ўсиш суръатларига эришишда, ҳеч шубҳасиз, катта замин туғдиради ҳамда юқори салоҳиятга эга бўлган ҳар бир турдаги истиқболли хом ашё ва ярим фабрикат бўйича чуқур қайта ишлашнинг 2020, 2025, 2030 йилларга мўлжалланган аниқ дастурига эга бўлиш учун мутлақо янги дастурий комплекс ёндашувни талаб этади.

Республикамиз жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш жараёнларини чуқур таҳлил қилиб, ўз ресурсларимиз ва имкониятларимизни реал баҳолаган ҳолда, 2030 йилга бориб мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажмини камида 2 баробар ошириш, бу йўлда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳисобидан саноатни жадал ривожлантириш ва ялпи ички маҳсулотда унинг улушини 40 фоизга етказиш, энергияни тежайдиган замонавий технологияларни кенг жорий этиш эвазига ялпи ички маҳсулот учун сарфланадиган энергия ҳажмини тахминан 2 баробар қисқартиришга эришиш вазифалари қўйилмоқда [9].

Юқорида қайд этилган республика миқёсидаги белгиланган вазифаларни амалга оширишда Қашқадарё вилоятининг иқтисодий имкониятлари ва саноат салоҳиятини инобатга олиш мақсадга мувофиқ бўлиб, бугунги кунда мазкур вилоят чуқур қайта ишлаш имкониятига эга бўлган бой маҳаллий хом ашё заҳираларига эгалиги билан алоҳида иқтисодий аҳамият касб этади. Мазкур имкониятлар ўз навбатида ҳудуддаги маҳаллий хом ашёлардан фойдаланиш асосида импортнинг ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради.

Ҳозирда вилоят саноатининг асосий тармоқларини ёқилғи, озиқ - овқат, енгил саноат, электроэнергетика ҳамда ун - ёрма каби саноат тармоқлари ташкил этади [2]. Бироқ, юқорида таъкидланганидек, мазкур ҳудудда улкан ишлаб чиқариш салоҳияти ва имкониятлари мавжуд бўлишига қарамай, ушбу вилоят саноат ишлаб чиқаришида ҳудудий номутаносиблик мавжуд. Жумладан, ҳудудий саноат ишлаб чиқаришининг бир жойга тўпланганлиги даражасига кўра, вилоят саноатида Қарши шаҳрининг улуши 11,3 фоизни, Ғузор туманининг улуши 23,7 фоизни ҳамда Муборак туманининг улуши 37,1 фоизни ташкил қилади. Вилоят саноат ишлаб чиқаришининг қолган ҳажми бошқа туманлар ҳиссасига тўғри келади [10].

Шунингдек, ўртача республика кўрсаткичига нисбатан вилоятда саноат ишлаб чиқариши паст даражада бўлган туманлар сони қуйидаги кўрсаткичларни ташкил этади (1-жадвал).

***1-жадвал***

***Қашқадарё вилоятида саноат ишлаб чиқариши паст даражада бўлган туманлар сони (ўртача республика кўрсаткичига нисбатан)***

| | 2000 йил | | | 2005 йил | | | 2015 йил | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 0,5 фоиздан кам | 0,5-1,0 фоиз оралиғида | 1,0 фоиздан юқори | 0,5 фоиздан кам | 0,5-1,0 фоиз оралиғида | 1,0 фоиздан юқори | 0,5 фоиздан кам | 0,5-1,0 фоиз оралиғида | 1,0 фоиздан юқори |
| Ўзбекистон Республикаси | 141 | 16 | 4 | 154 | 2 | 3 | 143 | 7 | 7 |
| Қашқадарё | 11 | | 2 | 11 | | 2 | 11 | | 2 |

*Манба: [10].*

Келтирилган статистик маълумотларга кўра, Қашқадарё вилоятида саноат ишлаб чиқариши ўртача республика кўрсаткичига нисбатан 0,5 фоиздан паст ҳамда 1,0 фоиздан юқори даражада бўлган туманлар сони 2000 йил, 2005 йил ва 2015 йилларда ўзгаришсиз қолган. Ҳолбуки, республика кўрсаткичига нисбатан 0,5 фоиздан паст бўлган туманлар сони камайиб, 1,0 фоиздан юқори бўлган туманлар сони кўпайиши лозим эди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган саноат ишлаб чиқариш борасида вилоят миқёсидаги мавжуд камчиликлар, бугунги кунда ҳудуднинг шаклланган саноат салоҳиятини янада ошириш ва ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланишни, бу эса ўз навбатида, ҳудуд саноатини комплекс ривожлантириш бўйича янгича ёндашувдаги “ҳудудий саноат дастури”ни ишлаб чиқишни талаб этади.

Бу масалада асосий эътиборни республикага бўйсунадиган йирик корхоналар кўрсаткичини чиқариб ташлаб, вилоят ялпи ҳудудий саноат маҳсулоти ҳажмига, ялпи ҳудудий саноат маҳсулоти таркибида эса, қайта ишловчи тармоқларнинг қўшилган қийматига қаратиш методологик жиҳатдан мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан ҳар бир ҳудуднинг ички имкониятлари ва шарт - шароитларини инобатга олган ҳолда муайян йилларга мўлжалланган “ҳудудларни ижтимоий - иқтисодий ривожлантириш стратегияси” ҳамда “ҳудудларни комплекс ижтимоий - иқтисодий ривожлантириш дастури” ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда (5-расм).




*Манба: [11].*

***5-расм. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш тартиби***

Бироқ, ишлаб чиқилаётган ҳудудларни ижтимоий - иқтисодий ривожлантириш дастурлари комплекс характерга эгалиги боис, мазкур дастурлар ҳудудий саноатни комплекс ривожлантириш масаласини тўлиқ қамраб олмайди. Шунинг учун, ҳар бир ҳудуднинг ишлаб чиқариш, экспорт ва инвестицион салоҳитини тўла инобатга олган ҳолда ҳудудий саноатни ривожлантириш ва тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Қашқадарё вилоятида ишлаб чиқилиши лозим бўлган ҳудудий саноат дастурида қуйидагилар назарда тутилмоғи мақсадга мувофиқ:

- вилоятда фойдаланилмаётган захира ва имкониятлар ҳамда хом ашё ва ресурсларга

бой мавжуд манбалардан оқилона фойдаланиш;

- тармоқларнинг ҳудуд билан узвий боғлиқликда ривожланишини таъминлаш;

- мавжуд саноат корхоналарининг тўла қувватда ишлатиш, бўш турган бино ва иншоотларда ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

- ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ҳамда мавжуд хом ашёни чуқур қайта ишлаш орқали юқори қўшимча қийматга эга бўлган юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқариш;

- янги иш ўринларини ташкил этиш орқали аҳоли бандлик даражасини ошириш.

Вилоятда саноат ишлаб чиқаришини ҳудудий жиҳатдан ташкил этишни қуйидагилар асосида тубдан такомиллаштириш лозим:

- қайта ишловчи саноат тармоқларининг замонавий, энергияни тежайдиган, юқори самарали технологияларни жорий этиш ҳисобига барқарор ривожланишини таъминлаш;

- вилоятдаги туманларнинг рақобатбардош устунликлари негизида экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришларни кенгайтириш;

-қурилиш материаллари саноатида сифат жиҳатидан жаҳон стандартларига жавоб берадиган янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш;

- маҳаллий қишлоқ хўжалиги хом ашёсини чуқур қайта ишлаш негизида, биринчи навбатда, тўқимачилик саноатида қайта ишловчи ишлаб чиқаришларни жадал ривожлантириш, вилоятнинг саноат корхоналарида пахта толаси ва мева - сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажмларини кўпайтириш;

- вилоятда маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш ва рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил этиш, йирик корхоналар филиалларини кенг ривожлантириш ва жойлаштириш;

- вилоятдаги мавжуд иқтисодий салоҳият, ресурслар ва яширин имкониятларни аниқлаш асосида ҳудуд иқтисодиётининг асосий тармоқларини модернизациялашга оид лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш.

Хулоса қилиб айтганда, вилоятда саноат корхоналарини ривожлантириш унинг барча шаҳар ва туманларида устувор йўналиш бўлиши, тармоқларни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган дастурларни оқилона мувофиқлаштириш, аниқ инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш натижасида саноат корхоналарини жойлаштириш билан боғлиқ таркибий силжишларга эришиш ҳамда вилоятда кичик саноат зоналарини яратиш ҳудуднинг саноат ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш имконини беради.

***Манба ва адабиётлар:***


*1. Махмудов Н.М., Хомидов С.О. Ўзбекистон саноати: ривожланиш омиллари, тенденцияси ва муаммолари. Монография. - Т.: “IQTISODIYOT”, 2017. – 105-б.*

*2. Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий статистик тўплами. Тошкент. 2014.*

*3. Назаров Ш.Х. Методологические аспекты повышения конкурентоспособности регионов / Монография. Ш.Х.Назаров. Ташкент: IFMR, 2014. 186 - с.*

*4. Назаров Ш.Ҳ. Ўзбекистон минтақалари рақобатдошлигини оширишнинг методологик асосларини такомиллаштириш. Докторлик диссертацияси автореферати. Т.: 2016. – 26-б.*

*5. Ўзбекистоннинг йиллик статистик тўплами 2008. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий статистик тўплами. Т.: 2009. 219-б.*

*6. Ўзбекистоннинг йиллик статистик тўплами. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий статистик тўплами. Т.: 2013. 204-б.*

*7. Ўзбекистон саноати 2016. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий статистик тўплами. Тошкент. 2016. 20-б.*

*8. Каримов И.А. Бош мақсадимиз - мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий - иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // “Халқ сўзи” газетаси. № 11 (6446). 2016 йил 16 январь.*

*9. Республика ҳудудларини 2016-2018 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини амалга ошириш бўйича маҳаллий ҳокимликларнинг долзарб вазифалари. Ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб этиш чоралари. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий - маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳарлар ҳокимларининг ўқув семинари тақдимот материаллари. Т.: 2016.*

*10. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирлигининг расмий веб - сайти. mineconomy.uz.*

# КОРХОНАНИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ – ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

**Астанакулов Олим Таштемирович**

И.ф.н., Тошкент молия институти

***Аннотация.*** Мақолада мамлакатимизда фаолият юритаётган корхоналарнинг экспорт салоҳияти ва мамлакатдаги ташқи савдо айланмаси, унинг таркибининг ўзгариш тенденциялари назарий ва амалий жиҳатдан ўрганилган. Шунингдек, миллий иқтисодиётимизда фаолият юритаётган қўшма корхоналар, улардаги муаммолар ҳамда ташқи савдо айланмасида экспорт ва импорт улушининг ўзгариш тенденциялари таҳлил килиниб, тавсиялар берилган.

***Таянч тушунчалар:*** корхона, инвестиция фаолияти, ташқи иқтисодий фаолият, қўшма корхона, хорижий инвестор, товар, ишлаб чиқариш, экспорт, импорт, ташқи савдо.

***Аннотация.*** В статье рассмотрены теоретические и практические аспекты изменения тенденции внешнеторгового оборота и экспортный потенциал деятельности производственных предприятий страны. Кроме того, приведены практические результаты анализа деятельности совместных предприятий, работающих в национальной экономике, изучены их задачи и изменения в доле внешнеторгового оборота экспортных и импортных тенденций и даны необходимые рекомендации.

***Ключевые слова:*** предприятия, инвестиций, внешней торговли, совместных предприятий, иностранных инвесторов, торговля, производство, экспорт, импорт, внешней торговли.

Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашда корхоналарнинг ташқи иқтисодий фаолият самарадорлигини ошириш, жумладан, жараённи халқаро андозалар даражасида йўлга қўйиш, янги вазифа ва муаммоларни ҳал этиш, бу борада назарий ва амалий билимларга эга бўлиш муҳим ўрин тутади. Шу сабабдан, корхоналар ташқи иқтисодий фаолияти, уларнинг ишлаб чиқариш кооперацияси, ташқи савдо, инновацион-инвестицион фаолияти юзасидан халқаро бозорга чиқиб, чет мамлакатларнинг субъектлари билан ўрнатилган ҳамкорлик алоқалари юзасидан тегишли хулосалар чиқариш, ушбу масала юзасидан самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан саналади. Чунки, ишлаб чиқаришни янгизамонавий техника-технологиялар билан жиҳозлаш орқали корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортиментини кенгайтириш, ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш ва ресурсларни тежаш, сифатни бошқариш ва сертификатлаш тизимини, чиқитсиз ва экологик тоза технологияларни, маҳаллий ресурслар асосида ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни жорий этиш мамлакатда рақобатбардош, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириш макроиқтисодий кўрсаткичлар барқарорлигини таъминлайди.

Бу мақсадларни рўёбга чиқаришда мамлакатимизда бир қатор ижобий ютуқларга эришилди. Лекин, ҳали бу соҳада ечилиши лозим бўлган муаммолар етарлича.

Бу борада мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Тармоқлар бўйича таннарх ўртача 10 фоизга қисқартирилган бўлса-да, кимё ва енгил саноат, автомобильсозлик, қурилиш материаллари ва бошқа бир қатор тармоқларнинг айрим маҳсулотлари қимматлиги сабабли ... ташқи бозорларда рақобатбардош бўла олмаяпти. Айрим корхоналар зарар билан ишламоқда” [1].

Кейинги йилларда жаҳон иқтисодиётида юзага келаётган салбий ҳолатлар республикамиз корхоналари томонидан экспорт қилинадиган маҳсулотларга жаҳон баҳосининг

пасайиши хавфини туғдирмоқда. Бунинг оқибатида мамлакат экспорт салоҳиятидан фойдаланиш даражаси пасайиш хавфи тобора ортиб бормоқда. Натижада мамлакат экспорти таркибида диверсификация жараёни сусташиб, экспортбоп товарларнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлик даражасига салбий таъсир кўрсатади.

Тадқиқот жараёнида 2005-2016 йилларда республикада рўйхатдан ўтган, лекин фаолият кўрсатмаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ишламаётганлик сабаблари алоҳида ўрганилди (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Республикадаги қўшма корхоналарнинг ишламаётганлик сабаблари [2]**

| Қўшма корхоналарнинг фаолият кўрсатмаслик сабаблари | Йиллар | | | |
|---|---|---|---|---|
| | 2005 | 2010 | 2015 | 2016 |
| Пул маблағларининг йўқлиги | 178 | 174 | 132 | 103 |
| Хом-ашё материалларининг етишмаслиги | 69 | 46 | 27 | 22 |
| Устав фондининг шаклланмаганлиги | 112 | 139 | 118 | 102 |
| Корхонанинг янги ташкил этилганлиги | 22 | 25 | 8 | 6 |
| Жиноий иш қўзғатилганлиги | 25 | 28 | 11 | 9 |
| Таъсисчилар томонидан мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги | 197 | 159 | 86 | 72 |
| Бошқа сабаблар | 96 | 122 | 59 | 43 |
| **ЖАМИ** | **699** | **693** | **441** | **357** |

Жадвал маълумотларидан кўриб тургани-миздек, 2005-2016 йилларда қўшма корхоналарнинг ишламаётганлиги асосан фаолият юритиш учун пул маблағларининг етишмаслиги, устав фондининг тўлиқ шаклланмаганлиги ва таъсисчилар томонидан мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги билан изоҳланади. 2005 йилда жами ишламаётган қўшма корхоналар сони 699 тани ташкил этган бўлса, 2016 йилга келиб уларнинг сони 357 тани ташкил этди. Агарда юқоридаги сабаблар бўлмаганида, яъни 2005 йилда 699 та қўшма корхона, 2016 йилда 357 та корхона ўз фаолия-тини олиб борганида эди, бу иқтисодий ўсиш суръатларининг янада ошишига, экспортбоп товарлар ишлаб чиқарилишига ва хизматлар кўрсатилишига эришилган бўлар эди. Шунингдек, миллий иқтисодиёт ташқи иқтисодий фаолият самарадорлигининг ошишига, янгидан-янги ишлаб чиқариш ва хизмат турларининг яратилишига олиб келарди.

Мамлакатимизда аксарият ҳолларда хорижий инвесторлар учун берилган солиқ имтиёзларидан етарлича фойдаланилмаётганлиги ва кўзланган самарага эришилмаётганлиги кузатилмоқда. Бунинг асосий сабаблари сифатида қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин: хорижий инвесторлар томонидан белгиланган имтиёзларнинг мазмун-моҳияти тўлиқ ўрганилмаганлиги; самарасиз ва наф бермайдиган имтиёзларнинг белгиланаётганлиги; хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий жиҳатдан беқарорлиги ва бошқалар.

Ушбу муаммоларни ҳал этиш кўп жиҳатдан мамлакатда экспорт кўламини кенгайтиришга ўзининг самарали таъсирини акс эттирувчи бозор механизмидан, инновацион ёндашиш ҳамда инновациялардан унумли фойдаланишни тақозо этмоқда. Бозор механизми экспорт қилувчи корхоналар олдида турган бир қатор амалий масалаларни самарали ҳал этишга имконият яратиб, инновацион ёндашишни ва шу орқали рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни талаб қилади.

Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши, миллий хўжалик алоқаларининг глобаллашуви ҳамда давлатлараро ташқи иқтисодий алоқаларнинг кенгайиши миллий иқтисодиётнинг ўсишига олиб келмоқда. Бу жараён, шунингдек, аҳоли фаровонлиги даражаси кўп жиҳатдан ҳар бир давлатнинг халқаро савдо ва меҳнат тақсимотидаги иштирокига, ташқи иқтисодий алоқалар афзалликларидан фойдаланиш даражасига боғлиқ. Бунда иқтисодиётнинг очиқлик даражаси муҳим аҳамият касб этади. У мамлакатда макроиқтисодий барқарорликка эришишда, қўшимча даромад олишга корхона миқёсида фойда ... ихтисослашув ишлаб чиқариш харажатлари ва бошқа харажатларни камайтириш, фойдасиз ишлаб чиқаришни йўқотиш,

ўзимизда ишлаб чиқарилмайдиган маҳсулот ёки хизматларга эга бўлиш имконини беради.

Ташқи иқтисодий алоқаларнинг асоси ҳисобланган ташқи савдо айланмаси, экспорт ва импортни ривожлантириш ички бозордаги чегараланган имкониятларинигина эмас, балки таклиф бозори ҳажмини ташқи омиллар эвазига кенгайтириш имконини яратмоқда. Бу миллий ишлаб чиқарувчилар рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, экспорт фаолияти давомида миллий ишлаб чиқарувчилар ташқи бозорда жиддий рақобатга дуч келадилар. Бу уларни доимо ишлаб чиқаришни замон талабларига мослаштириш, янги технология ва инновациялардан фойдаланиш маҳсулот ассортиментини янгилаб туриш ва таннархини пасайтиришга ундайди.

Демак, узоқ муддатли даврда рақобатбардош иқтисодиётни шакллантиришнинг муҳим шарти, миллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт фаолиятига инновацион жараён сифатида қараш миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминлаш ва аҳолининг реал даромадларини кескин оширишга, тўлов балансининг мустаҳкамланишига, шунингдек, сарф харажатларни қоплашнинг асосий манбаига эга бўлишга фақатгина экспортни рағбатлантириш сиёсатини кучайтириш орқали эришиш мумкин. Кейинги йилларда жаҳон хўжалигига интеграциялашув даражасининг кучайиши туфайли бу борада иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлашуви ҳамда изчил таркибий ўзгаришларнинг амалга оширилиши натижасида мамлакатимиз ташқи иқтисодий алоқаларининг барқарор ривожланишига эришилди.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган асосий экспорт товарларига жаҳон бозоридаги қулай нархлар коньюктураси 2011 йилда экспорт ҳажми ўсишининг асосий омилларидан бири сифатида сақланиб қолинди. Йил давомида дунё бўйича пахта ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши ва истеъмолнинг ошиши натижасида пахта хом-ашёси ва толасининг жаҳон бозоридаги нархларининг ўсиши давом этди. 2016 йилда ташқи савдо айланмаси умумий ҳажмининг 49,2 фоизини экспорт операциялари 50,8 фоизини импорт операциялари ташкил этди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ташқи савдо кўрсаткичларининг худудий таркибида бошқа мамлакатлар билан савдо муносабатларининг яхшиланганлиги кузатилмоқда (2-жадавал).

Кўриб чиқилаётган даврда хорижий мамлакатлар билан товар айирбошлаш 27,5 млрд. АКШ долларига тенг бўлди ва ўтган йилнинг шу даврдаги кўрсаткичига нисбатан 7,2 фоизга камайди. МДҲ давлатларидаги савдо ҳамкорлари билан ташқи савдо айланмасининг улуши 2005 йилдаги 37,7 фоиздан 2016 йилда 43,5 фоизга ошди.

**2-жадвал**

**Ташқи савдо айланмасида экспорт ва импорт улушининг ўзгариши (% ҳисобида) [3]**

| **Кўрсаткичлар** | **2005** | **2010** | **2014** | **2015** | **2016** |
|---|---|---|---|---|---|
| Ташқи савдо айланмаси | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 |
| МДҲ мамлакатлари | 37,7 | 49,2 | 40,9 | 43,1 | 43,5 |
| Бошқа мамлакатлар | 62,3 | 50,8 | 59,1 | 56,9 | 56,5 |
| **Экспорт** | | | | | |
| МДҲ мамлакатлари | 42,0 | 47,5 | 34,2 | 45,2 | 49,4 |
| Бошқа мамлакатлар | 58,0 | 52,5 | 65,8 | 54,8 | 50,6 |
| **Импорт** | | | | | |
| МДҲ мамлакатлари | 44,8 | 52,0 | 48,8 | 40,1 | 37,8 |
| Бошқа мамлакатлар | 55,2 | 48,0 | 51,2 | 59,9 | 62,2 |

Хорижий мамлакатларга пахта толаси, кимё маҳсулотлари, озиқ-овқат маҳсулотлари ва рангли металларни экспорт қилиш ҳажмининг энг юқори бўлиши кузатилди. Бироқ аввалгидек, МДҲ давлатлари озиқ-овқат маҳсулотлари, энергия манбалари, машина ва ускуналар сотиш учун, хорижий мамлакатлар эса пахта толаси, кимё маҳсулотлари, рангли металлар учун анъанавий бозор бўлиб қолмоқда.

Мамлакатга кириб келаётган импорт маҳсулотларини ҳам худудий ўзгариши кузатилди. Аниқроғи 2014 йилда МДҲ мамлакатларидан импорт ҳажми 40,9 фоиз бўлган бўлса, 2016

йилда бу кўрсаткич 49,4 фоизни ташкил этди. Хорижий давлатларнинг импорт улуши 2008 йилдаги 56,8 фоиздан 2013 йилда 57,8 фоизга ошди. МДҲ давлатлари энергия манбалари, қора ва рангли металлар бўйича, хорижий мамлакатлар эса озиқ-овқат товарлари, машина ва асбоб-ускуналар хизматлар бўйича асосий етказиб берувчилар бўлиб қолди.

Тайёр маҳсулот ва хизматларнинг экспортдаги улуши унинг жами ҳажмининг 50 фоиздан кўпроғини ташкил этади. Бу ҳолат мустақиллик йилларида ташқи савдо балансида энг юқори – 4,5 млрд. АҚШ долларидан ортиқ ҳажмидаги ижобий сальдо бўлишига имкон яратди. Натижада, республиканинг олтин валюта захиралари 3,8 баробарга кўпайди, бу энг аввало, ташқи бозор ўзгаришларига нисбатан иқтисодиётимиз барқарорлигининг мустаҳкамлигидан далолат беради.

2016 йилда кам улушга эга бўлган хизматлар сифати – 0,1 фоиз, компьютер ва ахборот хизматлари – 0,1 фоиз, юридик, бухгалтерия, маслаҳатчилик ва бошқарув хизматлари - 0,2 фоиз миқдорида юзага келди. Гарчи тиббиёт хизматларининг улуши унчалик кўп бўлмасада, айнан ушбу гуруҳда юқори ўсиш суръати қайд этилди – 225 фоиз.

2013 йилдан бошлаб импорт қилинадиган товарлар таркибида ҳам ижобий ўзгаришлар юзага келди. Импорт таркибининг янада оптималлашуви, республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва корхоналарнинг ишлаб чиқариш жараёни учун муҳим саналган маҳсулотларни, яъни машина ва асбоб-ускуналарни импорт қилиш ҳажмининг ошишини белгилаб берди.

Кимё маҳсулотлари ва улардан тайёрланган маҳсулотларнинг улуши 2005 йилда жами импорт ҳажмида 11,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2016 йилда ушбу кўрсаткич 14,4 фоизни ташкил этди. Бундан кимё маҳсулотлари импортининг 2016 йилда 2005 йилга нисбатан 1,5 фоизга камайганини кўриш мумкин. Ўтган йиллар мобайнида энг катта ўсиш энергия манбалари гуруҳида қайд этилган эди. Бироқ, жами импорт ҳажмидаги улуши бўйича ҳалигача асосий ўринни машина ва асбоб-ускуналар гуруҳи эгаллаб турибди. Бу курсаткич 2016 йилда жами импорт ҳажмининг 43,7 фоизини ташкил этди.




***1-Расм. 2005-2016 йилларда Ўзбекистонда импорт таркиби (умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида) [3]***

2016 йилда кимё маҳсулотлари ва улардан тайёрланган маҳсулотларнинг жами импорт ҳажмидаги улуши 14,1 фоизни, озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши эса 9,6 фоизни ташкил қилди. Озиқ-овқат маҳсулотлари 2005 йилда жами импорт маҳсулотлари улушининг 9,0 фоизини ташкил қилган эди. 2005 йилдан бошлаб бу кўрсаткич ўсиб борди ва 2016 йилда 9,6 фоизни ташкил этди. Ўтган давр давомида озиқ-овқат маҳсулотлари импортининг асосан шакар ва қандолатчилик маҳсулотлари, ун ва ёрма саноати маҳсулотлари ҳажмининг ўсиши ҳисобига ошиши кузатилган эди.

Юқоридаги таҳлиллардан шундай хулосага келиш мумкинки, мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялаш натижасида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар чет эл маҳсулотлари билан бемалол рақобатлаша олади. Шунинг натижасида мамлакатимиз ташқи савдосида экспортнинг

улуши тобора ортиб бормоқда.

Агар жадвал маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, 2012 йилга нисбатан мамлакатимиз МДХ мамлакатлари орасида Қозоғистон, Россия, Украина, Ғарбий Европа мамлакатларидан Франция, Осиё мамлакатлари ичида эса, Туркия, Хитой билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг кучаяётганлигини тасдиқловчи ижобий иқтисодий кўрсаткичларни кўриш мумкин (3-жадвал).

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда ташқи савдо айланмасининг худудий таркибида сезиларли ўзгаришлар содир бўлди. МДҲ мамлакатларига йўналтирилган республика ташқи савдоси географияси кенгайиб бормоқда. Республиканинг ташқи савдо алоқалари йўналишларини мустақил белгиланиши узоқ хориж ҳамда МДҲ мамлакатларининг бозорлари ўртасида республика товар оқимининг қайта тақсимланиши ва ҳозирги ҳолга келишининг асосий сабаби ҳисобланади. Келтирилган маълумотлар Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмасида дунё мамлакатларининг улушини кўришимиз мумкин. Экспорт бўйича ўнта давлат бутун йил давомида республикамизнинг етакчи савдо ҳамкорлари бўлишди. Дунё мамлакатларидан Россия, Қозоғистон, Корея, Туркия мамлакатларини етакчи сифатида эътироф этиш мумкин.

**3-жадвал**

**Дунё мамлакатларининг Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдосидаги улуши[3]**

| Мамлакатлар | Йиллар | | | |
|---|---|---|---|---|
| | 2012 | 2013 | 2014 | 2015 |
| Қозоғистон | 8,3 | 10,9 | 21,8 | 30,4 |
| Қирғизистон | 0,7 | 0,6 | 0,9 | 2,3 |
| Россия | 29,2 | 26,2 | 66,8 | 54,0 |
| Тожикистон | 0,6 | 0,5 | 2,1 | 2,0 |
| Туркманистон | 0,9 | 1,8 | 2,3 | 2,4 |
| Украина | 2,5 | 2,6 | 5,3 | 7,3 |
| Буюк Британия | 1,0 | 0,7 | 1,9 | 0,5 |
| Германия | 2,2 | 2,7 | 0,8 | 0,5 |
| Италия | 0,7 | 0,7 | 0,3 | 0,2 |
| Хитой | 9,5 | 10,2 | 24,8 | 33,0 |
| Корея | 6,4 | 7,4 | 1,9 | 1,0 |
| АҚШ | 0,8 | 1,0 | 0,8 | 0,7 |
| Туркия | 4,4 | 4,7 | 14,5 | 10,7 |
| Франция | 0,8 | 1,4 | 2,8 | 1,6 |
| Швейцария | 0,6 | 0,4 | 0,3 | 0,3 |
| Япония | 0,6 | 0,6 | 0,2 | 0,1 |

Мамлакатимизда экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришнинг салоҳиятидан самарали фойдаланиш бугунги кунда мамлакатимиз олдида турган долзарб иқтисодий масалалардан бири ҳисобланади. Ушбу ҳолат, бир сўз билан айтганда, мамлакат иқтисодиётини барқарор суръатда ўсиб боришига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Албатта, ушбу масаланинг муносиб ечимини қарор топтиришда бозор механизмини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш мақсадга мувофиқдир. Бу борадаги устувор йўналишлар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- эркин рақобат муҳитини яратиш орқали иқтисодиётни модернизация қилиш ва таркибий ўзгаришни чуқурлаштириш;
- юксак технологияларга асосланган ҳолда янги маҳсулот ишлаб чиқариш турларини ўзлаштириш асосида маҳаллий товарларнинг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини ошириш;
- маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ташқи бозор конъюнктурасига боғлиқлигини пасайтириш мақсадида ишлаб чиқаришнинг самарали диверсификациялашуви ва анъанавий тармоқлар экспортини таъминлайдиган хом ашё ресурсларини қайта ишлашни

чуқурлаштиришга қаратилган йўналишларга инновацияларни қўллаш.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, иқтисодиётнинг барча тармоқларида рақобатдошлик кўрсаткичининг ошишига эришиш, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш соҳасининг модернизация қилинишига, техник ва технологик қайта жиҳозланишига боғлиқ. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ўз-ўзидан мамлакатимизда товарлар ишлаб чиқариш жараёнида қўлланиладиган барча турдаги иқтисодий ресурслардан оқилона фойдаланишга асос бўлади. Мамлакатимизнинг замонавий техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда, ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар орқали нафақат ички бозорда, балки рақобат кураши кучайиб бораётган жаҳон бозорларида ҳам ўз ўрнини топишида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш жараёнлари муҳим аҳамият касб этади.

***Манба ва адабиётлар:***


*1. Ш.Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир шахс фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак.Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. 26-бет.*

*2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланди.*

*3. Турли йиллардаги статистик тўпламлар: Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденциялари ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари; Альманах Ўзбекистон 2011. Иқтисодий тадқиқотлар маркази, Тошкент 2011 йил.; Тенденции социально-экономического развития Узбекистана (2005-2014гг.)/под редакцией д.э.н. А.М.Садыкова/ Ташкент: IFMR, 2015.-112.; Экономика Узбекистана информационно-аналитический бюллетень за январь-июнь 2015 года; Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. Тошкент – 2015; Ўзбекистон рақамларда 2016, Узбекистан в цифрах, Ташкент – 2016.*

## ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

**Эшпўлатов Комил Абдисаломович**

Мустақил тадқиқотчи, Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети Тошкент шаҳридаги филиали

***Аннотация.*** Интеллектуал аср таълимни иқтисодий тараққиётнинг ҳал қилувчи омилига айлантирди. Ушбу мақолада таълим тизимининг самарадорлиги алоҳида илмий манбаларга таянган ҳолда таҳлил этилган.

***Таянч тушунчалар:*** таълим тизимининг самарадорлиги, билимлар, кўникмалар, узлуксиз таълим.

***Аннотация.*** В процессе глобализации интеллектуальное столетие превратило систему образования в решающий фактор экономического развития. В статье рассматриваются пути повышения эффективности системы образования.

***Ключевые слова:*** образование, знания, навыки, умения, эффективность системы образования, непрерывное образование.

Замонавий иқтисодиётда таълим даражаси икки хил хусусиятга эга:

биринчидан, аҳоли маълумотининг даражаси иқтисодиётга сармоя киритишга тайёр турган инвесторлар учун зарур малакага эга бўлган меҳнат ресурсларининг мавжудлиги ва меҳнат бозорининг уларга бўлган талабини қондириш учун етарлигини англатади;

иккинчидан, миллий таълим тизимининг кўлами ва таркиби иқтисодиёт тараққий этишига мутаносиблигини таъминлайди ҳамда ана шу салоҳиятни иқтисодий ўсиш ва аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қилишини билдиради.

Таълим тизимининг самарадорлиги унинг инсоннинг ўзига, жамиятга ва иқтисодиётга қандай наф келтириши мезонларига асосланади, яъни:

- шахс томонидан таълим даражаси ортиши натижасида даромадларининг кўпайишини ўқиш учун сарф қилинган маблағ ҳамда уй хўжалиги аъзосинининг ишлаш ўрнига таълим олганлиги оқибатида йўқотган даромадига таққосланиб баҳоланади. Шунингдек, шахс маълумоти даражаси ортишининг унинг иш топишига, самаралироқ ва манфаатлироқ иш жойига эга бўлишига таъсири ҳам ҳисобга олинади;
- жамият нуқтаи назаридан таълим тизимининг самарадорлиги ижтимоий кескинлик, ишсизлик, камбағаллик ва жиноятчиликнинг камайиши, аҳоли ижтимоий фаоллигининг ортиши ва ижтимоий масъулиятининг кучайишида намоён бўлади;
- иқтисодиёт нуқтаи назаридан кенг маънода таълим тизимининг самарали амал қилиши иқтисодий ўсишда, ички ялпи маҳсулотнинг ортишида ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигининг кучайишида ўз ифодасини топади.

Муайян даврда таълимда эришилган даража одатда техника, технология ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш натижаси ҳисобланади. Ҳар бир касб ходимнинг умумий камолоти ҳамда махсус тайёргарлиги даражасига ўз талабларини қўяди. Бу билан ихтимоий ишлаб чиқаришнинг муайян даражаси шунга мос келадиган таълим даражасини шакллантиради.

Касбий таълимни ташкил этишда иқтисодчи олимлар ўртасида бўлажак мутахассисларга политехника (узвийлаштирилган универсал) таълими бериш керакми ёки талабаларни тор ихтисосликка, ҳатто муайян иш жойида ишлашга ўргатиш керакми, деган муаммо бўйича якдил фикрга келингани йўқ. Талабаларга политехника таълими бериш тарафдорлари ўз нуқтаи назарларини қуйидагилар билан асослайдилар:

биринчидан, замонавий иқтисодиётда тор

ихтисосликка эга ходим ишлаб чиқаришда рўй бераётган ўзгаришларга ҳозиржавоб ва меҳнат бозорида рақобатбардош бўлиши учун мунтазам равишда малакасини ошириб бориши ва ҳатто янги, турдош касбларни эгаллаши керак;

иккинчидан, ривожланган давлатларнинг тажрибаси бозор конъюнктурасидаги ва тегишли равишда ишлаб чиқариш тизимларидаги ўзгаришлардан келиб чиққан ҳолда ўз меҳнат фаолиятини тез ўзгартира оладиган кенг профилли мутахассислар тайёрлашнинг афзаллигини кўрсатмоқда.

Шу ўринда Европа Иттифоқининг билим стандартлари таркибида “билимлар”, “кўникмалар” ва “компетенциялар” ажратилишини кўрсатиш лозим (1-расм):




*Манба: Муаллиф томонидан тайёрланган.*

1. Билимлар (Knowledge). Улар назарий ёки амалий турга бўлинади. Назарий билимлар – бу “нима, қачон, қаерда ва қандай бўлиши мумкин”, амалий билимлар эса – “нима, қачон, қаерда ва қандай содир бўлгани”.

2. Кўникмалар (Skills) – вазифаларни бажариш ва муаммоларни ҳал этиш учун билимларни қўллаш ва “ноу-хау”лардан фойдалана олишга қодирлик. Кўникмалар когни-тив (мантиқ, интуиция ва ижодий тафаккурдан фойдаланиш билан боғлиқ) ва амалий (қўлнинг чаққонлигидан, усуллардан, материаллардан, асбоб–ускуналардан фойдаланиш) бўлади.

3. Компетенция (Competence) – билим, кўникмалар, ишда ёки ўқишда, касбий ёки шахсий ривожланишда шахсий, ижтимоий ва/ёки методологик қобилиятлар[1] .

Шу муносабат билан Д.Мартенс томонидан илгари сурилган “ҳал қилувчи малака” ғояси эътиборга моликдир. Олимнинг ҳисоблашича, бундай малака турли ихтисосликлар учун умумий бўлган билим ва кўникмаларни ўзида мужассамлаштиради[2] .

Маълумки, энг мураккаби – биринчи ихтисосликни эгаллашдир. Агар бўлажак мутахассис бир касбга ўқитилган бўлса, у иккинчи, учинчи ихтисосликларни эгаллашида илк билим ва тажрибаларига таянади. Шунинг учун умумтаълим билимлари касбий таълим билимлари шаклига эга бўладиган ўзига хос бирламчи материал ҳисобланади. Касбий таълим эса илмий билимларни муайянлаштириш, уларни амалиётга жорий қилиш воситаларидан биридир. Шунинг учун касбий таълим ҳам умумий таълимдан ажралиб қолса, қатор муаммолар – унинг торлиги, ҳаддан ташқари амалийлиги пайдо бўлади, бу эса илмий ва таълим салоҳиятини пасайтиради. Бундан ташқари, В.С.Олейников касбий таълим муассасалари фақат “ёшларга умумий ва касбий таълим бериб қолмасдан, энг асосийси уларни бутун умри давомида муттасил билим олишга, янги ва янги мутахассисликларни эгаллашга интилишни шакллантириши зарур” деб кўрсатган[3] . Аслида ҳам узлуксиз таълимнинг моҳияти муттасил ривожланиб бораётган ишлаб чиқаришга мутаносиб мутахассисларни шакллантиришга йўналтирилган.

Касбий таълимнинг вазифаси фақат бўлажак мутахассисларни мавжуд ижтимоий-иқтисодий тизимга тайёрлашдан иборат бўлиб қолмасдан, балки уларни жадал ўзгариб бораётган шароитларда фаолият олиб боришга тайёр бўлишга ўргатишдан иборат ҳамдир. Шу ўринда машҳур файласуф В.Франкл таълимнинг асосий вазифаси – билимларни шунчаки маълум қилиш эмас, балки “ноёб ғояларни топиш қобилиятини шакллантиришдан иборат” деб уқтириши бежизга эмас[4] .

Умуман олганда, ҳозирги давр етук мутахассиснинг узлуксиз таълим олишини тақозо қилмоқда. ЮНЕСКОнинг “Таълим – яширин хазина” (“Learning: The Treasure Within”) деб номланган XXI аср учун таълим бўйича халқаро комиссиянинг маърузасида илмий тараққиёт

ҳамда иқтисодий ва ижтимоий фаолиятнинг янги шакллари бутун умр давомида ўқишни талаб этаётгани алоҳида таъкидланади.

Ушбу маърузада бутун умр давомида ўқиш тўрт устунга таяниши кераклиги асослаб берилган (2–расм):




*Манба: Образование: сокрытое сокровище. Основные положения Доклада Международной комиссии по образованию для XXI века// http://www.ifap.ru/library/book201.pdf.*

***2–расм.ЮНЕСКОнинг бутун умр давомида ўқиш устунлари***

1. Билим олишга ўрганиш. Бу шахснинг кенг умумий маданиятини фанларнинг чекланган соҳасида билимларни чуқур эгаллашни назарда тутади. Шахснинг умумий маданияти таълим олишни рағбатлантиради, уни билимини муттасил ошириб боришга ўргатади. Бу, шунингдек, узлуксиз таълим туғдирган имкониятлардан фойдаланган ҳолда ўқишни ўрганишни ҳам кўзда тутади.

2. Ишлашни ўрганиш (малака орттириш). Ҳар бир шахс фақат касб малакасини эгаллабгина қолмасдан, айни пайтда турли вазиятларда оқилона қарор қабул қилиш ва жамоа билан бирга ишлай олиш кўникмаларини шакллантирган компетентликка эга бўлиши керак. Шунингдек, шахс ҳаёти давомида дуч келадиган турли ижтимоий ёки ишлаб чиқариш муҳитида меҳнат фаолиятини амалга оширишга ҳам ўрганиши керак.

3. Биргаликда яшашга ўрганиш (ижтимоийлашув). Умумий лойиҳаларни амалга ошириш, ҳамфикрлилик, ўзаро англашув, келишиш қадриятларини ҳурмат қилган ҳолда можароли вазиятларни ҳал қилишда бевосита ана шу фазилат асқотади.

4. Яшашни ўрганиш (ҳаёт фалсафаси). Бу ўз шахсини камол топтириш, мустақил фикрга эга бўлиш, шахсий масъулият демакдир. Шунинг учун таълимда инсоннинг ушбу фазилатларини ривожлантирадиган барча воситалардан: хотира, мушоҳада юргизишга қодирлик, эстетик дид, жисмоний имкониятлар, алоқа қилишга қодирлик ва ҳоказолардан самарали фойдаланилиши лозим.

Ҳозирги даврда жамиятда ва иқтисодиётда рўй бераётган ўзгаришлар таълимни тараққиётнинг энг муҳим омилига айлантирди. АҚШлик олим Э.Денисон иқтисодий ўсишнинг 23 омилини (уларнинг 4 тасини меҳнат, яна 4 тасини капитал ва қолган 14 тасини фан—техника тараққиёти ташкил этади) таҳлил этиб чиққан. Унинг фикрича, иқтисодий ўсиш бунинг учун сарф қилинган омилларга эмас, балки асосан ушбу омилларнинг сифатига ва мазкур сифатнинг ортиб боришига боғлиқдир. Э.Денисон ана шунга асосланган ҳолда иқтисодиётда меҳнат унумдорлигининг ҳал қилувчи омили таълим — инсон капиталининг энг муҳим таркибий қисми эканлигини исботлаб берган[5] .

Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, ҳозирги даврга келиб инсон капиталининг миқдори 365 миллиард АҚШ долларини ёки жаҳон бойлигининг қарийиб 66,0 фоизини ташкил қилади, ҳолбуки бу бойликда табиий ресурсларнинг улуши 20,0 фоизга, жисмоний капиталнинг (жиҳозлар, инфратузилма ва ҳ.к.) улуши эса бор-йўғи 16,0 фоизга тенгдир[6] .

Четэллик олимларнинг сўнгги тадқиқотлари жаҳондаги энг йирик компанияларининг интеллектуал капитали қиймати унинг моддий ресурслари ва молиявий капиталига нисбатан ортиб бораётганидан далолат бериб турибди. Ҳозирда мазкур нисбат 5:1 ва 6:1 даражага яқинлашиб қолди. Бунинг ёрқин тимсолини АҚШдаги “эски” ва “янги” компаниялар иқтисодий самарадорлигида кузатиш мумкин (1–жадвал).

**1–жадвал**

**АҚШдаги “эски” ва “янги” компанияларнинг иқтисодий самарадорлиги**

| “Эски” компаниялар | Бозор капиталлашуви даражаси, млрд. долл. | Иш билан бандлар сони, минг киши | Янги компаниялар | Бозор капиталлашуви даражаси, млрд. долл. | Иш билан бандлар сони, минг киши |
|---|---|---|---|---|---|
| “Женерал Моторс” | 52,7 | 594,0 | “Яху” | 92,9 | 0,803 |
| “Форд” | 62,5 | 345,2 | “Америка он лайн” | 141,0 | 12,1 |
| “Даймлер–Крайслер” | 76,9 | 441,5 | “Циско” | 368,0 | 21,0 |
| Жами | 129,1 | 1380,7 | Жами | 601,9 | 33,9 |

*Манба: Мир на рубеже тысячелетий. Прогноз развития мировой экономики до 2015 года. – М.: Институт мировой экономики и международных отношений РАН, 2010. –С.117.*

Жадвалда акс этганидек, АҚШнинг янги иқтисодиёт тимсоли бўлган уч компанияда иш билан банд ходимлар сони “эски” компаниялардагига қараганда 40 маротаба кам бўлгани ҳолда уларнинг капиталлашуви даражаси уч марта юқоридир. Бунинг сабаби – “янги” компанияларнинг ўз ишлаб чиқаришига илмий–тадқиқот ва тажриба–конструкторлик ишланмаларини дадил жорий этиб бориш билан бир қаторда ходимлар “капитали”ни ҳам муттасил бойитиб боришлари – ходимлар муттасил ўқитиши, малака ошириши, инновациялар яратиш ва жорий этишга рағбатлантирилиши самарасидир.

***Манба ва адабиётлар:***


*1. DISCO: Dictionary of Skills and Competencies // URL: http: //www.disco-tools/ eu*

*2. Зеер Э.Ф. Модернизация профессионального образования в ФРГ // Педагогика, 1993. №4. С.106.*

*3. Маркова А.К. Психология профессионализма. – М., 1996. – С.226.*

*4. Франкл В. Человек в поисках смысла. – М.: Прогресс, 1990. – С.295.*

*5. Denison E.F. Trends in American economic growth, 1929-1962// The Journal of Business, 1962.*

*6. Каппушева А.Р. Человеческий капитал как экономический ресурс // Фундаментальные исследования. – 2015. – № 2-22. – С. 4963-4968*

# ИЛМ-ФАН СОҲАСИДА МУКАММАЛЛИККА ЭРИШИШНИНГ АҲАМИЯТИ

**Дусмуратов Раджапбай Давлатбаевич**

И.ф.д., профессор, Тошкент давлат аграр университети

***Аннотация.*** Ушбу мақола илмий- тадқиқот фаолиятининг муҳим жиҳатларидан бири – илмда ахлоқ-одоб масаларига бағишланган. Жумладан, унда илмий-тадқиқот фаолиятида кўчирмачилик (плагиат) масалалари, унинг юридик ва маънавий-ахлоқий оқибатлари ёритилган. Шунингдек, илмий ишларда бошқа манбалардан фойдаланиш, уларга иқтибослар ва ҳаволалар келтириш бўйича тавсиялар берилган.

***Таянч тушунчалар:*** илм-фан, инновация, ахлоқ-одоб, фалсафа доктори (Ph.D), фан доктори (Doctor of Science), кўчирмачилик (плагиат), иқтибос,

***Аннотация.*** Статья посвящена одному из важных аспектов научно-исследовательской деятельности – вопросу этики в науке. В частности, освещены вопросы плагиатства в научно-исследовательской деятельности, его юридические и морально-этические последствия. Также, даны предложения по использованию других источников в научных работах, цитированию и ссылки им.

***Ключевые слова:*** наука, инновация, этика, доктор философии (Ph.D), доктор наук (Doctor of Science), плагиат, цитирование.

Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида иқтисодий ўсишга эришиш ва аҳоли турмуш сифатини оширишнинг асосий йўналиши илм-фанни ва инновация фаолиятини ривожлантириш, инновацион технологиялар, маҳсулотлар ҳамда хизматлар кўламини кенгайтириш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармонида таълим ва илм-фанни ривожлантириш устувор вазифалар қаторида белгиланган [ 3].

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги «Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак» мавзусида маъруза қилди. У таълим ва илм-фан, давлатнинг ёшларга доир сиёсатини амалга ошириш, таълимнинг янги, замонавий усулларини, жумладан ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш соҳасидаги долзарб вазифаларга тўхталар экан: «Тўртинчи вазифа – нафақат академик илм-фанни, балки олий ўқув юртларидаги илм-фанни янада ривожлантириш. Бунга Фанлар академияси аъзолари билан яқинда ўтказилган учрашув ва узоқ муддатли мулоқот давомида қатъий ишонч ҳосил қилдим»[4. 46-б.] деб алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сонли Қарорида:

«-олий таълим муассасалари илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш, олий таълимда илм-фанни янада ривожлантириш, унинг академик илм-фан билан интеграциялашувини кучайтириш, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг илмий-тадқиқот фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш, иқтидорли талаба-ёшларни илмий фаолият билан шуғулланишга кенг жалб этиш» [4. 1-б.] муҳим вазифалар сифатида белгиланган.

Бундай кенг қамровли ва мураккаб вазифаларнинг амалга оширишлиши илм изланувчиларида маънавий баркамоллик ва илмий ахлоқ-одоб нормаларининг шаклланганлигига ҳам боғлиқ.

Қомусий ва фалсафий манбаларда ёзилишича, илм ҳам ибодатнинг бир тури, ҳатто ибодатдан ҳам афзал ҳисобланади [7]. Ибодатнинг энг осон амалга ошириладиган тури намоз ўқиш бўлса, энг қийини илм эгаллаш

ва уни бошқаларга беришдир. Шунинг учун ҳам кўпчилик илм йўлига кирмайди. Бу йўлда иймон-эътиқодли, сабр-қаноатли, юксак маънавиятли бўлиш ва бошқа кўплаб инсоний фазилатларга эга бўлиш талаб этилади.

Дарҳақиқат, «фан доктори илмий даражаси қонун ҳужжатлари талабларига жавоб берган, муайян фан тармоғида чуқур касбий билимларга, илмий ютуқларга эга бўлган юксак маънавиятли шахсларга берилади» [6. 61-б. ].

Бу борада таянч докторантуранинг фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражаси ва докторантурадаги фан доктори (Doctor of Science) илмий даражаси изланувчилари ҳамда илмий раҳбарлар (маслаҳатчилар) шуни унутмаслигимиз керак-ки, илмий ишда энг ёмон иллат кўчирмачилик (плагиат), маълумотларни сохталаштириш, ёлғон ва ўринсиз иқтибос(цитата)лар келтириш. Шу ўринда ушбу тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини батафсилроқ кўриб чиқишимиз мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўзбек тили изоҳли луғатининг 3-жилдида «Плагиат [лот. plagiatus - ўғирланган] Бировнинг асарини ёки ундаги фикрларни ўзиники қилиб кўрсатиш, адабий, ижодий ва илмий ишдаги ўғирлик» [8. 274-б.].

«Плагиатор [лот. plagiator - ўғри] Бировнинг асарини ёки ундаги фикрларни ўзиники қилиб кўрсатувчи муаллиф; плагиат билан шуғулланувчи шахс» [8. 274-б.] деб изоҳланган.

Кўчирмачилик бу нафақат илмдаги оддий ахлоқсизлик, балки муаллифлик ҳуқуқини бузиш, ўғирлик ва жиноят ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 149-моддасига мувофиқ: «Тафаккур мулки объектига нисбатан муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштириб олиш, ҳаммуаллифликка мажбурлаш, шунингдек, тафаккур мулк объектлари тўғрисидаги маълумотларни улар расман рўйхатдан ўтказилгунга ёки эълон қилингунга қадар муаллифнинг розилигисиз ошкор қилиш – энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади» [1. 92-б.].

Ўзбекистон Республикасининг «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида» Қонунига мувофиқ: «адабий асарлар (адабий-бадиий, илмий, ўқув, публицистик ва бошқа асарлар)» [2] муаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳисобланади (6-модда). Мазкур қонуннинг 25-моддасига мувофиқ «Ошкор қилинган асарни шахсий мақсадларда муаллифнинг ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг розилигисиз ва ҳақ тўламаган ҳолда такрорлашга йўл қўйилади» [2]. Лекин, ушбу қоида «китобларни (тўлалигича) ва нотали матнларни репрографик такрорлаш га нисбатан татбиқ этилмайди» [2].

Сўнгги йилларда кўчирмачилик (плагиат)ни аниқлаш бўйича махсус компьютер дастурлари, қидирув тизимлари ва ахборот технологиялари сезиларли даражада ривожланмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясининг 28 апрель 2016 йилдаги 224/10.1-сонли «Докторлик диссертацияси ва диссертация авторефератларида кўчирмачилик (плагиат) ҳолатини аниқлашни электрон экспертизасини жорий этиш ҳақида»ги раёсат қарори қабул қилинди.

Кўчирмачилик (плагиат)да айбланмаслик учун илмий ишни ёзишда маълум қоидаларга риоя қилиш зарур. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, кўчирмачилик (плагиат) борасида сўз юритилганда, илмий тадқиқотларда ҳар хил манбалардан фойдаланмаслик керак, дегани эмас. Аксинча, ҳар қандай илмий иш ҳам биздан олдин яшаб ўтган ва замондош олимларнинг ишлари негизида амалга оширилади. Ҳар доим ҳам янги илмий иш бошқа муаллифлар асарларини шарҳлаш, тадқиқ ва таҳлил қилиш, уларни ривожлантириш натижасида бунёд бўлган. Фақат бошқаларнинг ишини қандай бўлса, шундайлигича кўчирмаслик ёки сохталаштирмаслик керак!

Айрим ҳолларда битта муаммога айрим муаллифлар фикри, нуқтаи назари мос келиб қолиши ҳам мумкин. Бу кўчирмачилик (плагиат) ҳисобланмайди. Бошқа муаллифлар ғояларига асосланиб, изланувчи қандайдир муаммо ечимига янгича ёндашиши, ўз услубларини таклиф этиши ва асослаб бериши мумкин. Албатта бу ҳам кўчирмачилик ҳисобланмайди.

Энди иқтибос хусусида. Ўзбек тили изоҳли луғатининг 2-жилдида иқтибос ( إقتباس ) тушунчаси арабчадан, «қисқартириш, торайтириш; қўлга киритиш; кўчирма олиш; кўчирма, далил келтириш» [9. 263-б.] деб изоҳланган. Мазкур тушунча Ўзбекистон миллий энциклопедиясининг 2-жилдида янада батафсилроқ тавсифланган: «Иқтибос (араб. – зиё олмоқ), цитата – бирор асардан сўзма-сўз олинган парча. Иқтибос баён қилинаётган фикрни ишончли фикр билан қувватлаш, муайян фикрни танқид қилиш учун ҳамда муҳим фактик материал – мисол сифатида қўлланилади» [10. 332-б.].

Шу ерда иқтибос тушунчасининг этимологияси, асл моҳияти устида чуқурроқ фикр-мулоҳаза юритсак. Чунки илмда аслни ноаслдан ажратиш энг муҳим ва мураккаб масалалардан ҳисобланади. Юқорида келтирилган «зиё олмоқ» сўз бирикмасидаги «зиё» тушунчаси бирон-бир нарсани зиёлантириш, ёруғликка олиб чиқиш, аслини кўрсатиш маъноларини билдиради. Дарҳақиқат, халқ орасида «асил айнимас, олтин зангламас», «қазисан қартасан, ахир аслингга тортасан»

(ўзбек халқ мақоллари), «ҳар йигитнинг аслин билай десангиз, маъракада ўтириб-туришин кўринг» (Махтумқули) деган гаплар бир неча асрлардан бери ишлатилиб келади.

Иқтибослар келтириш, асосан, илмий тадқиқот ишларида кўп қўлланилади. Бунда келтирилган иқтибос қўштирноқ ичига олиниб, унинг асл манбасига ҳавола ҳам кўрсатилиши лозим. Бошқаларнинг фикрлари тилга олганида муаллиф жуда хушёр бўлиши керак. Зарур ҳолларда келтирилаётган иқтибос матнини, унинг мазмунини бузмаган ҳолда қисқартириш ҳам мумкин. Умуман, илмий мақола, илмий маъруза, монография, магистрлик ва докторлик диссертациялари қўлёзма ҳуқуқидаги, илмий жамоатчиликка эълон қилинадиган, очиқ, жиддий ишдир. Уларда иқтибос келтириш қоидалари ва илмий ахлоқ-одоб нормаларига қатъий риоя қилиниши лозим. Лекин, афсуски, айрим илмий ишларда иқтибослар келтиришда асл манбалар бир ёқда қолиб, дидсизлик ва илмий ахлоқ-одоб таомилига риоя қилмаслик ёки ҳеч қандай мантиққа асосланмасдан, кўплаб пойинтар-сойинтар кўчирмаларни келтириб, «иқтибосфурушлик»ка берилиб кетиш ҳоллари ҳам учрайди. Иқтибослар муаллифнинг саёз, заиф, таъбир жоиз бўлса, «тузи йўқ» фикрларини «хас-пўшлаш» учун қўлланилмаслиги керак.

Шунингдек, илмда мукаммалликка етишиш учун аввало Худо берган ақл ва қобилиятимизни асраб, уни тўғри ишлата билишимиз, пири устоз кўрган, фидойи, меҳнаткаш, сабр-қаноатли ва шукронали бўлишимиз керак. Илм йўлига кириш, бу йўлда мукаммалликка интилиш ҳар қандай одамдан энг аввало ўзининг ижтимоий моҳиятидан ҳасадгўйлик, бахиллик, худбинлик, такаббурлик, мунофиқлик, мол-дунёпарастлик каби салбий иллатларни йўқотишни талаб этади. Шу билан бирга илм аҳли учун бундай тоифа одамлардан эҳтиёт бўлиш ҳам ўта муҳимдир. Дарҳақиқат, «бу дунёда эзгу ишларни билиш баробарида, алдамчилик ва фирибгарлик ҳақида ҳам, улардан фойдаланиш учун эмас, балки эҳтиёткорлик учун билиб қўйиш керак» (Филипп де Комлин).

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, фалсафа доктори (Ph.D) ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражаси учун изланувчилар, хусусан илм йўлини танлаган барча ёшлар ўз тадқиқотларида бошқа муаллифларнинг ишларидан фойдаланишда ва ўз фикрларини баён қилишда жуда эътиборли бўлишлари зарур. Бошқаларнинг ишини кўчириш ва маълумотларни сохталаштириш изланувчининг лаёқатсизлигидан далолат беради, ғайри илмий (сохта) хулосаларга ва натижада, илм-фанни ҳамда илмий жамоатчиликни обрўсизлантиришга олиб келади.

***Манба ва адабиётлар:***


*1.Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси: – Т.: «Адолат», 2015 й. – 480-б.*

*2. Ўзбекистон Республикасининг «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонуни, 2006. www. lex.uz.*

*3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони*

*4. Ш.Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Тошкент, «Ўзбекистон», - 2017 й. –46-б.*

*5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги 2909-сонли «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Халқ сўзи, 2017 йил 21 апрель, № 79 (6773)*

*6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг низомлари / Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси. – Тошкент: Specturum Media Group 2016 – 144 б.*

*7. Зиёмуҳаммадов Б. Комилликка элтувчи китоб. –Тошкент: «TURON-IQBOL» нашриёти, 2006 й. - 345-б.*

*8. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж. III. –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – 688-б.*

*9. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж. II. –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – 672-б.*

*10. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2 жилд. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2001. – 704-б.*

# МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИНИНГ ЎРНИ

**Норим Рахмонов**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бош мутахассиси, ЎзМУ тадқиқотчиси

***Аннотация.*** Ушбу мақолада миллий иқтисодиётни ривожлантиришда таълим хизматлари бозорининг ўрни, вазифалари ва унинг ривожланишининг баъзи жиҳатлари кўриб чиқилган. Ўзбекистонда таълим хизматлари бозорининг шаклланишидаги мавжуд муаммоларни ҳал қилиш бўйича баъзи йўналишлар белгиланган.

***Таянч тушунчалар:*** миллий иқтисодиёт, модернизациялаш, инсон капитали, олий таълим, таълим хизматлари бозори, рақобатбардошлик, иқтисодий муносабатлар.

***Аннотация.*** В данной статье рассмотрены некоторые аспекты роли, задач и развития рынка образовательных услуг в развитии национальной экономики страны. Определены некоторые направления по решению проблем в формировании рынка образовательных услуг в Узбекистане.

***Ключевые слова:*** национальная экономика, модернизация, человеческий капитал, высшее образование, рынок образовательных услуг, конкурентоспособность, экономические отношения.

Ўзбекистон аҳолисининг билим даражаси унинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлиги даражасини белгилайди. Таълим соҳасининг барқарор ривожланиши мамлакатимизнинг жадал ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашнинг гаровидир. Унга эришишда таълим хизматлари бозоридаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш асосида таълим муассасаларининг самарали фаолиятини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, Ўзбекистон Республикасида ҳам иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизация қилиш даврида, ишлаб чиқариш омилларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш юқори иқтисодий ўсиш суръатларига эришишнинг етакчи омили ҳисобланади.

Маълумки, инсон омили ишлаб чиқариш ресурслари орасида энг асосийсидир. Чунки, бошқа барча омиллар, бевосита унинг таъсири остида ва фаол иштирокида амал қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, таълим соҳасининг миллий иқтисодиётда тутган ўрни унинг ривожланиши билан ўзгариб боради. Хусусан, П.Дракернинг фикрича, ҳозирги даврда «билимлар капитал ва ишчи кучини четга сурган ҳолда, ишлаб чиқаришнинг етакчи омилига айланиб бормоқда»[1].

Бериладиган билимлардаги ўзгаришларга мос равишда турли даврларда иқтисодчи олимлар таълим тизимининг микро ва макроиқтисодий даражаларида тутган ўрнини, унинг иқтисодий жиҳатларини тадқиқ этганлар. Бизнинг фикримизча, таълим соҳаси ривожланишининг назарий асосларини икки даврга ажратган ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади, яъни биринчи давр XVII аср бошидан бошлаб XX – асрнинг 60-йилларигача бўлган даврни ўз ичига олса, иккинчи давр XX асрнинг 60-йилларидан ҳозирги даврга қадар бўлган вақтни ўз ичига олиши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб тараққий этган мамлакатлар постиндустриал ахборот даврига ўта бошладилар. Шу даврдан бошлаб аста-секинлик билан инсоният цивилизациясида туб ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, иқтисодий билимларнинг ошиши натижасида инсоннинг биосоциал табиатини ўзгартира оладиган янги технологиялар кашф этилиши, глобал ахборот макони институциялашиши, ҳар бир шахснинг жамғарилган ахборотлар ва билимлардан эркин фойдалана олиши, глобаллашув шароитида жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг ўзига хослиги, иқтисодий ўсишга ахборот ва технологик тараққиёт таъсирининг кучайиб бораётганлиги билан ифодаланади. Натижада, умумий иқтисодий ўсиш назариясининг таркибий қисми сифати «янги иқтисодиёт» назарияси шакллана бошланади.

Г.Беккернинг фикрича, «инсон капитали» инсонга инвестиция жалб қилиш асосида шаклланади, уларнинг ичида таълим олиш, ишлаб чиқаришда мутахассисларни қайта тайёрлаш, соғлиқни сақлаш, миграция, нарх ва даро-

мадлар тўғрисидаги ахборотни излашга доир харажатларни кўрсатиш мумкин[2]. Г.Беккер томонидан инсонга жалб қилинадиган инвестицияларни умумий ва махсус шаклларга ажратиш катта назарий аҳамиятга эга бўлиб, у кейинчалик фирмани трансакциялаш назариясининг асосини ташкил этди. «Инсон капитали» назариясининг яратилиши натижасида инсонга иқтисодий ўсишнинг манбаи сифатида қарала бошланган. Г.Шульц, Ж.Кедрик ва Э.Денисон томонидан ўтган аср давомида инсон капиталини жамғариш, жисмоний капиталнинг жамғарилиш суръатларидан юқори бўлганлиги аниқланган. Э.Денисоннинг ҳисоб - китобларига кўра, 50-60 йилларда АҚШда киши бошига тўғри келадиган даромадларнинг 15-30 фоизга ошиши ишчи кучи таълим олиш даражасининг ошиши ҳисобига рўй берган[3].

Шу билан бирга, ҳозирги даврда таълим тизимида ташкилий қайта қуришнинг назарий асосини ресурсларга боғлиқлик назарияси ва неоинституционал назария ташкил этади[4]. Биринчи назарияга кўра ташкилот фаолиятининг самарадорлиги унинг ресурсларга мослашиш лаёқатига эгалигига боғлиқ. Унга мувофиқ, ташқи муҳитдаги ўзгаришларга иқтисодий оқилоналик орқали мослашиш мумкин.

Шундан келиб чиққан ҳолда, бугунги даврда таълимни ташкил этишнинг анъанавий ва янгича қарашлари шаклланган. Уларнинг таълим жараёни таркибий қисмлари бўйича қиёсий таҳлили, биринчидан, улар ўртасида принципиал фарқларнинг мавжудлигини (1 – жадвал), иккинчидан эса, ҳозирги даврда таълимда янгича қарашларни шакллантириш долзарб масала эканлигини кўрсатди.

**1 – жадвал**

**Таълимнинг анъанавий ва янгича қарашларини қиёслаш[5]**

| Таълим жараёни таркибий қисмлари | Анъанавий қарашлар | Янгича қарашлар |
|---|---|---|
| Илмий қадриятлар | Фанни абсолютлаш, илмий рационализмнинг классик турига асосланиши унинг моҳиятини ташкил этади | Илмий рационализмнинг янги классик ва ундан кейинги тури устунлик қилади. Унда илмий билимлар инсонлар фаолиятининг ижтимоий шароитлари ва ижтимоий оқибатлари нуқтаи назаридан кўриб чиқилади |
| Таълим мақсади | Ўтган даврнинг маданий тажрибасини бериш | Келажакда бунёдкорлик фаолиятининг кўринишини шакллантириш |
| Мувофиқлаштириш тамойиллари | Фанларни ўқитиш асосида ташкил этилган фанлар блоклари, кафедра ва ўқитувчилар алоҳида ажратилган | Фанлараро ўқитиш асосида ташкил этилган, тизимли фикрлаш инсонларнинг табиат, техника жамият қонуниятларини яхлит ҳолда ўзлаштириши |
| Воситалар | Кўпроқ тайёр билимлар ва масалалар ечимини беришга йўналтирилган таълим бериш восита ва усулларига асосланган. Улар бир маъноли бўлиб олдиндан ўқитувчиларга маълум бўлади | Билим бериш восита ва усуллари ижодий бунёдкор фаолият методологиясини ўзлаштириш, шахснинг инновацион қобилиятининг ўқитувчи билмаган нарсаларни яратишга йўналтирилганлиги |

Таълимнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, у икки ёқлама тавсифга эга. У, бир тарафдан, халқнинг маънавий ва маданий эҳтиёжларини қондиришда бевосита иштирок этса, иккинчи тарафдан, таълим хизматларини кўрсатиш орқали меҳнат бозорига малакали ишчи кучини етказиб берувчи соҳа ҳисобланади. Айнан, ушбу ҳолатдан келиб чиқиб, таълим хизматлари бозори – миллий бозорнинг муҳим элементи сифатида намоён бўлади. Бундай ҳолат унинг шаклланиши ва фаолият кўрсатиши қонуниятларини ўрганишни шарт қилмоқдаки, таълим хизматлари бозорининг моҳиятини унинг вазифаларида кўришимиз мумкин бўлади (2- жадвал).

**2 – жадвал**

**Таълим хизматлари бозорининг вазифалари[6]**

| № | Вазифалар | Мазмуни |
|---|---|---|
| 1. | Ахборот билан таъминлаш | Таълим хизматларини кўрсатувчилар ва истеъмолчиларни таълим хизматлари бозорининг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлаш |
| 2. | Воситачилик | Таълим хизматлари субъектлари ўртасида иқтисодий муносабатларни шакллантириш |
| 3. | Нархни шакллантирувчи | Талаб ва таклифларнинг мувофиқлиги асосида таълим хизматларига бозор нархини ўрнатиш |
| 4. | Рағбатлантирувчи | Таълим жараёнига янги технологияларни жорий қилиш асосида таълим хизматларининг сифатини ошириб бориш. |
| 5. | Назорат | Талаб қилинадиган меъёрлар даражасидаги таълим хизматларини кўрсата ололмаган, самарадорлиги паст бўлган субъектларни иқтисодий макондан чиқариб юбориш |
| 6. | Ижтимоий | Таълим хизматлари бозори иштирокчиларининг даромадлар бўйича табақалашишига имкон бериш |

Таълим хизматлари бозори вазифаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, ундаги иқтисодий муносабатларни фақат таълим хизматларини айирбошлаш доираси билан чеклаш унинг иқтисодий категория сифатидаги мазмунини тўлиқ очиб беришга имкон бермайди. Бозор механизми рақобат ва нарх орқали таълим хизматлари бозорида таълим хизматлари субъектлари ўртасида иқтисодий муносабатларни шакллантиради.

Таълим хизматларининг ўзига хос неъмат эканлиги ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари таълим хизматлари бозоридаги иқтисодий муносабатларнинг ўзига хослигини белгилаб беради. Унинг ўзига хос хусусиятларидан бири бу ишлаб чиқариш воситаларига давлат мулки ҳиссасининг кўплиги натижасида ундаги монополлашиш даражасининг юқорилигидир. Бироқ, ушбу ҳолат таълим тизими ва ишлаб чиқариш ўртасида ёки таълим хизматлари бозори ва меҳнат бозори ўртасидаги муносабатлар ҳали етарли даражада мукаммал шаклланмаганлигидан далолат беради. Ушбу ҳолат мавжудлигининг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат:

- олий таълим муассасалари ҳали меҳнат бозори ва таълим хизматлари бозоридаги талабдан эмас, ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда мутахассислар тайёрланаётганлиги;

- олий таълим тизими моддий-техника базасининг талабга жавоб бермаслиги сабабли тайёрланаётган мутахассислар амалий кўникмаларининг пастлиги;

- ёшларнинг мутахассисликни танлашда бозор талабларидан эмас, балки ота-онасининг хоҳиши ва уларнинг имкониятларидан келиб чиқаётганликлари;

- мутахассисларни тайёрлашда ишлаб чиқариш субъектларининг иштирок этиш механизмининг етарли даражада шаклланмаганлиги.

Мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишнинг учинчи босқичида «тўпланган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш»[7] мақсад қилиб қўйилган. Шу боис, таълим хизматлари бозорида иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини белгилашда қуйидагиларни эътиборга олиш зарур:

- биринчидан, мамлакатимизда таълим хизматлари бозорининг етакчи субъекти ҳисобланган таълим муассасаларининг ҳозирги ҳолати;

- иккинчидан, эса ҳозирги даврда олий таълимнинг мазмуни ва уни ташкил этишдаги ўзгаришлар. Чунки ушбу ўзгаришлар фан-техника тараққиётининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Мамлакатимизда ушбу йўналиш таълим хизматлари бозоридаги иқтисодий муносабатларнинг негизини ташкил этувчи мулкий муносабатларни ривожлантиришни назарда тутади. Чунки фақат давлат мулкига асосланган таълим хизматлари бозорида рақобат муҳитини шакллантириш анча мушкул.

Ушбу ҳолат таълим хизматлари бозоридаги хизматларнинг сифатига ҳам таъсир кўр-

сатмасдан қолмайди. Демак, таълим хизматлари бозорида давлат назоратини сақлаб қолган ҳолда турли мулкчилик шаклларига асосланган таълим муассасаларини вужудга келтириш мақсадга мувофиқдир. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида мамлакатимизда «давлат ва нодавлат муассалари ривожлантирилади, таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобатга асосланган муҳит вужудга келтирилади, таълим хизматлари бозори давлат йўли билан бошқарилиб борилади»[7] деб қайд қилинган. Бироқ, ушбу йўналишда ҳали ижобий силжишлар кўзланган даражада эмас. Таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш йўлида билим олиш, малакани оширишнинг ноанъанавий шаклларини ҳам ривожлантириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Таълим хизматлари бозорида иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири таълим хизматларининг сифатини оширишдан иборат. Таълим хизматларининг сифати таълим муассасалари фаолиятининг самарали ташкил этилишига боғлиқдир.

Айни пайтда таълим хизматларининг сифатини ошириш йўли билан унинг рақобатбардошлиги таъминланади. Таълим хизматларининг рақобатбардошлилиги бу уларнинг таълим хизматлари бозорининг талабларига жавоб бериши ва бозорда сотилишидир. Ушбу жараёнларнинг асосида маълум даражадаги эҳтиёжларни қондириш имконини берувчи ҳусусиятлар ётади. Таълим хизматларининг рақобатбардошлиги уларни бошқа шу турдаги хизматларга солиштириш асосида аниқланади. Бу асосан қуйидаги икки параметр орқали амалга оширилади: таълим хизматларининг аниқ эҳтиёжга мослиги ва мазкур эҳтиёжни қондириш харажатлари. Таълим хизматларининг рақобатбардош бўлиши, яъни талабни қондириши учун уларнинг сифати истеъмолчига мос келиши лозим. Шундай қилиб, таълим хизматларининг сифати уларнинг бозордаги рақобатбардошлигини таъминловчи етакчи омил ҳисобланади.

Айнан шу жиҳатдан, таълим мажмуасини устувор ривожлантириш иқтисодий ўсишининг юқори суръатларига эришиш асосида аҳоли фаровонлигини оширишнинг зарурий шарти саналади. Мазкур ҳолат, ўз навбатида, таълим тизимини ривожлантириш бўйича икки парадигма ўртасидаги зиддиятнинг кучайишига олиб келади. Булар олий таълимни ташкил этиш ва ривожлантиришга академик ва бозор нуқтаи назаридан ёндашувлардир. Ушбу зиддиятнинг ечими мазкур икки ёндашувнинг синтезидан фойдаланиш, улар ўртасидаги оқилона нисбатни топиш орқали ҳал этилиши мумкин.

Ривожланган мамалакатларнинг ЯИМ таркибида хизматлар тармоғи энг юқори улушга эга. Одатда, тараққий этган мамлакатларда ноишлаб чиқариш соҳаси ҳисобланган хизматлар тармоғининг ЯИМдаги улуши 70 фоиз атрофида бўлади. Миллий иқтисодиётнинг ривожланишида таълим хизматлари бозоридаги таркибий ўзгаришлар иқтисодий тармоқлар ўртасидаги мутаносибликни таьминлаган ҳолда таьлим хизматлари бозоридаги номенклатурани оширади.

***Манба ва адабиётлар:***


*1. Дракер П. Посткапиталическое общество //Экономика XXIвека – Москва, 1999. - № 11 – С. 3-4*

*2. Becker G. Human Capital – N.Y. 1964 P.43*

*3. Хайруллаева Т. Взаимосвязь общественного производства и воспроизводства человеческого капитала. / Иқтисодиёт ва таълим – Ташкент, 2006. - №4 – с. 11.*

*4. Организационные сдвиги в сфере высшего образования: теоретический аспект.// Экономика образования. – Москва, 2004. - № 2 – С. 65*

*5. Набиев Э.Г. Сфера услуг в национальном воспроизводстве (теоритические, методологические основы) – Т .: ТГЭУ,1993. 18 б.*

*6. Кальметов Б.Д. Образовательный комплекс в рыночной экономике – Т.: Адолат, 2003. 47 б.*

*7. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Олий таълим меъёрий ҳужжатлар тўплами. – Тошкент, 2001.–41-б.*

# ОБРАЗОВАНИЕ КАК ФАКТОР ЭКОНОМИЧЕСКОГО РОСТА

**Исхакова Сарвара Аюбовна**

Старший преподаватель, Самаркандский филиал Ташкентского университета информационных технологий

***Аннотация.*** Мақолада таълимнинг иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омил сифатидаги роли ва аҳамияти очиб берилган ва таълим тизимини такомиллаштириш зарурияти асослаб берилган. Бунда олий ва касбий таълимнинг роли алоҳида ёритиб берилган. Муаллиф иқтисодий ўсиш ва таълим ўртасидаги ўзаро алоқага бағишланган илмий тадқиқотларни чуқур таҳлил қилган. Шунингдек, таълим тизимида инвестицияларнинг иқтисодий аҳамияти ҳам очиб берилган. Ўзбекистон республикаси таълим тизимининг ҳолати ўтказилганислоҳотлар нуқтаи назаридан таҳлил қилинган, хусусан Ўзбекистон таълим тизимини ривожлантириш ва уни жаҳон стандартлари даражасига кўтаришга қаратилган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг роли таҳлил қилинган. Таҳлил натижасида таълим тизимида мавжуд бир қатор камчиликлар аниқланган ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилган.

***Таянч тушунчалар:*** таълим, олий ва касбий таълим, иқтисодий ўсиш, омил, таълим хизматлари бозори, меҳнат бозор.

***Аннотация.*** В статье рассмотрена роль и значение образования как решающего фактора социально-экономического развития страны и обоснована необходимость совершенствования системы образования. При этом особо подчеркивается роль высшего и профессионального образования. Автором произведен анализ исследований, посвященных проблемам взаимосвязи экономического роста и образования. А также выявлена экономическая роль инвестиций в сферу образования. Произведен анализ состояния системы образования республики Узбекистан в свете проводенных реформ, в частности изучена роль Государственной Программы подготовки кадров и Закона «Об образовании» в развитии образования, направленной на приближении образования Узбекистана к уровню мировых стандартов, ускоренному вхождению страны в мировое образовательное пространство. В результате анализа были выявлены некоторые недостатки в развитии системы высшего образования Узбекистане и даны предложения по их устранению.

***Ключевые слова:*** образование, высшее и профессиональное образование, экономический рост, фактор, рынок образовательных услуг, рынок труда.

Система образования является основой любой цивилизации, решающим фактором прогресса и успешного социально-экономического продвижения. Экономический подъем, и высокий уровень благосостояния людей достигается там, где проблемам образования уделяется приоритетное внимание.

Образование оказывает влияние не только на самого человека, повышая уровень и качество его человеческого капитала, но и на экономику и общество в целом. Экономика, в которой работники имеют высокий уровень образования (квалификации), соответствующий используемым в ней технологиям, обладает очевидными преимуществами перед экономикой, использующей более отсталые технологии и низко квалифицированных работников. В этой связи можно смело утверждать, что не существует ничего важнее развития системы образования и повышения, на этой основе, уровня научно-образовательного потенциала страны.

Долгий период основой рабочей силы в индустриальном обществе были рабочие не очень высокой квалификации, на их обучение стандартным операциям требовалось всего несколько недель. С переходом к постиндустриальному обществу растет спрос на квалифицированную рабочую силу и управленцев. Быстрые технологические перемены вынуждают работников приобретать новые производственные навыки, то есть учиться на протяжении всей своей трудовой деятельности. Поэтому создание и применение новых знаний становится важнейшей отраслью экономики. Ускоряются темпы накопления знаний, формируется потребность в непрерывном образовании и постоянном повышении квалификации. Поэтому изучение специфики постиндустриального общества, дальнейшее повышение роли образования в экономике и обществе, увеличение доли расходов на образование в ВВП представляются естественными и неизбежными процессами. В связи с этим произошел коренной пересмотр в политике государства. Образование заняло

достойное место в стратегии роста различных стран.

Проблемы взаимосвязи экономического роста и образования рассмотрены в экономической науке весьма подробно. Ещё А. Смит писал в своем знаменитом труде «Исследование о природе и причинах богатства народов» [1, с.303], что человека, изучившего с затратой большего труда и времени какую-либо из профессий, требующих ловкости и искусства, можно сравнивать с дорогой машиной.

Артур Мэдисон, автор исследования «Динамические силы капиталистического развития» установил, что чем выше доля образованных людей в численности населения страны, тем выше темпы экономического роста. Он также вывел зависимость, согласно которой увеличение ассигнований на образование на 1% ведет к увеличению валового внутреннего продукта страны на 0,35% [2, р.45].

В 2004 г. Организация экономического сотрудничества и развития пришла к выводу, что если для жителей определенной страны среднестатистический срок обучения увеличивается на год, это повышает валовой внутренний продукт данного государства на 3–6%.

Большой интерес представляют исследования Ричарда Истерлина, выявившего связь между распространением образования в различных странах и началом экономического роста. Ученый установил, что заметный рост национальной экономики начинает проявляться, как правило, через 25-30 лет после начала образовательной реформы [3, P. 89–125.].

Еще один метод оценки экономической эффективности образования связан с именем Э.Денисона, который количественно соотнес воздействие различных факторов экономического роста на рост реального национального дохода. Его оценки приведены в таблице 1[4].

**Таблица 1**

**Факторы, влияющие на рост реального национального дохода США, 1929 - 1982 гг.**

| № | Факторы роста | Вес каждого фактора, % |
|---|---|---|
| 1. | Увеличение трудозатрат | 32 |
| 2. | Повышение производительности труда,в т.ч.: | 68 |
| | технический прогресс | 28 |
| | затраты капитала | 19 |
| | образование и профподготовка | 14 |
| | экономия, обусловленная масштабами производства | 9 |
| | улучшение распределения ресурсов | 8 |
| | законодательно-институциональные и другие факторы | 9 |
| | Всего | 100 |

По оценкам Э.Денисона, улучшение качества рабочей силы определило 14% прироста реального национального дохода в США. Им же была рассмотрена зависимость между уровнем образования и доходами экономически активного населения. Э.Денисон предположил, что разница между средними доходами лиц одного возраста на 3/5 определяется уровнем образования, а остальное за счет личных способностей и других обстоятельств.

Согласно исследованиям, проведенным в Японии, степень образования работников влияет на техническое преобразование: если уровень образования рабочих поднимается на один класс, то уровень техники – на 6%. Обычно, чем ниже уровень образования, тем меньше национальный доход страны.

Можем сослаться и на мнения ряда российских ученых. В частности, В. Щетинин пишет: «По имеющимся оценкам, в развитых странах 60% прироста национального дохода определяется приростом знаний и образованности общества. Через призму теории человеческого капитала образование стало рассматриваться во многих странах как решающий источник экономического роста, как инструмент смягчения экономического неравенства и как средство борьбы с безработицей»[5,с.44].

С этим автором солидарна Н.Римашевская, которая считает, что «в развитых странах на роль базового фактора развития экономики выдвигается образование, в том числе системы, обеспечивающие получение профессиональных знаний в течение всей жизни; «жизненный цикл знаний», навыков, профессий сегодня оказывается чрезвычайно коротким». Наряду с этим, она также приводит оценки масштабов человеческого капитала в экономике: «В условиях утверждения «глобально-информационного уклада» все более жесткими становятся требования к качеству рабочей силы. В современной мирохозяйственной конкуренции побеждают «не числом, а умением», и основным источником национального богатства становит-

ся «интеллектуальный капитал» [6,с.23].

Согласно оценкам Всемирного банка, данным применительно к 192 странам, на долю физического капитала (накопленных материально-вещественных фондов) приходится в среднем 16% общего богатства, на долю природного капитала – 20, а человеческого капитала – 64%. Для России эта пропорция – 14, 72 и 14%, тогда как в Германии, Японии и Швеции удельный вес человеческого капитала достигает 80%».

По оценкам из докладов Мирового банка следует, что повышение образовательного уровня на один год увеличивает ВНП на 4%. В целом повышение образовательного уровня на три года обеспечило увеличение роста ВНП на 0,4% пункта в год» [7].

Действительно, даже беглый взгляд на статистические данные показывает наличие тесной связи между образованием и экономикой. На рис. 1 сопоставлены уровень экономического развития по величине валового внутреннего продукта (ВВП) по паритету покупательной способности (ППС) на душу населения и доля населения с высшим образованием по более чем 40 странам, включая страны ОЭСР и некоторые страны, по которым имеется достоверная информация [8].




*Рис. 1.* Уровень экономического развития стран и доля населения с третичным образованием типа А[3] (высшее профессиональное образование)

Результаты образования носят долговременный характер, они не ограничиваются удовлетворением текущих потребностей людей и накладывают глубокий отпечаток на экономический, социальный, культурный и нравственный облик страны в течение будущих десятилетий. И капиталовложения в сферу образования (также как и в науку, культуру, здравоохранение) непременно окупятся в государственном масштабе. Непосредственно высшее образование дает долговременный результат, заключающийся в высоком качестве рабочей силы и создании основы для ее постоянного совершенствования в течение всей активной жизни человека. Инвестиции в образование не только оказывают влияние на развитие творческих способностей, профессионализма, повышение социального статуса каждого индивида, но и воздействуют на воспроизводство интеллектуально-духовного потенциала общества в целом. Инвестирование в улучшение качества человеческого капитала имеет непосредственное отношение к экономическому росту. В течение последних лет было собрано значительное количество данных, доказывающих наличие прямой связи между инвестициями в образование и экономическим ростом, существенную роль в этом играют затраты общества на высшее образование. В результате проведенных исследований ученые пришли к следующим выводам:

- чем выше у страны показатель среднего числа лет, которое граждане затрачивают на образование, тем быстрее растет ее экономика;
- в стране, где высшее образование развивалось более быстрыми темпами, наблюдались и более высокие темпы экономического роста;
- значение образования как фактора производства связано с его влиянием на производительность;
- образование оказывает положительное влияние на инвестиции в физический капитал, что тоже способствует экономическому росту.

Безусловно, эти масштабы характерны для многих развивающихся стран и не всякое государство располагает возможностью финансирования инвестиций в образование в подобных объемах. В этом отношении Р. Санер отмечает, что сегодня в мире экономики, страны без образованной рабочей силы, просто не могут развивать свою экономику, как бы они этого не желали. Это приводит нас к простому выводу: если страна не может организовать хорошей системы образования, она не может быть конкурентоспособной на экономическом рынке [9].

На современном этапе приоритетными направлениями государственной политики в области образования должны стать: формирование современной системы непрерывного профессионального образования, повышение качества профессионального образования, создание равных стартовых возможностей и роста доступности качественного общего образова-

ния, повышение инвестиционной привлекательности сферы образования.

В цивилизованном мире образовательная политика, отражая общенациональные интересы в сфере образования и предъявляя их мировому сообществу, учитывает вместе с тем общие тенденции мирового развития. Сегодня, как мы видим, основными современными тенденциями мирового развития, определяющими существенные изменения в системе образования, стали:

- ускорение темпов развития общества и как следствие – необходимость подготовки людей к жизни в быстро меняющихся условиях;

- переход к постиндустриальному, информационному обществу, значительное расширение масштабов межкультурного взаимодействия, в связи с чем особую важность приобретают факторы коммуникабельности и толерантности;

- возникновение и рост глобальных проблем, которые могут быть решены лишь в результате сотрудничества в рамках международного сообщества, что требует формирования современного мышления у молодого поколения;

- демократизация общества, расширение возможностей политического и социального выбора, что вызывает необходимость повышения уровня готовности граждан к такому выбору;

- динамичное развитие экономики, рост конкуренции, сокращение сферы неквалифицированного и малоквалифицированного труда, глубокие структурные изменения в сфере занятости, определяющие постоянную потребность в повышении профессиональной квалификации и переподготовке работников, росте их профессиональной мобильности;

- рост значения человеческого капитала, который в развитых странах составляет 70–80% национального богатства, что обуславливает интенсивное, опережающее развитие образования как молодежи, так и взрослого населения.

Исходя из этого, Узбекистан в 1996 году начал системные реформы в сфере образования. В Узбекистане была принята и реализована Национальная Программа по подготовке кадров, целью которой является коренное реформирование сферы образования, в основу которой легла новая концепция непрерывного образования населения, максимальная приближенность образования к потребностям рынка труда через создание принципиально новой системы среднего специального, профессионального образования, сохранение системы всеобщего бесплатного среднего 12-летнего образования. Результаты анализа показывают, что в результате проводимых преобразований и реформ в Узбекистане достигнут высокий уровень образования. Индекс образования в Узбекистане составляет 0,992, в то время как среднемировое значение равно 0,770. Это означает, что практически все населения страны грамотное.

В своем докладе на открытии международной конференции «Подготовка образованного и интеллектуально развитого поколения – как важнейшее условие устойчивого развития и модернизации страны» Первый Президент Республики Узбекистан И.А.Каримов отметил: «Мы всегда отдавали себе отчет в том, что только люди, которые осознают необходимость гармонии национальных и общечеловеческих ценностей, располагающие современными знаниями, интеллектуальным потенциалом и передовыми технологиями, могут добиться поставленных стратегических целей развития»[10].

В Узбекистане ежегодные расходы на образование составляют 10-12% к ВВП, что превышает почти в 2 раза размеры инвестиций в образование, необходимых для обеспечения устойчивого развития страны, рекомендованные ЮНЕСКО (6-7 процентов) [11]. Следует также отметить, что ЮНЕСКО ставит цель перед странами-участниками увеличить размеры инвестиций в образование до 6% от своего ВВП и до 20% государственного бюджета[12].

В Узбекистане затраты на развитие и реформирование образования в расходах Государственного бюджета превышают 35% [13]. На социальную сферу в 2016 году будет направлено 59,1 процента всех расходов Государственного бюджета, или больше, в том числе на образование – 33,7 процента, здравоохранение – 14 процентов.

В системе 9-летнего всеобщего бесплатного образования в 2014/2015 учебном году в Узбекистане функционирует 9,7 тыс. школ и обучается более 4,5 млн. учеников, работает около 390,6 тыс. учителей. На каждого учителя приходится 11 учеников, что является одним из самых высоких показателей среди развитых стран, в частности, в Германии в 2011 году этот показатель составляет 14 учеников, в Южной Корее 17,2, в Великобритании 16,3, а в США 15,2.

В системе трехлетнего всеобщего бесплатного среднего специального профессионального образования в 2015/2016 учебному году функционируют 1423 профессиональных колледжей и 144 академических лицея, где обучаются свыше 1,5 млн. учащихся. В системе среднего специального, профессионального образования работают 100255 преподавателей и мастеров производственного обучения, в том числе 95481 (около 94%) с высшим образованием [14,с.138-141].

Система высшего образования представлена 69 высшими образовательными учреждениями. Высшие учебные заведения ежегодно принимают на учебу в среднем 63-64 тыс. человек. В системе высшего образования в 2015/2016 учебном году обучались 264,3 тыс. студентов. В высших учебных заведениях работает 24,9 тыс. преподавателей, из которых 7964 (33%) имеют ученую степень [14,с.116-143].

Следует отметить, что в результате проводимых реформ существенно улучшилось качество рабочей силы. Если в 2000 году основную часть (60,7%) занятых в экономике составляли лица со средним и неполным средним образованием, то по итогам 2015 года их доля составила всего 22,8%[14,с.50].

**Структура занятого населения по уровню образования, в % к итогу**

| № | Уровни образования | Годы | |
|---|---|---|---|
| | | 2000 | 2015 |
| 1. | Среднее и неполное среднее | 60,7% | 22,8% |
| 2. | Среднее специальное образование | 21,7% | 43,7% |
| 3. | Высшее образование | 17,6% | 33,5% |
| | Итого | 100 | 100 |

Таким образом, реформы, проводимые в республике в сфере образования, способствуют существенному повышению качества рабочей силы, развитию человеческого капитала, основного фактора экономического роста. Вместе с тем, в деле реформирования системы образования в Узбекистане имеются некоторые недостатки. В частности, наблюдается снижение охвата населения высшим образованием. Например, в 1990/1991 учебном году на 10 тыс. жителей республики приходилось 168 студентов (в 2015/2016 учебном году на 10 тыс. жителей республики приходилось 84 студента [14,с.142]). Этот показатель опережал многие развитые страны, такие как Германия, Великобритания, Италия, Швейцария. Однако, в последнее время наблюдается снижение этого коэффициента.

Кроме этого, современная система профессионального образования и рынок труда по-прежнему дистанцируются друг с другом. Следует признать, что действия образовательных учреждений, работодателей и органов управления образованием скоординированы очень слабо. Работодатели не участвуют в разработке госзаказа, экспертизе стандартов образования, в работе аттестационных комиссий, в разработке учебных планов и содержании учебных программ.

Устранение перечисленных недостатков могли бы существенно повысить эффективность системы образования, а следовательно, эффективность развития всех секторов экономики и тем самым образование задает динамику качественного развития общества.

*Манба ва адабиётлар:*

*1. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. Т. II. – М.: ОГИЗ СОЦЭКГИЗ, 1935. – с.303.*
*2. Madison A. Dynamic Forces of Capitalist Development. 1991.P.45.*
*3. Easterlin R. A. Does economic growth improve the human lot? Some empirical evidence // Nations and Households in Economic Growth. N.Y., 1974. P. 89–125.*
*4. Денисон Э. Исследование различий в темпах экономического роста. - М.: Прогресс, 1971. 645 с.*
*5. Щетинин В. Человеческий капитал и неоднозначность его трактовки // Мировая экономика и международные отношения. 2001.- № 12. - С. 44.*
*6. Римашевкая Н. Человеческий потенциал России и проблемы сбережения населения // Российский экономический журнал. 2004.- № 9-10.- С. 23.*
*7. www.worldbank.org/indicators*
*8. М.Л.Агронович. Социальный и экономический эффект образования. www.mamso.ru/.*
*9. Раймон Санер. Конкурентное преимущество и качество человеческих ресурсов /www.sertpersonal.ru/kasnest.htm*
*10. Выступление Первого Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова на открытии международной конференции «Подготовка образованного и интеллектуально развитого поколения – как важнейшее условие устойчивого развития и модернизации страны» 17 февраля 2012г.*
*11. Доклад Первого Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова на расширенном заседании Кабинета Министров, посвященном итогам социально-экономического развития страны в 2015 году и важнейшим приоритетным направлениям экономической программы на 2016 год.*
*12. Position paper "UNESCO: Education beyond 2015", Paris, February 28th, 2014.*
*13. Выступление Первого Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова на открытии международной конференции «Подготовка образованного и интеллектуально развитого поколения – как важнейшее условие устойчивого развития и модернизации страны» 17 февраля 2012.*
*14. Социальное развитие и уровень жизни в Узбекистане. Статистический сборник Госкомстата Узбекистана. Ташкент.: 2016, с.50,116-143.*

# БАНК ИШИ
# БАНКОВСКОЕ ДЕЛО

## ВАЛЮТА КУРСИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ МОДЕЛЛАРИ ВА УЛАРДАН ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ

**Бердиназаров Зафар Улашович**

Иқтисод фанлари номзоди, катта илмий ходим – докторант Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти

***Аннотация.*** Мазкур мақола валюта курси шаклланиш моделларининг таҳлиллари ва улардан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш масалаларига бағишланган. Валюта курсини шакллантириш модели масаласи мамлакатимиз валюта сиёсатидаги муҳим устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Айни вақтгача ушбу масала муайян бир модель асосида фундаментал тадқиқ этилмаган, валюта курси тебранишларига аслида қандай омилларнинг таъсири муҳим ўрин тутиши ва уларнинг замирида нималар ётиши чуқур ўрганилмаган. Ушбу мақола доирасида мутахассисларнинг ушбу масалаларга эътиборларини жалб қилиш мақсадида иқтисодий адабиётларда келтирилган классик ва замонавий моделлар таҳлил қилиниб, улардан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш бўйича хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

***Таянч тушунчалар:*** валюта курси шаклланиш модели, пул массаси, инфляция, фоиз ставкаси

***Аннотация.*** Настоящая статья посвящена результатам анализа моделей формирования валютного курса и вопросам их использования в условиях Узбекистана. Формирование моделей валютного курса являются одним из приоритетных направлений валютной политики страны. Однако, до сегодняшнего дня не проводились существенные фундаментальные исследования связанные с этим вопросом, не изучены глубоко те факторы, которые на самом деле существенно воздействуют на формирование валютного курса и основы ее возникновения. В целях уделения особого внимания специалистов на эти вопросы в статье проанализированы классические и современные модели формирования валютного курса и выработаны рекомендации по использованию этих модели в условиях Узбекистана.

***Ключевые слова:*** модель формирования валютного курса, денежная масса, инфляция, ставка процента

Валюта курсини шакллантириш масалаларига бағишланган кўплаб назарий тадқиқотлар бир қатор хусусий ва умумий мувозанат моделларига асосланган ҳолда амалга оширилган. Хусусан, умумий мувозанат моделларига асосланган классик моделлар қаторига "юмшоқ" ва "қаттиқ" нарх сиёсатига асосланган монетар моделни, портфелли моделни, умумий мувозанат моделини, микроструктурали модел ва бошқаларни киритиш мумкин. Ушбу номлари қайд этилган моделларнинг туб замирида харид қобилияти паритети (ХҚП) концепцияси ётади. Ушбу концепция охирги ўн йилликларда кўплаб иқтисодчи ва тадқиқотчилар томонидан валюта курсининг узоқ муддатли мувозанатини таъминлашнинг шарти сифатида янада фаол ўрганилмоқда. Аммо шу билан бирга бундай тадқиқотлар ушбу паритетни таъминлаб бўлмаслиги борасида ҳам асосли хулосаларга келмоқда.

Биз ушбу мақоламиз доирасида ҳар иккала ҳолат бўйича ҳам амалга оширилган тадқиқотларнинг натижалари ва улар асосида ишлаб чиқилган моделларнинг таҳлиллари хусусида фикр-мулоҳазалар билдирмоқчимиз.

ХҚП концепциясининг асосчиси Швециялик иқтисодчи олим Густав Кассель [1] ҳисобланади. Муаллиф, ушбу концепцияда икки мамлакат ўртасидаги савдо алоқаларида савдо ва носавдо тавсифидаги товар ва хизматлардан ташкил топган истеъмол савати

нархларини таққослаш натижасида номинал валюта айирбошлаш курсини узоқ муддатли истиқболда прогнозлаш қилиш имконияти мавжуд эканлигини таъкидлайди. Дастлаб, ушбу концепция икки мамлакат ўртасидаги айнан бир турдаги товар ва хизматлар нархларини солиштириш орқали, яъни Ягона Нарх Қонуни орқали ифодаланган бўлса, кейинчалик у бир гуруҳ товар ва хизматларнинг истеъмол савати нархлари бўйича солиштирилган. Бошқача айтганда, ушбу ҳолат Абсолют Харид Қобилияти паритети бўйича аниқланган. Абсолют харид қобилиятининг моҳиятига кўра, агар ички нарх ошса, миллий валютанинг харид қобилияти пасайиб, валюта курсининг девальвацияланиши, ва аксинча, агар ички нарх пасайса, миллий валютанинг харид қобилияти ошиб, валюта курсининг ревальвацияланиши юз бериши таъкидланади.

ХҚПга асосланган валюта курси икки мамлакатдаги бир хил истеъмол савати нархларини бир-бирига тенглаштирадиган курс ҳисобланади. Амалиётда мамлакатлар ўртасида айнан бир хил истеъмол саватини таъминлаш имкониятининг мавжуд эмаслиги, ушбу паритетга асосланган валюта курсини шакллантириш амалиётини йўққа чиқаради. Шу боис, истеъмол саватлари ўртасидаги номутаносибликни олдини олиш мақсадида валюта курсини аниқлашда Нисбий Харид Қобилияти паритетидан фойдаланилган.

ХҚПга бағишланган кўпгина тадқиқотларда [2-5] нисбий ва абсолют харид қобилияти паритетига бир вақтда эришиш айнан бир инфляция даражасига эга бўлган давлатларга хос эканлиги ифодаланади. Инфляция кўрсаткичлари бўйича фарқ қиладиган давлатларда эса фақат НХҚПга эришиш мумкинлиги таъкидланади. Бунга асосий сабаб сифатида валюта курси ўзгаришларидаги номутаносиблик келтирилади. Валюта курси фақат НХҚПдаги нарх тафовутларини бир оз компенсациялаш имкониятига эгадир.

ХҚПнинг бажарилмаслиги, яъни ундан четланиш ялпи таклиф ва ялпи талабга таъсир қилувчи бир қатор фундаментал омиллар таъсирида юз бериши тадқиқотларда аниқланган. Хусусан, ялпи таклифга таъсир қилувчи омиллар сифатида ишлаб чиқариш самарадорлиги тизимига таъсир этувчи омиллар қаралган бўлса, ялпи талаб нуқтаи назаридан давлат харажатлари, ташқи савдо шартлари ва бошқа омиллар эътиборга олинган. Шунингдек, назарий моделларда савдо ва носавдо хусусидаги товар ва хизматлар бўйича ҳам ХҚПнинг бажарилмаслик ҳолатлари алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилган.

Ялпи таклифга таъсир этувчи омиллар бўйича амалга оширилган машҳур моделлардан бири, бу Баллас [6] ва Самуэлсон [7] моделидир. Муаллифлар ўз моделларида нарх-наво омилига атрофлича эътибор қаратиб, унинг "бой" мамлакатларда "камбағал" мамлакатларга нисбатан бир мунча юқори бўлишини (истеъмол нархлари индекси назарда тутиляпти) кузатиб, қуйидаги хулосаларни билдирганлар. Технологик тараққиёт савдо хусусидаги товарлар секторида носавдо хусусидаги товарлар секторига нисбатан тезроқ юз беришини таъкидлайдилар. Шу боисдан савдо секторидаги сезиларли даражадаги самарадорлик аломатларини ривожланган давлатларга хос хусусият сифатида қараганлар. Савдо секторидаги товарларнинг ишлаб чиқариш самарадорлиги ўзи билан бирга иқтисодиётда номинал иш ҳақининг ўсишини келтириб чиқаришга ва бундай ўсиш ички меҳнат ресурсларининг мобиллигини оширишга замин яратиши ҳақида хулоса қиладилар. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар номинал иш ҳақлари ўртасидаги тафовут нархлар даражасидаги тафовутларни ва узоқ муддатли даврда ХҚПнинг бажарилмаслигини асослаб берувчи омиллар сифатида таъкидланади.

ХҚПнинг бажарилмаслигига ялпи талаб омилларининг таъсири ҳам сезиларли аҳамият касб этади. Бунга меҳнат ва капиталнинг бир сектордан бошқа бир секторга кўчиб ўтиши қисқа муддатда юз бермаслиги ҳолати муҳим ўрин тутади. Фрут ва Роггоф [8] ўз тадқиқотларида давлат харажатларининг ортиши носавдо секторидаги товарлар нархининг ҳам ортишига олиб келишини кўрсатиб берганлар (агар харидлар айнан ушбу секторга қаратилган бўлса). Давлат харажатларининг шу тариқа ўзгариши ўрта муддатли истиқболда миллий валютанинг мустаҳкамланишига ва унинг таъсирида ХҚПнинг бажарилмаслигига замин яратишини алоҳида таъкидлаганлар.

Григорио ва Вольф [9] эконометрик таҳлил натижасида даромадлар ва ташқи савдо шартлари омилларининг ялпи талаб омиллари нуқтаи назаридан носавдо хусусидаги товарлар нархларининг ўзгаришига ва ХҚПнинг бажарилмаслигига хулоса қилганлар. Шу билан бирга ижобий шок таъсирида ҳам ялпи талаб омилларининг ўзгариши, яъни даромадларнинг ортиши ва ташқи савдо шартларининг яхшиланиши носавдо секторидаги товарлар нархларининг ошишини келтириб чиқариши мумкинлиги ва бу жараён ушбу сектордаги ишлаб чиқариш факторларининг қисқа муддатда мобиллигини таъминлай олмаслик билан кечишини изоҳлаганлар.

Савдо хусусидаги товарларнинг ҳаракати билан боғлиқ тадқиқотлар ҳам кам эмас. Хусусан, Исард [10], Джованнини [11] ва Энджел [12] тадқиқотлари айнан савдо хусуси-

даги товарларнинг пировард натижаларига қаратилган. Муаллифлар, ХҚПнинг бажарилмаслиги ҳолатини валюта курси ўзгаришлари динамикаси билан асослашга ҳаракат қиладилар. Хусусан, улар ўз фикрларини умумовқатланиш ёки ресторанлардаги менюларга кетадиган харажатларнинг қатъийлиги билан асослашга уринганлар.

Бошқа бир иқтисодчилар, жумладан Кругман [13] ва Дорнбушлар [14] савдо секторидаги товарлар бўйича ХҚПга эришиб бўлмасликни, ушбу сектордаги номукаммал рақобат шароити билан изоҳлашга ҳаракат қилганлар. Хусусан, муаллифлар олигополияли бозор муносабатлари шароитида паритетнинг бажарилмаслигини турли мамлакатлардаги бир хил товарларга нарх даражасини унга бўлган талаб эластиклиги ва товарларни лицензиялашга кетадиган сарф-харажатлар билан боғлаганлар.

Юқоридагилардан ташқари, бир қатор иқтисодчилар [15-17] ХҚПга эришиб бўлмаслик ҳолатларини бошқа кўплаб омиллар билан, жумладан транспорт ва транзакцион харажатлар билан, савдо чекловлари, мамлакатлар истеъмол саватларидаги товар ва хизматлар миқдори, сони ва турлари билан ҳам асослашга ҳаракат қилганлар.

Амалга оширилган бир қатор эмперик тадқиқотларнинг турли хил хулосаларига қарамасдан, валюта курсининг барқарор мувозанатли ҳолатини муайян фундаментал макроиқтисодий кўрсаткичлар гуруҳи билан узоқ муддатли истиқболда таъминлаш мумкинлиги борасида ҳам бир қатор тадқиқотлар [18-19] амалга оширилган.

Мана шундай тадқиотларнинг айримларини таҳлил қилиб чиқишга ҳаракт қиламиз.

Юқорида қайд этиб ўтилган классик моделлар бир қанча жиҳатларга кўра бир-биридан фарқланади. Хусусан, нарх-наво шаклланишининг қаттиқ ёки юмшоқ концепцияси, капиталлар мобиллигининг мукаммал ёки номукаммаллиги, жорий ва капитал операциялар ҳисобининг ҳолати каби жиҳатлар шулар жумласидандир. Ушбу моделларнинг фарқли жиҳатларини уларда қайд қилинган концепцияларнинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда очиб беришга ҳаракат қиламиз.

**1. Қопланмаган фоиз паритети концепцияси (Uncovered Interest Parity).**

Қопланмаган фоиз паритети концепцияси ўз мазмун ва аҳамиятига кўра, икки мамлакат ўртасидаги фоиз ставкасининг фарқи ушбу мамлакатлар валюта курсларининг кутилаётган ўзгаришларига тенг бўлишини назарда тутади. Агар ушбу паритет ҳосил қилинмаса, у ҳолда валюта арбитражи (валюта чайқовчилиги) кўринишидаги даромадни олиш имконияти пайдо бўлади. Шу ўринда, қопланган фоиз паритети концепциясига ҳам муносабат билдириш лозимки, улар ўртасида тушунмовчилик келиб чиқмасин.

Қопланган фоиз паритети концепцияси ўз мазмун ва аҳамиятига кўра, валюта чайқовчилигининг юзага келишига ҳеч қандай ўрин қолдирмайди. Бошқача айтганда, икки мамлакат фоиз ставкаларининг фарқи, кутилаётган валюта курси ўзгаришига тенгдир. Шу боисдан ҳам иқтисодчилар ушбу жараённи қопланган, яъни мувозанатга эришилган паритет сифатида эътироф этишади.

Қопланмаган фоиз паритети формуласини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$R_d - R_f = \frac{(E_{t+1} - E_t)}{E_t} \qquad (2.5)$$

Бу ерда: $R_d - R_f$ мамлакатлар ўртасидаги номинал фоиз ставкаларининг фарқи; $R_d$ – маҳаллий номинал фоиз ставкаси; $R_f$ – чет эл номинал фоиз ставкаси; $\frac{(E_{t+1} - E_t)}{E_t}$ валюта курси ўзгаришларидаги фарқ.

$E_{t+1}$ - жорий валюта курси.

Мазкур паритетга хос жараёнлардан бирига қуйидагича хулоса билдириш мумкин, яъни барча шароитлар тенг бўлган тақдирда, жорий ёки кутилаётган маҳаллий фоиз ставкасининг ошиши миллий активларга ва миллий валютага бўлган талабни оширишга ва унинг таъсирида миллий валюта харид қобилиятининг мустаҳкамланишига олиб келиши мумкин.

Ушбу қопланмаган фоиз паритети концепцияси доирасида валюта курси активлар баҳосини тавсифлаб, шок таснифига эга бўлган ахборотлар оқимидан таъсирланмоқда. Бундай тавсифдаги ахборотларга таъсирчанлик валюта курси тебранишларининг юзага келишига сабаб бўлмоқда [20].

***2. Манделл-Флеминг модели***

Сузувчи валюта курси назариясининг ривожланишига асосий рағбатлантирувчи таъсир кўрсатган фундаментал моделлардан бири ушбу Манделл-Флеминг модели ҳисобланади. Моделнинг базавий вариантлари Флеминг ва Манделлнинг ишларида баён қилинган [21-23], унинг модификациялашган вариантларини МакДональд [24-25], Обстфельд ва Рогоффларнинг тадқиқотларида кузатиш мумкин [26].

Макур моделда капиталнинг мукаммал мобиллиги, қаттиқ нарх сиёсати ва импорт таклиф эгри чизиғининг абсолют эластиклиги кичик очиқ иқтисодиёт (small open economy) нуқтаи назаридан қараб чиқилган.

Манделл-Флеминг модели учта тенгламага (IS, LM, UIP) асосланган модел ҳисобланиб, қуйидагиучтаэндогенўзгарувчиларта ъсирини илгари суради: номинал айирбошлаш курси, ишлаб чиқариш (ЯИМ) ва ички номинал фоиз ставкаси.

Ушбу ўзгарувчилар тизимига асосланиб номинал валюта курсининг мувозанатли формуласини шакллантириш мумкин:

$$s_t = \sum_{i=0}^{\infty} \left(\frac{\beta+\theta}{\alpha+\beta+\theta}\right) i \, E_t x_{t+i} \qquad (2.6)$$

$$x_t = \frac{1}{\alpha+\beta+\theta}[(\alpha-1)p_t + m_t - \gamma g_t - \delta y_t^* - \alpha p_t^* + (\beta+\theta)R_t^*] \qquad (2.7)$$

Бу ерда: $x_t$- ўзгарувчидир, яъни унинг таъсири ички нарх (p), пул массаси (m), давлат харажатлари (g), чет элдаги ЯИМ ҳажми (y*), чет элдаги нарх (p*) ва фоиз ставкасининг (R*) ўзгаришига боғлиқ ҳолда кечади. α,β,θ,γ,δ - модел параметрлари ҳисобланади.

Демак, ушбу формулалардан келиб чиққан ҳолда қуйидагиларга хулоса қилиш мумкин: пул массасининг ортиши ички фоиз ставкасининг пасайишига ва шунга мос равишда миллий валютага бўлган талабнинг камайишига босим ўтказиб, миллий валютанинг девальвацияланишига олиб келади. Давлат харажатларининг ортиши эса пулга бўлган талабни ва номинал фоиз ставкасини ошишига таъсир этиб, миллий валютанинг ревальвацияланишига олиб келади. Чет элда ишлаб чиқариш ҳажмининг (ЯИМнинг) ортиши ўша ерда пулга бўлган талабни ва номинал фоиз ставкасини оширишга таъсир этиб, чет эл валютасининг ревальвацияланишига олиб келади. Натижада ички бозорда қадри мустаҳкам бўлган валютага талаб ортиб, миллий валютанинг қадрсизланиши (девальвацияланиши) кузатилади, ва аксинча.

Ушбу моделнинг муҳим натижаларидан бири шуки, сузувчи валюта курси режимида фискал сиёсатнинг таъсир самарадорлиги жуда паст бўлади. Бундай режимда давлат харажатларининг оширилиши миллий валютанинг қадрланишига (фоиз ставкасининг кўтарилиши ҳисобига), импортнинг ортишига ва ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгармас шароитидаги давлат харажатларининг ортирилган қисми бўйича соф экспортни бой берилишига олиб келиши мумкин.

Мазкур моделнинг танқидий жиҳати шундаки, у кўпроқ статистик жараёнга боғланганлигидир. Иқтисодий агентларнинг кутиши, жорий операциялар бўйича номутаносиб савдо балансининг ҳамда бошқа омиллар таҳлилларини четлаб ўтишидир [27].

**Монетар моделдаги қайишқоқ (юмшоқ) нархлар сиёсати**

Мазкур моделнинг асосчилари исроиллик ва америкалик иқтисодчи олимлар Френкел [28] ва Мусса [29-30] ҳисобланишади. Мазкур монетар моделдан катта ва кичик иқтисодиёт учун ҳам фойдаланиш мумкин. Катта иқтисодиёт нуқтаи назаридан қараганда унинг асосий ўзгарувчи омиллари қуйидагилар ҳисобланади: қопланмаган фоиз паритети, харид қобилияти паритети, ички ва ташқи иқтисодиётда пулга бўлган талаб, номинал фоиз ставкаси ушбу моделнинг дастлабки вариантида экзоген, яъни ташқи омил сифатида ўрин тутган.

Мазкур ўзгарувчилардан келиб чиққан ҳолда валюта курсининг базавий тенгламасини ҳосил қилиш мумкин:

$$x_t = \frac{\theta}{1+\theta} \sum_{i=0}^{\infty} \left(\frac{\theta}{1+\theta}\right) i \, E_t[\overline{m}_{t+i} - \overline{y}_{t+i}] \qquad (2.8)$$

Бу ерда: $\widetilde{m}_{t+i} = m_{t+i} - m_{t+i}^*$ ҳамда $\widetilde{y}_{t+i} = y_{t+i} - y_{t+i}^*$ тенгликни ифодалайди.

Демак, ушбу монетар моделда валюта курсининг ўзгариши пул массасининг транзакцион пулга бўлган талабдан юқори ёки кам бўлиши билан изоҳланади. Барча шароитлар тенг бўлган тақдирда, ички пул массасининг ортиши миллий валютанинг қадрсизланишини келтириб чиқаради. Ишлаб чиқариш ҳажми (ЯИМ) ва номинал фоиз ставкасининг ўзгариши ҳам пулга бўлган талабдан келиб чиққан ҳолда кечади. Шунингдек, моделда валюта курсининг ахборотларга бўлган таъсирчанлиги ҳам эътиборга олинган.

**4. Дорнбуш модели (қатъий, яъни қаттиқ нархлар сиёсати)**

Дорнбушнинг [31] ушбу моделида нархлар даражаси қисқа муддатли ва узоқ муддатли даврларда мос равишда қаттиқ ва юмшоқ ҳисобланади. Ушбу моделнинг бошқа моделлардан фарқли жиҳати шундаки, муаллиф унга кутилаётган инфляциянинг ўсиш/камайиш даражаси билан боғлиқ омилни киритади. Бошқача айтганда, кутилаётган инфляциянинг даражаси товар ва хизматларга бўлган талабнинг ўзгаришига бевосита таъсир этишини эътиборга олади. Натижада ушбу ҳолатнинг моделга киришиши бироз кечикиши сабабли қисқа муддатли даврда ишлаб чиқариш ҳажми ва валюта курсларининг модел бўйича мосланувчанлигини кескин фарқлантирадики, бу эса қисқа муддатли даврда валюта курсининг кескин тебранишларга юз тутишига сабаб бўлади.

Ушбу моделга ялпи талаб ва кутилаётган инфляция ўзгаришларини қўшган ҳолда валюта курсини шакллантиришнинг қуйидаги кўринишдаги тенгламасини ҳосил қилиш мумкин:

$$s_t = \varphi_1^{-1} s_{t-1} - \frac{1}{\mu\theta\varphi_1} \sum_{i=0}^{\infty} \varphi i_2 E_t x_{t+i} \qquad (2.9)$$

Бу ерда: xt+i -экзоген ўзгарувчи бўлиб, у пул массаси (m), давлат харажатлари (g), ЯИМ (y), чет элдаги нархлар даржаси (p*) ва чет элдаги номинал фоиз ставкасининг (R*) таъсирида ўзгаради. $\varphi_{1,}\ \varphi_{2,}\ \mu, \theta$ - модел параметрларидир. Агар ушбу экзоген ўзгарувчиларни ўзгармас стационар ҳолатда деб фараз қилсак, у ҳолда валюта курси қуйидаги тенгламани ҳосил қилади:

$$\bar{s}_t = m_t - \frac{1}{\alpha} g + \frac{1-\alpha-\gamma}{\alpha} y_t - p_t^* + (\gamma + \frac{\beta}{\alpha}) R_t^* \qquad (2.10)$$

Бинобарин, пул массасининг доимий ўзгариши миллий валютанинг қадрсизланишига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатсада, давлат харажатларининг ортиши эса унга тескари мутаносибликда кечиб, пулга бўлган ички талаб ва номинал фоиз ставкасининг ошишига босим ўтказа олади. Шу билан бирга, чет элдаги номинал фоиз ставкаси (R*) ва нарх даражасининг (P*) ортиши ҳам миллий валютанинг қадрсизланишига сабаб бўла олади.

Шундай қилиб, вазиятли шоклар натижасида валюта курси дастлаб, қаттиқ нархлар таъсиридаги (2.9) тенглама ҳолатида шакллан-са, аста-секинлик билан стационар ҳолатига ўтади (2.10 тенглама). Дорунбушнинг ушбу модели “кўчиб ўтиш” эффекти, дея ҳам эътироф этилган бўлиб, у айнан қаттиқ нарх сиёсати ва фоиз ставкаси паритетига эришишнинг яққол ифодасидир. Ушбу эффект (самара) валюта курсининг қисқа муддатли даврларда сезиларли даражада тебранишларга мойил бўлишини назарий жиҳатдан тушунтириб беришга имконият яратади.

***Обстфельд-Роггоф модели***

Мазкур модел янги очиқ иқтисодиётдаги макроиқтисодий модел таснифига оид бўлиб (New Open Economy Macroeconomics), микроиқтисодиёт асослари таъсирида умумий мувозанатга эришиш бўйича қилинган дастлабки уруниш модели ҳисобланади [32]. Моделнинг асосини икки мамлакат ва улардаги ишлаб чиқарилаётган товарларнинг монополистик рақобат шароитида ва қаттиқ нарх сиёсати таъсирида эканлиги ташкил қилади. Шунингдек, моделда такрор ишлаб чиқарувчилар-уй хўжаликлари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос индексга Inϵ[0,1] ҳамда ноёб товар ишлаб чиқариш (z) хусусиятига эгадир. Уларнинг афзал кўриш жиҳатлари ҳам бир хилдир.

Ушбу ноёб ҳисобланган z товар ва хизматларни ишлаб чиқаруви ва истеъмол қилувчи уй-хўжаликларининг самарадорлик кўрсаткичлари улар томонидан жамғарилган пул маблағлари ҳажмига, нархлар даражасига ва уларни ишлаб чиқариш ҳамда истеъмол қилиш учун кетган вақт бирлиги омилига боғлиқ сифатида қаралган. Бундан ташқари, моделда ягона нарх қонуни, истеъмолчиларнинг, шу жумладан давлат истеъмоли бўйича бюджет чекловлари, қопланмаган фоиз паритети шартлари ҳам инобатга олинган.

Мазкур моделнинг монетар моделдан асосий фарқ қилувчи жиҳати шундаки, унда вақти-вақти билан амалга ошириладиган бюджет чекловлари ҳамда товар ва хизматлар бўйича ялпи таклиф функциясининг амал қилишидир. Бунда товар ва хизматлар уй-хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилиши

ва улар меҳнатининг сарфи ишлаб чиқариш омили сифатида қаралиши белгиланган. Ишлаб чиқариш жараёни вақт омилига тескари пропорционалликда, капитал эса қатий, яъни ўзгармас деб, олинган.

Юқоридаги ҳолатларга асосланган ҳолда шакллантирилган чизиқли модел натижасида муаллифлар валюта курсининг узоқ муддатли даврларда шаклланиш траекториясини икки мамлакат ўртасидаги пул массаси таклифи ($m^{\#}$-$m^{*\#}$) ва истеъмол ҳажмига ($c^{\#}$-$c^{*\#}$) боғлиқлигини аниқлашган .

$$s^{\#} = m^{\#} - m^{*\#} - \frac{1}{\epsilon}(c^{\#} - c^{*\#}) \qquad (2.11)$$

Бу ерда: ϵ – икки мамлакат иқтисодиёти учун бир хил ҳисобланган пулга бўлган чизиқли талаб функциясидаги ижобий параметр.

Бундай хулоса, бир тарафдан қараганда монетар модел хулосасини ифодалайди, унда ишлаб чиқариш омилига эътибор қаратилган бўлса, бу ерда истеъмол омилига урғу берилган. Олдинги моделда пул-кредит сиёсати ишлаб чиқариш ва истеъмолга узоқ муддатли даврларда ўз таъсирини кўрсатмаган ҳолда, яъни нархлар пропорционал (мутаносиб) равишда ўзгарган ҳолда акс эттирилган.

Обстфельд - Роггоф моделининг хулосаси шуни кўрсатмоқдаки, пул массаси таклифининг (шок таъсири назарда тутилмоқда) ўзгарувчиларга ва валюта курсига қисқа муддатли таъсирдан кўра узоқ муддатли таъсирга кўпроқ мойилдир. Моделга мувофиқ, ижобий монетар шоклар дастлаб қисқа муддатли истиқболда ички фоиз ставкасининг пасайишини, миллий валютанинг қадрсизланишини, ички ишлаб чиқарилган товар ва хизматларга бўлган талабнинг ортишини, ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг кўпайишини, жамғармаларнинг ўсишини (даврлар оралиғидаги истеъмолни мувофиқлаштириш натижасида) ҳамда ўзлаштирилган чет эл активларининг кўпайишига ўз таъсирини ўтказади.

Ўрта муддатли истиқболда эса чет эл активлари кўринишидаги истеъмол ва жамғармаларнинг ортиши валюта курсига ноаниқлик тавсифидаги таъсирни юзага келтириб чиқаради. Узоқ муддатли истиқболда ушбу чет эл активларидан келадиган фоиз кўринишидаги тўловларни олиш ишчи кучини рағбатлантириш билан бирга ишлаб чиқариш ва истеъмол даражаларини олдинги ҳолатига қайтаришга имконият яратиши билан ифодаланади.

Мазкур модел хулосасининг муҳим жиҳати шундаки, унда валюта курсининг "кўчиб ўтиш" эффекти инкор этилади, бу ерда валюта курси миллий ва чет эл иқтисодиётидаги истеъмол даражаларининг ўзгаришига боғлиқлиги таъкидланади (Obstfeld-Rogoff, 1995).

**Портфелли модел**

Мазкур моделнинг асосчилари бўлиб канадалик иқтисодчи олим Р.МакКиннон ва америкалик иқтисодчи олим В.Уотлар ҳисобланишади [33]. Шунингдек, ушбу портфелли моделнинг валюта курси ўзгаришларига бўлган таъсирини бошқа бир қатор иқтисодчилар ҳам ўрганишган. Хусусан, Бренсон [34-35], Аллен ва Кенен [36], Генберг [37], Исард [38], Дорнбуш ва Фишерлар [39] шулар жумласидандир.

Монетар моделдан фарқли ўлароқ ушбу модел миллий ва чет эл активларининг номукаммал рақобат шароитида алмашинувини назарда тутади. Ушбу ҳолат бир қатор омилларнинг, шу жумладан риск даражасининг фарқланиши таъсирида чет эл активларини мукаммал рақобат шароитида алмашинувини ҳосил қилиб бўлмаслиги билан ифодаланади. Рискка мойиллиги юқори бўлмаган инвесторлар ўз активларини даромад ва риск нисбатидан келиб чиққан ҳолда диверсификация (табақалашувини) қилишни маъқул кўрадилар. Бу эса ўз навбатида, риск омилини инобатга олган ҳолдаги қопланмаган фоиз паритетининг амалга ошишини ифодалайди:

$$i_t - i_t^* - \Delta s_{t+k}^e = \theta_t \quad (2.11)$$

Бу ерда: $\theta_t$ - риск учун мукофотни билдиради. Агар инвесторлар валютанинг рискка тортилган даражасини юқори даражада ҳис этсалар, у ҳолда улар ўз портфеллари таркибини риски паст бўлган бошқа валюта билан ёки қимматбаҳо қоғоз билан диверсификация қилишни лозим деб ҳисоблайдилар.

Портфелли модел назариясига кўра, кичик очиқ иқтисодиётнинг портфелли баланси қуйидаги тенглама кўринишга эга бўлади:

$$W = M + B + S^*F \qquad (2.12)$$

Бу ерда: W (Wealth) – умумий бойлик сифатида пул массаси (M), ички давлат қарзлари ёки облигациялар (B) ҳамда жорий ҳисоб операциялари бўйича ижобий қолдиқдан (S*F, бу ерда F-миллий иқтисодиётга тегишли бўлган чет эл облигацияларини ифодалайди) ташкил топиши ифодаланган.

Ушбу уч турдаги (пул массаси, ички ва ташқи облигациялар) активга бўлган талаб ички ва ташқи фоиз ставкалари (экзоген омил сифатида қаралган) ҳамда мамлакат ички фа-

ровонлиги даражасига боғлиқ деб, қаралган.

$$M = m(i, i^* + \Delta s^e)W, \quad m_i < 0, m_{i^*+\Delta s^e} < 0, \quad (2.13)$$
$$B = b(i, i^* + \Delta s^e)W, \quad b_i > 0,\ b_{i^*+\Delta s^e} < 0, \quad (2.14)$$
$$SF = f(i, i^* + \Delta s^e)W, \quad f_i < 0, f_{i^*+\Delta s^e} > 0. \quad (2.15)$$

Бу ердаги ҳосилавий белгилар шундан дарак берадики, ички фоиз ставкасининг ошиши миллий облигацияларга бўлган талабни ортишига ва аксинча чет элда фоиз ставкасининг кўтарилиши чет эл облигацияларига бўлган талабни оширишга олиб келишини ифодалайди. Умуман олганда эса облигациялар ҳам (ички ва ташқи) тўлиқ равишда бир-бирини ўрнини қоплай олмайди

$$(b_i > f_i \text{ ёки } f_{i^*+\Delta s^e} > b_{i^*+\Delta s^e})$$

агар миллий иқтисодиётнинг барқарорлиги (фаровонлиги) ошадиган бўлса, у ҳолда миллий облигацияларга бўлган талаб чет эл облигацияларига нисбатан бир мунча юқори бўлиши таъкидланади.

Реал сектор ҳолати савдо ва носавдо туридаги товар ва хизматлар билан тавсифланади ва моделда талаб функцияси орқали ифодаланади. Нархлар ҳам эгилувчан тавсифга эга бўлиб, иқтисодиётда тўлиқ бандлик ҳолати кузатилади. Моделдаги резидентларнинг даромади ушбу савдо ва носавдо хусусидаги товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ҳамда чет эл активлари бўйича фоиз кўринишида олинадиган даромадлардан шаклланган.

Моделдаги жорий ҳисоб операциялари мавжуд савдо ва носавдо хусусидаги товар ва хизматлар умумий йиғиндисидан худди шундай хусусдаги истеъмол ҳажмини чегириб ташлаш ҳамда чет эл активларидан келадиган фоиз кўринишдаги даромадларни ифодалайди. Агар жорий операциялар қолдиғи ижобий (профицит) ҳолатни ифодалса, у ҳолда мамлакат чет эл активларини жамғараётган бўлади. Жорий операциялар қолдиғининг профицит ёки дефицит бўлиши мамлакатдаги ички жамғармаларга боғлиқ бўлади. Агар мавжуд бойлик кўзда тутилган даражадан ортиқ бўладиган бўлса, у ҳолда иқтисодиёт субъектлари ўз жамғармаларини сарф қилишга ўтадилар, ва аксинча ҳолатда эса уни жамғаришни маъқул кўрадилар.

Шунингдек, моделда валюта курсининг статистик кутиш эҳтимоли ҳам назарда тутилган: $\Delta s^e$=0.

Модел шундай тузилганки, унда ҳар хил шок ҳолатларининг таъсири уч давр оралиғида кўриб чиқилади (шок юз берган заҳотидаги ҳолат, қисқа муддатли ва узоқ муддатли даврлар). Шок юз берган заҳотидаги ҳолат активларни зудлик билан мувофиқлаштириш билан ифодаланади. Қисқа муддатли даврда активларнинг баҳоси нархлар умумий даражасига таъсир кўрсатиб, мавжуд ва кўзда тутилган бойлик ўртасидаги тафовутни ҳамда жамғарма ва жорий операциялар ҳисоб қолдиғи бўйича ҳолатларни аниқлаштириб бериш билан ифодаланади. Моделдаги бундай ўзгаришлар охир оқибатда иқтисодиётни узоқ давр учун янгитдан мувозанатлашишига шароит яратиши билан изоҳланган.

Ушбу мувозанат бир вақтнинг ўзида учта бозорда, яъни товар, пул ва облигациялар бозорида ўрнатилишига сабаб бўлади. Пул ва облигациялар бозоридаги мувозанат ҳолати товарлар бозоридаги мувозанатга боғлиқ ҳолда кечади. Фоиз ставкаси (i*) ва жорий операциялар (S*) ҳисобидаги мувозанатли ҳолат пул ва облигациялар бозоридаги талаб ва таклиф мувозанатини таъминлаб беришга хизмат қилади. S*нинг мувозанатли ҳолати ўз навбатида савдо ва носавдо хусусидаги товарлар мувозанатини таъминлашга замин яратади.

Валюта курсининг мувозанатли ҳолати моделдаги бир қанча параметрлар таъсирида аниқлаштирилади, хусусан миллий ва чет эл облигацияларига бўлган талаб эластиклиги, бойликка бўлган талаб даражаси, маҳаллий ва чет эл фоиз ставкалари даражаси, ички облигациялар таклифи, мамлакатнинг фаровонлик даражаси ва бошқалар. Миллий валютадаги облигациялар таклифининг ортиши жаҳон активлари бозорида улар нархининг тушишини ва миллий валютанинг қадрсизланишини келтириб чиқаришини ифодалайди. Ички иқтисодий фаровонликнинг ортиши эса ички активларга бўлган талабни оширишга ва шунинг таъсирида миллий валюта қадрининг мустаҳкамланишига замин яратишини билдиради. Ички фоиз ставкасининг ҳам кўтарилиши миллий валюта қадрини оширишга олиб келиши таъкидланади.

**Микроструктурали модель**

Мазкур модел валюта курсини шакллантиришнинг янги модели сифатида эътироф этилган бўлиб, иқтисодчилар Тейлор [40], Флуд [41] ва Лионлар [42-43] томонидан дастлабки тадқиқотлар амалга оширилган. Валюта бозорининг микроструктураси дейилганда унда иштирок этувчилар таркиби, тури ва хулқ-атвор стратегиясининг ўзига хос жиҳатлари назарда тутилади. Бир томондан, бундай ёндошув номинал валюта курсининг мувозанатли курс ҳолатидан четланиш сабабларини фундаментал макроиқтисодий кўрсаткичлар таҳлили орқали назарий жиҳатдан тушуниш имкониятини берсада, иккинчи томондан микроструктурали таҳлил ушбу бозор иштирокчилари ўртасида ахборотлар алмашинуви (узатилиши) жараёнини тадқиқ қилиш, иқтисодиёт субъектлари хулқ-

атворини ўрганиш, валютага бўлган талаб ва таклиф оқими, ахборотлар оқими, иштирокчиларнинг кутиши, валюта курсининг кескин тебраниши ва уни барқарорлаштириш билан боғлиқ чора-тадбирлар белгилашни ифодалайди.

Микроструктурали ҳолатдаги стандарт моделда номинал валюта курсини шакллантириш иқтисодиёт субъектларининг турли даражадаги (ахборот билан таъминланган ва таъминланмаган) тоифаларидан валюта савдосига оид келиб тушадиган буюртмалар бўйича амалга оширилиши кўзда тутилади [44-45]. Валютага бўлган талаб бозор буюртмалари терминлари бўйича амалга оширилади. Трейдерлар энг мақбул нархлар бўйича савдони амалга оширилишини талаб қиладилар. Барча буюртмалар маркет-мейкрлар томонидан жорий спот курс бўйича амалга оширилади [46-47].

Номинал валюта курси динамикаси қуйидаги тенгламада келтирилган:

$$S_{t+1} = S_t + a^M \left(A_t^I + A_t^U\right) + \epsilon_{t+1} \qquad (2.16)$$

Ушбу динамика ахборот билан таъминланган ($A^I_t$) ва таъминланмаган ($A_t^U$) субъектлар томонидан юборилган валюта савдо бўйича соф буюртмалар ҳажмига, трейдерларнинг ва бозордаги бошқа ҳолатларга кўра аниқланиши ифодаланган. Бу ерда, $S_t$- t вақт бирлиги давомида шаклланган спот-курси логарифми; $a^M$ - маркет-мейкрларнинг ижобий коэффициент реакцияси сифатида қаралган. Моделда валюта курсининг тебраниши уч турдаги манбага нисбатан таҳлил қилинган:

Бозордаги шовқин-сурон ҳолати ($\epsilon_{t+1}$), яъни умумий ахборотни ўзида мужассам этган ҳолат, бу ўз навбатида маркет-мейкрларнинг қарор қабул қилишига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади.

Валюта бозори иштирокичлари томонидан билдирилаётган буюртмалар оқими орқали валюта курсига таъсир этувчи умум маълум бўлган янгиликлар.

Умум маълум бўлмаган (чекланган) янгиликлар билан боғлиқ бўлган буюртмалар оқимининг тебраниш ҳолати.

Одатда валюта бозоридаги буюртмалар рискка бетараф (нейтрал) бўлган иқтисодий субъектларнинг буюртмалари бўйича шакллантирилади ва уларнинг қўйилмалари ушбу активлардан кутилаётган даромадга боғлиқ бўлади. Бозордаги прогноз кўрсаткичларининг мунтазам хатоликлари одатда ахборот билан таъминланмаган трейдерларнинг инвестицион стратегиялари бўйича қабул қиладиган қарорлари билан ифодаланмоқда. Бундай трейдерларни одатда “шовқин-суронли трейдрлар” деб аташади [48].

Шунингдек, амалиётда ахборот билан таъминланмаган трейдерлар қаторига “Chartists”, яъни валюта курси прогнозларини техник таҳлилларга асосланган ҳолда амалга оширувчи иштирокчиларни ҳам киритишади [18, 49].

Ахборот билан таъминланмаган трейдерларнинг буюртмаларини шакллантириш қуйидаги кўринишга эга:

$$A_t^U = a^U\left(s_t - s_{t-1}\right) + b^U\left(i_t^* - i_t\right) \qquad (2.17)$$

Бу ерда: $i^*_t$-$i_t$ – миллий ва чет эл депозитларига таклиф этилган фоиз ставкалари. Маркетмейкрларнинг реакция коэффициенти $b^U$ ҳам ижобий, ҳам салбий аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Агар ижобий бўлса ($b^U$>0), у ҳолда қопланмаган фоиз паритети шарти бажарилганлигини ва ахборот билан таъминланмаган трейдрларнинг шунга бўлган ишончини ифодалайди $i^*_t$-$i_t$ ; яъни чет эл депозитларига фоиз ставкаси юқори бўлса, у ҳолда миллий валютанинг девальвацияланишига, ва аксинча миллий депозитларга бўлган фоиз ставкасининг юқорилиги миллий валютанинг ревальвацияланишига олиб келишини инобатга олган ҳолда трейдрлар ўз қарорларини қабул қиладилар).

Ахборот билан таъминланган трейдрларнинг буюртмаларини шакллантириш қуйидагича кўринишга эга:

$$A_t^I = a^I w_t\left(f_t - s_t\right) + b^I\left(i_t^* - i_t\right) \qquad (2.19)$$

Бу ерда: $f_t$ - номинал валюта курсининг истиқболли (прогноз) кўрсаткичи; $a^I$ - ижобий реакция коэффициенти; 0<$w_t$<1 – ахборот билан таъминланган трейрларнинг валюта курсини прогнозлаштиришга қўшган ҳиссаси; $b^I$ - параметр ҳам ижобий, ҳам салбий бўлиши мумкин.

Ахборот билан таъминланган трейдрларнинг фундаментал макроиқтисодий таҳлилларга асосланган прогноз кўрсаткичлари валюта курсининг барқа-рорлигини сақлашга сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

Агар валюта курси мувозанатли курсдан сезиларли даражада четланса, ахборот билан таъминланган трейдрлар бозорга бўлган ишончни йўқотадилар ва ўз позицияларини ёпишга ҳаракат қиладилар. Бошқача айтганда, фундаментал таҳлил натижаларига кўра шакллантирилган буюртмалар зарар кўради ва аксинча курс тебраниш прогнози ўзини оқласа бозорга бўлган ишонч ортади [50].

Марказий банклар ушбу моделда кўпроқ маълумотга эга бўлган субъект сифатида эътироф этиладилар, улар фундаментал макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўзгариши ҳақидаги

маълумотлардан олдинроқ хабар топадилар ва валюта курсига таъсир этиш имкониятларини ошира оладилар (Sager, Taylor, 2006). Марказий банклар интервенция туфайли трейдрларни ўз қарорларига бўлган ишончларини оширадилар ва бозорда фаол ҳаракат қилишга чорлайдилар. Шу боис интервенция трейдрларнинг кутишларини мувофиқлаштирувчи инструмент (восита) сифатида қаралади.

Юқоридаги моделларнинг таҳлилларига асосланган ҳолда қуйидаги хулосаларга келиш мумкин.

Валюта курси динамикасига таъсир этувчи асосий омиллар қаторига миллий ва чет эл фоиз ставкалари фарқи (жорий ва кутилаётган фоиз ставкалари), пул таклифининг миқдорлари, кутиладиган инфляция даражалари, ЯИМ ва истеъмол ҳажми ҳамда давлат харажатлари таъсирини киритиш мумкин.

Валюта курси моделининг биринчи авлод моделлари сифатида Манделл-Флеминг, монетар, Дорунбуш ва портфел моделларини алоҳида қайд этиб ўтиш мумкин. Уларни харид қобилияти паритети концепцияси, қопланмаган фоиз паритети ҳам макроиқтисодий таҳлил ёндошувлари бир мақсад сари бирлаштиради.

Портфелли моделнинг бошқа моделлардан асосий фарқ қилувчи жиҳати, турли мамлакатлар активлари номукаммал рақобат шароитида бир-бирини ўзаро қоплай олмаслигида.

Обстфельд-Роггофнинг умумий мувозанат модели ва микроструктурали моделлар валюта курси моделининг иккинчи авлодини ташкил қилади. Улар микродаражадаги омилли ўзгарувчилардан фойдаланган ҳолда макродаражадаги жараёнларни тадқиқ этишга йўналтирилгандир.

Биринчи ва иккинчи авлод моделларининг хулосалари бир-бирини тўлдирсада, иккинчи авлод модели валюта курсини прогноз қилишда бир мунча самаралироқдир. Мисол учун, Обстфельд-Роггоф моделида пул маблағларини банкдан ташқарида сақлаш ортиқча муқобил харажатларни юзага келтириб чиқаришга (истеъмолнинг фойдалилик коэффициентига кўра) ва бу харажатлар истеъмол ҳажмига таъсир этиши натижасида валюта курсининг тебранишига сабаб бўлишини таъкидлайдилар. Муаллифлар бу билан трансмиссион механизм каналини валюта курсига таъсир этувчи энг муҳим омил сифатида қарайдилар.

Микроструктурали модел эса трейдрларнинг гетероген (бир хил эмаслик) тавсифларга эга бўлишлари ва валюта курсини валюта савдосига бўлган талаб ва таклиф буюртмалари оқимига кўра аниқланишини эътироф этади. Шу билан бирга валюта курси тебранишларини мувофиқлаштиришда Марказий банкнинг ролини, яъни валюта курсини барқарорлаштириш имкониятларининг юқори бўлишини таъкидлайдилар.

Валюта курси моделларининг таҳлили Марказий банки томонидан амалга ошириладиган стерилизация қилинадиган ва стерилизация қилинмайдиган интервенция воситасининг қўлланилиш механизмига ҳам боғлиқ бўлади (бу ҳақда тўртинчи бобда батафсил маълумот олиш мумкин).

Юқоридаги моделлар таҳлилидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон шароитида қайси моделдан фойдаланиш энг юқори самара бериши мумкинлиги бўйича таклифлар.

**Биринчи модел - қопланмаган фоиз паритети.** Ушбу моделнинг бош ғояси икки мамлакат ўртасидаги номинал фоиз ставкасининг фарқи ушбу мамлакатлар валюта курсларининг кутилаётган даражасига тенг бўлишини назарда тутади. Назарий жиҳатдан қараганда бизнинг ҳаракатимиз ушбу ғоянинг моҳиятига мос келади, аммо амалий жиҳатдан уни бажармайди. Миллий валюта курсининг мавжуд тебраниш даражаси мамлакатлар фоиз ставкаларининг фарқи даражасида эмас. Аммо ушбу модел параметридан узоқ муддатли истиқболда фойдаланиш мумкин. Бу эса Манделл-Флеминг модели талаблари бўйича ҳаракат қилишни тақозо этади.

**Иккинчи модел – Манделл-Флеминг модели.** Моделнинг бош ғояси капиталнинг мукаммал мобиллиги, қаттиқ нарх сиёсати ва импорт таклиф эгри чизиғининг абсолют эластиклигига асосланади (кичик очиқ иқтисодиёт нуқтаи назаридан). Мазкур модел сузувчи курс режимида тадқиқ этилган.

Агар мамлакатнинг жорий валюта курси режимини қатъий валюта курси режимида эканлигини инобатга олсак, ушбу моделга тўхтаб ўтишнинг ҳожати йўқ. Аммо ҳозирги мавжуд вазият моделда келтирилган эндоген ўзгарувчиларнинг, яъни номинал айирбошлаш курси, ишлаб чиқариш (ЯИМ) ва ички номинал фоиз ставкасининг валюта курсига бўлган таъсир троекториясини эркин валюта курси режими томон ҳаракатланаётганлигидан дарак беряпти. Ушбу моделнинг сезиларли даражадаги таъсири капиталлар ҳаракати бўйича эркин конвертациянинг очилишида синовдан ўтиши мумкин. Капиталлар ҳаракати мобиллиги мувозанатига эга бўлинмас экан унинг кутилган самарасига ҳам эришиб бўлмайди. Шу боис, мазкур модел кўпроқ узоқ келажакка хосдир, айни вақтда уни қўллаш кутилган самарани бермайди.

**Учинчи модел - монетар модел (қайишқоқ-юмшоқ нархлар сиёсати).** Моделнинг бош ғояси миллий ва чет эл иқтисодиётларида пул массаси миқдорининг иқтисодиётга таъсир доираси мақсадли мўлжал сифатида назоратга олинишидир. Шунингдек, мазкур монетар моделдан катта ва кичик иқтисодиётда фойдаланиш мумкинлиги алоҳида таъкидланади.

Мамлакатимизнинг кичик очиқ иқтисодиёт сифатида фаолият кўрсатаётганлигини инобатга олсак, ушбу модел параметрларидан валюта курси барқарорлигини таъминлашда фойдаланиш мумкин. Бунинг учун эса мамлакат ҳеч бўлмаганда асосий савдо шерик давлатлар бўйича ушбу моделнинг ўзгарувчиларини мунтазам равишда фундаментал тадқиқ этиши ва валюта курси барқарорлигини таъминлашга ҳаракат қилиши зарур. Ушбу моделни амалга ошириш имкониятлари бошқа моделларга нисбатан бир мунча юқори.

**Тўртинчи модел – Дорнбуш модели (қаттиқ нархлар сиёсати).** Моделнинг бош ғояси кутилаётган инфляция даражасининг ялпи талабга таъсири натижасида валюта курсининг кескин тебранишларига сабаб бўла олишидир (қисқа муддатли даврда). Шунингдек, ушбу моделда нархлар даражаси қисқа ва узоқ муддатли даврларда мос равишда қаттиқ ва юмшоқ тавсифга эга бўлиши билан изоҳланади.

Модел ғояси ва хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, мавжуд вазият ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ушбу модел талабларига мос келмайди, гарчи мамлакатда қаттиқ пул-кредит сиёсатидан кенг фойдаланиб келинаётган бўлса-да. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, валюта курсининг барқарорлиги кутилаётган инфляция даражаларига эмас, балки узлуксиз равишда амалга оширилаётган девальвация даражаларига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Ушбу модел талабларига мос ҳаракатларни амалга ошириш учун фикримизча, инфляцияни таргетлаш механизмига ўтиш ва асосий савдо шерик мамлакатлар билан модел параметрлари бўйича (пул массаси, фоиз ставкаси, инфляция даражаси, давлат харажатлари, ЯИМ ҳажми) фундаментал макроиқтисодий таҳлилларни амалга ошириш лозимдир.

**Бешинчи модел – Обстфельд-Роггоф модели.** Моделнинг бош ғоясини микроиқтисодиёт асослари таъсирида макроиқтисодий мувозанатга эришиш ва унинг таъсирида валюта курси барқарорлигини таъминлаш ҳисобланади. Модел икки мамлакат ўртасидаги монополистик рақобат шароити ва қаттиқ нарх сиёсатига асосланган муносабатлар тизими нуқтаи назаридан таҳлил қилинган. Шунингдек, моделнинг асосий ўзгарувчилари сифатида пул массаси ва истеъмол ҳажми омиллари олинган.

Мазкур моделнинг хусусиятларини инобатга оладиган бўлсак, унга тўхталиб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ҳисоблаймиз.

**Олтинчи модел – портфелли модел.** Моделнинг бош ғояси миллий ва чет эл активларининг (облигациялар, валюталар) алмашинув жараёни, яъни савдоси номукаммал рақобат шароитида юз беришига асосланган. Модел асосан кичик очиқ иқтисодиёт учун мўлжалланган. Моделда ички ва ташқи фоиз ставкалари ҳамда мамлакатдаги умумий фаровонлик даражалари муҳим ўзгарувчилар (омиллар) сифатида таҳлил этилган. Моделдаги валюта курсининг мувозанатли ҳолати бир қанча параметрлар таъсирида аниқлаштирилган, хусусан миллий ва чет эл облигацияларига бўлган талаб эластиклиги, бойликка бўлган талаб даражаси, маҳаллий ва чет эл фоиз ставкалари даражаси, ички облигациялар таклифи, мамлакатнинг фаровонлик даражаси ва бошқалар.

Агар моделнинг хусусиятларига эътибор қаратадиган бўлсак, мавжуд валюта курсининг шаклланиш жараёни ундаги жиҳатларга мос келмаслигини кўриш мумкин. Хусусан, облигациялар бозорининг ривожланмаганлиги ушбу моделнинг талабларини рўёбга чиқаришни қийинлаштиради. Рискларни хеджирлаш амалиётининг йўлга қўйилмаганлиги ушбу моделнинг Ўзбекистон шароитида қўллаш амалиётини қийинлаштиради. Аммо узоқ муддатли истиқболда ушбу модел параметрларидан фойдаланиш мумкин.

**Еттинчи модел – микроструктурали модел.** Моделнинг бош ғояси валюта бозори иштирокчиларининг таркиби, тури ва хулқ-атвор стратегиясига асосланади (иштирокчиларнинг ахборот билан таъминланганлик ёки таъминланмаганлик даражаси, ахборотлар оқими - очиқ ёки ёпиқ ахборотлар шаклида, иштирокчиларнинг кутиши ва б.).

Мазкур модел параметрларини инобатга олган ҳолда фикр билдирадиган бўлсак, ушбу моделда кўпроқ миқдорий кўрсаткичларга эмас, балки сифат кўрсаткичларига урғу берилган. Ушбу сифат кўрсаткичлари фонд ва валюта бозори фаолияти ривожланган мамлакатлар амалиётига кўпроқ мос келади. Биздаги мавжуд ҳозирги ҳолатни эътиборга оладиган бўлсак, ушбу модел параметрларидан фойдаланиш ўз аҳамиятига эга эмас. Аммо унинг параметрларини узоқ муддатли истиқболда қўллаш имкониятлари юқори. Фонд ва валюта бозори фаолиятларининг тех-

ник ва технологик имкониятларининг ошиши ушбу бозор иштирокчиларининг миқдор ва сифат кўрсаткичларининг ошишига замин яратади.

Мазкур моделларни Ўзбекистон шароитида қўллаш бўйича хулоса қуйидаги жадвалда келтирилган.

**Валюта курси шаклланишининг мавжуд моделларидан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш бўйича хулосавий жадвал**

| Моделлар номи | Яқин келажакда қўллаш мумкин | Яқин келажакда қўллаш мумкин эмас | Узоқ келажакда такомиллаштирилган ҳолда қўллаш мумкин |
|---|---|---|---|
| Қопланмаган фоиз паритети | | | мумкин |
| Манделл-Флеминг модели | | | мумкин |
| Монетар модел (қайишқоқ нархлар сиёсати) | мумкин | | мумкин |
| Дорнбуш модели (қаттиқ нархлар сиёсати) | мумкин | | мумкин |
| Обстфельд-Роггоф модели | | мумкин эмас | |
| Портфелли модел | | | мумкин |
| Микроструктурали модел | | | мумкин |

*Манба: Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган*

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, яқин келажакда (қисқа муддатли давр назарда тутиляпти, яъни бир йил давомида) мавжуд монетар сиёсат йўналишларини Монетар ва Дорнбуш моделлари бўйича ишлаш таъсирини янада оширишга ва ўзгартиришга хулоса қилинган. Яъни қаттиқ ва юмшоқ монетар сиёсат моделларидаги ўзгарувчи ва боғлиқ омиллар таъсирини ҳеч бўлмаганда асосий савдо шерик давлатлар бўйича фундаментал тадқиқ қилиш орқали валюта курси барқарорлигини тартибга солиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу моделларнинг таъсир самарадорлиги қатъий ва эркин валюта курси режими шароитларида турлича аҳамият касб этади.

Қатъий валюта курси режими шароитида оқилона девальвация сиёсатининг таъсири сезиларли роль ўйнаса, эркин валюта курси режими шароитида инфляция сиёсатининг роли муҳим ўринга чиқади. Бошқача айтганда, эркин валюта курси режими шароитида валюта курсининг қадрсизланиши ёки қадрланиши кутилаётган инфляция даражасига кўпроқ боғлиқ бўлади. Шу боис, ушбу режим шароитида инфляцияни таргетлаш сиёсатидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Инфляцияни таргетлаш пул массасини назорат қилишни (фоиз сиёсати орқали), пул массасини назорат қилиш эса валюта курсини назорат қилишга имконият яратади.

Эркин валюта курси режими шароитида мавжуд моделлардан фойдаланиш ўзининг кетма-кетлигига эга. Хусусан, фонд бозори етарлича ривожланмаган ва капиталлар ҳаракати мобиллиги такомиллашмаган шароитда Манделл-Флеминг, портфелли ва микроструктурали моделлардан фойдаланишни бошлаш самараси нолга тенг бўлган жараён ҳисобланади. Демак, ушбу моделларнинг параметрларидан самарали фойдаланиш учун дастлабки тайёргарлик босқичлари зарур бўлади ва бу босқичларни монетар, қопланмаган фоиз паритети ва Дорнбуш моделларининг синтези таъминлаб бериши мумкин.

Манба ва адабиётлар:


1. Cassel G. (1922). Money and foreign exchange after 1914. London: Constable.
2. Apte P., Kane M., and Sercu P. (1994). Relative PPP in the Medium Run. Journal of International money and Finance, Vol. 13, No 5, pp. 602-622.
3. Choudhry T. (1999). Purchasing Power Parity in high-inflation Eastern European countries: evidence from fractional and Harris-Inder cointegration tests. Journal of Macroeconomics, 21:2, 293-308.
4. Holmes M.J. (2001). New Evidence on Real Exchange Rate Stationarity and Purchasing Power Parity in Less Developed Countries. Journal of Macroeconomics, 23, 4, 601-14
5. Taylor A.M., Taylor M.P. (2004). The Purchasing Power Parity Debate. Journal of Economic Perspectives, Vol. 18, No 4, pp. 135–158.
6. Balassa B. (1964). The Purchasing Power Doctrine: A Reappraisal. Journal of Political Economy, 72, 584-96.
7. Samuelson P.A. 1964. Theoretical Notes on Trade Problems. Review of Economics and Statistics. 46:2, pp. 145–54.
8. Froot K.A., Rogoff K. (1991). The EMS, the EMU, and the Transition to a common Currency. In National Bureau of Economic Research macroeconomics annual. Eds.; Stanley Fisher and Oliver Blanchard. Cambridge, MA: MIT Press. pp. 269-317.
9. Gregorio J.D., Wolf H.C. (1994). Terms of Trade, Productivity, and the Real Exchange Rate. NBER working paper series, No 4807.
10. Isard P. (1977). How Far Can We Push the "Law of One Price"? The American Economic Review, Vol. 67, No. 5, pp. 942-948.
11. Giovannini A. (1988) Exchange rates and traded goods prices. Journal of International Economics, vol. 24, issue 1-2, 45-68.
12. Engel C. (1993). Real exchange rates and relative prices: in empirical investigation. Journal of Monetary Economics, vol., 32 (1), pp. 35-50.
13. Krugman P. Pricing to market when the exchange rate changes. In Sven W. Arndt and J.David Richardson, eds., Real-financial linkages among open economies. Cambridge, MA: MIT Press, pp. 49-70.
14. Dornbusch R. (1987). Exchange rates and prices. American Economic Review. vol., 77(1), 93-106.
15. Froot K.A., Rogoff K. (1995). Perspectives on PPP and Long-Run Real Exchange Rates. In Handbook of International Economics. G. Grossman and K. Rogoff, eds. Amsterdam: North Holland, pp. 1647–688.
16. Sercu P., Uppal R., and Cynthia Van Hulle. The Exchange Rate in the Presence of Transaction Costs: Implications for Tests of Purchasing Power Parity. The Journal of Finance, vol. 50, No 4, pp. 1309-1319.
17. Alba J.D., Park D. (2005). An empirical investigation of purchasing power parity (PPP) for Turkey. Journal of Policy Modeling, 27, pp. 989–1000.
18. Allen H., Taylor M. (1990). Charts, noise and fundamentals in the London foreign exchange market. The Economic Journal, vol., 100, issue 400, Conference papers, 49-59.
19. Cheung Y.W., Chinn M., Fujii E. (2001). Market Structure and the Persistence of Sectoral Real Exchange Rates. International Journal of Finance and Economics. 6:2, pp. 95–114.
20. Wickens M. Macroeconomic Theory: A Dynamic General Equilibrium Approach. Second edition. Princeton University Press, Princeton and Oxford. Princeton, New Jersey, USA. 2008. p. 589.
21. Fleming J. M. (1962). Domestic financial policies under fixed and under floating exchange rates. International Monetary Fund Staff Papers 9:369–79.
22. Mundell R. A. (1963). Capital mobility and stabilization policy under fixed and flexible exchange rates. Canadian Journal of Economics and Political Science, vol., 29, pp.475–485.
23. Sohmen E. (1967). The Theory of Forward Exchange. Princeton studies in international finance. No 17, Princeton, New Jersey, USA. p.47.
24. MacDonald R. (1988a). Floating Exchange Rates: Theories and Evidence (London: UnwinHyman).
25. MacDonald R. (1988b). Purchasing Power Parity: Some Long Run Evidence from the Recent Float. The Economist, vol., 136, pp.239–252.
26. Obstfeld M., Rogoff K. (1995). The Mirage of Fixed Exchange Rates. Journal of Economic Perspectives, vol. 9, No 4, p. 73–96.
27. MacDonald R. Exchange Rate Economics: Theories and Evidence. Second edition. Routledge, Taylor & Francis Group, New York. 2007. p.440
28. Frankel J.A. (1976). A Monetary Approach to the Exchange Rate: Doctrinal Aspects and Empirical Evidence. The Scandinavian Journal of Economics, Vol. 78, No. 2, Proceedings of a Conference on Flexible Exchange Rates and Stabilization Policy, pp. 200-224.
29. Mussa M. (1976). The exchange rate, the balance of payments, and monetary and fiscal policy under a regime of controlled floating. Scandinavian Journal of Economics, vol., 78, pp. 229–248.
30. Mussa M. (1982). A Model of Exchange Rate Dynamics. Journal of Political Economy, vol., 90, pp.74–

*104.*

*31. Dornbusch, R. (1976). Expectations and Exchange Rate Dynamics. Journal of Political Economy, vol. 84, p.1161–1176.*

*32. Obstfeld M., Rogoff K. (1995). The Mirage of Fixed Exchange Rates. Journal of Economic Perspectives, vol. 9, no. 4, Fall 1995. P. 73–96.*

*33. McKinnon R., Oates W.E. (1966). The Implication of International Economic Integration for Monetary, Fiscal and Exchange-Rate Policy. Princeton Studies in International Finance, No 16.*

*34. BransonW.H. (1969). The Minimum Covered Interest Differential Needed for International Arbitrage Activity. Journal of Political Economy, vol., 77, pp.1028–35.*

*35. Branson W.H. (1977). Asset Markets and Relative Prices in Exchange Rate Determination. Sozialwissenschaftliche Annalen, Band 1.*

*36. Allen P.R., Kenen P.B. (1980). Asset Markets, Exchange Rates, and Economic Integration: A Synthesis (Cambridge: Cambridge University Press).*

*37. Genberg H. (1978). Purchasing Power Parity under Fixed and Flexible Exchange Rates. Vol., 8, pp.247–76.*

*38. Isard P. (1978). Exchange Rate Determination: A Survey of Popular Views and Recent Models. Princeton Studies in International Finance, No 42 (Princeton, NJ: Princeton University Department of Economics, International Finance Section).*

*39. Dornbusch R., Fischer S. (1980). Exchange Rates and the Current Account. American Economic Review, vol., 70, pp. 960–971.*

*40. Taylor M.P. (1995). The Economics of Exchange Rates. Journal of Economic Literature, vol., 33:1, pp. 13–47.*

*41. Flood M. (1991). Microstructure Theory and the Foreign Exchange Market. Federal Reserve Bank of St Louis Quarterly Review, November/December, pp.52–70.*

*42. Lyons R.K. (1995). Tests of Microstructural Hypotheses in the Foreign Exchange Market. Journal of Financial Economics, Elsevier, vol., 39(2–3), pp.321–351.*

*43. Lyons R.K. (2001). The Microstructure Approach to Exchange Rates (Cambridge, MA:MIT Press).*

*44. Bacchetta Ph., Wincoop E. (2006). Incomplete Information Processing: A Solution to the Forward Discount Puzzle. Federal Reserve Bank of San Francisco Working paper Series, 2006-35.*

*45. Grauwe P.D., Grimaldi M. The Exchange Rate in a Behavioral Finance Framework. Princeton University Press. 2006.*

*46. Kyle A.S. (1985). Continuous Auctions and Insider Trading. Econometrica, vol. 53, No 6, pp. 1315—1336.*

*47. Evans M.D., Lyons R.K. (2002). Order Flow and Exchange Rate Dynamics. Journal of Political Economy, vol., 110, pp.170-180.*

*48. Black S.W (1985). The Effects of Alternative Intervention Policies on the Variability of Exchange Rates: the Harrod Effect. In Exchange Rate Management under Uncertainty, ed. Bhandari J.S., Cambridge MA and London: MIT Press.*

*49. Sager M.J., Taylor M.P. (2006). Under the Microscope: The Structure of the Foreign Exchange Market. International Journal of Finance and Economics, vol., 11, pp.81-95.*

*50. Shleifer A., Vishny R.W. (1997). The Limits of Arbitrage. The Journal of Finance, vol., 52, issue 1, pp.35-55.*

# ЎЗБЕКИСТОН МОНЕТАР СИЁСАТИНИНГ ЗАМОНАВИЙ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

**Дускобилов Умиджон Шарофиддинович**

Тадқиқотчи, Тошкент давлат иқтисодиёт университети

***Аннотация.*** Мақолада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки монетар сиёсатининг жорий ҳолати таҳлил этилган. Шунингдек, монетар сиёсат дастакларини такомиллаштириш орқали монетар сиёсат самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

***Таянч тушунчалар:*** монетар сиёсат; қайта молиялаш сиёсати; мажбурий захира талаблари; депозит сиёсати; валюта сиёсати.

***Аннотация.*** В статье проанализировано нынешнее состояние монетарной политики Центрального банка Республики Узбекистан. А также, разработаны предложения и рекомендации по повышению монетарной политики путем совершенствования её инструментов.

***Ключевые слова:*** монетарная политика; политика рефинансирования; требование обязательного резерва; депозитная политика; валютная политика.

Сўнгги йилларда мамлакатлар Марказий банки томонидан асосий эътибор монетар сиёсатни амалга ошириш инструментларини диверсификациялаш амалиётига қаратилмоқда. Мазкур масаланинг эътиборли жиҳати шундаки, ушбу вазиятда баъзи Марказий банклар экспансионистик сиёсат юритишни, бошқалари эса, рестрикцион тадбирларни амалга оширишни устувор деб ҳисоблашмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, иқтисодиётни монетар сиёсат орқали тартибга солиш воситалари хилма-хил бўлиб, ҳозиргача монетар дастакларнинг туркумланиши борасида ягона бир йўналиш мавжуд эмас. Аммо, бугунги кунгача иқтисодчи олимлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар натижаси ҳамда бу борадаги жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики қуйида келтирилган воситалар монетар сиёсатнинг асосий дастаклари ҳисобланади. Биз ҳам, мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг монетар сиёсат дастакларидан фойдаланиш амалиётини таҳлил қилиш ва бу борадаги муаллифлик хулосаларини шакллантиришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

***2.1. Марказий банкнинг қайта молиялаш сиёсати*** – Марказий банк томонидан тижорат банкларини кредитлаш билан боғлиқ тадбирлар мажмуи бўлиб, тижорат банкларини Марказий банк томонидан уларнинг балансидаги тратталарни қайта ҳисобга олиш йўли билан кредитлаш, тижорат банкларини Марказий банк томонидан уларнинг балансидаги қимматли қоғозларни гаровга олиш йўли билан кредитлаш ҳамда тижорат банкларини тўғридан тўғри кредитлаш амалиётларини ўз ичига олади.[1]

Бизга маълумки, қайта молиялаш ставкаси пуллар таклифини самарали тартибга солувчи монетар воситалардан бири ҳисобланади. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, истиқлол йилларида қайта молиялаш ставкаси босқичма-босқич равишда пасайтириб келинди. Бу эса, кредитлар баҳосининг пасайишига ва иқтисодиёт тармоқларини кредитлаш фаолиятини жадаллашувига олиб келди. Ўз навбатида, тижорат банклари томонидан фаол кредит сиёсатининг олиб борилиши ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратиб берди. Бунинг натижасида, охирги йилларда мамлакатда яратилган товар ва хизматлар ҳажмида барқарор ўсиш тенденциялари қайд этилди (1-расм).




*Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.*

***1-расм. 2010-2016 йилларда қайта молиялаш ставкаси, иқтисодиёт тармоқларига йўналтирилган кредитлар ва ЯИМ ҳажми***

1-расм маълумотларидан кўриш мумкинки, инфляция даражаси, пул массасининг ва бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларнинг мақсадли параметрларидан келиб чиқиб, 2015 йил 1 январдан қайта молиялаш ставкаси йиллик 10 фоиздан 9 фоизга туширилди. Бу ўз навбатида, тижорат банкларининг кредит операциялари бўйича ўрнатилган фоиз ставкаларининг ҳам пасайишига олиб келди. Жумладан, 2015 йилда банклараро кредит операциялари бўйича ўртача фоиз ставкаси 9,2 фоизни ташкил этди. Ўз навбатида, банклараро пул бозорида фоиз ставкаларининг пасайиши тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал секторига ажратилаётган кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг ҳам пасайишига хизмат қилди. Кредит баҳосининг 1 фоиз пунктга пасайтирилиши натижасида, 2016 йилда тижорат банклари томонидан ажратилган жами кредитлар ҳажми 2015 йилга нисбатан 25,1 фоизга ошиб 53,4 трлн. сўмни ташкил этди. Ўз навбатида, иқтисодиёт тармоқларига кредит ресурсларини йўналтириш амалиётининг ривожланиши мамлакатнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини ошишига хизмат қилди. Жумладан, 2016 йилда мамлакат ичида яратилган товар ва хизматлар ҳажми 2015 йилга нисбатан 7,8 фоизга ўсгани ҳолда 199,3 трлн. сўмга тенг бўлди[2]. Бу кўрсаткич 2010 йилга нисбатан 3,2 бароборга кўпдир.

2016 йилда мамлакат пул бозорининг жорий конъюктурасига эътибор берадиган бўлсак бунда, тижорат банкларининг депозит ва кредит операциялари бўйича ўрнатилган фоиз ставкаларининг пасайиш динамикасига эга бўлганини кўриш мумкин. Жумладан, 2016 йилда жами депозитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси йил бошидаги 6,7 фоиздан 4,9 фоизгача пасайган [3] (2-расм).

2-расм маълумотларидан кўринадики, 2016 йил якунида жалб қилинган депозитларнинг умумий ҳажми 44,6 трлн. сўмни ташкил этиб, 2015 йилга нисбатан 25,3 фоизга ошган. Ўз навбатида, 2016 йилда мазкур кўрсаткичнинг кескин ортгани тижорат банклари ресурс базасини кенгайтиришга хизмат қилган.

**2.2. Марказий банкнинг мажбурий захира талаблари** – бу Марказий банкнинг тижорат банклари депозит базасига фоиз даражасида ўрнатиладиган мажбурий захиралар яратишга нисбатан қатъий талабидир.

Муомаладаги пул массасини белгиланган мақсадли параметрлар доирасида бўлишини таъминлашда захира пулларидан оралиқ мақсад сифатида фойдаланилади. Шу сабабли, захира пулларининг ўзгаришини доимий мониторинг қилиб бориш ва самарали бошқариш муҳим аҳамият касб этади.




*Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.*

***2-расм. 2011-2016 йилларда Ўзбекистон банк тизимининг асосий пул-кредит индикаторларининг ўзгариш динамикаси***

Амалий маълумотларни таҳлил этадиган бўлсак бунда, тижорат банкларининг мажбурий захиралари ҳажми жалб қилинган депозитлар ҳажмининг ошишига мутаносиб равишда ўсиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Хусусан, 2016 йилда тижорат банклари ресурс базасининг кенгайишига мос равишда Марказий банкдаги мажбурий захиралар ҳажми 644 млрд. сўмга ошган. Бунда мамлакатимиздаги йирик учта банкларнинг улуши 41,2 фоизни ташкил этган (3-расм).




*Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.*

***3-расм. Мамлакатимиздаги «Йирик банклар»нинг депозитлари ва Марказий банкка ўтказган мажбурий захиралари ҳажми, (01.01.2017 йил ҳолатига)***

3-расмдан кўринадики, биргина 2016 йилда ТИФ Миллий банкининг жами депозитлари ҳажми  10 трлн. 103 млрд. сўмни ташкил этган. Айнан ушбу даврда жами депозитларнинг ўсиши Асака АТБда 29,1% ҳамда Ўзсаноатқурилишбанк АТБда 14,1%га тенг бўлгани ҳолда, уларнинг ҳажми мос равишда 5 968 ва 2 647 млрд. сўмга тўғри келган[4].

Биз тадқиқот ишимизда мамлакатимизда фаолият юритаётган тижорат банкларини «Йирик банклар» ва «Кичик банклар» гуруҳларига ажратганмиз. Бунда, «Кичик банклар» гуруҳига кирувчи 24та тижорат банкларининг депозит операцияларига нисбатан қўлланиладиган мажбурий захира талабларининг амалдаги меъёрлардан 2 фоиз пунктга пастроқ қилиб белгиланиши таклиф этилган (4-расм).




*Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.*

***4-расм. 2011-2016 йилларда банк тизими ва «Кичик банклар»нинг мажбурий захиралари ҳажми «Кичик банклар» учун мажбурий захира талаблари икки фоиз пунктга пасайтирилганда уларнинг кредитлаш салоҳиятини ўзгаришининг 2020 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичлари***

4-расм маълумотларидан кўринадики, 2016 йилда мамлакатимиздаги «Кичик банклар»нинг Марказий банкка ўтказган мажбурий захиралари ҳажми 379,3 млрд. сўмни ташкил этган. Мажбурий захира миқдорларининг тез-тез ўзгариб туриши бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатлар учун характерли ҳол ҳисобланади. Бунинг асосий сабаби, инфляция жараёнларининг нисбатан юқорилиги ва халқ хўжалигини таркибий қайта қуриш билан боғлиқ тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида муомаладаги пул массасининг кўпайиб кетишидир.

***2.3. Марказий банкнинг валюта сиёсати*** – монетар сиёсатнинг муҳим ва долзарб аҳамият касб этадиган инструменти ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимизда миллий валюта алмашув курсининг кескин тебранишининг олдини олиш, инфляцион жараёнларни жиловлаш ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ички ва ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини қўллаб-қувватлаш айнан валюта сиёсатига бевосита боғлиқдир. Сўнгги йилларда мамлакатимизда валюта бозорини самарали тартибга солиш мақсадида валюта курсининг ўзгариб борувчи бошқариладиган стратегиясини қўллаш орқали сўмнинг хорижий захира валюталарига нисбатан курсини босқичма-босқич равишда пасайтириб бориш тадбирлари амалга оширилмоқда (5-расм).




*Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.*

***5-расм. 2011-2016 йилларда сўмнинг хорижий захира валюталарига нисбатан номинал алмашинув курси динамикаси ва 2017-2020 йиллар бўйича прогноз кўрсаткичлари, сўмда.***

5-расм маълумотларидан кўринадики, сўм алмашинув курсининг 2017 йилдаги 6 ойлик девальвацияси АҚШ доллари, евро, Буюк Британия фунт стерлинги ҳамда иенага нисбатан мос равишда 27, 34, 33 ва 26 фоизни ташкил этган. 2017 йил 20 июль ҳолатига сўмнинг мазкур валюталарга нисбатан алмашинув курси қуйидагича бўлди:

1USD = 4042,4 UZS; 1EUR = 4613,3 UZS;

1GBP = 5295,6 UZS; 10JPY = 358,9 UZS.

Бироқ, сўнгги йилларда девальвация суръатлари жадаллашган бўлса-да, мамлакат ичида инфляция даражаси кескин тус олмаган. Бунга сабаб сифатида Марказий банк томонидан инфляциянинг белгиланган мақсадли кўрсаткичларини таъминлашга қаратилган монетар сиёсатнинг амалга оширилаётганлигини эътироф этиш жоиз.

Мамлакатимизда миллий валюта алмашинув курсининг асосий хорижий захира валюталарига нисбатан девальвациялашинуви қуйидагича изоҳланади: молиявий барқарорлик шароитида миллий валюта алмашув курсини сунъий равишда юқори ушлаб туриш орқали унинг асосий савдо ҳамкор давлатлари валюталарига нисбатан реал алмашув курсининг ошиб кетишига йўл қўйиб бўлмайди. Зеро, бу мамлакат ичида халқаро валюта захираларининг камайишига ҳамда экспорт товарлар рақобатбардошлигини тушиб кетишига олиб келади.

Мамлакатимиз ташқи савдо операцияларининг асосий қисми АҚШ долларида амалга оширилишини ҳисобга олган ҳолда, бугунги кунда сўмнинг бошқа хорижий валюталарга нисбатан алмашув курсларини белгилашда операцион мўлжал сифатида сўмнинг АҚШ долларига нисбатан алмашув курсидан фойдаланилмоқда. Шунга мувофиқ, сўмнинг АҚШ долларидан бошқа хорижий валюталарга нисбатан алмашув курслари ушбу валюталарнинг ташқи валюта бозорларидаги АҚШ долларига нисбатан курслари динамикаси ва ички валюта бозорида сўмнинг АҚШ долларига нисбатан алмашув курси таъсири остида шакллантирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 30 январда қабул қилинган ПҚ–1914-сонли «Жисмоний шахсларга хорижий валютани сотиш тартибини янада либераллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ миллий валютанинг мақомини янада мустаҳкамлаш, нақд хорижий валютанинг муомала доирасини тартибга солиш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича халқаро стандартларни сўзсиз бажариш, шунингдек валюта алмаштириш операцияларини амалга ошириш механизмини такомиллаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда ваколатли тижорат банклари томонидан 2013 йил 1 февралдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг резидентлари бўлган жисмоний шахсларга хорижий валютани халқаро тўлов карталаридан фойдаланган ҳолда нақдсиз шаклда сотиш механизми жорий этилди. Бунинг натижасида, мамлакатда хорижий валюта ҳаракатини тартибга солиш самарадорлиги ошди.

Ўз навбатида, тижорат банклари томонидан хорижий валюталарни сотиб олиш ва сотиш бўйича белгиланадаган алмашув курс-

лари ушбу механизм асосида шаклантириладиган бўлди (6-расм).

6-расм маълумотларидан кўринадики, сўмнинг АҚШ долларига нисбатан сотиб олиш ва сотиш курси бешта банкда ҳам бир хил қилиб белгиланган. Яъни, сотиб олиш курси 3230 сўм, сотиш курси эса 3239 сўмга тенг. Бироқ, ТИФ Миллий банки ҳамда Ипотека-банк томонидан белгилаб қўйилган алмашув курсига эътибор қаратадиган бўлсак, бунда евро ва фунт стерлингнинг сотиб олиш ва сотиш курси ўртасида бошқа банкларга нисбатан сезиларли фарқни кўришимиз мумкин.

Шу ўринда, Ипотека-банк ҳамда Ўзсаноатқурилишбанкда фунт стерлингнинг сотиб олиш курси бошқа банкларга нисбатан юқори эканлигини ҳам таъкидлаш лозим. Фикримизча юқорида келтирилган банклар томонидан етакчи хорижий валюталарни сотиб олиш ва сотиш бўйича ўрнатилган алмашув курси ўртасидаги фарқларнинг мавжудлиги уларнинг асосий экспорт-импорт шартномаларини қайси валюталарда тузиш даражалари билан изоҳланади.




| | ТИФ Миллий банки | Асака АТБ | АТ Халқ банки | Ипотека-банк АТИБ | Ўзсаноатқурилишбанк АТБ |
|---|---|---|---|---|---|
| АҚШ доллари (сотиб олиш) | 3230 | 3230 | 3230 | 3230 | 3230 |
| АҚШ доллари (сотиш) | 3239 | 3239 | 3239 | 3239 | 3239 |
| Евро (сотиб олиш) | 3451 | 3451 | 3451 | 3464 | 3459 |
| Евро (сотиш) | 3502 | 3460 | 3461 | 3514 | 3474 |
| Фунт стерлинг (сотиб олиш) | 3974 | 3974 | 3974 | 3989 | 3983 |
| Фунт стерлинг (сотиш) | 4033 | 3983 | 3989 | 4046 | 3993 |

*Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.*

***6-расм. Мамлакатимиздаги етакчи тижорат банкларида миллий валютанинг хорижий захира валюталарига нисбатан алмашув курси, (01.12.2016 й. ҳолатига, сўмда)***

Умуман олганда, истиқлол йилларида мамлакатимизда халқаро талабларга тўлиқ жавоб берадиган замонавий банк тизими шаклланиб, сўнгги йилларда инновацион ғоялар ҳамда илмий тадқиқотлар асосида янада такомиллашиб бормоқда. Бироқ, шу билан бирқаторда бугунги кунда мамлакатимизда ўз ечимини кутаётган соҳага оид баъзи муаммо ва камчиликларнинг ҳам мавжудлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

***Манба ва адабиётлар:***


1. *Ўзбекистон Республикаси қонуни. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида. – Тошкент: Ўзбекистон. 1995 йил 21 декабрь.*
2. *Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. // Халқ сўзи, 17.01.2016 й.*
3. *Монетар сиёсатнинг 2016 йилги якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари. Тошкент. 2017й.*
4. *Рейтинговое Агентство «AHBOR-REYTING» аналитический обзор банковского сектора. // Ташкент, Февраль, 2017 год, №46, - с.27.*
5. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 30 январдаги ПҚ–1914-сонли «Жисмоний шахсларга хорижий валютани сотиш тартибини янада либераллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.*

## ФОНД БОЗОРИНИНГ МОҲИЯТИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ


**Холиқов Улуғбек Рустамович**

Тошкент молия институти Халқаро бўлим бошлиғи

**Турсунов Ғолибжон Пўлатович**

РФБ “ТОШКЕНТ” Истиқболли ривожлантириш бўлими бошлиғи



***Аннотация.*** Мақолада фонд бозорининг моҳияти, хусусиятлари, назарий ва услубий масалаларига оид хорижий мамлакатлар иқтисодчи олимларининг илмий-назарий қарашлари ҳамда баҳсли масалалари таҳлил этилган, бу борада муаллифнинг ўз фикр-мулоҳазалари, илмий-назарий хулосалари берилган.



***Таянч тушунчалар:*** фонд бозори, ссуда капитали, қимматли қоғозлар, қимматли қоғозлар бозори, капиталлар бозори, кредит, инвестиция.



***Аннотация.*** В статье проанализированы сущность, особенности фондового рынка, а также научно-теоретические взгляды и спорные вопросы зарубежных экономистов по теоретическим и методологическим вопросам фондового рынка, сформулированы собственные мнения и научно-теоретические выводы автора по этим вопросам.



***Ключевые слова:*** фондовый рынок, ссудный капитал, ценные бумаги, рынок ценных бумаг, рынок капиталов, кредит, инвестиции.


Ривожланган давлатлар иқтисодиёти таҳлилидан маълумки, инвестициялар бозори, ссуда капиталлари, қимматли қоғозлар ва фонд бозорларининг моҳияти, хусусиятлари ва уларнинг иқтисодиётдаги ролига илмий-назарий, услубий ва масалалар классик иқтисодий мактаб вакиллари ҳамда замонавий иқтисодчи олимларнинг, мутахассиларнинг кўплаб илмий тадқиқотларида ўзига хос тарзда тадқиқ қилинган. Ушбу тадқиқотлардаги илмий-назарий хулосалардан дунё иқтисодиётида кенг фойдаланилмоқда.

Ўз навбатида, таъкидлаш жоизки, иқтисодиётни барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантиришнинг зарурий шартларидан бири – бу фонд бозорлари орқали инвестицион ва иқтисодий фаолликни ошириш, реал секторни диверсификация ва модернизация қилиш ҳисобланади.

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов жумладан, шундай деган эдилар “жадал ва мутаносиб иқтисодий ўсиш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва иқтисодиётни диверсификация қилишда фаол ва аниқ йўналтирилган инвестиция сиёсати юритиш энг муҳим омил ҳисобланади” [1].

Ҳар бир мамлакат иқтисодиётида иқтисодий ўсишни ва реал секторда барқарор ривожланишни таъминлашда ҳукумат банк-молия тизими орқали фонд бозоридан ҳамда инвестициялардан фаол тарзда фойдаланади. Шунингдек, фонд бозори ва инвестициялар давлат иқтисодий сиёсатининг устувор мақсадларига эришишда бевосита қулай шарт-шароитлар яратади.

Шу билан бирга, фонд бозори қимматли қоғозлар бозорининг таркибий қисми сифатида нафақат иқтисодий сиёсатнинг элементларидан бири, балки бозор иқтисодиёти шароитида бир қатор иқтисодий йўналишларни

ўзида умумлаштирувчи муҳим ва ўзига хос элементи бўлиб ҳисобланади.

Айни пайтда, глобал инқирознинг ишсизлик даражаси, тўлов баланси, бюджет тақчиллиги ва ташқи қарзларнинг ўсиши каби жиддий макроиқтисодий муаммолари кўпчилик давлатларни, нуфузли молия-кредит ташкилотларини ташвишга қўймоқда. Бу ҳолат ҳар бир мамлакатда иқтисодий ва инвестицион фаолликни янада оширишни тақозо этмоқда.

Ушбу муаммоларни ҳал этишда фонд бозори муҳим роль ўйнайди ва у ҳар бир давлат сиёсатининг устувор мақсадларига эришишда, йирик жамғармаларни шакллантириш ва улардан фойдаланишда шарт-шароитлар яратади. Хусусан, фонд бозори пул бозори ликвидлилигига ва иқтисодиёт реал секторига бевосита таъсир этади. Мазкур бозор ҳар бир давлат иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Тараққий этган давлатларнинг фонд бозори ва қимматли қоғозлар бозори борасидаги илғор тажрибаларини ўрганиш натижалари кўрсатадики, фонд бозори йиллар давомида инновацион ғоялар таъсирида такомиллашиб борган. Дунё иқтисодиёти тарихида кузатилган турли даражадаги инқирозларни ҳал этишда фонд бозори ҳам муҳим роль ўйнаган.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози юз берганидан ўтган сўнгги саккиз йил давомида дунё мамлакатларида амалга оширилган инқирозга қарши изчил чоралар ҳамда қатъий ислоҳотлар натижасида иқтисодий ва инвестицион фаоллик кучайди, халқаро фонд бозорлари индекси инқироздан олдинги даражадан ҳам юқори даражага кўтарилди, инфляция суръатлари пасайди ва пировардида иқтисодий ўсишга эришилди.

Жумладан, Dow Jones индекси 2008 йил сентябридаги 11133,6 банддан 2009 йилнинг мартида 35 фоизгача, яъни 7235,5 бандгача пасайган бўлса, 2017 йилнинг июнь ойи давомида 18156,6 банддан ҳам ошиб кетиши кузатилди. Бу эса инқироздан олдинги кўрсаткичдан анча юқоридир [2].

Бугунги кунда кўпчилик давлатларда иқтисодий ўсишга эришилган бўлсада, айни пайтда дунё иқтисодиётида ишсизлик даражаси, тўлов баланси, бюджет тақчиллиги ва ташқи қарзларнинг ўсиши каби жиддий ва мураккаб макроиқтисодий муаммолар сақланиб қолмоқда. Ушбу жиддий муаммоларни бартараф этишда дунё иқтисодиётида макроиқтисодий, шу жумладан монетар ва фискал сиёсат билан бирга фонд бозори ҳамда инвестициялар самарадорлигини кескин ошириш тақозо этилмоқда.

Жумладан, 2017 йилнинг июнь ойида Евроҳудудда ишсизлар сони 10,1 фоизни ташкил этган бўлса, Грецияда 23,2 фоизни, Испанияда 19,5 фоизни, Францияда 10,5 фоизни, Бразилияда 11,8 фоизни, Мисрда 12,5 фоизни, Бельгияда 8,2 фоизни, Туркияда 10,7 фоизни, Аргентинада 9,6 фоизни, Колумбияда 8,5 фоизни, Канадада 7,0 фоизни, Польшада, 8,3 фоизни, Венесуэллада 7,3 фоизни, Италияда, 11,4 фоизни, Жанубий Африкада 26, 6 фоизни ташкил этди [3].

Таъкидлаш жоизки, фонд бозори ва инвестициялар давлатнинг ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш, истеъмол, жамғариш, экспорт ва импорт соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирларида муҳим роль ўйнайди. Шунингдек, фонд бозорида жамланган маблағлар давлатнинг институционал, таркибий, инвестициявий, фискал, пул-кредит, иқтисодий, ижтимоий, ташқи иқтисодий, илмий-техникавий йўналишларидаги чора-тадбирларни амалга оширишда кенг фойдаланилади.

Шу сабабли, фонд бозорининг моҳияти, хусусиятлари, назарий ва услубий масалаларига нисбатан ўз фикр-мулоҳазаларимизни баён этиш мақсадида мақоламиз ҳажмининг чеклангалигини инобатга олиб, фонд бозорига иқтисодчи олимлар томонидан берилган илмий таърифлар ва фикр-мулоҳазаларга қисқача тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ кўрдик.

Иқтисодий адабиётларда фонд бозори ва қимматли қоғозларнинг моҳияти, хусусиятлари ҳамда уларнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги ролига оид илмий-назарий масалалар ўзига хос тарзда тадқиқ қилинган. Хусусан, мазкур масалалар классик иқтисодий мактаб вакилларининг, замонавий иқтисодчи олимлар ва мутахассисларнинг илмий тадқиқотларида ҳам ўз аксини топган.

Шуни таъкидлаш жоизки, халқаро амалиётда "фонд бозори"га нисбатан берилган илмий таърифлар борасида турлича талқинлар мавжуд бўлиб, улар бир-биридан фарқланади ва ягона ёндашувни ташкил этмайди. Шу сабабли, фонд бозори ва қимматли қоғозлар бозори борасида иқтисодчи олимлар ўртасида баҳсли масалалар ҳанузгача давом этаётган бўлсада, хорижлик иқтисодчи олимларнинг берган илмий таърифлари ва фикрлари ҳам қизиқарли бўлиб, уларнинг айримларини тадқиқ этишни лозим топдик.

Жумладан, хорижлик иқтисодчи олимлардан Раймон Барр фонд бозорига қуйидагича таъриф беради. "Фонд бозори техник институт сифатида бўш пул маблағларини қайта тақсимлаш функциясини бажаради, мулк ҳуқуқига баҳо беради, рискларни қайта тақсимлайди, ишчи айланмасида иштирокчилар ўртасида маълумотларни қайта

тақсимлайди. Шу боис фонд бозори дейилганда жамғармаларни йиғувчи ва бир жойга жамловчи узоқ муддат бўш турган капиталлар бозори тушунилади. Ушбу маблағлар узоқ муддатга тегишли тармоқларга йўналтирилади”[4].

Бизнинг назаримизда Раймон Барр фонд бозорини аввало, техник институт сифатида кўради, уни бўш пул маблағларини, рискларни ва маълумотларни иштирокчилар ўртасида қайта тақсимлашини эътироф этади ҳамда уни жамғармаларни йиғувчи ва бир жойга жамловчи узоқ муддатли бўш турган капиталлар бозори сифатида тушунади. Ўз навбатида, ушбу маблағлар узоқ муддатга тегишли тармоқларга йўналтирилишини айтади.

Хорижлик замонавий ва таниқли иқтисодчи олимлардан бири Грэгори Менкью шундай таъриф беради. “Кўп ҳолларда фонд бозорига оид шундай таъриф тез-тез учрайди, яъни у хохловчи шахсларга жамғарма қилиш, акция ва облигация бозорида ўз маблағларини қарздорларга бериш имконини берувчи молиявий муассалар йиғиндисидир”[5].

Ушбу таърифда Г.Менкью фонд бозорини ушбу бозор иштирокчиларига жамғарма қилиш, акция ва облигация бозорида ўз маблағларини қарздорларга бериш имконини берувчи молиявий муассалар йиғиндиси сифатида эътироф этади ҳамда унинг таърифи мазмун жиҳатидан Раймон Баррнинг таърифидан кескин фарқ қилади.

Хорижлик таниқли иқтисодчи олимлар К.Р.Макконнелл ва С.Л.Брю шундай таъриф беради: “Фонд бозори-капитал маблағларини тавсия этувчи ва сотиб олувчиларни бир жойга жамловчи институтдир”[6].

Мазкур таърифда К.Р.Макконнелл ва С.Л.Брюлар фонд бозорини энг аввало, капитал маблағларини тавсия этувчи ва сотиб олувчиларни бир жойга жамловчи институт сифатида эътироф этади ҳамда уларнинг таърифи мазмун жиҳатидан олдинги олимларнинг таърифидан фарқ қилади.

Шундай қилиб, хулоса қилиш мумкинки, мамлакат молия тизимининг таркибий қисми сифатида фонд бозори бир қатор иқтисодчиларнинг илмий ишларида бўш пул маблағларининг ҳаракатини таъминловчи механизм сифатида қаралади. У қарз олувчига капитал маблағларни сотиб олиш учун маблағларни жалб қилиш имконини беради.

Ушбу ёндашувлар билан фонд бозорининг моҳиятига оид таърифлар чегараланмайди. Бозорнинг ушбу тури бозор иқтисодиётининг муайян ривожланиш даврида пул муомаласининг янги шаклига бўлган талабнинг юзага келиши билан пайдо бўлди.

Замонавий бозор муносабатлари шароитида фонд бозорининг шаклланиши пул капитали салмоғи ва ролининг ўсиши, ссуда капиталининг ва кредит муносабатларининг ривожланиши, капиталнинг чекланиши ва эркин ҳаракатланиши жараёнида юзага келадиган қарама-қаршиликларни ҳал этиш билан бошланади.

Хорижлик иқтисодчи олимларнинг ссуда капиталига оид илмий таърифлари ҳам қизиқарли. Жумладан, иқтисодчи Н.Б.Лазерева бу борада шундай дейди: “Ссуда капитали юқорида қайд этилган барча талабларга мос келади, у капиталнинг ҳаракати ва сокинлиги ўртасидаги қарама-қаршиликларни ҳал этиш шакли сифатида пайдо бўлган”[7].

Мазкур таърифда хорижлик иқтисодчи Н.Б.Лазерева ссуда капиталига ўзига хос тарзда таъриф берган. Хусусан, уни капиталнинг ҳаракати билан бевосита боғлаган ҳолда, капиталнинг ҳар қандай ҳаракати ва бўш турган пайтдаги, яъни сокинлиги ўртасидаги зиддиятларни бартараф этиш шакли сифатида пайдо бўлган, дея эътироф этади.

Шунингдек, хорижлик иқтисодчилардан бири А.Н.Беспалов бу борада хусусан, шундай дейди: “Ссуда капитали кредит муносабатларига асосланади ва у мулк капиталидан капитал функциясининг ажралиб чиқишига асосланган”[8]. Мазкур таърифда А.Н.Беспалов ссуда капитали кредит муносабатларига асосланганлигини таъкидлаб ўтади.

Таъкидлаш лозимки, ссуда капиталининг пайдо бўлиши билан бозор хўжалигидаги ишлаб чиқариш муносабатлари мураккаблашади. Ссуда капиталининг эгасида мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи сақланиб қолади, капиталга эга бўлиш ва ундан фойдаланиши ҳуқуқи амалдаги капиталистга, яъни ссуда капиталидан фойдаланаётган шахсга ўтади.

Фикримизча, қимматли қоғозлар ва ссуда капитали ўртасида жуда кўп умумийлик мавжуд. Жумладан, улар нисбатан мулк капиталининг ва капитал функциясининг мустақил амал қилишини назарда тутади ҳамда кредит асосида амалга оширилади. Хусусан, қимматли қоғозлар ва кредит мулкнинг турли хил титулларидан иборат, бу эса уларга муайян миқдордаги капитал қийматига эга бўлиш ҳуқуқини бериш, фойдаланиш, сақлаш ва даромад олишга имкон беради.

Шунингдек, улар бўш турган пул маблағларини жамлаш ва бир жойга тўплаш ҳамда инвестицион маблағлар сифатида фойдаланишнинг турли шакллари ҳисобланади. Шу билан бирга, қимматли қоғозлар ва ссуда капиталлари бозори молия бозорининг таркибий ва ажралмас қисмидир.

Хорижлик иқтисодчилардан М.И.Туган-Барановскийнинг илмий ишларида фонд

бозорининг роли кредитни ташкил этишда банкларнинг ролига яқин ҳолда талқин этилади, бунда шу нарса қайд этиладики, “капиталистик хўжалик юритиш тизимида ҳар йили йиғиладиган катта миқдордаги капитални тақсимлаш имконияти учун бу тизим барча капиталлар таклифини бир жойга тўплаш ва уларга бўлган талабни мувофиқлаштирувчи марказий муассасага муҳтож бўлади”[9].

Ушбу олимнинг фикрича, фонд бозори кредитни ташкил этишда банкларга хос бўлган ролни бажаради, банклар эса пул эгалари томонидан вақтинча қўйган бўш пул маблағларини алоҳида ташкилотлар ўртасида муайян муддатларга жойлаштиради. Вақтинча бўш капиталларни доимий асосда жойлаштириш учун биржа фаолият юритади. Банк ҳам биржа ҳам доимий равишда жойлаштиришни излаётган капиталларни бир жойга тўпловчи, таклиф этувчи ва вақтинча жойлаштирувчи омбор ҳисобланади. Унинг фикрича, фақат фонд биржасининг пайдо бўлиши билан капиталистик хўжалик томонидан талаб этиладиган шартларда кичик капиталларнинг йирик капиталларга айланиши юзага келиши мумкин бўлади.

Шунга ўхшаш нуқтаи-назар хорижлик иқтисодчи олим Рудольф Гильфердингнинг илмий ишларида учрайди. Бунда мулкка бўлган муносабатни қимматли қоғозлар айланмасининг марказий банди сифатида ажратиб кўрсатилади[10].

Олимнинг фикрича, қимматли қоғозлар муомаласида мулкни бериш, мулкнинг оддий титуллари муомаласи, бир вақтнинг ўзида мулкнинг истеъмол қиймати ўтказилиши кузатилмаганлиги назарда тутилган.

Таъкидлаш жоизки, фонд бозорига оид тасаввурлар ўтган асрнинг 90-йилларига қадар маҳаллий тадқиқотчиларнинг илмий ишларида асосан режали иқтисодиёт анъаналарига таянар эди. Ушбу бозор пул маблағларини жамлаш воситаси сифатида талқин қилинарди. Бундан келиб чиққан ҳолда, макроиқтисодий назария доирасида фонд бозорининг моҳияти таҳлилига оид масалалар сиёсий иқтисоднинг капитал ва сохта капитал каби тамал категориялари орқали амалга оширилар эди. Шундай қилиб, бунда молиявий бозорнинг роли ўзига хос қайта тақсимлаш механизмидир.

Масаланинг яна муҳим ва қизиқарли жиҳати шундаки, замонавий иқтисодий адабиётда “қимматли қоғозлар бозори” ва “фонд бозори” тушунчаларининг бир хил аҳамиятга эга эканлиги хусусида ҳанузгача баҳсли мунозаралар давом этмоқда. Қимматли қоғозлар борасида ўта обрўли хорижлик мутахассислардан бири профессор Я.М.Миркин фонд бозори ва қимматли қоғозлар бозори тушунчалари бир-бирига мос келади, деб ҳисоблайди[11]. Шунга қарамасдан, айрим олимлар принципиал жиҳатдан ушбу тушунчаларни бир вақтнинг ўзида қўллашдан қочадилар.

Бизнинг назаримизда, одатда улар, илмий ишларида қоида тариқасида ё “қимматли қоғозлар бозори” ёки “фонд бозори” тушунчасини қўллайдилар. Амалда ҳеч бир муаллиф нима учун фонд бозорида “қимматли қоғозлар бозори” тушунчасини қўллаш мумкинлигини бевосита тушунтириб бермаган.

Хорижлик иқтисодчилардан Б.Б.Рубцов “фонд бозори” лўғати иқтисодий адабиётда “кенг маънода” ва “тор маънода” қўлланилиши мумкин, деб ҳисоблайди [12]. “Кенг маънода” қимматли қоғозлар бозори ва фонд бозори қимматли қоғозлар ҳаракатини таъмишлашда воситачи институт сифатида талқин қилинади.

Хулоса қилиш мумкинки, юқорида биз хорижлик иқтисодчи олимлар ва мутахассисларнинг фонд бозорига ва қимматли қоғозлар бозорига таърифлари бир-биридан фарқ қилиши билан бирга баҳсли мунозаларни келтириб чиқаради. Умуман, хорижлик иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида фонд бозори корпорацияларнинг қимматли қоғозлар бозори, деган фикр учрайди.

Хорижлик иқтисодчи олимларнинг илмий таърифларидан фарқли ўлароқ, биз фонд бозорига қуйидагича таъриф берамиз: “Фонд бозори – иқтисодий институт бўлиб, қимматли қоғозлар бозорининг таркибий қисми ҳисобланади ва унда молиявий активлар кўринишидаги махсус товарлар, яъни қимматли қоғозлар инвестиция мақсадларида сотилади”.

Ўз навбатида, мазкур таъриф фонд бозорининг қандай бозорлигини яққол кўрсатиб беради. Кўпчилик иқтисодчи олимлар ҳам қимматли қоғозлар бозори фонд бозорига нисбатан кенг тушунчалигини эътироф этади. Чунки фонд бозорида барча қимматли қоғозлар эмас, балки фақатгина фонд қимматликлари, яъни инвестицион қоғозлар олди-сотди қилинади.

Айни пайтда “фонд бозори”ни амалиётга ким ва нима учун киритганлигини ҳамда унинг дастлабки луғавий маъноси қандай бўлганлигини ҳеч ким айтиб беролмайди. Ундан ташқари, нафақат фонд бозори иштирокчилари, балки кўпчилик олимлар ва тадқиқотчилар учун бугунги кунда “қимматли қоғозлар бозори” ва “фонд бозори” тушунчалари турли хил маънони англатади, бу борада ягона тўхтамга келинмаган.

Ушбу категорияларни аралаштириб юбориш, ўз навбатида, қимматли қоғозлар бозори ва фонд бозорининг иқтисодий институт

сифатида уларнинг иқтисодий моҳиятини нотўғри талқин қилишга олиб келади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, келгусида фан-техника тараққиётининг ривожланиши ва илмий тадқиқотларнинг олиб борилиши натижасида фонд бозори ва қимматли қоғозлар борасида аниқ чегаралар, илмий хулосалар, илмий таърифлар ва ягона ёндашув шаклланади.

***Манба ва адабиётлар:***


*1. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. - Б. 9.*

*2. The Economist, June 5th 2017, page 89 маълумотлари.*

*3. The Economist, June 5th 2017, page 88 маълумотлари.*

*4. Барр Р. Политическая экономия. Т.-М. Международные отношения, 1995, С.319*

*5. М. Грегори. Принципы экономикс. – СПб.: Питер Кем., 1999, С.538*

*6. Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс. – М: Инфра М, 2003, С.62*

*7. Лазарева Н.Б. Фондовый рынок (Вопросы методологии и теории). М., 2004, С.12-16*

*8. Беспалов А.Н. Институциональные основы фондового рынка. М., МАКС Пресс, 2003, С.12*

*9. Туган–Барановский М.И. Значение биржи в современном хозяйственном строе. Банковская энциклопедия, том 2.-Киев: изд-во Барановской Энциклопедии, 1913*

*10. Гильфедринг Р. Финансовый капитал, М.: Издательство политической литературы, 1959, С.156*

*11. Миркин Я.М., Институциональные и региональные измерение рынка. Рынок ценных бумаг, 2001, №5, С.100*

*12. Рубцов Б.Б. Мировые фондовые рынки: современное состояние и закономерности развития. М.: ФА, 2000, С.8*

# ФУНДАМЕНТАЛЬНЫЕ ПОДХОДЫ К АКТИВИЗАЦИИ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ НА ФОНДОВОМ РЫНКЕ УЗБЕКИСТАНА

**Каюмов Равшан Исмаилович**

К.э.н., заведующий отделом Центра исследований Госкомконкуренции Республики Узбекистан

**Байтурсунова Асель Абдуллаевна**

М.н.с. Центра исследований Госкомконкуренции Республики Узбекистан

***Аннотация.*** Мақолада инвестициялаш назариясининг фундаментал қоидалари кўриб чиқилган, хорижий мамлакатларнинг фонд бозорларининг фаолияти ушбу назария қоидалари билан ўзаро боғлиқлиги даражаси баҳоланган, ҳамда улар асосида Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозори фаолиятини ташкил қилишнинг концептуал асослари шакллантирилган.

***Таянч тушунчалар:*** Қимматли қоғозлар бозори, қимматли қоғозлар эмиссияси, инвестициялаш назарияси, фойда, даромадлилик, хавф, инвестицион стратегияси, қимматли қоғозлар.

***Аннотация.*** В статье рассматриваются фундаментальные положения теории инвестирования, оценивается степень взаимосвязанности функционирования фондовых рынков зарубежных стран с положениями данной теории и на их основе формулируются концептуальные подходы к организации деятельности рынка ценных бумаг в Узбекистане.

***Ключевые слова:*** Рынок ценных бумаг, эмиссия ценных бумаг, теория инвестирования, прибыль, доходность, риск, инвестиционная стратегия, ценные бумаги.

Побудительным мотивом написания данной работы послужил доклад Президента Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёева на расширенном заседании Кабинета Министров, посвященном итогам социально-экономического развития страны в 2016 году и важнейшим приоритетным направлениям экономической программы на 2017 год и определенные в нем задачи по дальнейшему социально-экономическому развитию страны. Результаты исследования предполагается изложить посредством опубликования серии статей по данной теме, последовательно раскрывающих проблемы и пути их решения.

## ФОРМИРОВАНИЕ НАУЧНЫХ ОСНОВ ОРГАНИЗАЦИИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ НА ФОНДОВОМ РЫНКЕ

На этапе реформирования гражданского общества, становления рыночной экономики в нашей стране возникает много новых проблем, которые требуют глубокого теоретического осмысления и практической проработки. К ним относится проблема создания и развития одного из важнейших элементов общей системы рынков - рынка ценных бумаг. Его значимость заключена в том, что без современной, развитой, гибкой по сравнению с банковской, структуры финансово-кредитной системы невозможна концентрация капитала для развития производства и реализации, нужных населению товаров, и в конечном итоге, удовлетворения их потребностей. Необходимым условием достижения соответствия рынка ценных бумаг задачам развития современной экономики является его совершенствование на основе формирования конкурентных отношений и приведение его в соответствие с международной практикой. Представляется, что создание благоприятной инвестиционной среды в стране путем развития конкуренции на рынке ценных бумаг, с учетом накопленного зарубежного опыта в этом направлении, относится к числу важнейших экономических проблем. От ее решения зависит результативность деятельности участников рынка ценных бумаг и, в конечном итоге, удовлетворение потребностей экономики в инвестиционных ресурсах.

Роль рынка ценных бумаг в развивающемся государстве можно рассматривать в двух аспектах. С одной стороны - в части его влияния на эффективность функционирования экономики, а с другой - в плане воздействия его на социальную сферу.

Прежде всего, с помощью рынка ценных бумаг обеспечивается мобилизация свободных денежных и иных средств населения, предприятий и организаций, государства и направление (размещение) их в различные сферы национальной экономики. В результате этого потребители капитала получают доступ к источникам финансирования, а инвесторы получают возможность стать собственниками, сохранить и приумножить свои средства.

Рынок ценных бумаг способствует ускорению концентрации и централизации капитала. Он облегчает перелив финансовых средств, необходимых для финансирования инвестиций из одних предприятий или отраслей экономики в другие. Опыт зарубежных стран свидетельствует о том, что с помощью оборота ценных бумаг можно осуществить более полное и быстрое перемещение сбережений и накоплений в инвестиции по цене, которая устраивала бы обе стороны. Ценные бумаги выпускаются, прежде всего, с целью мобилизации и более рационального использования финансовых ресурсов предприятий и сбережений населения. Их практическая целесообразность в этом отношении очевидна. Даже небольшой опыт, накопленный в нашей стране, свидетельствует об активном привлечении средств различных предприятий, организаций и личных сбережений населения для технического перевооружения, создания новых или расширения действующих производств.

Международный опыт показывает, что с помощью регулярно действующего рынка ценных бумаг можно гибко перераспределять средства между отраслями, концентрировать их на наиболее перспективных направлениях научно-технического прогресса, то есть способствовать ускорению и оптимизации структурных сдвигов в народном хозяйстве. В этой связи возникает вполне закономерный вопрос, почему инвестиции в ценные бумаги как наиболее эффективный инструмент мобилизации инвестиционных ресурсов финансирования экономики не получили развития в Узбекистане?

На наш взгляд, ответ заключается в неправильном подходе к организации выпуска этих ценных бумагвследствие разработки множества противоречащих друг другу нормативных документов, часть из которых носит паллиативный характер, а также неправильном толковании и реализации положений самих документов.А причина кроется в неувязанности положений этих документов с теорией инвестирования.

Так, например, в статье 44 Закона Республики Узбекистан «О рынке ценных бумаг» описывается перечень информации, которая должна содержаться в проспекте эмиссии ценных бумаг, однако нет ни одного пункта, который бы содержал цели выпуска ценных бумаг, конкретный проект, на реализацию которого будут направлены средства, полученные от размещения ценных бумаг, и соответственно ожидаемый доход для выполнения обязательств перед инвесторами.Таким образом, для инвестора нет ясности, куда будут направлены его средства, на какую конкретно цель они будут израсходованы, и, в конечном итоге, какова будет от них отдача.

В зарубежных странах эмиссия ценных бумаг обязательно сопровождается целью выпуска ценных бумаг. В частности, согласно ст. 22 Федерального закона Российской Федерации «О рынке ценных бумаг» от 22.04.1996 г. № 39-ФЗ (ред. от 03.07.2016) одним из пунктов определено, что проспект эмиссии должен содержать введение, в котором кратко излагается информация, содержащаяся в проспекте ценных бумаг и позволяющая составить общее представление об эмитенте и эмиссионных ценных бумагах, а в случае размещения эмиссионных ценных бумаг также об основных условиях их размещения. Согласно Положению о раскрытии информации эмитентами эмиссионных ценных бумаг во введении излагаются основные цели эмиссии и направления использования средств, полученных в результате размещения ценных бумаг, в случае если регистрация проспекта осуществляется в отношении ценных бумаг, размещаемых путем открытой или закрытой подписки[2].

Поэтому, представляется целесообразным рассмотреть фундаментальные положения теории инвестирования, оценить степень взаимосвязанности функционирования фондовых рынков зарубежных стран с положениями данной теории и на их основе сформулировать концептуальные подходы к организации деятельности рынка ценных бумаг в Узбекистане.

Теория инвестирования представляет собой подходы у организации инвестиций, выбор инвестиционных решений исходя из теории инвестиций. На основе анализа различных точек зрения ученых, мы пришли к выводу, что инвестиции представляют собой вложение капитала в любой форме на долгосрочный период или несколько хозяйственных оборотов, в которых задействованы основные средства, с целью получения прибыли или дохода. При этом, прибыль – это цель инвестиций для юридических лиц, а доход – для физических. Однако,Законом Республики Узбекистан «Об инвестиционной деятельности» определено, что «инвестиции - материальные и нематериальные блага и права на них, вкладываемые в объекты экономической и иной деятельности». Т.е. в нем не обозначена цель инвестиций – получение прибыли или дохода, что является основным при-

знаком инвестиций, обосновывающим отказ от потребления в настоящем для получения больших благ в будущем.Но, если такая цель не закреплена законодательно, то трудно ожидать активности инвесторов, которым приходится принимать решения на свой страх и риск. А с величиной риска неразрывно связаны ожидаемая доходность и цена инвестиционного актива (инструмента). Причем взаимосвязь проявляется следующим образом: ожидаемая доходность меняется прямо пропорционально, а цена актива – обратно пропорционально изменению уровня риска и выражается формулой:

$P0 = П/r$,

где:

P0 - цена инвестиционного актива;

П- ожидаемая годовая (среднегодовая) прибыль;

r-ожидаемая ставка доходности с учетом рыночных рисков.

Из формулы видно, что если числитель, в данном случае ожидаемая годовая прибыль будет уменьшаться, цена актива будет также снижаться. В таком случае, легко представить, что случится с ценой инвестиционного актива, если получение прибыли не гарантировано и не заложено по определению в процесс инвестирования. Увеличение рисков при инвестировании повлечет увеличение ожидаемой ставки доходности, т.е. вырастит знаменатель, вследствие чего снизится цена актива. Поэтому, если собственник хочет выгодно продать свой инвестиционный актив, он должен обеспечить высокую годовую прибыль по нему при низком уровне рыночных рисков.

В то время как размер ожидаемой годовой прибыли зависит, главным образом, от внутренних факторов функционирования инвестиционного актива (предприятия, эмитента) собственника, то на уровень риска оказывают большее влияние внешние факторы. Следовательно, вопросы разработки механизмов снижения рисков должны разрабатываться на государственном уровне. И как любой механизм он должен состоять из взаимосвязанных агрегатов и узлов, т.е. компонентов, обеспечивающих работу данного механизма в единстве с другими механизмами управления экономикой. Механизм снижения рисков включает в себя следующие основные составляющие:

1. Одной из основных предпосылок возникновения рисков является неопределенность. Инвестиции представляют собой долгосрочное вложение капитала, поэтому инвестору нужна определенность относительно направления и перспектив развития экономики на длительную перспективу. В развитых странах данной вопрос решается принятием инвестиционной (индустриальной) политики. Следует отметить, что инвестиционная политика понимается в широком и узком смысле. В широком смысле инвестиционная политика представляет собой комплекс последовательно осуществляемых мероприятий, которые включают в себя: формирование инвестиционной концепции на основе какой-либо идеи или системы идей, разработку стратегии реализации концепции, инвестиционную политику (в узком смысле), а также инвестиционную программу.

Инвестиционная концепция определяет ключевую идею и основные направления (отрасли, сектора, сферы) преобразования экономики и должна разрабатываться на срок 20-25 лет. Концепция определяет приоритетность распределения инвестиционных ресурсов и определяет будущую структуру экономики страны, как в отраслевом разрезе, так и в территориальном. Причем идея должна заключаться в перенаправлении деятельности всех сфер экономики на развитие ключевых отраслей, которые, после своего становления, будут способствовать расширению остальных отраслей.

Инвестиционная стратегия – это система долгосрочных целей инвестиционной деятельности государства, определяемых главными задачами и инвестиционной идеологией, а также выбор наиболее оптимальных путей их достижения. Инвестиционная стратегия является инструментом перспективного управления инвестиционной деятельностью государства и представляет собой генеральный план, определяющий приоритеты направления инвестиционной деятельности на длительных промежутках времени (8-12 лет), формирование инвестиционных ресурсов, последовательность этапов реализации долгосрочных целей государства, критерии оценки инвестиционной деятельности.

Инвестиционная стратегия обычно претворяется в жизнь в несколько этапов, которые реализуются через инвестиционную политику (в узком смысле). Другими словами, инвестиционная политика – это тактика воплощения стратегической политики. Она разрабатывается на период 3-5 лет в масштабах страны и от 1 до 3 лет в отраслях экономики. В отличие от стратегии, инвестиционная политика разрабатывается на основе детальных прогнозов и расчетов.

Разработанная инвестиционная политика особенно государства, перед своим воплощением, требует тщательной оценки, а именно обоснованности, которая проводиться по следующим критериям: согласованность по целям, направлениям и этапам всей стратегии; внутренняя сбалансированность; согласованность с внешней средой; реализуемость политики с учетом имеющегося ресурсного потенциала (рассматривается возможность формировать и генерировать финансовые ресурсы за счет собственных источников, а также привлечение требуемых финансовых, технологических, сырьевых, энергетических ресурсов); приемлемость уровня риска связанного с реализацией политики; результативность инвестиционной политики, базирующаяся на определении эко-

номической эффективности ее реализации.

Наличие такой политики и доступность ее для изучения заинтересованными лицами снизит неопределенность относительно принятия решений инвесторами.

2. Активизация инвестиционного рынка возможна только при наличии развитой финансовой системы,эффективно выполняющей свои основные функции:

а)обеспечение способов перемещения экономических ресурсов во времени, через границы государств и из одних отраслей экономики в другие;

б)обеспечение способов управления риском;

в)обеспечение способов клиринга и осуществления расчетов, способствующих торговле;

г) обеспечение механизма объединения финансовых ресурсов и разделения владения в различных предприятиях;

д)снабжение ценовой информацией, позволяющей координировать децентрализованный процесс принятия решений в разных отраслях экономики;

е)обеспечение способов решения проблемы стимулирования. Эти проблемы возникают в ситуациях, когда один из участников сделки владеет информацией, которой не обладает другой; либо если один из участников действует в качестве агента (комиссионера) от имени второго.

Для этого, необходимо создание достаточного количества финансовых институтов, функционирование которых охватывало бы все сферы и направления деятельности нафинансовых рынках.

Кроме того, необходима предсказуемость действий государственных органов управления, которые не должны гадать, как поведут себя субъекты хозяйствования, инвесторы и другие участники экономических процессов, а сформулировать и проводить обоснованную и целенаправленную линию поведения в проведении реформ. Чередование разрешительных и запретительных решений или их одновременное введение (путем принятия противоречащих друг другу документов) вводит всех в заблуждение, что на рынке инвестиций проявляется падением инвестиционной активности.

3. Любой инвестор, будь то физическое лицо или коммерческая организация, в своей деятельности должен учитывать возможность появления инвестиционного риска и предусмотреть меры по его снижению или недопущению вообще, т.е. рисками необходимо управлять. Сам процесс управления сводится к алгоритму действий из пяти этапов: выявление риска; оценка риска (в условиях отсутствия представительной статистической выборки объективные методы оценки не действуют, а субъективные дают недостаточно полную информацию); выбор приемов управления риском; реализация выбранных приемов; оценка результатов и переоценка рисков.

Для уменьшения риска существует четыре основных приема управления риском: избежание риска; предотвращение ущерба; принятие риска на себя; перенос риска. В Узбекистане у инвестора есть возможность использовать только два их них: принятие риска на себя и избежание риска, предполагающее отказ от инвестирования.

Основной прием управления рисками - перенос риска, который выполняется с помощью трех основных методов: хеджирования, страхования и диверсификации, применим частично в части диверсификации в виду ограниченности инвестиционных активов исамого предложения этих активов.

Другой немаловажной проблемой, помимо создания механизмов снижения рисков, требующей своего решения для повышения инвестиционной активности в республике, является то, что при подготовке и реализации нормативно-правовых документов не принимается в расчет такой фактор как баланс интересов участников инвестиционного процесса. Интересы инвестора, как правило, не учитываются или игнорируются. При разработке документов, направленных на более широкое привлечение инвестиций разработчики почему-то исходят из интересов среднестатистического (абстрактного) инвестора. Но это равносильно тому, что обувная промышленность производила бы туфли одного размера и одной модели.

На наш взгляд, суть вопроса заключается в непонимании роли инвесторов в инвестиционных процессах и недооценке действительной значимости самих инвестиций в обеспечении социально-экономического развития страны. Без инвестиций невозможно осуществлять расширенное воспроизводство, модернизацию и обновления парка производственного оборудования, наладить производство конкурентоспособной продукции.

В течение последних 10 лет в структуре ежегодных инвестиций в основной капитал по источникам финансирования доля средств из государственного финансирования составляла в среднем около 10 %, средства иностранных инвесторов – 27%, средства предприятий и населений около 50 %. Следовательно, основной вклад в инвестиционные процессы вносят предприятия и население, которых принято называть рядовыми инвесторами. Если принять во внимание тот факт, что в США средства населения составляю около 70 % в источниках финансирования инвестиций в этой стране, то и в нашей стране нужно повернуться лицом к рядовому инвестору. Это значит, что организация и регулирование инвестиционных процессов следует осуществлять исходя из интересов рядовых инвесторов с обеспечением защиты их прав. Другими словами, законодательство каса-

тельно данной сферы должно разрабатываться и толковаться в пользу инвесторов, так как именно они вкладывают капитал.

Однако, при этом встает вопрос, о каких инвесторах идет речь. С позиции теории инвестиций целесообразность в инвестировании возникает при наличии двух основных факторов: доходности (эффективности) и альтернативности (возможности выбора из нескольких имеющихся вариантов) вложения капитала. При этом в мировой практике основным критерием эффективности инвестиций является уровень дополнительной доходности по сравнению с альтернативным вариантом капиталовложения. Чем больше альтернатив по инвестированию, тем больше возможностей выбора у инвестора, и тем легче ему принять решение по инвестированию.

Вместе с тем, каждый инвестор имеет собственную психологию и свои цели по инвестированию. В самом общем виде по данному критерию инвесторов можно разделить на следующие группы: учредители (инициаторы создания) компании; стратегические инвесторы, которые, приобретая крупные пакеты акций, оказывают влияние на принятие решений по деятельности компании; портфельные инвесторы, которых интересует только сумма получаемых дивидендов и процентов; спекулятивные инвесторы, делающие капитал на изменение рыночной стоимости ценных бумаг. Кроме того, инвесторов можно подразделить по таким признакам как степень принятия риска (толерантные к риски и нетерпимые к рискам); желающие определенности в ожидаемых результатах (инвестирующие в активы с фиксированной, т.е. с заранее установленной ставкой доходности) и желающие испытать себя (вкладываясь в активы с нефиксированной ставкой доходности); долгосрочные инвесторы и инвесторы, нуждающиеся в ликвидных активах.

Интересы всех этих групп инвесторов не всегда совпадают, а в некоторых случаях являются и крайне противоположными. Поэтому инвестиционный рынок должен представлять активы, соответствующие психологии и целям каждого инвестора.

Это утверждение относится и к рынку ценных бумаг, на примере которого попытаемся раскрыть суть проблемы и показать негативные последствия игнорирования положений теории инвестирования.

Существующие в современной мировой практике ценные бумаги, доступные для большинства инвесторов, делятся на 2 класса:

основные (первичные) ценные бумаги;

производные (вторичные) ценные бумаги или деривативы.

В частности, Асаул А.Н. разделяет существующие в современной мировой практике ценные бумаги на две группы: первичные ценные бумаги, основанные на активах, к числу которых не относятся сами ценные бумаги (акции, облигации, векселя, залоговые и т. п.), и вторичные ценные бумаги, выпускаемые на основе первичных (варианты, депозитарные расписки и пр.). По мнению автора наиболее типичными видами ценных бумаг, которые выпускаются и находятся в обращении на рынках разных стран мира, являются акции, облигации, депозитные сертификаты, векселя, инвестиционные сертификаты. В некоторых странах Восточной Европы, СНГ, включая Россию и Украину, к категории ценных бумаг относят приватизационные бумаги[3].

В учебнике «Рынок ценных бумаг» под редакцией Галанова В.А. авторы разделяют ценные бумаги на группу ценных бумаг, которые являются свидетельством действительного капитала, или основные ценные бумаги, и на группу ценных бумаг, которые служат свидетельством на фиктивный капитал (т.е. ценные бумаги на ценные бумаги), или вторичные ценные бумаги.

Основные ценные бумаги — это ценные бумаги, в основе которых лежат имущественные права на какой-либо актив, обычно на товар, деньги, капитал, имущество, различного рода ресурсы и др.

Вторичная ценная бумага с юридической точки зрения — это ценная бумага, представляющая собой имущественное право на другую ценную бумагу и (или) на доход от нее. Экономически вторичная ценная бумага — это представитель не действительного, а непосредственно фиктивного капитала. Она есть титул титула, титул самой ценной бумаги. Выражаясь математическим языком, вторичная ценная бумага может быть производной первого порядка, второго порядка и т.д. Практически дело ограничивается в основном вторичными ценными бумагами первого, очень редко второго порядка. Вторичные ценные бумаги основаны прежде всего на акциях, облигациях и закладных. Они могут выпускаться в двух формах:

1) в форме тех же самых основных ценных бумаг, например, облигации, основанные на пуле закладных; такие ценные бумаги еще называются переходными, т.е. когда с их помощью осуществляется переход прав от владельцев одних видов ценных бумаг к владельцам других видов ценных бумаг;

2) в форме, отличной от основных ценных бумаг:

а) в виде самостоятельно обращающихся прав на приобретение, обычно акций. К таким ценным бумагам в рыночной практике относятся: фондовые варранты — ценная бумага, которая дает право ее владельцу купить определенное количество акций или облигаций по установленной цене в течение конкретного периода времени; подписные права это по сути те же варранты, но действующие только в течение определенного времени подписки на акции;

премиальные опционы — это опять же разновидность варрантов, которые выдаются в качестве поощрения (премирования) руководителям компаний;

б) в виде депозитарных свидетельств (сертификатов, расписок) типа американских депозитарных расписок (ADR) на акции [4].

Согласно российскому законодательству к ценным бумагам относятся: акция, банковская сберегательная книжка на предъявителя, вексель, депозитный сертификат, закладная, инвестиционный пай, ипотечный сертификат участия, коносамент, облигация, опцион эмитента, простое складское свидетельство, двойное складское свидетельство и обе его части — складское свидетельство и варрант, приватизационные ценные бумаги, российская депозитарная расписка, сберегательный сертификат, чек[5].

Анализируя практику зарубежных стран, Рубцов Б.Б. к основным ценным бумагам, обращающимся на фондовых рынках США, относит акции корпораций, облигации, векселя, депозитные сертификаты банков, правительственные ценные бумаги.

На территории Великобритании обращаются такие основные ценные бумаги как акции, облигации, прочие виды корпоративных ценных бумаг такие как: депозитные сертификаты и векселя, а также государственные долговые обязательства[6].

Бутиков И.Л. в учебнике «Рынок ценных бумаг», ссылаясь на Гражданский кодекс Республики Узбекистан, относит к ценным бумагам: облигация, вексель, чек, депозитный и сберегательный сертификаты, банковская сберегательная книжка на предъявителя, коносамент, акция и другие документы, которые законодательством отнесены к числу ценных бумаг [7].

На основе вышеизложенного можно заключить, что на фондовом рынке обращается ограниченный перечень видов первичных ценных бумаг, которые можно разделить на две основные группы: долевые ценные бумаги (акции) и долговые ценные бумаги (облигации, векселя, банковские сертификаты, правительственные ценные бумаги). В результате этого может возникнуть ошибочное мнение об ограниченности альтернативных вариантов вложения капитала на фондовом рынке. На самом деле, многообразие вариантов вложения капитала на данном рынке обеспечивается посредством придания различных особых свойств каждому из видов этих ценных бумаг, а также посредством наличия возможности создания производных от них ценных бумаг.

В Узбекистане рынок ценных бумаг представлен, согласно статье 1 Закона «О рынке ценных бумаг», такими инструментами как акции, облигации, казначейские обязательства, депозитные сертификаты, производные ценных бумаг и векселя [8]. На практике в свободном обращении находятся только акции и незначительное количество корпоративных облигаций.

В этой связи, представляется целесообразным рассмотреть разновидности выпускаемых в зарубежных странах ценных бумаг, раскрыть значимость их особых свойств для отдельных категорий инвесторов и, на основе этого, разработать новые подходы к организации рынка ценных бумаг в Узбекистане.

***Манба ва адабиётлар:***


*1. Мирзиёев Ш.М. Доклад Президента Республики Узбекистан Ш. Мирзиёева на расширенном заседании Кабинета Министров, посвященном итогам социально-экономического развития страны в 2016 году и важнейшим приоритетным направлениям экономической программы на 2017 год. Критический анализ, жесткая дисциплина и персональная ответственность должны стать повседневной нормой в деятельности каждого руководителя. // Народное слово. www.narodnoeslovo.uz. 2017. – 16 января.*

*2. Положение о раскрытии информации эмитентами эмиссионных ценных бумаг (утв. Банком России 30.12.2014 N 454-П) (ред. от 01.04.2016) (Зарегистрировано в Минюсте России 12.02.2015 N 35989).*

*3. Асаул А. Н. и др. Основы бизнеса на рынке ценных бумаг.Учебник/ - СПб.:,2008. – 207с.*

*4. Рынок ценных бумаг. Учебник / Под ред. В.А.Галанова, А.И.Басова. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Финансы и статистика, 2006. – 448 с.*

*5. Гражданский кодекс Российской Федерации от 26.01.1996 №14-ФЗ.*

*6. Рубцов Б.Б. Современные фондовые рынки: учебное пособие для вузов. – М.: Альпина Бизнес Букс, 2007. – 926 с.*

*7. Бутиков И.Л. Рынок ценных бумаг. Учебник. – Ташкент: Консаудитинформ, 2001. – 472 с.*

*8. Закон Республики Узбекистан «О рынке ценных бумаг» (в новой редакции) от 3.06.2015 г. №ЗРУ-387 // Электронный ресурс: www.lex.uz – 2015. – июнь.*

## МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ


**Қурбонов Жамшид Қахрамонович**

Кичик илмий ходим, ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази



***Аннотация.*** мақолада дунёнинг кўпгина мамлакатларидаги самарадорлик соҳасидаги муаммолар, уларни ҳал этиш бўйича олиб борилган эмпирик ва назарий тадқиқотлар натижалари кўриб чиқилган.



***Таянч тушунчалар:*** ишлаб чиқариш самарадорлиги, меҳнат унумдорлиги, иқтисодий ўсиш, рақобат, инвестиция, ташқи савдо.



***Аннотация.*** В статье рассматриваются проблемы в области производительности и результаты эмпирического и теоретического исследований по их решению в различных зарубежных странах.



***Ключевые слова:*** эффективность производства, производительность труда, экономический рост, конкуренция, инвестиция, внешняя торговля.


Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш тўғрисидаги масалани дунё иқтисодиёти ривожланишининг бош манбаси сифатида кун тартибига қўйди. Ушбу долзарб масаланинг нечоғлик мураккаб эканлигини жаҳон мамлакатлари иқтисодиёти олдида турган қуйидаги савол билан ифодалаш мумкин: ишсизлик даражасининг ўсиш хавфи турган бир пайтда самарадорликни ошириш учун технологик тараққиёт ютуқларидан қай тарзда фойдаланиш керак? Қолаверса, 2016 йил Давосда бўлиб ўтган Жаҳон иқтисодиёти форумида дунё янги тўртинчи саноат инқилобига кириб бораётгани ҳақида такидлаб ўтишди [1].

Дунёнинг кўпгина мамлакатларида самарадорлик соҳасида бир қатор умумий муаммолар, жумладан аҳолининг қариши, самарали инновацион стратегияни ишлаб чиқариш зарурияти, давлат бошқаруви соҳасида ахборот технологияларини жорий қилиш масалалари борлигига қарамай, ҳар бир мамлакат ўзига хос мумаммоларга тўқнаш келмоқда. Масалан, Норвегия учун бу иқтисодиётнинг нефтьгаз секторига боғлиқлиги, Польша учун ёшларнинг хорижга чиқиб кетиши, Финландия учун электроника ишлаб чиқариш соҳасидаги кескин инқироз. Шу ва бошқа салбий тенденцияларни бартараф этиш мақсадида, Европа мамлакатлари ҳукуматлари ва АҚШ томонидан турли йўналиш ва турли миқиёсидаги чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ушбу мавзу доирасида олиб борилган тадқиқотларда турли фикр-мулоҳазалар илгари сурилган. Жумладан, Е. Бессонованинг маълумотларига кўра, самарадорлиги паст корхоналарнинг тармоқдан чиқиб кетиши учун институтционал тўсиқларнинг мавжудлиги – Россия иқтисодиётида юқори ва паст самарадорли корхоналарнинг бирга яшашига имкон туғдиргани ва бунинг натижасида ишлаб чиқариш самарадорлигига рақобатнинг ижобий таъсири ушлаб қолинаётгани аниқ-ланган [2].

Шу билан бирга, макроиқтисодий муаммолардан бири бўлган инфляциянинг асосий номонетар сабаблари рақобатнинг етишмаслиги ва иқтисодиёт самарадорлигининг пастлиги билан изоҳланади. Аҳамиятлиси шундаки, самарадорлик ва рақобатдошликнинг ўсишсиз тўловга қобил талабнинг ошиши инфляция ва импортнинг ортишига олиб келади [3].

Қолаверса, Жаҳон банкининг 2003 – 2008 йилларда Россиянинг 79 мингта корхоналарини текшириш натижаси шуни кўрсатдики, давлат ва муниципал мулк шаклидаги корхоналарининг самарадорлик кўрсаткичлари хусусийларга қараганда анча ёмонроқ бўлган [4].

Назарий жиҳатдан, савдо учта муҳим канал орқали самарадорликни оширади. Бирин-

чи, импорт маҳаллий корхоналар учун кучли рақобат босимини ҳосил қилади ва айни бир пайтда уларга катта миқдордаги энг яхши ресурслардан фойдаланиш имкониятини беради. Иккинчидан, хорижий харидорлар сабабли билим ва тажриба орттирган, хорижий ишлаб чиқарувчилар томонидан рақобатга дуч келган экспортчилар ўзларининг самарадорлигини оширишади. Учинчидан, корхоналар ўртасида ресурсларни самарадорлиги юқори бўлганлари фойдасига қайта тақсимланишига ёрдам беради.

Эмпирик тадқиқотлар қуйидаги беш йўналишдаги ислоҳотларнинг катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатмоқда: самарали давлат бошқаруви ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, рақобатни кучайтириш, меҳнат ресурслари, технологиялар ва инфратузилмага инвестицияларни ошириш, молия секторини ривожлантириш [5].

1. Самарали давлат бошқаруви ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш. Давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар – мулкий ҳуқуқларни ижросини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, оғир маъмурий ва суд меъёрлари амалиётини чеклаш, юқори сифатли меъёрий-ҳуқуқий базани таъминлаш йўли билан корхоналар ўртасидаги операцион харажатларни камайтиради. Макроиқтисодий жараёнларни самарали бошқариш инфляция даражаси ва бюджет дефицитини назорат қилиш орқали барқарор иқтисодий иқлимни таъминлаб беради. Кенг маънода, бошқарув самарадорлиги ва макроиқтисодий жараёнларни оқилона тартибга солиш вазиятни олдиндан тахмин қила олиш имконини беради ва иқтисодий рискларни камайишига олиб келади. Бу ўз навбатида, тадбиркорларнинг инвестицион қарорлар қабул қилишини рағбатлантиради. Корпоратив бошқарув усулларини такомиллаштириш ҳам корхоналар фаолиятининг паст кўрсаткичлари учун жавобгарликни ошириш орқали самарадорликнинг ўсишига ёрдам беради.

2. Рақобатни кучайтириш. Рақобат бозор ишорасига мос равишда ресурсларнинг оптимал тақсимланиши учун шароит яратиб, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва меҳнат унумдорлиги ошишига, пировардида ривожланишнинг инновацион босқичига ўтиш учун хизмат қилади. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки босқичида ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ва хусусийлаштириш зарурати корхоналарни қайта ташкил қилиш ва самарадорликни оширишда асосий ҳаракатга келтирувчи куч сифатида юзага чиқади. Аммо, узоқ муддатли истиқболда самарадорликни ошириш учун ресурсларнинг қайта тақсимланиш тезлаштириш ва янги илғор технологияларни жорий қилишга йўналтирилган ислоҳотлар зарур бўлади. Шунинг учун, асосан юқори технологияли тармоқларда янги корхоналарни ташкил қилиш самарадорликни ўсиши учун алоҳида аҳамиятга эга.

Самарадорликни рағбатлантириш учун нафақат товарлар бозори, балки хизматлар бозорида ҳам рақобатни ошириш зарур. Агар хизматларнинг ўртача улуши товарлар таннархига нисбтан 10-20 % ташкил қилиши ва барча савдо харажатларини (транспорт, савдони молиялаштириш, суғурта, коммуникация ва сотиш) ўз ичига олиши ҳисобга олинса, унинг иқтисодий фаолият турлари билан нечоғлик боғлиқлиги ва таъсир даражаси яққол намоён бўлади. Шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш маҳаллий корхоналар учун илғор технологиялар ва халқаро даражада ишлаш кўникмасига эга бўлиш имкониятини беради.

Янги самарадорлиги юқори бўлган корхоналарнинг бозорга киришини рағбатлантириш учун қулай инвестицион муҳитни яратиш талаб қилган бир пайтда, эски самарадорлиги паст бўлган корхоналарни чиқиб кетиши учун бозор тамойилларини ўрнатиш зарур бўлади. Бозор тамойилларини ўрнатиш, жумладан бюджет чекловларини кучайтириш, рақобатни ривожлантириш, банкротлик амалиёти ижросини таъминлаш ва иқтисодий фаолият натижаларини баҳолаш сифатини ошириш эски корхоналарни ё ўз фаолиятини қайта ташкил қилган ҳолда самарадорлик ва рақобатдошликни оширишга, ё ўз фаолиятини тугатишга мажбур қилади. Аммо ушбу чоралар, корхоналар ичидаги самарадорликни оширишга эмас, энг аввало ресурсларни қайта тақсимлаш ва бозордаги корхоналар таркибини ўзгартиришга қаратилган бўлади. Корхоналар ичидаги самарадорликни ошириш учун эса рақобатни ривожлантириш бўйича чоралар – ишлаб чиқаришнинг бир-бири билан ўзаро боғлиқ тармоқлари ва бирга юрувчи хизматлар ўртасидаги алоқаларни ўрнатиш, жаҳон ишлаб чиқариш тизимига интеграцияни, шунингдек ишлаб чиқариш омилларининг ички бозорлари ва товар бозорлари интеграциясини рақбатлантиришга йўналтирилган бўлиши лозим.

3. Меҳнат ресурслари ва технологияларга инвестициялар. Малакали ишчи кучи самарадорлик ўсиши учун муҳим аҳамиятга эга. Чунки унинг мавжудлиги корхоналарга янги илғор технологияларни жорий қилиш имконини беради. Пухта қуролланган иш жойларига муносиб малакали ишчилар бўлмас экан, меҳнат унумдорлигини жиддий оширишнинг имкони йўқ.

4. Инфратузилмага инвестициялар. Инфратузилмани яхшилаш корхоналар самарадорлигини оширишда муҳим рол ўйнайди. Малака ошириш дастурларининг ўзи корхоналарнинг инновацион салоҳиятини кучайтириш

учун етарли эмас. Замонавий телекоммуникация хизматларидан фойдалиниш имкониятлари мавжуд бўлган мамлакатларда корхоналарнинг самарадорлик кўрсаткичлари юқори бўлади. Меҳнат унумдорлигига асосий капиталнинг эскириш даражаси, асбоб-ускуналарнинг ўртача ёши жиддий таъсир кўрсатади.

5.Молия секторини ривожлантириш. Молия секторини ривожланишига халал берувчи тўсиқлар, жумладан бозорга кириш билан боғлиқ чекловлар, хорижий банклар фаолиятини чеклаш ва тижорат банкларига нисбатан давлат мулкининг сақлаб қолиниши молия тизимига зарар келтиради ва корхоналарнинг инвестицион имкониятларини чеклаш орқали уларнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади. Корхоналар самарадорлигининг ўсиши – молиявий бозорларнинг ривожланиши, молиявий воситачиликнинг чуқурлашиши, хорижий ва хусусий банкларнинг кредитларидан фойдаланиш имкониятларининг ошиши билан боғлиқ.

Юқорида баён этилган назарий ва эмпирик тадқиқотлар хулосаларига таянган ҳолда, айрим мамлакатлар ва гуруҳлар бўйича муайян даврлардаги аҳоли жон бошига, ҳар иш соатига ва ҳар бир ишчига тўғри келувчи ЯИМ миқдорини, иқтисодий ўсишдаги омилларнинг, айниқса кўп омиллик самарадорликнинг ўсиши ва улушини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун, қуйида Иктисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг статистик маълумотлари асосида таҳлил натижалари келтирилди.

Аҳоли жон бошига ЯИМ миқдори бўйича АҚШ ва Россия ўртасидаги фарқ 1995 йилда 4,8 баробарни ташкил қилган. 20 йил ўтиб ушбу тафовут роппа-роса 2 баробарга қисқариб 2015 йилда 2,4 баробарга етган. Ушбу давр мобайнида аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ миқдори бўйича АҚШга нисбатан фарқ Польшада 1,8 баробар, Кореяда 1,3 баробар, Туркияда 1,2 баробарга қисқарган. Россияда аҳоли жон бошига ЯИМ миқдори 1995 йилга нисбатан 4 мартага ошиб, 2015 йилда 23720 долларни ташкил этган. Шунга қарамай, Россия 2015 йилдаги аҳоли жон бошига ЯИМ миқдори бўйича Туркия ва Польшадан сезиларли даражада, Корея, Европа Иттифоқи ва G7 мамлакатларининг умумий ўртача кўрсаткичидан бир неча мартага ортда қолмоқда (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Айрим мамлакатлар ва гуруҳлар бўйича 1995 ва 2015 йиллардаги аҳоли жон бошига ЯИМ ва унинг АҚШга нисбатан миқдори [6]**

| Кўрсаткич | ЯИМ аҳоли жон бошига | | | |
|---|---|---|---|---|
| Ўлчов бирлиги | АҚШ доллари, жорий нархлар, жорий ХҚП | АҚШга нисбатан, % (АҚШ=100) | АҚШ доллари, жорий нархлар, жорий ХҚП | АҚШга нисбатан, % (АҚШ=100) |
| Мамлакатлар | 1995 йил | | 2015 йил | |
| Корея Республикаси | 13 295,5 | 46,2 | 34 569,5 | 61,7 |
| Польша | 7 724,0 | 26,9 | 26 528,5 | 47,3 |
| Туркия | 10 081,5 | 35,1 | 24 312,6 | 43,4 |
| Европа Иттифоқи | 18 017,4 | 62,7 | 38 676,4 | 69,0 |
| G7 | 24 948,1 | 86,8 | 48 017,8 | 85,6 |
| Россия Федерацияси | 5 979,6 | 20,8 | 23 720,0 | 42,3 |

**Изох:** G7 (Group of Seven) - етакчи етти мамлакат: Буюк Британия, Германия, Италия, Канада, АҚШ, Франция ва Япония; Европа Иттифоқи - 28 та мамлакат.

Ҳар иш соатига тўғри келувчи ЯИМ миқдори 1995-2015 йилларда мобайнида Россия ва Польшада 3,3 марта, Кореяда 2,9 марта, Туркияда 2,2 марта, бу бўйича ўртача кўрсаткич Европа Иттифоқи ва G7 мамлакатларида 2 марта ошди. Ҳар иш соатига ЯИМ миқдори бўйича АҚШга нисбатан тафовут Россия ва Польшада 1,6 марта, Кореяда 1,4 мартага қисқарган бир пайтда, Европа Иттифоқи, G7 давлатлари ва Туркияда бу кўрсаткич бўйича катта ўзгариш қайд этилмади (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Айрим мамлакатлар ва гуруҳлар бўйича 1995 ва 2015 йиллардаги ҳар иш соатига ЯИМ ва унинг АҚШга нисбатан миқдори [7]**

| Кўрсаткич | ЯИМ ҳар иш соатига | | | |
|---|---|---|---|---|
| Ўлчов бирлиги | АҚШ доллари, жорий нархлар, жорий ХҚП | АҚШга нисбатан, % (АҚШ=100) | АҚШ доллари, жорий нархлар, жорий ХҚП | АҚШга нисбатан, % (АҚШ=100) |
| Мамлакатлар | 1995 йил | | 2015 йил | |
| Корея Республикаси | 11,1 | 33,3 | 31,9 | 46,7 |
| Польша | 9,6 | 28,8 | 31,2 | 45,6 |
| Туркия | 17,7 | 52,9 | 38,6 | 56,4 |
| Европа Иттифоқи | 25,0 | 74,8 | 52,8 | 77,3 |
| G7 | 30,1 | 90,1 | 60,5 | 88,5 |
| Россия Федерацияси | 7,3 | 22,0 | 24,4 | 35,7 |

**Изох:** G7 (Group of Seven) - етакчи етти мамлакат: Буюк Британия, Германия, Италия, Канада, АҚШ, Франция ва Япония; Европа Иттифоқи - 28 та мамлакат.

Ҳар бир ишчига тўғри келувчи ЯИМ миқдори 1995-2015 йиллар мобайнида Россияда 3,5 баробар, Польшада 3 баробар, Кореяда 2,3 баробар, Европа Иттифоқи, G7 давлатлари ва Туркияда 2 баробарга ошган. Ҳар бир ишчига тўғри келувчи ЯИМ миқдори бўйича АҚШга нисбатан фарқ Россияда 1,8 марта, Польшада 1,5 мартага қисқарган (3-жадвал).

**3-жадвал**

**Айрим мамлакатлар ва гуруҳлар бўйича 1995 ва 2015 йиллардаги ҳар бир ишчига ЯИМ ва унинг АҚШга нисбатан миқдори [8]**

| Кўрсаткич | ЯИМ ҳар бир ишчига | | | |
|---|---|---|---|---|
| Ўлчов бирлиги | АҚШ доллари, жорий нархлар, жорий ҲҚП | АҚШга нисбатан, % (АҚШ=100) | АҚШ доллари, жорий нархлар, жорий ҲҚП | АҚШга нисбатан, % (АҚШ=100) |
| Мамлакатлар | 1995 йил | | 2015 йил | |
| Корея Республикаси | 29 393,3 | 48,9 | 67 465,4 | 56,5 |
| Польша | 20 848,5 | 34,7 | 63 879,4 | 53,5 |
| Туркия | 33 122,0 | 55,1 | 70 646,4 | 59,1 |
| Европа Иттифоқи | 42 671,4 | 71,0 | 85 943,9 | 72,0 |
| G7 | 53 171,0 | 88,4 | 100 674,4 | 84,3 |
| Россия Федерацияси | 13 850,9 | 23,0 | 48 250,8 | 40,4 |

**Изоҳ:** G7 (Group of Seven) - етакчи етти мамлакат: Буюк Британия, Германия, Италия, Канада, АҚШ, Франция ва Япония; Европа Иттифоқи - 28 та мамлакат.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, Европа Иттифоқи ва АҚШда самарадорликнинг ўсиши мавзусида Халқаро KLEMS лойиҳаси доирасида олиб борилган қиёсий тадқиқот натижаларига кўра, 1995 – 2006 йилларда самарадорликнинг ўсиши бўйича Европанинг АҚШдан ортда қолиши кўпроқ уларнинг иқтисодиётидаги таркибий тафовутлар билан изоҳланади [9].

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида айрим мамлакатлардаги кўп омиллик самарадорликнинг 2005 - 2009 йиллар мобайнидаги ўртача йиллик ўзгариши ундан олдинги ёки кейинги даврларга нисбатан паст даражада бўлганини кўриш мумкин (1-расм).

| Даврлар / Мамлакатлар | 1985-1989 | 1990-1994 | 1995-1999 | 2000-2004 | 2005-2009 | 2010-2015 | Диаграммалар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Австралия | -0,1 | 0,8 | 1,7 | 0,9 | -0,1 | 0,5 | |
| Канада | 0,2 | 0,5 | 1,0 | 0,7 | -0,1 | 0,7 | |
| Франция | 1,9 | 0,8 | 1,2 | 1,1 | -0,1 | 0,5 | |
| Германия | 1,4 | 1,8 | 1,0 | 0,8 | 0,1 | 1,1 | |
| Италия | 1,5 | 0,7 | 0,5 | -0,1 | -1,1 | 0,3 | |
| Япония | 2,9 | 1,0 | 0,7 | 1,0 | -0,4 | 1,3 | |
| Корея | 5,2 | 4,2 | 3,9 | 2,9 | 2,8 | 1,7 | |
| Нидерландия | 0,8 | 0,3 | 0,6 | 0,7 | -0,1 | 0,4 | |
| Қўшма Қироллик | 1,1 | 1,0 | 1,1 | 2,0 | -0,2 | 0,5 | |
| АҚШ | 0,7 | 0,8 | 1,1 | 1,6 | 0,5 | 0,6 | |



***1-расм. Айрим мамлакатларда кўп омиллик самарадорликнинг муайян даврлар бўйича ўртача йиллик ўсиши (ўзгариши), % [10]***

Айрим мамлакатларда 1995-2015 йиллар давомида ЯИМнинг ўртача йиллик ўсиш суръатлари ва уларнинг таркибида турли ишлаб чиқариш омилларининг улуши келтирилган (2-расм). Улар кўп омиллик самарадорлик, ишчи кучи харажатлари, ахборот коммуникация технологияларига асосланган капитал ва бошқа капиталга бўлинган. Деярли барча ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий ўсишида кўп омиллик самарадорликнинг улуши нисбатан юқорироқ бўлган.




***2-расм. Айрим мамлакатларнинг 1995-2015 йиллар оралиғида ЯИМ ўсишига омилларнинг ўртача йиллик ҳиссаси, % [11]***

Миллий иқтисодиёт самарадорлигини оширишнинг хорижий тажрибасига бағишланган мазкур ишдан қуйидаги хулосалар чиқарилди:

Меҳнат унумдорлиги ўсишининг энг муҳим манбаси – ишчи кучини самарадорлиги пастроқ бўлган корхоналар ва истиқболсиз тармоқлардан нисбатан самаралироқ ва истиқболга эга бўлганларига фаол қайта тақсимлашдир. Давлат томонидан фақат жаҳон бозорида рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи, асосан кичик инновацион корхоналарга имтиёзли кредитлар ва айрим солиқлардан озод этиш амалиётини жорий этиш зурур.

Халқаро рақобат билан тўқнаш келмайдиган соҳа ва корхоналарда самарадорлик даражасининг паст эканлиги ҳисобга олинса, бундай тармоқларда ички рақобатни ривожлантириш устувор аҳамият касб этади. Айниқса, хизматлар соҳасининг ташқи рақобат таъсирига кам даражада боғлиқлиги ва ЯИМдаги улушининг юқорилигидан келиб чиқилса, ушбу секторда самарадорликни ошириш ва шу асосда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларига эришиш бўйича катта салоҳият мавжуд эканлиги аён бўлади.

Давлат секторида самарадорликни ошириш, ташқи савдони либераллаштириш ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш умумий самарадорлик ўсишига салмоқли ҳисса қўшади.

Ҳукумат томонидан замонавий тадқиқотлар, технологиялар ва инновациялар соҳасидаги давлат стратегиясини ишлаб чиқиш, мамлакатда муҳандис-техник кадрлар-ни тайёрлаш, ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича минтақавий дастурларни қабул қилиш иқтисодиёт самарадорлиги ва рақобатдошлигини ошириш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш йўлидаги муҳим қадам бўлади.

***Манба ва адабиётлар:***


*1. https://www.weforum.org/agenda/2016/01/the-fourth-industrial-revolution-what-it-means-and-how-to-respond/*

*2. Бессонова Е. В. Влияние внутренней конкуренции и иностранных инвестиций на эффективность российских промышленных предприятий // Прикладная эконометрика. 2010. № 1. С. 106—127.*

*3. Ведев А., Косарев А. Некоторые количественные оценки воздействия институциональных ограничений на экономический рост в России // Экономическая политика. 2012. № 1. С. 50—65.*

*4. Bogetić Ž., Olusi O. Drivers of Firm-Level Productivity in Russia's Manufacturing Sector. World Bank Working Paper WPS6572. 2013.*

*5. Асад Алам, Палома Анос Касеро, Фарук Хан и Чарлз Удомсаф. Способствуя процветанию: рост производительности в Восточной Европе и бывшем Советском Союзе. Всемирный банк.*

*6. http://stats.oecd.org/Index.aspx?DataSetCode=PDB_LV*

*7. http://stats.oecd.org/Index.aspx?DataSetCode=PDB_LV*

*8. http://stats.oecd.org/Index.aspx?DataSetCode=PDB_LV*

*9. Productivity in Europe and the United States: Technology Trends and Policy Measures. 2014. Published electronically at www.teknologiradet.no*

*10. http://stats.oecd.org/Index.aspx?DataSetCode=PDB_LV*

*11. http://stats.oecd.org/Index.aspx?DataSetCode=PDB_LV*

# ХАЛҚАРО МОЛИЯВИЙ ИНҚИРОЗ ШАРОИТИДА РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРНИНГ ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИДАГИ МАВҚЕИ

**Алладустов Рустам Джонмуротович**

Катта илмий-ходим изланувчи, Тошкент давлат иқтисодиёт университети

***Аннотация.*** Мазкур мақолада ривожланаётган мамлакатланинг халқаро молиявий глобаллашув ва молиявий иқтисодий инқирозлар турли хил таъсир этиш билан мамлакатларни олдига қуйган чора тадбирлари, инвестиция ва капитал оқимини жалб қилиш механизмларини, мамлакатлар ички ресурсларини инвестицияларга йўналтириш, халқаро тажрибаларидан келиб чиқиб таклиф-мулоҳазалар келтирилган.

***Таянч тушунчалар:*** Ривожланаётган мамлакатлар, инвестициялар, капитал оқими, таркибий ўзгариш, барқарор иқтисодий ўсиш.

***Аннотация.*** В данной статье приведены заключении и рекомендации в условиях международной финансовой глобализации и международного финансового кризиса, по увелечению привлекаемых иностранных инвестиций, оптимизации механизмов их привлечения, привлечение внутренних инвестиций и зарубежный опыт развитых стран.

***Ключевые слова:*** Развивающиеся страны, инвестиции, потоки капитала, структурные изменения, устойчивый экономический рост.

Ер юзида икки юздан ортиқ мамлакатлар бор бу мамлакатларни иқтисодий-ижтимоий ривожланганлик ҳолатига кўра ривожланган, тез суръатларда ривожланаётга, ривожланаётган ва қолоқ мамлакатлар гуруҳига ажратиш мумкин. Биз бу мақолада ривожланаётган мамлакатларга эътибор қаратамиз. Ривожланаётган мамлакатлар» атамаси иккинчи жаҳон урушидан кейин мустамлака тизимининг парчаланиши ва собиқ мустамлакаларнинг мустақилликка эришишлари натижасида пайдо бўлган. Мазкур мамлакатлар гуруҳига жаҳон хўжалиги мамлакатларининг 80 фоизи киради, дунё аҳолисининг 85,3 фоизи ушбу мамлакатларда истиқомат қилади. Ушбу гуруҳ таркибига Япония, Жанубий Корея, Сингапур ва Исроилдан ташқари Осиёнинг бошқа мамлакатлари, Африка қитъасида эса Жанубий Африка Республикасидан ташқари барча мамлакатлар, шунингдек Лотин Америкаси мамлакатлари киради. [1] Инглиз тилидаги адабиётларда ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари «emerging markets» атамаси билан номланади. Иқтисодий адабиётда эса «шаклланаётган бозор иқтисодиётига эга мамлакатлар» ёки оддийгина «бозор иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатлар», деб таржима қилинади. Бу категорияга бозор ислоҳотларини амалга оширишда жиддий муваффақиятларга эришган, миллий банк-молия тизимини мустаҳкамлаш ва жаҳон хўжалигига интеграциялашишига эришган етакчи ривожланаётган ҳамда собиқ сотциалистик мамлакатлар киради. Бу гуруҳга кирувчи мамлакатлар иқтисодиёти халқаро капитал бозорларида инвестиция ресурслари экспортёри ва импортёри сифатидаги ролининг кескин ошиб бораётганлиги билан ажралиб турадилар.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review)**

**1. А.В. Вахабов "Жаҳон иқтисодиёти"** бўйича дарслигида Ривожланаётган мамлакатлар хусусиятининг энг муҳим мезони уни ривожланиш даражаси эканлиги, таркибий қисмлари элементлари, асосий вазифалари ва функцияларининг айрим жиҳатлари тадқиқ этилган. Шунингдек, молиявий иқтисодий инқирозлар жаҳон иқтисодиётига таъсири ўрганилган, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасида зиддиятлар бўлмаслигини таъминлаш, турли-туман иқтисодий воситалар ва усуллар, ҳуқуқий нормалар ёрдамида иқтисодиётни тартибга солишни таъминлаш зарурати асослаб берилган.

**2. Н.Х. Жумаев, У.А. Бурханов "Халқора молия муносабатлари" дарслигида** Глобаллашув жараёнлари шаклланиши ва ривожланиш хусусиятлари ёритиб берилган бўлиб, унинг жаҳон иқтисодиётидаги тутган вазифалари ва функциялари, ривожланининг ижобий ва салбий томонлари ўрганилган жаҳон банкининг ташкил топиши ва халқаро ташки-

лотларнинг асослари илмий жиҳатдан асосланган.

**3. К.Н. Гусаев " Мировая экономика и международные отношения,"** номли дарслигида молия бозори инфратузилмаси шаклланишининг илмий асосларини ёритган бўлиб, унда халқаро ташкилотларнинг инфратузилмаси институтлар тизими сифатида хорижий капитал ва инвестициялар тузилмалари фаолиятининг жаҳон бозори шаклланиши ва ривожланиши учун ҳуқуқий, молиявий ва иқтисодий жиҳатдан тартибга солиш механизмлари тадқиқ этилган. Шунингдек, асарда жаҳон бозори инфратузилмасининг иқтисодиёт ва бошқарув соҳасида турли даражалардаги таркибий қисмлари ва элементлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари таснифланган.

**4. Б.Б. Сколова, Э.М. Петрикова " Глобализация и бедность "** мақоласида ривожланаётган мамлакатларнинг глобаллашув жараёнларининг жадаллаштиришдаги ўрни ва қолоқ мамлакатларнинг камбағаллик даражаси ўрганилган. Халқаро даражада қамбағалликни камайтириш бўйича халқаро меҳнат ташкилотининг ташкилий тузилмалари, яъни давлат эмиграция сиёсати мамлакатлар ўртасида ахолининг кучиб утиш жараёнлари асосий йўналишлари, ва уларнинг ўзаро алоқадорлигини тадқиқ этган.

**5. И.Н. Люкович, И.В. Кокушина "The Capital Formation Problem in the United States"** номли мақоласида Халқаро майдонда Ривожланган мамлакатларнинг ўрни ва уларнинг дунёдаги ЯИМ ни ишлаб чиқаришдаги салмоқли ҳиссаси хусусан, АҚШ давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, мақсад ва вазифалари, давлат иқтисодий ислоҳатлари ва сиёсатини баҳолаш усуллари ва кўрсаткичлари, инвестиция ва капитал оқими ривожланаётган мамлакатларда янги иш жойларини рағбатлантириш механизми, давлат томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар тадқиқ этилган.

**Тадқиқот методологияси (Research Methodology)**

Тадқиқот жараёнда Ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳондаги тутган ўрни ва уларнинг ривожланаётган мамлакатлар билан ўзаро алоқадорлигини аниқлаш бўйича иқтисодий тизимлар ва нисбатларни ўрганишга иқтисодий инқирозлар шароитида ривожланган мамлакатларнинг ривожланиш босқичлари, жалб қилаётган инвестиция ва капитал оқими даражаси тизимли ёндашув, қиёсий таҳлил ҳамда гуруҳлаш усулларидан фойдаланилган.

Ушбу тадқиқотнинг асосий мақсади қуйидагидан иборат: ривожланган мамлакатларини инвестиция ва капитал оқими тебраниш тенденциясини аниқлаш ва шу бозор индексига ривожланаётган мамлакатлар фонд бозоридаги янгиликлар таъсирини таҳлил қилиш. Тадқиқот методи гипотеза усулида олиб борилади, унга асосан биринчи unit root тест гипотезасига кўра ривожланган мамалакатларнинг капитал ва инвестициялари ривожланаётган мамлакатларнинг фонд бозори индекс қайтими ўзгарувчан, иккинчиси эса АҚШ фонд бозоридаги молиявий инқирозни таъсири гипотезасига кўра АҚШ қимматли қоғозлар бозори инқироз ёки янгиликлар Ривожланган мамлакатларининг фонд бозори индекс қайтимига муҳим таъсири ва Ривожланган мамлакатларнинг инвестиция ва капитал оқимига таъсир этиш доираси ўрганилган.

**Таҳлил ва натижалар (Analysis and results)**

Ривожланаётган мамлакатлар учун қуйидаги умумий хусусиятлар хос.

**Иқтисодиётининг кўп укладлилиги.** Ривожланаётган мамлакатларда модернизация жараёнлари натижасида иқтисодиётнинг замонавий ва анъанавий секторлари ёнма-ён шаклланмоқда. Мамлакат иқтисодий ривожланиши даражасининг ортиши билан биринчи сектор улуши иккинчи сектор ҳисобига кўпайиб боради. Натижада қатор ривожланаётган мамлакатларда капиталистик хўжалик уклади билан бир қаторда қариндош, уруғаймоқчилик ва патриархал ишлаб чиқариш муносабатлари шаклланади.

**Иқтисодиётда давлатнинг роли.** XX-аср мобайнида ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида давлатнинг роли салмоқли бўлди. Тадқиқотларимиз натижаларига кўра, паст даромадли мамлакатларда давлат харажатларининг улуши 1990-йилда ЯММ га нисбатан 17,1 фоизни, 2001-йилда эса 20,1 фоизни ташкил этди. Бу мамлакатларда иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари давлат ихтиёрида бўлишининг сабаби - давлат уларни ўзи ташкил этганлиги билан боғлиқ.

Ривожланаётган мамлакатларда давлат харажатлари миқдорининг ривожланган мамлакатларга нисбатан пастлиги ижтимоий соҳага сарфланаётган харажатлар ўртасидаги фарқ билан белгиланади. Ривожланаётган мамлакатларда давлат харажатларининг аксарият қисми инвестцияларни молиялаштиришга йўналтирилади.

**Ривожланаётган мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётида хорижий капитал ва ТМКлар мавқеининг юқорилиги.** 1950-йилларда бу мамлакатларда АҚШ, Буюк Британия ва Франция компаниялари нефт, табиий газ, минерал ресурсларни қазиб чиқариш соҳасининг 70-100 фоизни назорат қилган. Ривожланган мамлакатларнинг компаниялари Жануби-Шарқий Осиё, Афри-

ка ва Лотин Америкасида қишлоқ хўжалик ерларининг катта қисмига эгалик қилишган. 1960-йилларнинг охирида хорижий капиталга тегишли корхоналарда ривожланаётган мамлакатлар ялпи маҳсулотининг 25 фоиз ишлаб чиқарилган. 1990-йилларга келиб хорижий корпорацияларнинг филиаллари ривожланаётган мамлакатлар ялпи ички маҳсулотининг 7 фоизни ишлаб чиқаргани ҳолда, саноат экспортининг 30 фоиз ТМК каналлари бўйича амалга оширилган. 1990-йилларда бу мамлакатларнинг бевосита хорижий капитал таъсирида иқтисодий ўсиш суръатлари ўртача 4 фоизни ташкил этди. Юқорида қайд этилган чора-тадбирларни амалга оширилишига қарамасдан хорижий капитални фаол жалб этиш ривожланаётган мамлакатлар олдида турган қуйидаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш имконини бермади:

1. Ривожланаётган мамлакатлар ўртасида иқтисодий ривожланиш даражаси жиҳатдан табақалашув жараёни чуқурлашди. Бунинг асосий сабаби аксарият инвестициялар устун даражада юқори фойда келтирадиган мамлакатлар иқтисодиётига жойлаштирилди (Хитой, Бразилия, Мексика); улар ўртасида хорижий капитални жалб этиш бўйича рақобат кучайди; хорижий капитал учун яратилаётган имтиёзлар аксарият ҳолларда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар манфаатларига зид ҳолда амалга оширилди. Спекулятив капиталга асосланган портфелли инвестицияларни кенг миқёсда жалб этиш қатор ривожланаётган мамлакатларда барқарор иқтисодий ривожланишни издан чиқарувчи элементга айланди. [2]

Ривожланаётган мамлакатлар стратегик ривожланишининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

иқтисодий қолоқликни бартараф этиш;

иқтисодиётни эркинлаштириш;

ривожланган мамлакатлар бозорига кириб бориш учун кураш.

1960-йилларнинг ўрталарида ривожланаётган мамлакатлар БМТ да «77» гуруҳини тузишди ва ҳозирги вақтда унга 150 та мамлакат аъзо. «77» гуруҳи ривожланган мамлакатлар томонидан ривожланаётган мамлакатлар ҳисобига ҳар йили ўз ялпи ички маҳсулотларининг 1 фоизни, шу жумладан 0,7 фоизни иқтисодий ёрдам сифатида ўтказишларини талаб этди. Ривожланган мамлакатлар бу талабни қабул қилмаган бўлсаларда, ушбу кўрсаткич ривожланган мамлакатлардан ривожланаётган мамлакатларга йўналтирилган ресурсларни миқдорий ўлчов бирлигига айланди. [3]

Ривожланаётган мамлакатларнинг тавсифланиши. Ривожланаётган мамлакатларни тавсифлашда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилмоқда;

- географик жойлашиши;

- саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ривожланганлиги;

- саноат маҳсулотларининг иқтисодий ривожланиш даражаси. Жаҳон банки ёндашувига мувофиқ ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий ривожланиш даражаси бўйича қуйидаги уч гуруҳга бўлинади:

1.Юқори даромадли мамлакатлар. Бу мамлакатларда аҳоли жон бошига тўғри келувчи ялпи миллий даромади 12616 доллардан ошади, уларга Саудия Арабистони (18030 долл.), БАА (35040 долл.), Қувайт (44730 долл.), Қатар (78720 долл.) каби мамлакатлар киради.

2. Ўрта даромадли мамлакатлар. Бу гуруҳга аҳоли жон бошига тўғри келувчи ялпи миллий даромади 1036-12615 долларга тенг бўлган мамлакатлар киради.

3. Паст даромадли мамлакатлар. Бу гуруҳга аҳоли жон бошига тўғри келувчи ялпи миллий даромади 1035 долларгача бўлган мамлакатлар киради. Паст даромадли мамлакатлар гуруҳига Африканинг Саҳройи Кабир жанубидаги мамлакатларнинг деярли барчаси, Осиёдан - Афғонистон (570 долл.), Непал (700 долл.), Бангладеш (840 долл.), Тожикистон (850 долл.), Қирғизистон (990 долл.) Лотин Америкасидан - Гайяна (460 долл.) каби мамлакатлар киради. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, ривожланаётган мамлакатлар гуруҳи иқтисодий ривожланиш даражаси бўйича бир-биридан фарқланувчи уч турдаги мамлакатлар гуруҳидан иборат:

янги индустриал мамлакатлар;

ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари;

қолоқ мамлакатлар.

Ушбу гуруҳлар ўртасида аҳоли жон бошига тўғри келувчи ялпи миллий маҳсулот миқдоридаги фарқ ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги кескин фарқдан юқори ҳисобланади. Мисол учун, Лотин Америкаси мамлакатларида ушбу фарқ 27,4 мартага тенг. Шу сабабли ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиёти бир-биридан ижтимоий-иқтисодий таркиби ва иқтисодий ривожланиш даражасига кўра фарқланади. [4]

Ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон хўжалигидаги ўрни уларнинг иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Ривожланаётган мамлакатлар ҳисса-сига 2016 йилда жаҳон ялпи миллий маҳсулотининг 53,7 фоиз, жаҳон экспортининг 41,8 фоиз тўғри келди

3. XXI аср бошига келиб жаҳон хўжалигининг тараққиётидаги муҳим хусусият ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатларининг барқарор суръатларда ривожланиши ҳисобланади. ХВФ маълумотларига кўра,

агар 1990 йилларда бу мамлакатлар ялпи ички маҳсулотининг ўртача йиллик қўшимча ўсиш суръатлари 3,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2000-2002 йилларда Лотин Америкасининг йирик мамлакатлари, Туркияда рўй берган молиявий, сиёсий қийинчиликларга қарамасдан ушбу кўрсаткич ўртача 4,8 фоизга тенг бўлди. 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қадар ушбу мамлакатларда иқтисодий ўсиш суръатлари 7,4 фоизга етди ва ривожланган мамлакатларга нисбатан деярли уч бараварга ошди [5]

4. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши кураш дастурлари, чора-тадбирларининг самараси ўлароқ, 2010 йилда ривожланган мамлакатлар ялпи ички маҳсулоти ўртача 3,1 фоизга, ривожланаётган мамлакатларда эса 7,5 фоизга ўсди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг иккинчи тўлқини «суверен қарзлар кризиси» таъсирида ушбу мамлакатлар гуруҳида иқтисодий ўсиш суръатларининг секинлашуви кузатилмоқда. Жумладан, ривожланаётган мамлакатларда 2010-2016 йилларда иқтисодий ўсиш суръатлари ўртача 8,2 фоиздан 5,1 фоизга қадар пасайган.

**(1.1-жадвал)**

**Ривожланаётган мамлакатларда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари, ўтган йилга нисбатан фоиз ҳисобида**

| Йиллар | 1996-2008 | 2009 | 2010 | 2011 | 2012 | 2013 | 2014 | 2015 | 2016 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Ривожланаётган мамлакатлар | 5,2 | 8,2 | 8,6 | 5,8 | 4,1 | 6,5 | 8,2 | 9,1 | 5,1 |
| Шу жумладан: | | | | | | | | | |
| Марказий ва Шарқий Эвропа мамлакатлари | 4,0 | 6,4 | 5,3 | 3,2 | -3,6 | 4,7 | 5,5 | 1,4 | 3,4 |
| МДҲ мамлакатлари | 4,2 | 8,9 | 9,0 | 5,4 | -6,2 | 5,0 | 4,8 | 3,4 | 2,2 |
| Осиёнинг ривожланаётган мамлакатлари | 6,9 | 10,1 | 11,2 | 7,1 | 7,5 | 9,5 | 7,7 | 6,8 | 7,3 |
| Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси мамлакатлари | 2,9 | 5,7 | 5,8 | 3,9 | -1,3 | 6,5 | 4,6 | 3,8 | 4,7 |
| Яқин Шарқ, Шимолий Африка, Афғонистон ва Покистон мамлакатлари | 5,3 | 6,9 | 8,3 | 2,3 | 6,2 | 4,7 | 5,1 | 4,8 | 3,9 |
| Африканинг Саҳройи Кабирдан жанубдаги мамлакатлар | 5,7 | 9,4 | 7,9 | 6,8 | 4,6 | 8,3 | 6,3 | 5,8 | 7,2 |
| Маълумот учун: | | | | | | | | | |
| Ривожланган мамлакатлар | 2,8 | 3,9 | 3,5 | 1,7 | -3,4 | 4,7 | 2,9 | 3,7 | 4,2 |

*Манба: World Economic Outlook 2014: Legacies, Clouds, Uncertainties. Washington 2016. P. 184.*

Тадқиқотларимиз натижасида олинган прогнозларига кўра, ушбу мамлакатлар гуруҳида иқтисодий ўсиш суръатларидаги тафовутлар сақланиб қолади. Ривожланаётган мамлакатларда барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланаётганлиги сабабли ушбу мамлакатларнинг жаҳон хўжалигидаги мавқеи ортиб бормоқда, жумладан, 1960-йилларда ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига жаҳон ялпи ички маҳсулотининг учдан бир қисми тўғри келган бўлса, 2009-2016-йиллар ушбу кўрсаткич учдан икки қисмни ташкил этди. Умуман, ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон савдоси ва тўғридан-тўғри инвестициялар ҳаракатидаги улуши барқарор ўсиб бориш тенденциясига эга. Ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон хўжалигидаги ролининг ортиб бориши узоқ муддатли тенденцияга эга. Охирги эллик йилда ривожланаётган мамлакатлар ривожланган мамлакатларга нисбатан юқори иқтисодий ўсиш суръатларига эришган ва 2016-йилда бу мамлакатларнинг жаҳон ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши харид қобилияти паритети бўйича 56,4 фоизни ташкил этди

**(1.2-жадвал).**

**Ривожланаётган мамлакатларнинг гуруҳланиши ва жаҳон ялпи ички маҳсулотидаги улуши, 2016 й. (тегишли гуруҳлар ёки жаҳон бўйича жамига нисбатан фоиз ҳисобида)**

| | Сони | Халқаро таққослашлар Дастури, ВҲҚП бўйича, 2014-й. | | Жорий нархларда, долл. |
|---|---|---|---|---|
| | | Ривожланаётган мамлакатлар | Жаҳон | Жаҳон |
| Ривожланаётган мамлакатлар | 153 | 100,6 | 56,4 | 41,3 |
| МДҲ | 12 | 8.7 | 4,8 | 4,3 |
| Осиёнинг ривожланаётган мамлакатлари | 29 | 50,9 | 28,7 | 18,7 |
| Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари | 13 | 7,2 | 3,4 | 2,7 |
| Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси мамлакатлари | 32 | 16,7 | 8,9 | 8,2 |
| Яқин Шарқ, Шимолий Африка, Афғонистон ва Покистон мамлакатлари | 22 | 14,9 | 8,1 | 4,7 |
| Африка Саҳройи Кабиридан жанубдаги мамлакатлар | 45 | 5,4 | 3,6 | 2,5 |
| Маълумот учун: | | | | |
| Бразилия | | 6,7 | 3,7 | 3,7 |
| Хитой | | 29,4 | 15,9 | 13,9 |
| Ҳиндистон | | 12,5 | 6,8 | 2,8 |
| Россия | | 7,3 | 3,7 | 3,2 |
| Жанубий Африка Республикаси | | 2,1 | 0,8 | 0,9 |

*Манба: www. imf. org. Перспективы мировой экономики. Бюллетень основных прогнозов ПРМЭ.*

Ривожланаётган мамлакатларда барқарор иқтисодий ривожланиш тенденциясининг истиқболда сақланиб қолиши қуйидаги сабаблар билан белгиланади:

бюджет тақчиллигининг юқори эмаслиги;

бошқариладиган давлат қарзи;

барқарор банк тизими;

пастциклик ишсизлик даражаси;

барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари.

Ривожланган мамлакатлар эса аксинча, бюджет тақчиллигининг юқорилиги, давлат қарзининг катталиги, банк тизимидаги муаммолар, юқори ишсизлик даражаси ва паст иқтисодий ўсиш суръатлари билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишлари зарур. Таҳлилларимиз кўрсатишича, кейинги йилларда ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида амалга оширилган таркибий ўзгаришлар иқтисодий ўсишни таъминлашнинг қуйидаги уч омилларига жиддий эътибор бершлари лозим:

аҳоли урбанизациясининг чуқурлашуви жараёнида барқарор суръатларда иш ўринларини яратишни таъминлаш;

кенг миқёсли хорижий капиталлар оқими ёрдамида инвестициялар ҳажмининг ўсиб бориши;

юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш орқали меҳнат унумдорлигининг ортиши ва янги иш ўринларини яратиш натижасида халқаро меҳнат тақсимотини мамлакат ичида жадалаштириш.

Олиб бораётган тадқиқотларимизга асосланиб айтишимиз мумкинки агар ушбу тенденция сақланиб қолса, яна йигирма йил-

дан сўнг жаҳон ишлаб чиқариш ҳажми икки баравардан кўпроққа - 78 трлн. доллардан 176 трлн. долларгача кўпайишини, қўшимча ўсишнинг 61 трлн. доллари ривожланаётган мамлакатлар улушига, 37 трлн. доллари эса ривожланган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келишини айтишимиз мумкин.

Жаҳон хўжалигидаги асосий ўзгаришлар. Жаҳон ялпи талаби ва ялпи таклифида аҳоли сони ривожланган мамлакатларга нисбатан ривожланаётган мамлакатларда жадал суръатларда ўсмоқда, жумладан, фақат БРИС мамлакатларида (Бразилия, Россия, Ҳиндистон, Хитой, Жанубий Африка Республикаси) 3 млрд. киши яшайди. Ривожланаётган мамлакатларда жаҳон аҳолисининг 85,3 фоиз яшайди ва уларда аҳоли даромадларининг юқори суръатларда ўсиб бориши жаҳон иқтисодиётидаги қуйидаги йўналишларда таркибий ўзгаришларни тезлаштиради:

озиқ-овқат истеъмоли - озиқ-овқатга бўлган жаҳон талаби аҳоли даромадларининг ўсиб бориши билан ортиб боради. Ялпи талаб асосий озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги юқори қўшилган қийматга эга озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан фарқли равишда ортиб боради;

ноозиқ-овқат (биржа) товарлар истеъмоли - уй-жой, транспорт ва энергияга бўлган талабнинг ўсиб бориши нефт ва металл каби тикланмайдиган ресурсларга бўлган талабнинг жадал суръатларда ортиб кетишига олиб келади. Таҳлилларимиз, кўрсатишича жаҳонда умуман охирги ўн йил ичида нефтга бўлган талаб 13,5 фоизга ошгани ҳолда, оҳирги уч йилда кескин пасайишни кўрсатади ушбу кўрсаткичлар ривожланаётган мамлакатларда 39,0 фоизга тенг бўлгани ва уларнинг жаҳон нефт истеъм олидаги улуши 30,0 фоиз дан 50,0 фоизга қадар ортганини кўрсатмоқда;

халқаро капиталлар оқимида ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига жаҳон ялпи илмий маҳсулотининг 53,1 фоиз ва жаҳон молиявий активларининг бор-йўғи 19,7 фоиз тўғри келмоқда. Пул қаерда иқтисодий ўсиш ва даромад олиш имконияти мавжуд бўлса, ўша ҳудудларга оқиб ўтади. Жаҳон молиявий ресурслари ва капитал оқими ривожланган мамлакатлардан ривожланаётган мамлакатлар томон ҳаракатланиб ўтмоқда. [6]

Молиявий активларнинг бир фоизини ривожланган мамлакатлардан ривожланаётган мамлакатларга оқиб ўтиши 2010 йилда ривожланган мамлакатлар томонидан ривожланаётган мамлакатларга йўналтирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмига тенг бўлган. АҚШдан ривожланаётган мамлакатларга йўналтирилган ўртача йиллик капитал оқими 2006-2007-йилларда 300 млрд. долларга тенг бўлган ҳолда, ушбу кўрсаткич 2015-йилда 780 млрд. долларни ташкил этди. Бу даврда ривожланган мамлакатларга йўналтирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 1309 млрд. доллардан 806 млрд. долларгача қисқарди;

жаҳон ишлаб чиқариш таркиби - жаҳон қайта ишлаш саноати таркиби ўзгариб бормоқда.[7] Ривожланаётган мамлакатларнинг юқори технологик машина ва асбоб ускуналар ишлаб чиқаришдаги улуши ортиб, паст технологияли маҳсулот ишлаб чиқариш камдаромадли мамлакатларга кўчирилмоқда;

ташқи савдо - жаҳон товар ва хизматлар савдосининг таркибида ривожланаётган мамлакатлар улуши ортиб бориш тенденциясига эга. Ушбу мамлакатларда ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг жадал суръатларда ўсиб бориши ривожланган мамлакатлар билан ўзаро ташқи савдонинг кенгайишига олиб келади;

атроф-мухит - атроф-муҳитга нисбатан босим кучайиб, ҳаво ва сувнинг ифлосланиши ортиб бормоқда. [8] Агар инсоният табиатни заҳарли чиқиндилар, углерод билан ифлослантиришни камайтирмаса, унинг салбий оқибатлари жуда ёмон бўлиши мумкин.

**Хулоса ва таклифлар (Conclusion/ Recommendations)**

Ривожланаётган мамлакатлар ўз олдида турган узоқ муддатли ижтимоий-иқтисодий вазифаларни иқтисодий ривожланиш модели, аҳоли турмуш тарзи ва иқтисодий сиёсатида чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш орқалигина ҳал этишлари мумкин.

Ривожланган мамлакатлар талаби билан боғлиқ иқтисодий ўсиш модели аксарият ҳолларда ривожланаётган мамлакатлар эҳтиёжларига жавоб бермаяпти. Фикримизча, бу мамлакатларда ташқи талабга асосланган иқтисодий ўсишдан кучли таклиф ва ўсиб бораётган ички талабга асосланган иқтисодий ўсиш моделига ўтиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Иқтисодий сиёсат ялпи таклифга ҳам йўналтирилиши лозим. Ривожланаётган малакатлар ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни ҳал этишлари зарур бўлади:

озиқ-овқатга бўлган, ўсиб бораётган талабни қондириш учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш. Бу, ўз навбатида, қишлоқ хўжалигига инвестицияларни кўпайтириш, ушбу соҳага юқори технологияларни, ихтироларни жорий этиш, илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни рағбатлантириш, меҳнат унумдорлигини оширишни талаб этади;

хизматлар соҳасини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратиш лозим, чунки ушбу соҳа доимий иш ўринларини яратиш им-

конини беради. Иқтисодий сиёсат рақобат учун бозорларни ёпиш эмас, балки очиш учун йўналтирилган бўлиши лозим. Хусусан, давлат кичик корхоналарни истеъмолчилар ҳисобидан ҳимоя қилмаслиги, монополияларга чек қўйиши зарур бўлади;

инфратузилма тармоқларини ривожлантириш. Бу - транспорт ва энергетика соҳаларига инвестициялар сарфлаш, инвестициялардан самарали фойдаланиш ва уй хўжаликларининг даромадларини кўпайтириш учун ишчилар малакасини оширишни тақозо этади.

Ривожланаётган мамлакатларда макроиқтисодий барқарорлик иқтисодий сиёсат самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Айтишимиз мумкунки, ушбу мамлакатларда қуйидаги икки соҳа истиқболда муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин:

ишончли соғлиқни сақлаш ва пенсия тизимларини яратиш;

молиявий тизимни ислоҳ этиш.

Аҳоли сонининг ортиб бориши ривожланаётган мамлакатларнинг аксариятида пенсия тизими келажак авлодга оғир юк бўлиши ёки пенсия тўловларининг қисқариши кўпчилик аҳоли қатламларининг камбағаллик чегарасидан пастга тушиб қолишига олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, юқори сифатли соғлиқни сақлаш тизимини шакллантириш мақсадида ушбу соҳада туб ислоҳотларни амалга ошириш зарур.

Ривожланаётган мамлакатларда хусусан мамлакатимизда иқтисодий ўсишни таъминлашнинг асоси ҳисобланган иқтисодий фаоллик ва жамғармаларни инвестицияларга йўналтирувчи молия тизимини ислоҳ этиш лозим. Халқаро молия ташкилотлари хориждан жалб этилаётган капиталларни оқимини таъминлашда муҳим рол ўйнайдилар.

Ривожланаётган мамлакатларда ўрта муддатли истиқболда хорижий капитал иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим омилига айланади.

***Манба ва адабиётлар:***

1. Мировая экономика и международные экономические отношения: учебник, /под ред. Проф. А. С. Булатова, проф. Н. Н. Ливенцева. — М: Магистр, 2010. С. 294-295. 20 sha manba. С. 195.

2. World development report 2014. Risk and Opportunity Managing Risk for Development. The World Bank. Washington. 2014. P. 296, 297, 298.

3. Иноземцев В. Локомотивы роста. //Ведомости, 20.04.2009.

4 Вахабов А. В., Хажибакиев Ш. Х., Муминов Н. Г. Хорижий инвестициялар. Укув кулланма. — Т: «Молия», 2010.245-6.

5. World Economic Outlook 2014: Legacies, Clouds, Uncertainties. Washington 2016. P. 163. 4 Минь Чжу. Появление новых задач. //Финансы и развитие, Июнь 2011. С. 48. 1 М инь Чжу. П оявление новы х задач. //Ф инансы и р азви ти е, Июнь 2011. С. 49.

6. Иванов Н., Гоффе Н., Монусова Г. Глобализация и бедность. //Мировая экономика и международные отношения, №9, 2010. С. 31.

7. Human Development Report 2014. Sustaining Human Progress: Reducing Vulnerabilities and Building Resilince. UNDP. New York, 2016. P. 180, 181.

8. Иванов Н., Гоффе Н., Монусова Г. Глобализация и бедность. //Мировая экономика и международные отношения, №9, 2010. С. 31.

Internet resurslari

1. www.unctad.org.
2. www.oecd.org.
3. www.doc.gov
4. www.itd.org
5. www.opic.gov
6. www.unctad.org/fdistatistics
7. http://www.adb.org
8. www.ft.com.
9. www.cisstat.org
10. www.recovery.gov/
11. www.oecd.org/std/TISclass.pdf.
12. www.e-forecasting.com/US Economic Forecasts.him.
13. European Commission

## "МАРКЕТИНГ" ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ИШЛАШ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Шаропова Нафосат Раджабовна**

Магистр, Тошкент давлат иқтисодиёт университети

***Аннотация.*** Ушбу мақолада "Маркетинг" фанини ўқитиш жараёнида талабанинг мустақил ишлашини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ҳақидаги назариялар ва уларнинг ўрганилганлиги, мавзунинг долзарблиги ва ёш авлод тарбиясида тутган ўрни, мавзунинг назарий-методологик ва услубий жиҳатлари очиб берилган.

***Таянч тушунчалар:*** Мустақил таълим, курс иши, маъруза, битирув малакавий иши, "SWOT" таҳлил, "Йўналтирувчи матн" методи, "Ишчанлик ўйини", «Кейс-стади», лойиҳалаштириш методи.

***Аннотация.*** В этой статье представлены теоретические обоснования основных направлений развития самостоятельной работы студента в процессе обучения предмету «Маркетинг», обоснована актуальность темы, определено место в воспитании подрастающего поколения, теоретико-методологические стороны темы.

***Ключевые слова***: самостоятельное образование, курсовая работа, маъруза, квалификационная выпускная работа, «SWOT» анализ, метод «Направляющий текст», «Деловая игра», метод проектирования.

Мамлакатимизда изчил амалга оширалаётган кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий ғояси баркамол инсонни тарбиялашни назарда тутади. Баркамол шахснинг муҳим сифатлари бўлган мустақил фикрлаш ва ишлаш қобилиятларини тарбиялаш таълим муассасаларининг муҳим вазифалари жумласига киради. Миллий моделнинг марказида шахс-нинг хусусиятлари турар экан, таълим методларини шу асосда танлаш ва қўллаш ишларини такомиллаштириш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу борада талабаларнинг фаоллигини ошириш, дарс ва дарсдан ташқари машғулотларни самарали ташкил этиш алоҳида аҳамиятга эга. Жумладан, таълим муассасаларида ўқитиладиган "Маркетинг" фани талабалар дунёқарашининг шаклланишида муҳим ўрин тутади. Шу сабабли кейинги пайтда ушбу соҳада ҳам бир қатор ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда.

Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек: "Демократик жамиятда болалар, умуман ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади. Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар. Албатта, билим керак. Аммо билим ўз йўлига. Мустақил фикрлаш ҳам катта бойликдир". [1]

Ҳарқандай жамиятда бўлганидек, республикамизнинг тараққиётида бозор иқтисодиёти шароитида рақобатга бардош бера оладиган малакали мутахассисларни тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади. Мутахассис кадрлар тайёрлаш, унинг сифат ва самарадорлигини ошириш борасида сўнгги йилларда кенг кўламли ишлар қилинмоқда. Жумладан, тайёрланаётган мутахассис кадрларнинг мустақиллиги, ижодкорлиги, тадбиркорлиги, фаоллиги каби хислатларни қарор топтиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш кўзда тутилган. [2]

Олий таълим муассаларида ва касб-ҳунар коллежларида таълим жараёнига янги педагогика ва ахборот технологияларни қўллаш,

замонавий ўқув услубий мажмуаларни ишлаб чиқиш муаммоларига қаратилган бир неча диққатга сазовор ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, таълим тизимини ривожлантириш мақсадида хорижий мамлакатларнинг касбий таълим тажрибаларидан фойдаланилмоқда. Ушбу ишларни амалга ошириш таълим соҳасида халқимизнинг бой меросини, буюк мутафаккирларимизнинг ғоялари ва давримизнинг илғор янгиликларини ўзида мужассамлаштирган методик тизимнинг яратилишига асос бўлмоқда.

Ҳозирги кунда таълим жараёнини, олий таълимнинг ўқув режа ва дастурларини янги педагогик технологиялар ва ўқитиш усулларини кенг жорий этиш, магистратура илмий-таълим жараёнини сифат жиҳатидан янгилаш ва замонавий ташкилий шаклларни жорий этиш асосида янада такомиллаштириш асосий ва бош мақсад бўлиб қолмоқда. [3]

Таълим жараёнида янги педагогик технологиялар ва фаол усуллардан фойдаланиш, янги ишлаб чиқарилаётган техник воситаларни татбиқ қилиш, кўпроқ талабаларни мустақил ишлашга ундаш, илғор тажрибалардан сабоқ беришнинг турли йўлларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Яна бир муҳим жиҳат шундан иборатки, олий таълим муассаларида таълим олаётган талабаларнинг касб-ҳунарга мойиллиги, лаёқатлари, билим ва кўникмаларини ривожлантириш, уларнинг танлаган йўналишлари бўйича бир ёки бир неча замонавий касб эгаллашлари учун махсус фанларни ўқитишни самарали ташкил қилишни таъминлаш лозим.

Мустақил ишнинг бажарилишини ҳар бир талабанинг ўзи ташкил этади. Муваффаққиятга эришиш учун талаба сабр-тоқат билан, машаққатлардан қўрқмай ўз устида ишлаши керак. Буни эса талабанинг ўзи режалаштиради ва амалга оширади [4]. Демак, пировард мақсад талабаларга мустақил ва ижодий ишлаш фаолиятини ривожлантириш омиллари ҳақида назарий билимлар бериш, уларда амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш учун улар билан якка тартибда шуғулланиш имкониятларини кенгайтириш, уларнинг мустақил ишлаши, мустақил билим олиши учун кенг йўл очиб беришда талабаларнинг мустақил ва ижодий ишлаш фаолиятини ривожлантириш элементларини қўллаш шу куннинг заруратига айланиши керак. Шу боис, олий таьлим муассасаларида “Маркетинг” фанини ўқитиш жараёнида талабаларнинг мустақил ва ижодий ишлаш фаолиятини ривожлантириш омилларидан фойдаланиш бўйича илмий тадкиқотлар олиб бориш ҳозирги даврнинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Талабаларни мустақил равишда ижодий изланишга ўргатишда кафедра томонидан ташкил этилган илмий тўгараклар катта аҳамиятга эга. Бунда кафедра ўрганилаётган фан бўйича талабаларнинг қизиқиши, фандаги янгиликларнинг ўрганилиши, тадқиқ этилиши лозим бўлган муаммоларнинг илмий тўгаракларда муҳокама қилинишини кўзда тутиши керак. Талабалар тайёрлаган илмий маърузаларнинг энг яхшилари талабаларнинг илмий конференцияларида қатнашишга тавсия этилади. Ўтказиладиган талабаларнинг илмий конференциясида энг яхши деб топилган маърузалар рағбатлантирилади, кейинги босқичларда қатнашишга тавсия этилади.

Қадимги ва ўрта аср Шарқ ва Европа мутафаккирлари таьлим жараёнида бола ўз фикрига эга бўлиши кераклигини жуда кўп таькидлашган. Аристотель, Хоразмий, Форобий, Авлоний, Беруний, Ибн Сино, Жомий, Навоий ва улар сафдошларининг назария ва амалиёти шуни тасдиқлаганки, боланинг мустақил ишлаш жараёнида ўзлаштирилган билимлар бирор бир манбадан тайёр ҳолда олинган билимлар билан қиёслаганда катта афзалликка эга. Тўлиқроқ ва тезроқ ривожланган бу билимлар ўқувчиларнинг эътиқодига айланади ва уларнинг тафаккури ҳамда фаол амалий мустақил ишлаш қуролига айланади. [6]

Президентимиз ўз нутқларида “Бу вазифаларни амалга оширишда биз асрлар мобайнида шаклланган миллий анъаналаримизга, аждодларимизнинг бой меросига таянамиз. Фарзандларимиз, айниқса, қиз болаларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни, хорижий тилларни эгаллашлари, ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб, ҳаётдан муносиб ўрин топишлари учун барча куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз” - деб таъкидладилар. [7]

Илмий-педагогик тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, таълим муассасалари ўқув жараёнида талабаларнинг мустақил ва ижодий ишлаш фаолиятини ривожлантириш омилларидан фойдаланиш ва унинг педагогик асосларини ёритиш юзасидан республикамизда ва хорижий мамлакатларда қатор олимлар тадқиқот олиб борганлар.

Хусусан, В.В.Давидов, И.Й.Лернер, А.М.Матюшкин, М.И.Маҳмутов, А.М.Умронхўжаев, З.Т.Нишанова каби хорижлик ва мамлакатимиз олимлари тадқиқотларининг бош мақсади сифатида боланинг қобилиятларини очиб бериш, ўқишга истак ва уқувни шакллантириш, мустақил ишлашнинг барча компонентларини эгаллашга йўналтириш асосида тизимли таълимга тайёрлаш ва шахсни ҳар томонлама фаоллаштириш олдинга сурилади.

Л.В.Голиш ва Д.М.Файзуллаевалар ўзининг олиб борган илмий тадқиқот ишларида талаба томонидан мустақил ишни бажаришда уларнинг фаолияти тизимида кўрсатилган ҳар бир элементларнинг муваффақиятли режа-

лаштириш, ташкиллаштириш, мониторинг ва баҳолаш зарур эканлигини асослаб беришган.

Ш.И.Истамова, З.Х.Мадрахимова, Қ.Т.Олимовларнинг илмий-педагогик тадқиқот ишларини ўрганиб чиқиб, мустақил таълим – олий таълим тизимидаги таълимнинг шундай бир шаклики, бунда талабаларнинг ўқув фаолияти педагог томонидан бошқарилиб, топшириқлар берилади, маслаҳатлар уюштирилади ва бажарилиши назорат қилинади, деган хулоса қилиш мумкин.

Д.Тожибоева томонидан ҳам ушбу мавзу чуқур ўрганилган бўлиб, талабанинг мустақил ишлашидан мақсад ўқитувчининг раҳбарлиги ва назорати асосида муайян ўқув ишларини мустақил равишда бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат эканлигини очиб берилган.

Талабалар мустақил ишини ташкил этишда муайян фаннинг хусусиятларини, шунингдек, ҳар бир талабанинг академик ўзлаштириш даражаси ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланилади:

• айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;

• Президент асарлари ва иқтисодий муаммоларни тадқиқ қилишга бағишланган илмий адабиётларни ўқиш;

• семинар ва амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш;

• берилган мавзулар бўйича реферат, ахборот тайёрлаш;

• ўрганилаётган фаннинг энг долзарб муаммоларини қамраб олувчи рефератлар ёзиш;

• макет, модель ва намуналар яратиш;

• илмий мақола, анжуманга маърузалар, маъруза тезисларини тайёрлаш;

• ижтимоий, иқтисодий сиёсий мавзуларда бўлиб ўтадиган илмий, амалий конференция, семинар машғулотлар ва давра суҳбатларига тайёргарлик кўриш ва уларда қатнашиш;

• турли жамғармалар ташкил қилган танловларда иштирок этиш;

• Битирув малакавий ишини ёзиш.

• ўрганилаётган фан бўйича мавжуд асосий илмий адабиётларга тақриз ёзиш ва бошқалар.

Фанни мустақил ўрганишда алоҳида аҳамиятга эга бўлган ўқув шаклларидан бири курс иши ҳисобланади. Чунки, талабалар адабиётлар билан ишлашни, маълумотлар тўплаш, уларни жадвал, диаграммаларда тасвирлаш, хулоса чиқариш ҳамда ўтилган масала юзасидан ўз фикрларини баён қилишга ўрганади.

Ўқув юртларида кенг қўлланиладиган мустақил ишларнинг яна бир тури илмий маъруза тайёрлашдир. Маърузаларни мажлис аҳли учун мўлжалланган муайян мавзудаги ахборот, маъруза, талабаларнинг мустақил ва илмий иш тури сифатида кўриб чиқиш мумкин. Танланган мавзуни чуқурроқ ўрганиш, далиллар, статис-тик маълумотлар тўплаш, улар асосида зарур иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш, уларни таҳлил қилиш хулоса чиқариш ҳамда ўз таклифларини баён қилиш билан ажралиб туради.

Талабаларнинг иқтисодий фанлардан мустақил ишининг муҳим таркибий қисми сифатида реферат ёзиш борган сари кенг татбиқ этилмоқда. Рефератни талабаларнинг илмий иш ёзиши, тадқиқот ўтказишини дастлабки шакли сифатида қараш мумкин.

Битирув малакавий иши – якуний мустақил иш. Битирув малакавий ишини тайёрлаш талабаларда ўрганаётган муаммога нисбатан иқтисодий ёндашиш, илмий-методик адабиётларни чуқур ўрганиш, ҳар тарафлама таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантириш, ўз фикрини аниқ, асосли ва мантиқий изчилликда баён қилиш, назарий жиҳатдан умумлаштириш, хулосалар чиқариш ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишни ўрганишга йўналтирилган. Шундай қилиб, реферат, курс иши, илмий маъруза ва битирув малакавий ишини тайёрлаш талабаларни янада янги ишларга рағбатлантиради, дунёқарашини ривожлантиради, ўз фаолиятини аниқ мақсадга йўналтириш, янада чуқурроқ билим олиш, ўз устида ишлашга, иқтисодий фикрлаш, илмий изланиш, фикрини мантиқий изчилликда ҳам оғзаки, ҳам ёзма равишда баён қилишгани ўргатади. Битирув малакавий ишларини танлашда талабалар бажарган курс ишлари, илмий маъруза мавзуларига яқин ёки улардан келиб чиққан ҳолда ёки келажакда ишламоқчи бўлган битирув олди амалиётини ўтайдиган ўқув юртининг таклифи билан мавзу танлашлари, бошқача айтганда, бошлаган илмий ишларини давом эттиришлари мақсадга мувофиқ бўлади.

“Маркетинг” фанини ўқитиш жараёнида талабаларнинг мустақил ишлаш фаолиятини ривожлантириш мақсадида маълумотларни солиштириш ва таққослаш, муаммони аниқлаш, таҳлил қилиш ва уни ҳал этишни режалаштиришда қуйидаги таълим методларидан фойдаланиш тавсия этилади:

1. “SWOT” таҳлил - алоҳида муаммо ёки лойиҳани ташкиллаштиришдек, вазиятни таҳлил қилиш ва манбани баҳолаш воситаси ҳисобланиб, тизимли фикрлаш, солиштириш, таққослаш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради [8]. Қоидага кўра, “SWOT” таҳлил муваффақияти уни ташкиллаштиришига боғлиқ бўлмай, балки муҳокаманинг натижалари келгусидаги аниқ таклиф ва лойиҳаларни ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши мумкин.

2. Йўналтирувчи матн методи - бу метод ёрдамида мустақил ўрганиш имконияти яратилади ва ҳар бир таълим олувчи янги

кўникма учун керак бўлган би¬лимни олиши мумкин бўлади [9]. Йўналтирувчи матн методи талабаларга индувидиал ёндашиш ва мустақил ишлаш имконини беради. Бу методда ўқув материалини ўрганиш ёки мустақил иш топшириқларини бажариш талаба томонидан қуйидаги олти босқичда амалга оширилади: маълумот йиғиш, режалаштириш, қарор қабул қилиш, амалга ошириш, текшириш, хулоса чиқариш ва бошқалар.

3.“Ишчанлик ўйини” методи – берилган топшириқларга ўйин иштирокчилари томонидан тайёрланган ҳар хил вазиятдаги бошқарув қарорларни қабул қилишни тақлид қилиш (акс эттириш) методи ҳисобланади [10]. Ўйин фаолияти бирон бир ташкилот вакили сифатида иштирок этаётган иштирокчининг ҳулқ-атвори ва ижтимоий вазифаларни тақлид қилиш орқали берилади. Бир томондан, ўйин назорат қилинса, иккинчи томондан, оралиқ натижаларга кўра иштиркочилар ўз фаолиятларини ўзлаштириш имкониятига эга бўлади. Ҳар бир иштирокчи аввал ўзининг вазифаси бўйича қарор қабул қилади, сўнгра гуруҳ билан маслаҳатлашади. Ўйин якунида ҳар бир иштирокчи ва гуруҳ эришган натижаларига қараб баҳоланади.

“Ишчанлик ўйини” методининг тузилиши: ўйин шартлари ва баҳолаш мезонлари билан таништириш; вазифаларни тақсимлаш; вазифалар бўйича иштирокчилар қарор қабул қилиш; ўйинни амалга ошириш; муҳокама қилиш ва баҳолаш.

4. «Кейс-стади» методи – талабани муаммоли вазият ҳосил қилиб, уни ечишни ўрганиш ва қарор қабул қилишга ўргатишда катта имкониятларга эга [11]. Бу методни бошқа методлар билан биргаликда қўллаш мумкин. Бу методнинг асосий мақсади талабаларни тадбиркорлик фаолиятига тайёрлашдан иборат. У ҳар бир талабага амалий ва касбий таълим берилишини таъминлайди.

5. Лойиҳалаш методи – таълим олувчиларга ҳаёт тарзига мослашиш, ижодий фикрлаш, мустақил ишлаш, кўникмаларини ҳосил қилишга ёрдам беради. Педагог дарс вақтидан унумли фойдаланиб, талабаларнинг индивидуал психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда улар билан якка тартибда ишлайди. Бунда уларнинг касбий фанларни чуқурроқ эгаллашларига кенгроқ йўл очиб берилади [12]. Бу методни “Маркетинг” фанини ўрганишдаги муҳим аҳамияти шундаки, талабалар бизнес режа тузишни, турли танловларда қатнашиш учун лойиҳалар ишлаб чиқишни, умуман олганда, ўз фаолиятларини режалаштиришни ўрганадилар.

Тажриба-синов ишларини амалга ошириш мақсадида Тошкент давлат иқтисодиёт универстетининг 2-босқич Касб таълими “Иқтисодиёт” гуруҳининг талабалари билан синов тажриба ишларини олиб борилди. Энг аввало, гуруҳ талабалари билан “Талабаларнинг мустақил ва ижодий ишлашини баҳолашнинг экспресс сўровномаси” [13] асосида тажриба олиб борилди.

Назорат гуруҳларида таълим бериш "Маркетинг" фанини мавжуд дастур асосида анъанавий ўқитиш усулида ўтказилди. Тажриба гуруҳида "Маркетинг" фанини ўқитиш жараёнини ташкил этиш ва талабаларда мустақил ишлашни шакллантириш, тажриба-синовни ўтказиш учун ўқув ва тарқатма материаллари ишлаб чиқилди, ўқув-услубий адабиётлар ҳамда дидактик воситалар билан таъминланди. Талабалар билим ва кўникмаларини билиш учун баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилди. Натижадан маьлум бўлдики, талабаларнинг мустақил ишлаши етарли даражада шаклланмаган. Мустақил ва ижодий ишлаши юқори даражада булган талабалар 20 фоизни, ўртача мустақил ишловчи талабалар эса 52 фоизни ташкил қилди. Мустақил ишлаши паст ва жуда паст даражадаги талабалар 28 фоизни ташкил этди. Демак, таълим жараёнида мустақил ишлашни ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериш керак.

Тадқиқотимизнинг тажриба-синов ишлари мақсади ва вазифалари қуйидагича белгиланди: танланган тажриба-синов ўтказиш муассасасида "Маркетинг" фанини ўқитиш жараёнини ташкил этиш; синов ишларида иштирок этаётган назорат ва тажриба-синов гуруҳида "Маркетинг" фанини ўқитиш бўйича методик тавсиялар йўриқномалар, кўрсатмалар ишлаб чиқиш ва амалда жорий этиш; ўқитиш жараёнида талабаларни мустақил ишлашини фаоллаштиришга қаратилган фаол таълим усулларини қўллаш; талабаларнинг назарий билим ва амалий кўникмаларини баҳолаш.

Олинган натижалардан назорат ва тажриба гуруҳлари ўртасида мустақил ишлаш бўйича билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланганлик даражаси тажриба гуруҳида юқори эканлигини кўриш мумкин. Бундан, тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан юқори эканлиги ойдинлашди.

Тажриба-синов натижаларини таҳлил этиш натижаларидан келиб чиққан ҳолда натижалар математик-статистик усули билан ишлаб чиқилиб ишлов берилди. Тадқиқот жараёнида талабаларда мустақил ишлаш бўйича билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш ва ривожлантириш ўзининг самарадорлигини тасдиқлади ва тадқиқотда ифодаланган фаразининг тўғрилигини исботлади. Тажриба-синов ва назорат гуруҳларининг ҳолати бир биридан фарқ қилишини кўрсатди.

**1-жадвал**

**Назорат ва тажриба гуруҳлари ўртасида мустақил ва ижодий ишлаш бўйича билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланганлик даражаси**

| Гуруҳлар | Сони | Талабаларнинг ўзлаштириш даражаси, фоизда | | |
|---|---|---|---|---|
| | | қуйи | ўрта | юқори |
| Назорат | 18 | 6 | 9 | 3 |
| Тажриба | 18 | 2 | 11 | 5 |

"Маркетинг" фанини ўқитиш жараёнида талабаларнинг мустақил ва ижодий ишлаш фаолиятини шакллантириш ва ривожлантириш юзасидан қуйидаги таклифлар берилади:

1. "Маркетинг" фанини ўқитиш жараёнида талабаларнинг мустақил ва ижодий ишлаш фаолиятини ривожлантириш, назарий ва амалий билимларни мустаҳкамлашлари, кўникма ва малакаларини шакллантиришлари учун педагоглар турли хил замонавий педагогик технологиялардан кўпроқ фойдаланишлари лозим.

2. Педагоглар "Маркетинг" фанини ўқитиш жараёнида талабаларнинг мустақил ишлаш фаолиятини шакллантириш мақсадида китоб устида ишлаш, йўналтирувчи матн методи, SWOT таҳлил, муаммоли топшириқлар, ишбилармон (образли, ролли) ўйини, кей-стадилар, лойиҳа методларидан самарали ва тўғри фойдалана олишлари керак.

3. "Маркетинг" фанини ўқитиш жараёнида талабаларнинг мустақил ва ижодий ишлаш фаолиятини ривожлантириш учун самарали бўлган ўқув лойиҳаларни ишлаб чиқиш.

4. "Маркетинг" фанидан мустақил иш, курс иши ва диплом ишларининг мавзуларини мустақил тарзда ривожланган давлатлар даражасида талабаларнинг ўзлари танлашларига ва шу танланган мавзуни чуқур ўрганиб докторлик диссертацияси даражасига етказишларига имкон яратиш.

5. Талабаларнинг мустақил иши, курс иши ва диплом ишларини бажаришда ижодий изланишни ва креатив фикрлашни ва инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш лозим.

6. "Маркетинг" фанини ўқитишда масофавий таьлим олишни йўлга қўйиш.

"Маркетинг" фанини ўқитиш жараёнида талабаларнинг мустақил ишлаш фаолиятини ривожлантириш муаммоларини тадқиқ этиш борасида олиб борган изланишларимиз натижасида қуйидаги умумий хулосага келдик:

- талабаларнинг ишга тайёргарлигини такомиллаштиришни ҳисобга олган ҳолда, талабаларда мустақил ижодий ишлаш бўйича билим, кўникма ва малакаларни таҳлил қилиш борасида ўтказиладиган тажриба-синов ишлари, талабаларнинг фаоллигини ошириш, дарс ва дарсдан ташқари машғулотларни самарали ташкил қилиш ва турли интерфаол методлардан фойдаланиш юқори самара беради.

***Манба ва адабиётлар:***


*1. И.А.Каримов. Ёшлар бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучидир. -Т.: «Маънавият». 2015 й.*

*2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш-нинг бешта устувор йўналиши бўйича ¬Ҳаракатлар стратегияси, IV. Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, 4.5. Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш, -Т.: 7.02.2017 й.*

*3. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган маросимдаги "Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови" мавзусидаги маърузаси, -Т.: 7.12.2016 й.*

*4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 18-сон, 313-модда ,.*

*5. Зуннунов А. Педагогика тарихи. Олий ўқув юртлари учун дарслик. Шарқ нашриёти. –Т.: 2004 й. 42-б.*

*6. Голиш Л.В., Файзуллаева Д.М. Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш: Ўқув-услубий қўлланма.-Т.: "Иқтисодиёт", 2011. 206-б.*

*7. Истамова Ш.И., Мадрахимова З.Х., Олимов Қ.Т. Таълимнинг фаол методлари. Олий ва касбҳунар таълими муассасалари ўқитувчилари, малака ошириш ва қайта тайёрлаш тингловчилари учун методик қўлланма. -Т.: "Фан ва технологиялар". 84-б*

*8. Тожибоева Д. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. Т.: «Фан ва технология», 2007 й.197-б.*

*9. Низамов А., Шаропова Н.Р. "Маркетинг асослари", ўқув қўлланма. –Т., 2012 йил.*

# ЧИҚИНДИЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАР ВА УНИНГ ЕЧИМЛАРИ

**Мажидова Айгул Давронбековна**

Магистрант, Тошкент давлат иқтисодиёт университети

***Аннотация.*** Мазкур мақола, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлашга, шунингдек, Ўзбекистон шароитида чиқиндиларни бошқариш билан боғлиқ долзарб муаммолар ва унинг ечимларига бағишланган. Ушбу муаммоларни бартараф этиш орқали атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурсларни тежаш ва арзон хомашёдан фойдаланиб маҳсулот таннархини пасайтиришга ҳамда миллий ишлаб чиқаришни ривожлантиришга эришилади. Тадқиқот натижаси чиқиндиларни қайта ишлаш тизимида хориж тажрибасини қўллашга, соҳадаги экологик ва иқтисодий муаммоларни ечишга ҳамда узоқ йиллик ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

***Таянч тушунчалар:*** чиқиндилар, маиший чиқиндилар, саноат чиқиндилари, ресурс, иккиламчи ресурс, хомашё, чиқиндиларни қайта ишлаш, тоза ҳудуд.

***Аннотация.*** Данная статья посвящена актуальным проблемам рационального использования природных ресурсов и обеспечения экологической безопасности, а также управления утилизации отходов в условиях Узбекистана. Разрешение этих проблем способствует защите окружающей среды, сбережению природных ресурсов, снижению себестоимости продукции и развитию национального производства с использованием дешевого сырья. Результаты исследования служат применению зарубежного опыта в системе переработки отходов, решению экологических и экономических проблем в этой сфере, а также разработке стратегий долгосрочного развития.

***Ключевые слова:*** отходы, бытовые отходы, промышленные отходы, ресурс, вторичные ресурсы, сырье, переработка отходов, чистая территория.

Бугунги кунда бутун дунёнинг деярли барча мамлакатларида қаттиқ маиший чиқиндиларнинг аҳоли жон бошига ҳар йили бир фоизга ошиб бориши табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш тизимини янада такомиллаштириб боришни талаб қилмоқда. Ушбу чиқиндиларни экологик таъсирини камайтириш ва ундан қайта фойдаланишнинг жаҳон тажрибаси шундан иборатки, маиший ва саноат чиқиндиларини қайта ишловчи корхоналарни ташкил қилиш орқали хомашё ресурслари ва тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш билан барча муаммолар бартараф этилмоқда.

Республикамизда ҳам барча турдаги чиқиндиларни йиғиш ва улардан оқилона фойдаланиш мақсадида, маиший чиқиндиларни қайта ишлаб чиқарувчи йирик корхоналарни ташкил қилиш ва уларни техник-технологик жиҳатдан қуроллантириш, ишлаб чиқариш жараёнларини самарали ташкил этишни янада ривожлантиришга катта аҳамият қаратилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017—2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракат стратегиясидаги иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш номли учинчи устувор йўналишида ҳам айнан,..."саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали янада модернизация ва диверсификация қилиш, принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосда ички ва ташқи бозорда миллий товарларнинг рақобатдошлигини таъминлаш, маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш сиёсатини давом этиш ҳамда, иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, иқтисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш"[1] дан иборат табиий ва иккиламчи ресурслардан оқилона фойдаланиб миллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш йўллари белгилаб берилди.

Миллий иқтисодиётимизни ривожлантиришда чиқиндилар билан боғлиқ бўлган муаммоларни бартараф этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Чиқиндилар бир томондан, табиий ресурслардан тўлиқ фойдаланилмаётганлигини кўрсатса, (уларни чиқитга чиқармаслик мамлакат хома-

шё базасини кенгайтиришга, таннархни пасайишига, ресурсларни тежашга имкон беради), иккинчи томондан, улар тупроқ, сув ҳавони ифлослантирувчи хавфли манба бўлиб, катта ер майдонларини бекорга банд қилади.

Чиқиндиларнинг кўплаб тўпланиб қолаётганлиги ва миқдорининг эса тез суръатларда кўпайиб бориши бу муаммонинг кескин қўйилишига сабаб бўлмоқда. Чиқиндилар кенг маънода инсониятнинг хўжалик фаолияти, энергия олиш, одамнинг ҳаёти ва фаолияти жараёнида ҳосил бўладиган, атроф–муҳитга чиқарадиган хилма–хил қолдиқлар, ўзининг истъемол хусусиятларини йўқотган маҳсулотлар ва буюмлар ташландиқлари мажмуасини ўз ичига олади.

Сўнгги йилларда республикамизда йилига 100 миллион тоннадан ортиқ саноат чиқиндиси (унинг 14 фоизи токсик чиқиндилар тоифасига мансуб), 35 миллион тоннага яқин маиший чиқинди ҳосил бўлади. Чиқиндихоналар ва чиқинди сақлаш омборхоналарида 2 миллиард тоннага яқин саноат, қурилиш ва маиший чиқинди сақланаётгани ҳамда улар 12 минг гектар майдонни эгаллаб турганини инобатга олсак, чиқиндиларнинг салбий таъсирини тасаввур қилиш қийин эмас, албатта.

Шунинг учун чиқиндиларни камайтириш ва йўқотишдан кўра, улардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш зарур. Ривожланган мамлакатлар АҚШ, Германия, Франция, Италия, Англия, Голландия, Япония, Швеция ва Россия тажрибасида чиқиндиларнинг 80% идан ортиғи қайта ишланиб хомашё ва тайёр маҳсулот ҳолига келтирилар экан [5,7,19,27].

Республикамизда эса ушбу кўрсаткич чиқиндиларнинг атиги 14%и гина қайта ишланиб, қолган 86% чиқиндилар қўмиб ташланмоқда. Шу боисдан мамлакатимизда чиқиндиларни йиғиш, уларни қайта ишлаш корхоналарига етказиш ва ишлаб чиқариш жараёнларида хорижнинг илғор тажрибаларини қўллаш ҳамда бу борада илмий изланишларни олиб бориш долзарбдир.

Чиқиндилар ва улардан самарали фойдаланиш муаммолари бўйича кўплаб хорижий иқтисодчи олимлар иш олиб борганлар. Жумладан Ахметова Г.З., Белобровский В. В., Бузаева А. Е., Букринская Э. М., Бобович Б. Б., Ветрова Т. П., Воронин А. В., Голубин А. К., Гринин А. С., Дуденков С. В., Журкович В. В., Иванов А. В., Колесников А. В., Кравченко Д. Б., Куркин П. Ю., Клинков А. С., Беляев П. С., Скуратов В. К., Соколов М. В., Львова А. С., Любарская М. А., Ларионов Г., Лобачев Г. К., Мюррей Р., Шубов, Л. Я., Berg Per EO. ва бошқалар. Мамлакатимиз олимларидан Шарифхўжаев М., Зайнутдинов Ш.Н., Турсунхўжаев М.Л., Маҳмудов Н.М., Қодиров А., Ишмухамедов А.Э., Султонхўжаев О.А.лар ва бошқалар ҳам бу борада иш олиб борганлар.

Юқорида номлари келтирилган олим ва мутахассисларнинг чиқиндиларни йўқотиш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича қўшган ҳиссаларини эътироф этган ҳолда, маиший ва саноат чиқиндиларини қайта ишлашнинг ўзига хос хусусиятлари, Ўзбекистон шароитида ушбу соҳанинг долзарб муаммолари ва ечимлари, чиқиндиларни қайта ишловчи корхоналар фаолиятини кенгайтириш истиқболлари каби масалалар республикамиз иқтисодий адабиётларида етарлича ёритилмаганлигини кузатиш мумкин.

Умуман олганда **“чиқинди”** тушунчасига изоҳ бериб ўтадиган бўлсак, кўпгина хорижий ва маҳаллий адабиётларда чиқинди сўзини ўрнига “**иккиламчи ресурслар**” тушунчаларини учратамиз. “Чиқиндилар” ва “иккиламчи ресурслар” тушунчалари амалиётда деярли бир хил маънода қўлланилади. Иккиламчи ресурслар моддий ва энергетика ресурсларига бўлинади. Иккиламчи моддий ресурсларга халқ хўжалигида шаклланадиган ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндилари киради. Энергетика иккиламчи ресурслари ўзига хос бўлиб, улар ҳавога чиқарилган иссиқлик энергияси ресурслари ҳисобланди. Уларни чиқитга чиқармасдан, халқ хўжалигида фойдаланиш мумкин. Шундай қилиб иккиламчи ресурслар чиқиндилар асосида олинадиган ва бевосита ёки билвосита халқ хўжалигида фойдаланиш мумкин бўлган ресурслар маъносини билдиради.

Иккиламчи ресурслардан фойдаланиш масаласи бўйича кўпгина махсус адабиётларда ва услубий қўлланмаларда “**чиқинди**”, “**ташландиқ**”, **“йўлдош маҳсулотлар”**, “ташлама” ва бошқа атамаларни учратиш мумкин. Бу турдаги ресурсларга бир қатор хорижий олимлар томонидан киритилган аниқликлар ҳар бири ҳақида алоҳида аниқ тасаввур бермайди. Шу сабабли иккиламчи ресурсларни тизимга солишда қийинчиликлар юзага келади.

Бир қатор хориж иқтисодчи олимлари “**иккиламчи ресурслар**” тушунчасини аниқлашда икки хил нуқтаи назар мавжудлигини тадқиқотлар натижасида аниқлашди [6,7,8,9,10,11,12,13]. **Биринчи** нуқтаи назар иккиламчи хомашёнинг истеъмол чиқиндиси тушунчасини ўз ичига олади, ишлаб чиқариш чиқиндиси эса алоҳида гуруҳга ажратилган.

**Иккинчи** нуқтаи назардан келиб чиқиб қуйидаги иккиламчи хомашё шаклини келтирамиз: иккиламчи хомашё - бу ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиси ҳисобланиб, уни қайта ишлаш натижасида тайёр маҳсулот олиш мумкин.

Кейинчалик иккинчи аниқлик амалиётда иккиламчи ресурслардан фойдаланишнинг ривожланиши асос қилиб олинган.

Чиқинди тушунчаси фойдаланиш мумкин бўлган ва фойданилмайдиган чиқиндилар мажмуасидан иборатдир. “**Чиқинди**” ва “**иккиламчи ресурс**” тушунчалари бир бирини тўлдиради. Шу сабабдан амалиёт нуқтаи назаридан ҳар икки тушунчадан бир хил маънода (синоним) фойдаланиш мумкин[16,17,18,19,20,21,22,23].

Чиқиндилар – айнан шу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун яроқсиз бўлган хомашё, унинг истеъмол қилинмаган қолдиқлари ёки ўзининг истеъмол қийматини йўқотган қисмлари ёки ушбу ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнида чиқитга чиқарилмаган моддалар (қаттиқ, суюқ ва газсимон) ва энергиядан иборат. Бир ишлаб чиқариш чиқиндиси бошқа ишлаб чиқариш учун хомашё бўлиб хизмат қилиши мумкин.

С.В.Дуденковнинг фикрига кўра чиқиндиларни қуйидаги турларга бўлган [14]. Булар: фойдаланиладиган ва фойдаланилмайдиган; тўлиқ ва қисман фойдаланиладиган; газсимон, суюқ ва қаттиқ; қимматли ва арзон; атроф-муҳитга таъсири бўйича зарарли ва зарарсиз чиқиндилар.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб, “**чиқинди**” ва “**иккиламчи ресурслар**” тушунчаси бир маънони касб этсада экологик ва атроф муҳит нуқтаи назаридан ушбу тушунчани “чиқиндилар” сўзи билан, иқтисодий нуқтаи назардан эса “иккиламчи ресурслар” тушунчаси билан изоҳланади.




***1-расм. Чиқиндилардан иккиламчи ресурс ва хомшё олиш тизими.***

Чиқиндилардан олинадиган иккиламчи ресурслардан фойдаланиш йўналишлари хилма – хилдир. Масалан, макулатурага эга бўлган фракциялар картон ишлаб чиқаришга жўнатилиши мумкин. Қора металл чиқиндилари дастлабки саралаш (хилларга ажратиш)дан кейин навбатдаги қайта ишлашга юборилади. Полимер материаллардан термик пресслаш асосида плиткалар ишлаб чиқарилади. Товар маҳсулот сифатида қурилиш ва товарга мўлжалланган плиталар ишлаб чиқарилиши мумкин. Чиқиндиларнинг озиқ – овқат қисмлари чорва моллари учун озуқа сифатида фойданилади. Чиқитга чиқарилмаган чиқинди - лардан активлаштирилган кўмир ва бошқа маҳсулотлар олиниши мумкин.

Чиқиндиларни ташлаб юбориш ёки уларни иритиб, саситиб, чиритиб, атроф–муҳитни ифлослантириш манбаига айлантириб бўлмайди. Уларни хавфли ифлослантирувчи манбалар дан фойдали бизнес ва катта даромад манбаига айлантириш керак. Бунда чиқиндилардан фойдаланиш, уларни зарарсизлантириш ёки хомашё манбаига айлантиришнинг иқтисодий жиҳатларини асослаб бериш ушбу илмий ишнинг вазифаларидан бири ҳисобланади.

Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш, уларнинг ҳосил бўлиши, уларни тўплаб олиб кетиш, сақлаш, ташиш, кўмиб ташлаш, қайта ишлаш, чиқитга чиқариш ва реализация қилиш [4] бўйича чуқур иқитисодий жиҳатларини ўрганиш борасида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ва шу асосда илмий асосланган тавсияларни ишлаб чиқишни тақозо этади.

Инсон ўзининг хилма – хил эҳтиёжларини таъминлаш жараёнида ҳосил бўладиган турли чиқиндиларни ўз вақтида зарарсизлантирилмаса ва ресурс сифатида қайта ишланмаса, табиий муҳитга тузатиб бўлмайдиган зарар етказиши ва оғир экологик иқтисодий вазият пайдо бўлишига сабаб бўлиши мумкин.

Хорижий мамлакатлар тажрибалари чиқиндиларни қайта ишлаш, зарарсизлантиришнинг катта экологик – иқитисодий самара еришини амалда исботлади. Кўпчилик мамлакатларда биотермик аэроб компостирлаш технологиясми бўйича чиқиндиларни қайта ишловчи заводлар ишлаб турибди. Уларда чиқиндилар зарарсизлантирилади ва қимматли органик ўғитга (компост) ёки иссиқхоналар учун ёқилғига айлантирилади. Бундан ташқари, чиқиндилардан саноатда иккиламчи ресурс сифатида фойданиладиган компонентлар ажратиб олинади.

Ҳозирги кунда чиқиндиларнинг 800 дан ортиқ тури қайд этилган бўлиб, улар сонининг келгусида янада ортиши башорат қилинмоқда. Энергетика, рангли ва қора металлургия, кимё саноати ва қурилиш индустрияси объектлари чиқинди ҳосил қилувчи, атроф-муҳитни ифлослантирувчи асосий манбалар ҳисобланади.

Таҳлилларга кўра, ҳар куни Ўзбекистонда 13 тоннадан зиёд қаттиқ маиший чиқиндилар тўпланади. Унинг 14 фоизигина қайта ишлансада, ушбу соҳада республика бўйлаб бор-йўғи 280 та корхона фаолият юритади. Ўртача олинган

ҳисоб-китобларга кўра, биргина чиқиндилардан фойдали ва ноёб қазилма хом ашёларини ажратиб олиш бозорининг салоҳияти 22,2 млн долларга тенг деб баҳоланмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, бу чиқиндиларнинг 80 фоизини органик моддалар ташкил қилади ва уларни қайта ишлаш натижасида катта миқдордаги энергия ва энергия ташувчиларни ишлаб чиқариш мумкин. Мутахассисларнинг фикрича, маиший чиқиндилар бутун дунёда арзон хомашё ҳисобланади. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси унинг 85 фоизини қайта ишлаш мумкинлигини кўрсатмоқда. Шимолий Европа мамлакатларида аллақачон чиқиндиларни алоҳида йиғиш йўлга қўйилган, натижада қоғоз, пластик, алюминий каби хомашёнинг катта қисми қайта ишлашга юборилади. Чиқиндиларни қайта ишлаш энергия ва хомашёни сезиларли даражада тежайди.

Ушбу кўрсаткич бўйича Японияда резина ва кабель буюмларининг 34 фоизи, шиша буюмларнинг 43 фоизи, қоғоз ва картоннинг 54 фоизи чиқиндини қайта ишлаш эвазига олинаркан. Бу борада Хитой тажрибаси янада юқори бўлиб, алюминий, темир, мис каби металлардан ясалган буюмларнинг 33 фоизини, жун, ипак, чарм-атторлик буюмларининг 34 фоизини турли чиқиндиларни қайта ишлаш натижасидан олинади.

Бугунги кунда мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини ҳимоялаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлашга йўналтирилган изчил экологик сиёсат юритилмоқда. Ишлаб чиқариш соҳаларини замонавий технологиялар билан жиҳозлаш ва қайта жиҳозлаш натижасида атмосферага чиқарилаётган зарарли моддаларнинг миқдори 2,1 мартага, оқава сувларнинг ташланиши 2 мартага камайди.

Шу билан бир қаторда чиқиндиларнинг кўпчилик турлари, шу жумладан, қаттиқ маиший чиқиндилар, ўзининг сифати ва таркибига кўра қимматли техник хомашё ҳисобланади. Чиқиндилар таркибида, масалан, макулатура (оғирлиги бўйича 40% гача), озиқ– овқат чиқиндилари (24–40%), тўқимачилик чиқиндилари (4–5 %), қора ва рангли метталлар (2–5%), ойна (4%), ёғоч (3%), полимер материаллар (1–2%) бор. Бу чиқиндиларни қайта ишлаш хар йили кўп миқдорда иккиламчи ресурсларни (қора ва рангли металлар, органик ўғит компостлари ва бошқалар) ишлаб чиқаришга имкон беради. Лекин бу муаммо ечимини топиш катта қийинчиликларни бартараф этишни, биринчи навбатда қаттиқ чиқиндиларни тўплаш ва қайта ишлаш, чиқитга чиқариш полигонлари, корхоналарини лойиҳалаштириш, қуриш, ишга тушириш учун катта инвестиция талаб қилади.

Шу боисдан, чиқиндиларни қайта ишлайдиган ва чиқитга кам чиқарадиган корхона- ларни кўплаб қуриш, мавжудларининг фаолиятини модернизация қилиш ва ушбу ривожлан- тириш дастурини ҳудудий амалга ошириш ҳамда шу билан биргаликда қаътий экологик тежамкорликни таъминлаш зарур. Биринчи навбатдаги тадбирлар қаторига чиқиндиларни қайта ишловчи, зарарсизлантирувчи корхоналарнинг хизматларига реал тўловни амалга ошириш, чиқиндиларни тўплаш, тайёрлаш, олиб ташлаш, ташиш, қайта ишлаш билан шуғуланадиган ишчи-ходимларини кўпроқ рағбатлантириш лозим.

«Ўзбекистонда барқарор тоза ишлаб чиқариш Дастурини ишлаб чиқиш ва тоза ишлаб чиқаришни тадбиқ этиш» ҳамда «Ўзбекистон Республикасида чиқиндиларни бошқариш бўйича Миллий стратегия ва Ҳаракат режаси» амалга оширилди. БМТнинг Тараққиёт Дастури ҳамкорлигида чиқиндиларни бошқариш соҳасидаги давлат сиёсатини ва ҳаракатлар самарадорлигини оширишга қаратилган «Ўзбекистон Республикасида чиқиндиларни бошқариш бўйича Миллий стратегия ва Ҳаракатлар режаси» ишлаб чиқилди.

Мазкур ҳужжат чиқиндилар бўйича муаммоларни ҳал этишда амалга ошириладиган ишларнинг стратегик йўналиши ва мувофиқлаштиришнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Бу жараёнда асосий эътибор аввало, чиқиндиларни бошқариш соҳасидаги давлат сиёсатини ва ҳаракатлар самарадорлигини оширишга ва уларни қисқартиришга, имкон даражасида улардан қайта фойдаланиш ҳамда иккиламчи қайта ишлашга қаратилган.

Кўрилаётган чора-тадбирлар чиқиндилар билан бирга, қимматли модда ва материалларнинг йўқ бўлиб кетишига йўл қўймаслик, атроф-муҳитнинг токсик саноат ва тиббиёт чиқиндилари билан ифлосланишининг олдини олиш, қаттиқ маиший чиқиндиларнинг йиғилиши, зарарсизлантириш муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган.

Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш ҳамда чиқиндиларга оид экологик сиёсат юритиш мақсадида 2002 йилда «Чиқиндилар тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган. Қонуннинг асосий вазифаси чиқинди- ларнинг фуқаролар ҳаётига ва соғлиғига, атроф-муҳитга зарарли таъсирининг олдини олиш ҳамда чиқиндилар ҳосил бўлишини камайтиришдан иборатдир.

Ҳозирда мазкур қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш ишлари олиб борилмоқда. Бир сўз билан айтганда, «Чиқиндилар тўғрисида»ги Қонунга ҳаётнинг ўзи тақозо қилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг киритилиши мамлакатимизда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза

қилиш ишлари такомиллашишига, чиқиндилар қайта ишланиши ривожланишига, энг муҳими, экологик маданият, иқтисодиёт юксалишига хизмат қилади.

Шунингдек,***ПрезидентимизШ.М.Мирзиёевнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Сурхондарё, Бухоро*** вилоятларидаги учрашувларида ҳам соҳадаги ишларни жадаллаштириш борасида кўрсатмалар берди. Президентимизнинг «2017-2021 йилларда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори чиқиндиларни бошқаришнинг янгича механизмини жорий этиш борасидаги ишларни янги босқичга олиб чиқади.

2017-2018 йилларда қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлайдиган технологиялар- ни жорий этиш прогноз кўрсаткичлари, жумладан, келгуси икки йилда Нукус шаҳри ва барча вилоятлар марказларида чиқиндиларни қайта ишлаш корхоналарини қуриш кўзда тутилиб, мазкур лойиҳаларга 27 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ йўналтирилади[2].

Ушбу комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш орқали аҳолининг кенг қатламлари учун янада қулай ижтимоий шароитлар яратилади. Бу борадаги ишларни мувофиқлаштириш ва мазкур дастурлар амалга оширилишини назорат қилиш, муаммоли масалаларни ҳал этиш бўйича тезкор чора-тадбирлар кўриш мақсадида Республика комиссияси ташкил этилди. 2017-2021 йилларга мўлжалланган дастурни молиялаштириш учун 1 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилади.

Мазкур қарорнинг амалга оширилиши туфайли қуйидаги муҳим натижаларга эришилади [3]: **Биринчидан**, аҳолига қаттиқ маиший чиқиндиларни ташиб кетиш ва полигонларда утилизация қилиш хизматлари кўрсатиш бўйича яхлит тизим ташкил этиш ишлари ниҳоясига етказилади.

**Иккинчидан**, санитария жиҳатидан тозалаш ишларига ихтисослаштирилган ташкилотлар ва Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги "Тоза ҳудуд" давлат унитар корхоналари филиаллари махсус техникалар ҳамда қаттиқ маиший чиқиндилар учун электромеханик элак қурилмалар билан тўлиқ таъминланади.

**Учинчидан**, қаттиқ маиший чиқиндиларни органик ўғитларга айлантириш учун бирламчи қайта ишлашни ташкил этиш, шунингдек, қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича замонавий технологияларни жорий этишга эришилади.

**Тўртинчидан**, аҳолини қаттиқ маиший чиқиндиларни ташиб кетиш хизматлари билан қамраб олиш даражаси 2021 йилгача Республика бўйича 63 фоиздан 93 фоизга ўсади.

Мухтасар айтганда, "2017-2021 йилларда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорнинг қабул қилиниши юртимизда экология ва санитария муҳитини янада яхшилаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, шаҳар ва қишлоқларимизнинг янада обод ва кўркам қиёфа касб этиши йўлидаги улкан амалий қадамдир.

**1. Чиқиндиларни йиғиш ва етказиб бериш механизмини такомиллаштириш.** Бунда:

- “Тоза ҳудуд” объектларининг иш тартиби, ходимларнинг масъулияти ва уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш;
- ҳар бир чиқинди йиғиш масканларида чиқинди турлари бўйича чиқинди яшик ва қурилмаларини жорий қилиш, аҳолининг экологик маданиятини ошириш керак;
- юқорида таъкидлаб ўтилган Швеция ва Голландиянинг илғор тажрибасидан мувофиқ ўтган чиқиндиларни йиғиш ва уни саралаш тизимини, яъни чиқиндиларнинг тури бўйича махсус қопларга солиб топширишда фаол иштирок этган фуқароларга бонуслар, коммунал хизматларнинг баъзи бир тўловларидан озод қилиш механизмини жорий қилиш керак;
- чиқиндиларни йиғувчи ва ишлаб чиқаришга етказиб берувчи автомобиль транспорт воситаларининг техник таъминотини яхшилаш.

**2. Чиқиндиларни саралаш ва уларни иккиламчи ресурс сифатида оқилона фойдаланиш.** Чиқиндиларни тури бўйича саралаш, асосий қисмини ишлаб чиқариш хомашёсига айлантириш, чиқиндиларни ҳеч қандай ишлатиб бўлмайдиган қисмини зарарсизлантирилиб экологик ва иқтисодий самарадорликка эришиш.

**3. Чиқиндиларни қайта ишловчи корхоналарни ташкил қилиш ва уларни ҳудудий фаолиятини кенгайтириш.** Республикамизда йирик чиқиндиларни қайта ишловчи корхоналар сонини кўпайтириш натижасида қайта ишлаш кўрсаткичини 14%дан ҳеч бўлмаганда сўнги 5 йилда 50%га етказишга эришилади. Шунда ҳар бир ҳудудда экологик хавфсизлик ва ресурслардан оқилона фойдаланиш дастури истиқболда муваффақиятли хизмат қилган бўлади.

**4. Чиқиндиларни зарарсизлантириш ва уни қайта ишлаш бўйича илмий тадқиқот институтларини ташкил қилиш.** Бугунги кунда ривожланган мамлакатларнинг ҳар бирида экологик тадқиқотлардан ташқари чиқиндилар билан боғлиқ илмий тадқиқот институтлари мавжуд. Шунинг учун Республикамизда ҳам чиқиндилар билан боғлиқ илмий тадқиқот институтларини ташкил қилиш керак. Бунда ушбу илмий тадқиқот институтлари чиқиндилар билан боғлиқ муаммоларни бартараф қилиш бораси-

да илмий изланишлар олиб бориб, тадқиқот натижалари бўйича чора тадбирлар ишлаб чиқиш вазифасини бажаради.

**5. Ушбу соҳа бўйича кадрларни тайёрлаш.** Япония ва Жанубий Корея мамлакатлари- да алоҳида саноат чиқиндилари ва иккиламчи ресурсларини зарарсизлантирувчи ҳамда уларни қайта ишлаш бўйича мутахассислар тайёрланади. Республикамизда эса ушбу тадқиқотлар бўйича экология соҳаси мутахассислари шуғулланади. Аммо, экологлар чиқиндиларни қайта ишлашда унинг иқтисодий ва техник-технологик жиҳатларига алоҳида эътибор бермайдилар. Шунинг учун Республикамиз бўйича 14% гина чиқиндилар қайта ишлашга жалб қилиниб, қолгани кўмиб юборилялти. Масалан, полиэтилен пакетлари 100 йилда, елим баклашкалар эса 450 йилда чириб кетар экан. Бунда иқтисодчи ва технологлар барча турдаги чиқиндиларни қайта ишлаш ва бизнесга айлантириш масалаларини амалга оширади. Шу боисдан соха бўйича алоҳида иқтисодчи ва технолог кадрларни тайёрлаш зарур.

Мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини ҳимоя-лаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш ҳамда чиндиларни бошқариш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишда, авваломбор, чиқиндилар билан боғлиқ муаммоларни ҳал этувчи илмий услубий механизмни ишлаб чиқиш ва узлуксиз илмий изланишларни олиб бориш керак, шунингдек, соҳа бўйича кадрлар тайёрланиши ва илмий тадқиқот институтларининг ташкил қилиниши миллий иқтисодиётимизни янада ривожланишига хизмат қилади.

*Манба ва адабиётлар:*


*1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017—2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракат стратегияси тўғрисида» ги ПФ-1446-сонли фармони*

*2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги "2017-2021 йилларда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ 2916-сонли қарорига шарҳ "Халқ сўзи" газетаси 2017 йил 22 апрель*

*3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги "2017-2021 йилларда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ 2916-сонли қарори*

*4. Ўзбекистон Репубикасининг "Чиқиндилар тўғрисида"қонуни, 2-моддаси;2002 й.*

*5. Ирсалиева А. Ж. Состояние, утилизация и использование твердых бытовых отходов(ТБО) г.Бишкек. Дисс. канд.геог. наук. Бишкек – 2016, –141 с.*

*6. Ахметова Г.З.История развития проблемы ТБО//Актуальные методологические и теоретичес- кие проблемы в российской науке:сб.науч.тр.-Омск:Изд-во Омского экон.ин-та, 2010.- С.218-225.*

*7. Белобровский, В.В.Экологические аспекты Швейцарии.-Калуга:Полиграф-Информ,2009. 18с.*

*8. Бузаева, А. Е. Организационно-экономический механизм управления обращением с твердыми бытовыми отходами в Калининградской области: автореф. дис. На соиск. учен. степ. док. экон. наук - Калининград : Аксиос, 2012. - 87 с.*

*9. Букринская, Э. М. Формирование логистической системы обращения и рециклинга твердых бытовых отходов в мегаполисе: автореф. дис. На соиск. учен. степ. канд. экон. наук.-СПб., 2013.-17 с.*

*10. Бобович, Б. Б. Переработка промышленных отходов : учебник для вузов / Б. Б. Бобович. – Москва : «СП Интермет Инжиниринг»,1999. – 445 с.*

*11. Ветрова, Т. П. Эффективность утилизации твердых бытовых отходов: автореф. дис. на соиск. учен. степ. канд. экон. наук. -М., 2000.– 22 с.*

*12. Голубин, А. К. Система обращения с отходами в Российской Федерации: (резервы повышения эффективности).-М.:информ.-внедренч. Центр "Маркетинг", 2015. - 155 с.*

*13. Гринин, А. С. Промышленные и бытовые отходы: хранение, утилизация, переработка / А. С. Гринин,– Москва :Фаир-пресс, 2002. – 336 с.*

*14. Дуденков, С. В. Повышение эффективности заготовки, обработки, переработки и использования вторичных полимерных материалов.Обзорная информация/–Москва,1979.–Вып.9.–52с*

15. Журкович, В. В. Отходы : науч. и учеб.-метод. справ. пособие. - СПб., 2011. - 580 с
16. Иванов, А. В. Теория и методология формирования системы управления инфраструктурными комплексами (на примере системы управления твердыми бытовыми отходами):автореф. дис. на соиск. Уч ен. степ. д-ра экон. наук. - СПб., 2010. - 30 с.
17. Колесников, А. В. Совершенствование региональной системы управления твердыми бытовыми отходами (на материалах Ставропольского края) : автореф. дис. на соиск. учен. степ. канд. экон. наук. - Ставрополь, 2008. - 22 с
18. Кравченко, Д. Б. Экономико-экологическое управление системой утилизации твердых бытовых отходов:автореф. дис. на соиск. учен. степ. канд. экон. наук.-СПб., 2015. - 15 с.
19. Куркин, П. Ю. Организация переработки и использования твердых бытовых отходов - опыт США и проблемы России: автореф. дис. на соиск. Уч ен. степ. канд. экон. наук. - М., 2010. - 28 с.
20. Клинков А. С., Беляев П. С.,Утилизация и вторичная переработка тары и упаковки из полимерных материалов:учебное пособие/.–Тамбов:Изд-во ГОУ ВПО«ТГТУ»,2010.–100 с.
21. Львова, А. С. Управление качеством инновационных проектов по промышленной переработке твердых бытовых отходов:автореф. дис. на соиск. уч степ. канд. экон.наук.-М.,2009.-26 с.
22. Любарская, М. А. Стратегическое управление процессом обращения твердых отходов в регионе : монография. - СПб. : СПбГИЭУ, 2004. - 181 с.
23. Ларионов, Г. Утилизация ТБО – одна из приоритетных экономических задач современности / Г. Ларионов // РИСК: ресурсы, информация, снабжение, конкуренция. – 2009. – № 4. – С. 207–208.
24. Лобачев Г. К., Желтобрюхов В. Ф., Вторичные ресурсы: проблемы, перспективы, технология, экономика: учебное пособие. – Волгоград, 1999. – 180 с.
25. Мюррей, Р. Цель – Zero Waste / Р. Мюррей ; пер. с англ.В. О. Горницкого. – Москва : ОМННО «Совет Гринпис», 2004. – 232 с.
26. Шубов, Л. Я. Технология твёрдых бытовых отходов:учебник/ Л. Я. Шубов, М. Е. Ставровский, А. В. Олейник;под ред. Л. Я. Шубова. – Москва : Альфа-М: ИН-ФА-М, 2011. – 400 с
27. Berg, Per EO. Kallsortering: teori, metod och implementering.-Goteborg,2003.-1vol.(var. pag.) :Ill.-(Doktorsavhandlingar vid Chalmers tekniska hogskola,N.s.;№ 928).Перевод заглавия:Технология сортировки бытового мусора в Швеции. Теория, метод и реализация. W3339/928 кх3.

**INCREASING THE COMPETITIVENESS OF AGRI-FOOD INDUSTRY THROUGH EXAMINATION OF INFLUENCING FACTORS AND POLICIES (IN CASE OF UZBEKISTAN AGRO-BUSINESS)**

**Karimova Khulkar**

Masters of University of World Economy and Diplomacy

***Annotatsiya***. Ushbu maqolada O'zbekiston qishloq xo'jalik sektori so'nggi 20 yil mobaynida qishloq xo'jaligidagi dinamik o'zgarishlarini, jumladan, iqtisodiyotdagi tarkibiy o'rganishlar, xo'jalikning eksport indeksi, YaIM o'sishi, ish bilan bandlik, to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar va boshqalar orqali tahlil qilinadi. Qishloq xo'jaligi raqobatbardoshligini oshirish, ayniqsa, O'zbekiston sharoitida, iqtisodiy rivojlanish uchun muhim ahamiyatga ega.

***Tayanch tushunchalar***: Agro-oziq-ovqatsanoati, qishloq xo'jaligi, raqobatbardoshlik, savdoni yengillashtirish, yalpi ichki mahsulotning o'sishi, to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar

***Abstract***. In this paper agricultural sector is analyzed through examining the structure of the economy of Uzbekistan by studying the dynamic changes in agricultural development in Uzbekistan for the last 20 years, including export index of agriculture, influencing factors like GDP growth, employment, FDI and etc. It is argued that an increase in the competitiveness of agricultural productivity is central to the economic development, especially for Uzbekistan.

***Key words:*** Agro-food industry, agriculture, competitiveness, trade facilitation, GDP growth, FDI

Today agro-food industry is the backbone of the most country's economic potential. Only competitive industry is able to provide economic value to the economy as a whole. To create competitive industry, it is necessary not to just modernize production and management, but also to know exactly what it is, what objective should be achieved. In this regard, the analysis becomes particularly relevant issue associated with the development of competitiveness of the national industry. Therefore, to establish and improve the mechanism of the competitiveness of industry, in the case of food industry is a prerequisite ensure and / or strengthen the competitive advantages of industry and the national economy as a whole.

The problem of industrial competitiveness is very important, because the further economic development of the country directly relates to the formation of an effective mechanism for enhancing the competitiveness of food producing enterprises and so further expands its targeted markets.

If we take into consideration GDP of Uzbekistan, currently, the agriculture sector has dominated with the capacity of real production. However, in the last years there was a considerable decline in the share of agricultural sector from 37% to 18% after the implementation of structural reforms during the period of 1991 and 2014. This boosted sector service (an increase from 26% to 47%), with industry fluctuating at about 33% (Figure-1).

**Figure-1. Share of sectors in GDP of Uzbekistan**




*Source: World Economic Indicators 2015*

Despite the fact that agriculture provides 90 percent of domestic demandfor agricultural products and 70 percent of domestic trade, Uzbekistan is a net food importer, except in fruit andvegetables products. Domestic agriculture and food processing cannot satisfy demand for a range of commodities such as vegetable oil, flour, poultry products and high-value grocery products. The country needs to import one-third of food wheat consumption despite larger domestic production. Prices of staples like wheat flour and bread are stable, reflecting the Government's price regulation system [1.pp.77].

**Literature review.** In the most influential theory of national competitive advantage, Porter (1998), claims that there are four broad features of the business environment, leading to competitive advantage: factor conditions, demand conditions, related and supporting industries and firm strategy, structure and rivalry. Porter faced the most fundamental challenge from Krugman (1994, p. 44) who argues that 'competitiveness is a meaningless word applied to national economies' so that 'the obsession with competitiveness is both wrong and dangerous'. Despite a vast literature on the subject, no universally accepted definition exists in economic theory. This is particularly the case when it comes to define the concept at the macro-economic level (e.g. national competitiveness) or the regional level. In contrast, Domazet[9, pp. 294-295] considers that from a micro-economic perspective, at the firm level, the concept is more straightforward, with competitiveness defined as "the ability of firms to consistently and profitably produce products that meet the requirements of an open market in terms of price, quality".Firms can achieve sustainable competitive advantage (above-average profits in the long run) if they positioned themselves within an attractive industry and a market (Schiefer et al., 2013; Jo H. M. Wijnands et al., 2008). Ronan, Sinnadurai, and Taylor (2005) point out that collective competitiveness (national, industry and firm) should influence (positively) standards of living.

**Method and Results.** To reach the sensitivity of food industry competitiveness to other economic indicators, conditions and policies, the econometric model has been run using Balassa index which represents to condition of analysis in accordance with export volume.

Econometric analysis is based on time-series data, the model (OLS) is formed with regression analysis by adding controlling determinants. The initial econometric equation as follows:

$$y_i = a_1 + b * x_1 + y_1$$

***Specifically, the assumption is the dependent variable y can be calculated as a linear function of a specific set of independent variables plus an error term.**

Looking at the regression estimators, one percentage change in Foreign Direct Investment results to 0.13 percentage increases in Export Volume Index, with five percent confidence level. This is both economically and statistically reasonable. Further, we added other controlling determinants - Change in Trade and GDP growth, in this case, the effect of FDI became statistically biased, whereas one percent change in GDP growth and Trade lead to 0.106 increase and 0.527 percent decrease in Export Volume Index respectively holding other variables constant. While considering foreign direct investment net inflow, GDP annualgrowth, change in trade, inflation GDP annualdeflator, rural annualpopulation growth, change in labor force, population annualgrowth, change in unemployment and annual agriculture value added growth parallel, they have no effect on Export Volume Index, however these all indicators are high economically significant. This has been caused because of short time of controlling period. Additionally, foreign direct investment net inflow, change in trade, and inflation GDP annualdeflator effect on Export Volume Index as follows, 0.0998, - 0.423 and 0.0129 percentageschange correspondingly.

Due to incomplete data no final results can be proposed hence the model has its limitations. There are also other effecting determinants with are highly correlated with change in Export Volume Index of Food industry. Furthermore, determinants like favorable condition to make business, related legislation, innovative business doing opportunities, support by the government are the main factors which lead to the increase in competitiveness of the whole food industry.

**Conclusion.** After analyzing the industry, it can be concluded that there are a number of barriers for implementation of national and international advances in agriculture and food industry. Thus economic efficiency and increased competitiveness of agricultural production depend on many factors, in particular the access to new technologies and equipment of agricultural production, support to farm investment, training, knowledge, skills, openness to trade and capital flows, improving the functioning of financial markets, ICT to transportation facilities, tax policy and etc. To be more specific, implementing new technologies allows innovation in production methods, marketing and organization. Simultaneously, innovation can be influenced by trade and investment openness throughout the agricultural product supply chain. Furthermore, tax policy also impacts on innovation, productivity and

sustainability in a number of ways: it influences on the decision making process of firms and households' decisions on saving or investing in physical and human capital, and thus the implementation of innovation; it increases government revenues, with financing public services, including education and skills, R&D, and strategic infrastructure; it can provide direct incentives.

Further integration of Uzbekistan into the world economy is tightly related to the enhancement of economic reforms and structural transformation of the national economy. Emergence and development of private sector as well as development of market infrastructure are the most important prerequisites for establishment of effective market mechanism, i.e. emergence of truly competitive environment. Hence naturally the development of Uzbek exports, particularly of processed products, can and must become an important element of structural transformation and technological modernization of national economy and its competitiveness.

In accordance with econometric analysis and model, overall, the whole economic condition, business environment and limitation associated with agricultural issues influence on the degree of elasticity of determinants. Based on the results, the most influencing factors are available opportunities in the sphere of doing business, financial, trade, and economic freedom. Although, the impact of factors like GDP growth, unemployment rate, FDI and other two supplementary industries (food and non-food production volume) have impacted significantly, financial, fiscal, trade environment have noticeably effect determining competitiveness. Taking the whole industry, the improvement structure of rural development policies should be implemented.

**References:**


1. *Agribusiness and Enterprise Development Officer, FAO Regional Office for Europe and Central Asia (2012), StjepanTanic*
2. *Agriculture and economic development in Uzbekistan (2015), NumonjonMalikov at all.*
3. *FAOstat. (2016). Agricultural statistics. [Online]. Available from: <http://www.ite-uzbekistan.uz/vis/worldfood/eng/index.php> . [Accessed 8 September 2016].*
4. *Development of agriculture in Uzbekistan during the years of Independence. [Online]. Available from: <https://www.un.int/uzbekistan/news/development-agriculture-uzbekistan-during-years-independence> .[Accessed 8 September 2016].*
5. *Latruffe, L. 2010. Competitiveness, Productivity and Efficiency in the Agricultural and Agri-Food Sectors", OECD Food, Agriculture and Fisheries Working Papers No. 30. Paris: OECD Publishing.*
6. *Porter, M. E. 1980a. Competitive Strategy: techniques for analysing industrial and competitors New York, The Free Press.*
7. *Tomasz S., and Aldona Z., (2016). Competitiveness in the economic concepts, theories and empirical research.[Online]. Available from: < http://yadda.icm.edu.pl/yadda/element/bwmeta1.element.agro-b3b94eea-5c1c-4805-9a76-c82799727548/c/91-108.pdf> [Accessed 12 January 2017].*
8. *UNDP.(2016). Facilitating exports of Uzbekistan: creation of favorable environment and effective institutions. [Online]. Available from: <http://www.undp.org/content/dam/uzbekistan/docs/Publications/economicgovernance/Facilitating_exports_of_Uzbekistan/un-uzb_Export_Report_Eng.pdf> [Accessed 20 January 2017].*

# ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАЪЛИМ

Босишга рухсат этилди 29.08.2017 й.
Бичими 60x90 1/8.
Шартли босма табоғи 12,75
Адади 100 нусха

«IMPRESS MEDIA» МЧЖ босмахонасида офсет қоғози ва усулида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Қушбеги, 6

**Таҳририят манзили:**
100003, Тошкент ш., Ислом Каримов кўчаси 49,
Телефонлар (99871)239-29-65, 239-28-97